


Ш. Искандарова  
Ш. Наралиева  
Ш. Ганиева

# УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЛМ-ФАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖУМАБЕК ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ

Ш.Искандарова, Ш.Наралиева, Ш.Ганиева

# УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК

- 74469 -

ЧИМКЕНТ 2023  
"Ж. А. ТЭШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ"  
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ  
КІТАПХАНА

УДК1621.311.24.  
КНҚ:32.99-4  
И 91

Матқур дурслиқда тилшунослик назарияси бўйича қўлга киритилган оуности ютуқларга таянилди. Унда антиқ давр тилшунослиги, қиёсий-тарихий тилшунослиқнинг вужудга келиши ва ривожланиши, тилшунослик методлари, тилнинг ички тузилиши ва тузилиш бирликлари ўртасидаги муносибит, тил сатҳлари билан боғлиқ масалалар қамраб олинган. Китоб филология факультети талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан шу сохада ишлиниши олиб бораётган ёш тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Бул оқулық тил билими теориясының соңғы жетістіктеріне сүйенеді. Онда ежелгі тил билиміне катысты мәселелер, салыстырмалы-тарихи тил билимінің пайда болуы мен дамуы, лингвистикалық әдістер, тилдің ішкі құрылымы мен құрылымдық бірліктердің арақатынасы, тил деңгейлері қамтылған. Кітап филология факультетінің студенттеріне арналған және оны оқы салда зерртеу жүргізіп жатқан жас зерртеушілер пайдалана алады.

#### Тақризчилар:

**Х.Ш.Усмонова**, филология фанлари доктори, профессор  
**Н.Алметов**, педагогика фанлари доктори, профессор  
**Г.Н.Давлятова**, педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Ж.Н.Ботабаева**, филология фанлари номзоди, доцент

Матқур ўқув қўлланма Жумабек Ташенев номли университет Илмий қонғишисининг 2023 йил 09 июндагы 15-сонли қарори билан нашірға тавсия этилган.

ISBN:978-9910-732-10-2

© Жумабек Ташенев номли университет, 2023.

© "Classic"-2023.

## КИРИШ

Ҳозирда умумтаълим мактабларидан олий таълимгача ўнгитилётган фанларни сифат жиҳатидан янги боскичга кўтариш, янги, олий таълим боскичида фаннинг мазмунини жаҳон илминининг оўнгити ютуқлари билан бойитиш долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Тилшунослик фан сифатида шакллангандан бошлаб то ҳозирги кунимизгача доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб борди. Бу даврда турли тадқиқот йўналишлари, бу йўналишларга дахлдор тушунча ва атамалар системаси майдонга келди. Мазкур йўналишлар тилшуносликни янги ғоялар, тадқиқот методлари билан бойитиб, унинг ривожига катта таъсир қилди. Тилшунослик тарихидаги ҳар бир йўналиш муайян ижтимоий шарт-шароит таълиби билан пайдо бўлган. Шу сабабли ҳар қандай лингвистик йўналиш ина шундай тарихий шарт-шароит контекстидан келиб чиқиб баҳолашмоғи адолатдан бўлади.

Жамият тараққиёти оддийдан мураккабга қараб доимий равишда ўсиб, ўзгариб боргани каби, ҳар қандай фан тарихи муайян боскичлардан иборат бўлиб, янги боскич аввалгисининг бағрида унинг вориси сифатида дунёга келади. Аввалги боскич йўл қўйган камчиликларга танқидий баҳо берган ҳолда, уларни бартараф этишга ёрдам берадиган тадқиқот методологияси ва методларини қидиради.

Китоб тилшуносликдаги илмий қарашлар, тилнинг табиати билан боғлиқ турлича талқинларни ўз ичига олади.

## ЎЗБЕК ТИЛ ИЛМИ ТАРИХИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

### Фонетика ва фонология

Ўзбек тили фонетикаси амалий эҳтиёжларни кондириш, ўзбек тилининг товуш тизимига мос ҳарфларни белгилаш заруратидан келиб чиққан ҳолда шаклланди ва ривожланди.

Туркий тиллар товуш тизимининг бошқа тиллардан, хусусан, араб тилидан фарқ қилиши Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий томонидан баён қилинганди. Алишер Навоий турк (ўзбек) тилининг ўзига хос унлилар тизими ҳақида ҳам фикр юритганди. Лекин тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатидаги фонетиканинг шаклланиши XX аср бошларига тўғри келади.

Хусусан, 1922 йили бўлиб ўтган тил-имло қурултойида Абдурауф Фитрат ўз маърузасида ўзбек тилининг ўзига хос олти унлилар ва 23 та ундошлар тизими мавжудлигини, ёзувдаги ҳарфлар ҳам худди шу фонемаларни ифодалайдиган бўлмоғи лозимлигини баён қилди.

Шунингдек, Е.Д.Поливанов ҳам «Маориф ва ўқитувчи» («Наука и просвещение») журналининг 1922 йил 1-сонида эълон қилинган «Тошкент диалекти товуш таркиби» («Звуковой состав Ташкенцкого диалекта») мақоласида Тошкент диалектида олти унли ва йигирма иккита ундош фонема мавжудлигини баён қилади. Қадимги турк ва эски ўзбек тилида қатор белгиси асосида зидланган у-ў, о-ӯ унлиларининг кейинчалик бир қатор шаҳар шеваларида зидланиш белгисининг йўқотгани, бу эса сингармонизмнинг йўқолишига олиб келганини таъкидлайди.

40-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги ўзбек адабий тилининг изчил курсини яратишга ҳаракат бошланди. Муаллифлар гуруҳи белгиланиб, тадқиқот натижалари алоҳида-алоҳида рисоалар сифатида эълон қилина бошланди. Унда ўзбек тилшунослик тарихида илк марта ўзбек тили фонетикаси ўзбек тилшунослигининг таркибий бир қисми сифатида изчил баён қилинди.

1947 йили А.Ф.Гуломовнинг «Ўзбек тилида урғу» рисоласининг нашр этилиши билан ўзбек тили устсегмент бирликларининг ўрганилиш тарихи бошланди. Унда урғунинг сўз ва мантик урғуларига бўлиниши, сўз урғусининг ўзбек тилидаги вазифалари (кульминатив, делимитатив ва делитатив) батафсил изоҳлаб

Берилди. Бу берилган изоҳлар А.Ф.Фуломнинг ўта кузатувчанлик қобилияти билан жаҳон илмий меросидан чуқур баҳраманд бўлган улкан илмий салоҳиятнинг уйғунлашуви натижаси эди.

1953 йили В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновнинг «Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар» рисоласи босилди. Ўзбек тилшунослигида *фонема* атамаси илмий истифодага олиб кирилди ва унинг моҳияти тушунтирилди. Унли фонемаларнинг учта дифференциал белгиси: а) тилнинг горизонтал ҳаракати; б) тилнинг вертикал ҳаракати; в) лабнинг иштироки мавжуд экани баён қилинди ва мавжуд олтига унли фонема ўша белгиларнинг мажмуаси сифатида изоҳланди.

Ундош фонемалар ҳам учта белги асосида: а) пайдо бўлиш ўрни; б) пайдо бўлиш усули; в) товуш пайчаларининг иштироки белгилари асосида тавсифланди. Бу қисм ўзбек тилининг фонетикаси ҳақида мухтасар маълумот берувчи илк асар сифатида аҳмиётга моликдир.

Шунингдек, А.Фуломовнинг «Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиши. От» (М., 1955) номли докторлик диссертациясида ҳам морфемалар оралиғида рўй берадиган турли фонетик ўзгаришлар ҳақида сўз ясалишига боғлиқ равишда маълумот берилди.

Лекин ҳали ўзбек тили фонетикасини чуқур ўрганишга бағишланган монграфик тадқиқотлар йўқ эди. Ниҳоят, 1959 йили Н.В.Решетовнинг «Ўзбек тили. 1-қисм. Кириш. Фонетика» асари мийдонга келди. Бу китоб ўзбек адабий тили ва халқ шевалари фонологик тизимини ҳамда унинг нутқий жараёнда турлича вариантлар орқали намоён бўлишини тадқиқ этган монументал асардир. Унда маълум бир тил (ёки тилларнинг) фонетик тизимини қайси нуктаи назардан ўрганишга кўра фонетиканинг турлари, нутқнинг фонетик бўлиниши, товушнинг акустик хоссаси ва физиологик белгиси, нутқ аппарати, товуш ва фонема ўртасидаги муносабат ҳақида батафсил маълумот берилди.

А.М.Шчербак томонидан нашр этилган «Туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси» (Л., 1970) китобида туркий тиллар фонологик тизими фонологик оппозициялар асосида ўрганилди. Ўзбек тилининг фонологик оппозициялари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу билан ўзбек тили фонологиясининг шаклланиши учун замин яратди.

1974 йили А.А.Абдуазизов томонидан инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида «Фонологик системалар типологияси»

мавузидаги докторлик диссертациясининг дунёга келиши ўзбек тили фонологиясининг шаклланиши ва ривож учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек тилшунослигида фонологик оппозициялар ҳақида илк маълумот берилди ва ўзбек тили фонемаларининг оппозициялари атрофлича ўрганилди. Диссертация материаллари бу муаллифнинг Н.А.Баскаков, А.Содиқов билан ҳамкорликда ёзган «Умумий тилшунослик» китобига киритилди.

60-70-йиллардан бошлаб ўзбек тили фонетикасини экспериментал асбоблар ёрдамида ўрганиш бошланди. Натижада ўзбек тилининг экспериментал фонетикаси шаклланди. Ўзбек тили экспериментал фонетикасининг шаклланишида А.Маҳмудов, С.Отамирзаеванинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. А.Маҳмудов ўзбек тилида урғу, унлилар, сонантлар, ундошлар, нутқ интонациясини; С.Отамирзаева эса Наманган шеvasи фонетикасини, ўзбек тили унлиларини физик асбоблар ёрдамида тадқиқ этди<sup>1</sup>. Натижада ўзбек тилининг экспериментал фонетикаси вужудга келди ва эшитиш йўли билан чиқарилган фонетик хулосаларга аниқликлар киритилди.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида А.Нурмоновнинг «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» ҳамда А.А.Абдуазизовнинг худди шу номда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган асарларининг майдонга келиши ўзбек тили фонологияси ва морфонологиясининг таълим жараёнига таъбиқ этилишида катта воқеа бўлди. Мазкур асарларда ўзбек тилшунослиги тарихида илк бор морфонология мақоми белгиланди ва уни ўрганиш объекти аниқланди. Бундан ташқари, муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган «Туркий тиллар қиёсий грамматикаси. Фонетика» китобида ўзбек тили фонетикаси буйича қимматли материаллар берилди.

Проф. М.Миртожиев томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Фонетика» (Тошкент, 1999) китобида шу кунгача нутқ аппарати ҳақидаги мавжуд бўлган тушунчаларга бир қатор ойдинликлар киритилди.

Шундай қилиб, кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида фонетик сатҳни икки асосда ўрганиш анъанага айланди; 1)

<sup>1</sup> Маммудия К. Интонацион метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 6-сон; Ўша муаллиф. Ўзбек тили аффрикатлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. 5-сон; Ўша муаллиф. Ўзбек тилида жарангли партициплар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. 4-сон; Атамирзаева С.А., Аъзамов С.С. Акустико-артикуляционий анализ ўзбекской речи применительно к речевой асимметрии. – Ташкент: Фан, 1972 ва б.ш. ва б.ш.

таъсифий асосда — фонетика; 2) системавий асосда — фонология. Ҳар икки жиҳат бир-биридан озикланиб, тобора ривожланиб бормоқда.

### Ўзбек тили морфемикаси

Ўзбек илмий тилшунослиги шакллангандан буён сўз таркиби маънасиғи алоҳида аҳамият бериб келинади. Сўз таркиби унга боғлиқ атамалар тизимининг шаклланишида проф. А.Ғуломовнинг кизматлари катта бўлди.

Бу муаммо аслида сўз ясалиши билан узвий боғлиқ равишда кўтирилди. Сўз ясалиш жараёнида маълум ясовчи воситаларнинг (амикроги, қўшимчаларнинг) муайян асосга қўшиливи ва бу кимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш жараёнида сўзни маъноли кимларга ажратишга тўғри келди. Шунингдек, сўзнинг морфологик таркибини белгилашда ҳам унинг энг кичик маъноли кимларнинг ажратишга эҳтиёж туғилди.

Шундай қилиб, сўз ясалиши ва сўзнинг морфологик таркибини ўрганиш билан узвий боғлиқ равишда морфемика масалалари ҳам ўрганишга бошланди.

Энг аввало, сўзнинг энг кичик маъноли қисми тушунчаси пайдо бўлди ва аниқ шу лингвистик тушунчани махсус атама билан аташ эҳтиёжини туғилди. Натижада проф. А.Ғуломов ўзбек тилшунослиги тарихида ilk бор Бодуэн де Куртене томонидан энг кичик маъноли бирликни ифодалаш учун қўлланган *морфема* атамасини олиб кирди.

Тилшунослик фан сифатида шаклланган даврдан тортиб то системавий-структур тилшунослик пайдо бўлгунга қадар, яъни аниқ даврдан XX асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда *аввий* тил бирлиги сифатида сўзни эътироф этиш, қолган барча бирликларни сўз асосида изоҳлаш аъъанага айланганди. Хусусан, сўздан кичик бирликлар сўзнинг сегмент бирликлари сифатида, сўздан катта бирликлар эса сўзларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган бирликлар сифатида изоҳланарди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида морфема тушунчасининг ва бу тушунчани ифодаловчи атаманинг кириб келиши катта аҳамиятга эга бўлди. Проф. А.Ғуломов тил сатҳидаги умумий, ижтимоий-рухий морфема билан унинг нутқий жараёнда хилма-хил кўринишларда воқеланган морфлар (алломорфлар)ни бир-биридан фарқлади.



Хусусан, «Ўзбек тили грамматикаси»нинг иккинчи жилдига ёзган «Кириш» қисмида у қуйидагиларни баён қилади: «...Морфемалар турли кўринишларга ҳам эга бўлади. Масалан, ишла сўзидаги *-ла* элементи *ҳайда* сўзида *-да* морфемасида келган (лекин *ҳай-ҳайла* феълида яна *-ла* тусида қўлланган), ҳозир ажралмайдиган *унда* сўзида ҳам аслида шу *-да* аффикси бор (ун-овоз). Бу *-ла* ва *-да* кўринишлари умумий тарзда **морфема** дейилади. Бунинг ҳар бир кўриниши эса **морф** саналади. Демак, морфема морфларнинг йиғиндисидир»<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида 70-йиллардан морфемика тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратила бошланди. Морфемика тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида эътироф этилгандан буён ҳам унинг ўрганиш предмети юзасидан хилма-хил фикрлар юритилди. Хусусан, ўзбек тилшунослигида морфемикага бағишланган алоҳида қўлланманинг яратилиши катта воқеа бўлди<sup>2</sup>.

Ўзбек тили морфемикасининг шаклланиши ва унинг ўрганиш объектининг тўғри белгиланишида акад. А.Ҳожиёвнинг хизмати катта. Олим морфемиканинг ўрганиш объекти ҳақида фикр юритаркан, қуйидагиларни ёзади: «Морфемика сўзнинг неча морфемадан ташкил топишини ўрганмайди, балки морфемаларнинг турини, ҳар бир турга хос хусусиятларни ўрганайди»<sup>3</sup>. Бу морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфеманинг объективлигини эътироф этувчи ва ана шу объектив бирликни ўрганувчи алоҳида тилшунослик бўлимининг вазифаси ҳақидаги чин илмий баҳодир. Шундай қилиб, бугунги кунда тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида морфемика ажралиб чиқди. Унинг асосий тамойили ҳақида Т.Мирзақулов қуйидагиларни ёзади: «Морфема сўз таркибида» принциpidан фарқли холда «Морфема тил системасида», «Морфема функционал парадигматик системада» принципига таяниш морфемика объектини кенг планда олиб қараш, морфемага хос белгиларни тўлиқроқ кузатиш имкониятини беради»<sup>4</sup>.

Ўзбек тили морфемаларининг худди бошқа сатҳ бирликлари каби сатҳ ҳосил қилиш хусусиятини, уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларини ёритишда Т.Мирзақулов тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Т.I. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.11.

<sup>2</sup> Тожиёв Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Тошкент, 1992.

<sup>3</sup> Ҳожиёв А. Сўзнинг морфологик ва сўз ясаиш структураси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. 3-сон. – Б.31.

<sup>4</sup> Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. ДДА. – Тошкент, 1994.

## Ўзбек тили лексикологияси

Сўз ва унинг маънолари ҳақида ўзбек тилшунослиги тарихида жуда узоқ даврлардан буён фикр юритиб келинган. Лекин ўзбек тилининг бир неча сатҳлардан ташкил топган бир бутунлик экани, Ўзбек тили системасида лексик сатҳнинг ўрни ва лексик birlikларни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими мавжудлиги, бу бўлимнинг бошқа бўлимлар билан муносабати каби масалалар, умуман, лексикология ўзбек тилшунослигининг таркибий қисми ва бир йўналиши сифатида XX аср ўргаларидан шаклланди.

Ўзбек тили лексикаси шаклланишида Фахри Камолнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» рукни остида чоп этилган «Ўзбек тили лексикаси» ва Я.Д.Пинҳасовнинг «Ҳозирги ўзбек тили лексикаси» рисоалари ҳамда «Ҳозирги замон Ўзбек тили курсидан материаллар» рукни билан эълон қилинган бирча рисоаларни ўзида жамлаган «Ҳозирги замон ўзбек тили» асари катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу асарларда ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта лексикология ўзбек тилшунослигининг алоҳида бўлими экани, унинг ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари, тилшуносликнинг бошқа бўлимлар билан муносабати белгиланди. Сўз билан тушунча ўртасидаги узвий муносабат ва уларнинг ўзаро фарқи ёритилди.

Сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари бир-биридан ажратилди. Фахри Камол бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Гапни ташкил этган ҳар бир сўз ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари, камида бир ёки икки грамматик вазифасини адо этади. Мисалан, *пахта гуллади* гапида *пахта* сўзи ўзининг лексик маъноси жиҳатидан техника ўсимлигининг бир турини, *гуллади* сўзи эса унинг гулга кирганини билдиради. Бу лексик маънодан ташқари, гап тузилишида қатнашган ҳар бир сўз бир неча грамматик вазифани бажаради: *пахта* – предмет номини билдиради, бош келишиқда, сон жиҳатидан birlikда келган; *гуллади* – феъл, ўтган замон, birlik, учинчи шахс, ўтимсиз, шиклик майлини кўрсатади. Келишиқ, шахс, замон, майл, ҳаракатнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги сўзларнинг грамматик хусусиятидир».

Шунингдек, ҳали ўзбек тили лексикологиясида сўзларнинг узуал ва контекстуал маънолари фарқланмасдан туриб, бу асарда сўзларнинг контекст билан боғлиқ маънолари ҳақида фикр юритилади. Кўп сўзлар ўзларининг асосий маънолари билан чекланиб қолмай, турли контекстда турлича маънога ва маъно оттенкаларига эга бўлиши ҳақида гап боради.

Фаҳри Камол ўзбек тили лексикасининг ривожини, унинг тарихий қатламлари, унда умумтуркий, ўзбек, форс-тожик, араб, рус ва бошқа тилларга доир сўзларнинг ўрни ҳақида дастлабки маълумотни берган бўлса, ўзбек тили лексикасининг тарихий қатламлари ва ҳар бир қатламни ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотнинг вужудга келиши<sup>1</sup> ўзбек лексикологияси такомиллашувида катта аҳамиятга эга бўлди.

Фаҳри Камол сўзларнинг кўчма маънолари ҳақида бошланғич маълумот берган эса-да, кўчма маъно турлари, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари ёритилмаган эди. Ана шу муаммони ёритишга М.Миртожиев ва Т.Аликуловлар киришдилар.

М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида полисемия» ва И.Шукуровнинг «Ўзбек тилида троплар» асарларининг яратилиши мазкур муаммони ёритишда катта воқеа бўлди. Кўчимларнинг у ёки бу турларини тадқиқ этишга бағишланган алоҳида тадқиқотларнинг дунёга келиши<sup>1</sup> ўзбек тили лексемаларининг кўчма маъноларини чуқурроқ ўрганиш, метафора, метонимия каби ҳодисаларнинг лингвистик моҳиятини очиб беришда катта хизмат қилди<sup>2</sup>.

60-йиллардан ўзбек ономастикаси алоҳида йўналиш сифатида шакллана бошлади, унинг шаклланишида Э.Бегматовнинг хизмати катта. З.Дўсимов, Т.Нафасов, Н.Хусановлар тадқиқотлари бу йўналишни яна ҳам ривожлантирди.

Ўзбек тили лексикологияси бўйича эришилган ютуқлар синтези сифатида «Ўзбек тили лексикологияси» китоби (1981) майдонга келди.

70-80-йиллардан ўзбек тилшунослигига системавий-структур тилшунослик қўлга киритган ютуқлар, унинг тадқиқ этиш методлари кириб келди. Ўзбек тилшунослигида ҳам узвий таҳлил методлари қўллана бошланди. Бу, биринчи навбатда, лексикологияда намоён бўлди. Натижада ўзбек тили лексикологияси тавсифий босқичдан янги босқичга – назарий

<sup>1</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985.

<sup>2</sup> Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975; Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. АҚД. – Ташкент, 1966.

босқичга, лексикани маълум лексик-семантик гуруҳлардан (ЛСГ) ташкил топган бутунлик, лексик бирликларни муайян маъно элементларининг муносабатидан ташкил топган тизим сифатида Урганиш босқичига кўтарила борди. Бу билан ўзбек тавсифий лексикологиясидан системавий лексикологияга ўтила бошланди. Ана шу жараёни профессор Ш.Раҳматуллаев ва И.Кўчқортоев бошлаб берди.

Хусусан, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобининг лексикология қисми ўзбек тавсифий лексикологиясидан системавий лексикологияга ўтиш даври, лексикологиянинг мазкур икки йўналиши ўртасидаги кўприк саналади. Чунки унда тавсифий лексикология аъёнлари давом эттирилган ва такомиллаштирилган бўлиши билан бирга системавий лексикологиянинг асосий белгиларидан ҳисобланган узвий таҳлил услуби жорий этилди. Бу жиҳатдан китобнинг 2-нашри билан 3-нашри ўртасида ҳам фарқ мавжуд. 2-нашрида сўзнинг мазмуний тузилиши, лексик маъно турлари изоҳида системавий тилшуносликка томон бурилиш сезилган, 3-нашрида бу ҳаракат янада кучайди. Унда лексик маъно семантик қисмларга – семаларга парчалаб ўрганилади. Лексема бир неча семалар муносабатидан ташкил топган бутунлик деб қаралади. Бу семалар ичида маълум бир сема лексемаларни муайян лексик-семантик гуруҳларга бирлаштиришга хизмат қилишини ва у бирлаштирувчи (интеграл) сема ҳисобланишини, айти шу сема ҳажми каттароқ гуруҳдан ушбу лексик-семантик гуруҳни ажратиб олишда фарқловчи (дифференциал) сема бўлиб хизмат қилишини баён қилади<sup>1</sup>.

Лексемалар лексик маъносининг семик таҳлили жорий этилиши, ҳар бир лексеманинг лексик маъноси бир неча семалардан ташкил топиши, шу билан бирга, лексеманинг лексик маъноси муайян тузилишга эга бўлиши ва бу тузилиш идеографик, услубий, туркумлик семаларини ўз ичига олишининг эътироф этилиши билан аъёнвий кўп маъноли (полисем) лексемаларни бошқача номлашга тўғри келди. Шунинг учун Ш.Раҳматуллаев мазкур лексемаларни *полисемем лексемалар*, бундай ҳодисани эса *полисемия* деб номлади.

<sup>1</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974, 3-нашр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.67.

Лексикологиянинг тавсифий босқичдан назарий босқичга кўтарилишида И.Кўчқортоев тадқиқотлари катта роль ўйнади<sup>1</sup>. Бу асарларда муаллиф Ф.де Соссюрнинг тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги таълимотига асосланган ҳолда ўзбек тилшунослиги тарихида биринчилардан бўлиб луғат таркибини системавий структур ўрганиш муаммосини кўтариб чикди ва ўзбек нутқ феъллари мисолида лексемаларнинг системавийлик табиатини ёритиб берди. Р.Расуловнинг ҳолат феълларининг узвий (компонент) таҳлилига бағишланган тадқиқоти ўзбек системавий лексикологиясининг шаклланишига мустаҳкам пойдевор яратди<sup>2</sup>.

70 – 80-йилларда ўзбек тили лексикасини тизим сифатида ўрганишга бағишланган бир қатор илмий асарлар дунёга келди. Улар орасида Р.Юнусов, С.Ғиёсов, А.Цалкаламанидзе, Б.Жўраев, Р.Сафарова, М.Нарзиева сингари тадқиқотчиларнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради<sup>3</sup>. Шунингдек, Ў.Шарипованинг юмуш феълларининг (1996), С.Муҳамедованинг йўналма ҳаракат феълларининг (1999) системавий таҳлилига бағишланган монографик асарлари пайдо бўлиши ўзбек системавий лексикологиясини янги тадқиқотлар билан бойитди.

Ўзбек лексикологиясининг юқори босқичга кўтарилишида жаҳон системавий-структур тилшунослигининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ва ўзбек тилшунослари эришган ютуқларни синтезлаштирган «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари»<sup>4</sup> китобининг юзага келиши катта воқеа бўлди. Асарда системавий тилшуносликнинг асосий тушунчаларини изчил баён қилиб бериш, лингвистик оппозициялар ва уларнинг лексик сатҳда намоён бўлиши, лексеманинг бошқа тил бирликлари тизимида тутган ўрни, унинг шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган бутунлик экани баён қилинади.

Шунингдек, ўзбек тилшунослигига лисоний бирликларни мазмуний майдон асосида ўрганиш ҳам кириб келди. Дастлаб бу гоё ўзбек тилшунослигида И.Кўчқортоев томонидан баён қилинган Булса, Ш.Искандарова, А.Собировнинг ўзбек тили лексикасини

<sup>1</sup> Кўчқортоев И. Суҳбатчи ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977; Ўша муаллиф. Валентий анализ (таҳлил) речей в узбекском языке. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.

<sup>2</sup> Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989; Ўша муаллиф. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентности. – Ташкент, 1991.

<sup>3</sup> Дауров И. Структурно-семантическое исследование многозначных слов современного узбекского языка. АКД – Ташкент, 1983; Ғиёсов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка. АКД. – Ташкент, 1983; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг феъллар сингари ва семантик биллини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. 1-сон ва бошқалар.

<sup>4</sup> Нобилова Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

мазмуний майдон асосида ўрганиш тамойилларига, Х.Шамсутдиновнинг ўзбек тилида функционал-семантик синтаксислар, Х.Ҳожиевнинг ўзбек тилида ҳурмат майдони, С.Сафаровнинг микдор майдони тадқиқига бағишланган махсус монография тадқиқотлари майдонга келдики, бу асарлар ўзбек тили синтаксиснинг бирликларини мазмуний майдон, функционал-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишининг афталликларини намоён қилди ва системавий-структур тадқиқ усулларини кенгайтирди.

### Ўзбек фразеологияси

Фразеология тилшуносликнинг бошқа бўлимларига нисбатан янги бўлиmdir. У лексикология бағридан XX асрнинг 50-йилларидан мустақил бўлим сифатида ажралиб чиқди. Фразеологиянинг илоҳида тилшунослик йўналиши сифатида шаклланиши машҳур рус тилшуноси В.В.Виноградов номи билан бағишланади.

Ўзбек фразеологиясининг шаклланиши Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, М.Хусаинов номлари билан боғлиқ<sup>1</sup>. Бу муаллифлар В.В.Виноградовнинг фразеологизмга ёндашуви асосида ўзбек фразеологизмлари доирасини чегараладилар ва уларни уч гуруҳга тақсима қилдилар: 1) фразеологик чатишма; 2) фразеологик бирлашма (буғушлик); 3) фразеологик қўшилма. Фақат М.Хусаинов фразеологизмлар таснифига тўртинчи гуруҳни – идеомаларни киритди.

Ўзбек фразеологиясининг илмий асосда чуқур ўрганилиши ва таълимлашувида Ш.Раҳматуллаевнинг хизмати катта бўлди. У ўзининг катор тадқиқотлари билан ўзбек фразеологиясига асос солди. В.В.Виноградов таъсирида Ш.Раҳматуллаев фразеологизмлар доирасини анча торайтирди ва фақат кўчма маънога асосланган баркарор бирликларнигина фразеологизмлар таркибига киритди. Хусусан, бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: «Ибора мустақил туркумларга мансуб биттадан ортиқ сўздан таркиб топган бир бутун семантик ҳамда грамматик бирлик

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. – М., 1952; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке современного узбекского языка. АКД. – Ташкент, 1953; Хусанов М. Фразеология прозы писательницы Адыл АКД. – Самарканд, 1959; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). – Тошкент: Ўқитувчи, 1969; Уша муаллиф. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. – Тошкент, 1957; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 1955; Уша муаллиф (У.Турсунов, Ж.Мухторов билан). Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992 ва бошқалар.

сифатида гавдаланади. Ибора луғавий маъно англатиш учун хизмат килади».

Ш.Раҳматуллаев фразеологизм деганда фақат кўчма маънога эга бўлган турғун бирикмаларнигина тушуниш тарафдори эди. Лекин кейинчалик собиқ шўролар даврида В.В.Виноградовнинг фразеологизмга ёндашуви ва уни уч гуруҳга таснифлаши ўта субъектив экани бир қатор мутахассислар томонидан танқид қилинди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам фразеологизмларни белгилашда В.В.Виноградов андозаларидан четлашиш ҳолатлари кузатила бошланди. Натижада фразеологизмлар таркибига фақат кўчма маъноли барқарор бирикмаларгина эмас, балки тилда олдиндан бирикма ҳолида мавжуд бўлиб, нутқка тайёр ҳолда олиб кириладиган барча барқарор бирикмалар киритила бошланди. Натижада мақол, матал, ҳикматли сўзлар ҳам фразеологизмлар сифатида қарала бошланди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, фразеологизмларни тор ва кенг тушуниш пайдо бўлди. Энг муҳими, В.В.Виноградовнинг сунъий равишда уч гуруҳга бўлган семантик таснифи орқага сурилди. Унинг ўрнига фразеологизмларнинг ҳам худди бошқа луғавий бирликлар каби семантик тузилиш таҳлилига эътибор берилди. Фразеологизмларни ўрганишдаги бундай бурилишни ҳам Ш.Ш.Раҳматуллаевнинг ўзи бошлаб берди. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг учинчи нашрида фразеологизмларнинг уч хил семантик таснифидан воз кечилади ва фразеологизмларнинг уч хил семантик тузилиш томонидан таҳлил қилинади.

Ўзбек фразеологиясининг янги мувафаккиятларга эришувида Б.Йўлдошев, Абдимурод ва Абдуғафур Маматовларнинг хизматлари катта бўлди. Б.Йўлдошев фразеологизмларнинг коннотатив маънолари, бадий тасвир воситаси сифатидаги имкониятларини атрофлича ёритиб берди. Абдимурод Маматов фразеологик норма муаммосини кўтариб чикди ва фразеологик норма ҳамда фразеологик вариант ўртасидаги муносабатни кўрсатиб берди.

Абдуғафур Маматов эса ўзининг қатор асарларида фразеологик шаклланиш муаммоларини ўртага қўйди ва унинг пайдо бўлиш

<sup>1</sup> Хусанов М. Фразеология прозы писательницы Айдын. АҚД. – Самарканд, 1959.

омилларини ёритди. Фразеологизмларнинг муҳим фарқловчи белгиси мазмуний қайта шаклланиш эканини кўрсатди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Ш.Раҳматуллаев асос солган ўзбек фразеология маъноси тибори такомиллашиб, ривожланиб бормокда.

### Ўзбек лексикографияси

Ўзбек тилшунослиғи лексикография соҳасида жуда катта тараққотга эришди. Лекин ўрта аср лексикографиясида кўпроқ эътибор изоҳли ва таржима лугатларга қаратилган. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб лексикография йўналишлари ҳам кенгайди. Лугатнинг янги-янги турлари: энциклопедик, имло, орфоэпик-морфем, частотали, терс, фразеологик, диалектал, этимологик лугатлар пайдо бўлди.

Илгари яратилган изоҳли лугатлар кўпроқ айрим муаллифларнинг, хусусан, Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзларни изоҳлига қаратилган бўлса, 40-йиллардан бошлаб лексикография тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши натижасида унинг хилма-хил турлари майдонга келди. Ўзбекистон ва хусусий изоҳли лугатлар пайдо бўлди. Хусусан, А.Ю.Юсуфовнинг «Физиологик терминларнинг изоҳли лугати» (1964), А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати» (1974), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати» (1978), «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати», (1984), шу муаллифнинг Р.Шукуров билан ҳамкорликда тайёрлаган «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати», Н.Велимухаммедовнинг «Тарих терминларининг изоҳли лугати» ва б.ш. лугатлар хусусий изоҳли лугатлар саналади.

Ўзбек тилининг барча лексемаларини изоҳлашга бағишланган лугат эси умумий изоҳли лугат ҳисобланади. 60 минг сўзни ўз ичига олган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» (1981) ўзбек лексикографияси тарихида ўзбек тилининг барча лексемаларини изоҳлашга қаратилган ilk изоҳли лугатдир. Бу лугат катта меҳнат эвазига дунёга келган ва лексемалар маъноларини ёритишда кўплаб иллюстратив материалларга боғланган, пухта лексикографик тамойилга таянган лугатдир. Унда акс этган сўзликнинг 40 фоизга яқини рус тилидан кириб

<sup>1</sup> Маматов А. Ҳ. Ҳазирги замон ўзбек дивий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991; Маматов А. Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш. ДДА. – Тошкент, 1999; Ўша муаллиф. Фразеологизмлар шаклланишининг психологик асослари. – Тошкент: Наврўз, 1997. – Б.7.



келган лексемалардир. Ана шуни эътиборга олган ҳолда истиклол қўлга киритилиши билан ЎзРФА Тил ва адабиёт институти илмий жамоаси кўпжилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни яратишга киришди.

Ўн олти минг сўзни ўз ичига олган «Ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» нашр этилиши (2001) бу йўлда қилинган ҳаракатларнинг дебочаси бўлди.

70-йилларда ўзбек энциклопедиясининг яратилиши ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи саналади. Бу луғат ўзбек лексикографияси тарихида илк қомусий луғат бўлгани билан қимматлидир. Кейинги йилларда миллий энциклопедияни яратиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. Унинг нашр этилиши маънавий ҳаётимизда катга воқеа бўлди.

Проф. Ш.Раҳматуллаев томонидан «Ўзбек тилининг этимологик луғати»нинг (2000) нашр қилиниши ўзбек лексикографиясини юқори чўққига кўтарди.

### Ўзбек тилида сўз ясалиши

Сўз ясалиши муаммоси ўзбек тилшунослиги тарихида узок даврлардан буён олимлар диққатини жалб қилиб келади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», Муҳаммад Чингийнинг «Келурнома», Фитратнинг «Сарф» асарларида ҳам сўз ясалишига доир фикрлар баён қилинган. XX асрнинг 30 – 40-йилларида феъл ва от ясалишига бағишланган махсус асарлар дунёга келди<sup>1</sup>. Лекин сўз ясалиши алоҳида ҳодиса сифатида ва бу ҳодисани ўрганувчи «Сўз ясалиши» тилшунослик фанининг алоҳида бўлими сифатида илк бор А.Ғуломов тадқиқотлари асосида XX асрнинг 40-йилларида шаклланди.

Муаллифнинг 1949 йили нашр қилинган «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида» номли мақоласида бу муаммога доир бир қатор масалалар ўша даврдаги тилшунослик назариялари қўлга киритган ютуқлар асосида илмий ечимини топди<sup>2</sup>.

А.Ғуломов сўз ясалиши ҳодисасининг шу кунга қадар тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилгани ҳақида фикр

<sup>1</sup> Улуғ Турсун. Ўзбекчади феълларнинг ясалиши. – Тошкент-Самарқанд, 1930; Зокир Маруфов. Ўзбек тилида от ясовчи суффикслар. – Тошкент, 1941.

<sup>2</sup> Ғуломов А.Ў. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. Тил ва адабиёт институти асарлари. I китоб. Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. – Тошкент, 1949. – Б.38.

иритарини, у Хинд-Европа тилшунослиги андозалари асосида морфология таркибида ўрганиб келинганини танқидий баҳолайди бу бунданнинг ҳосиласи лексемани туғдиргани туфайли сўз ясаллиши тилшуносликнинг лексикология бўлимига кўпроқ дахлдор эканини баён қилади. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Сўз ясаллиши масаласини биз ҳозиргача морфологик планда қараб келганимиз, қолбуки, сўз яшаш қандай бўлмасин бирор усул билан янги сўз ҳосил қилишдир. Демак, у лексика – сўз баҳсига карашлидир. Бунинг грамматик таълимотта кўри, сўз ясалиши ва сўз ўзгариши морфологияда қараларди. Ҳақиқатда эса булар формал шикатдангича ўқшаш, функционал жиҳатдан бошқа-бошқа қаралардир: биринчиси – лексик ҳодиса, иккинчиси – синтактик ҳодиса. Шундан англашиладики, сўз ясалишининг морфологик планда қаралиши хинд-Европа тил билимининг установакаларига таънади; хинд-Европа тил билими формал метод билан ишлайди ва ўз диниқлигини фонетика ва морфологияга бериб, сўз масаласини лексик даражасида ўринга «ирғитади», семантика ҳодисаларини... сўз ясаллишининг маънолари ҳақидаги таълимотни мутлақо ҳисобга қармайди».

Дарҳақиқат, сўз ясалиши тилнинг икки сатҳи билан узвий алоқадордир. Сўз ясалиши жараёни кўпроқ морфемалар қўшиливи билан боғлиқ бўлгани сабабли у морфология, туғрироғи, морфемика билан туташади. Ясовчи морфема билан асос морфеманинг қўшиливи натижасида эса янги лексема вужудга келади. Демак, ясама сўз сўз ясалиш ҳосиласи бўлган бирлик саналади ва бу билан лексикология материалига айланади. Ана шу асосилари таътиборга олган ҳолда А.Фулумов сўз ясалишини дастлаб лексикология таркибида ўрганишни тавсия этади.

Лекин сўз ясалиши муаммоси билан изчил шуғулланиш парадигмада сўз ясалишининг лексикологиядан фарқ қиладиган соҳа эканини, унинг ўзига хос ўрганиш объекти мавжудлиги, шунинг учун ҳам сўз ясалиши морфемика билан морфология оралиғида тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида қаралиши лозим деган нуқсонга келиди. Муаллиф ёзади: «Сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонунондалигини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда сўзларнинг тузилишини текширади. Тилшуносликнинг бу бўлимида, биринчидан, янги сўзларнинг асосидаги ҳосил қилиниши,

Узбекистон Республикаси  
АҚЛАР АТТИҚ БИЛИМ БЕРУ ОРТАЛИҚИ  
17  
КІТАПХАНА

иккинчидан, мавжуд ясалмаларнинг қандай пайдо бўлгани текширилади... Сўз ясалиш ходисаси ўзининг асосий, етакчи хусусиятлари билан грамматика ва лексикологияга яқин туради. Бу хусусиятларига кўра, сўз ясалиши илгари тилшуносликнинг айрим бир соҳаси эмас, балки морфологияда текширилиб келинган. Бундай ўрганиш энг асосий усулда сўз яшанинг ҳам, форма яшанинг ҳам бир тилда (аффиксал ясалиш) бўлиши... каби хусусиятларга асосланади»<sup>1</sup>.

А.Ғуломов ўзбек тилида сўз ясалиши муаммоларини монографик тадқиқ этиш чоғида фақат аффикслар ёрдамидагина эмас, балки ундан ташқари бир қанча воситалар ёрдамида янги сўз яшаш мумкинлигининг гувоҳи бўлади. Шунинг учун ҳам муаллиф уларни жамлаган ҳолда ўзбек тилида сўз ясалишининг қуйидаги беш хил тури мавжуд эканини аниқлади: 1) морфологик (аффиксация); 2) синтактик (композиция); 3) лексик (транспозиция); 4) семантик; 5) фонетик<sup>2</sup>.

Морфологик усул сўз яшанинг бу кўрсатилган усулларида фақат биттаси эканини эътиборга олган ҳолда А.Ғуломов сўз ясалишининг фақат морфология билангина боғлиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши морфологиядан ҳам, лексикологиядан ҳам ажратилган ҳолда тилшуносликнинг алоҳида бўлими бўлиши лозим деган фикрга келди.

Шу туфайли «Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология» китобида ўзбек тилшунослиги тарихида илк бор сўз ясалиши масаласи проф. А.Ғуломов томонидан алоҳида бўлим сифатида ўрганилди.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши бўлимининг шаклланиши, бу бўлимга доир атамалар тизимининг изга солинишида профессор А.Ғуломовнинг хизмати катта бўлди.

А.Ғуломов асос солган сўз ясалиши назариясини акад. А.Ҳожиев янги чўққига олиб чиқди<sup>3</sup>. У А.Ғуломов йўл қўйган айрим ноаникликларни бартараф этишга интилди. Хусусан, сўзнинг морфемик ва морфологик тузилиши бўйича йўл қўйилган ноаникликка барҳам берди. Муаллиф сўзнинг морфемик тузилиши деганда унинг неча маъноли кисмлардан – морфемалардан иборат эканини, сўзнинг морфологик тузилиши деганда эса унинг форма

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.7–8.

<sup>2</sup> Ғуломов А.Ў. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида. Тил ва адабиёт институти асарлари. I китоб. Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. – Тошкент, 1949. – Б.39.

<sup>3</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

асосга асос бўлган ва форма ясовчи қисмини, яъни икки қисмни назарда тутиш лозимлигини таъкидлайди. Бу жиҳатдан А.Ҳожиёв сўзнинг морфологик тузилиши билан сўз ясалиш тузилиши ўртасида қандайдир яқинликни кўради. Ҳар иккиси ҳам икки қисмдан (асос+шакл) қисмдан – ясашга асос ва ясовчи қисмдан ташкил толади. Лекин улар ясовчининг нима ясашга кўра фарқлигини таъкидлайди: сўзнинг янги шаклини ҳосил қилса, шакл ясовчи, бир лексемадан янги лексема ҳосил қилса, сўз ясовчи деб қарайди. Шунга кўра морфологик тузилиш қисмлари билан сўз ясалиш тузилиш қисмларини ҳам ўзига хос номлайди: шакл ясашга асос+шакл ясовчи+янги сўз шакли; сўз ясашга асос+сўз ясовчи+янги сўз (янги лексема). Ана шу асосда морфология ва сўз ясалишини бир-биридан фарқлайди. Шакл ясалиш «морфология»нинг, сўз ясалиши эса «сўз ясалиши» бўлимининг объектга саналади.

У руо тилшунослиги андозалари асосида А.Фуломов, С.Ҳамонов, О.Қосимхўжаева каби олимлар тадқиқотлари орқали ўзбек тилшунослигига кириб қолган ва мактаб грамматикаларидан катъий ўрин олган ўзак (корень) ва негиз (основа) тушунчаларига ва бу тушунчаларни ифодалайдиган атамаларга умуман эҳтиёж бўлишини таъкидлайди. Муаллиф бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Шундай қилиб, «негиз»ни сўзнинг лексик маъно ифодаловчи қисми, сўздан шакл ясовчи аффикслар олиб ташлангандан қолган қисми деб тушуниш ва таърифлашда тўғри илмий назарий асос (принцип) бордек кўринади, яъни бунда шакл ясалишига асос бўладиган қисм негиз деб қаралади. Лекин... *теримчиларимизга сўзнинг теримчи қисми тер+им+чи* каби таркибий қисмларга бўлинади. Демак, *терим* сўзида *тер* ўзак экан, ўз-ўзидан *теримчи* сўзига нисбатан унинг *терим* қисми нима бўлади деган савол туғилади... Шундай экан, сўз тузилишини юқоридагича қисмларга ажратиш ва таърифлаш тўла ва тўғри (асосли) бўла олмайди»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, муаллиф «сўз ясалиши баҳсида ясама сўз ҳосил қилувчи компонентлар ўрганилиши»ни, «ясама сўз ҳосил қилувчи компонентлар шу сўзнинг ясалиш тузилишини ташкил қилиши»ни, сўз ясалиш тузилиши эса фақат икки қисмдан – ясашга асос+ясовчи қисмдан иборат бўлишини таъкидлайди.

Сўзнинг морфологик таҳлили унинг фақат ясалишига оид тузилишини ўз ичига олишини, шакл ясалиш тузилиши эса сўзнинг

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.37.

шакл ясовчи қўшимча ва ёрдамчилардан иборат бўлишини баён қилади. Масалан, *унумдорлик+ни* сўзининг морфологик тузилиши икки қисмдан – шакл ясалишга асос бўлган қисм *унумдорлик* ва шакл ясовчи қисм *-ни* дан иборат эканини, *унумдорлик* қисми ички тузилишининг морфологияга дахли йўқ эканини, бу тузилиш сўз ясалиш тузилишига алоқадорлигини таъкидлайди.

Маълум сўз туркумлارининг ясалиш доирасида қилинган тадқиқотлар ўзбек тили сўз ясалиши ҳақидаги таълимотнинг ривожини учун муҳим ҳисса бўлиб кўшилди<sup>1</sup>. Хусусан, проф. Ё.Тожиёв сўз ясовчи қўшимчаларнинг полифункционаллиги масаласини, унинг аффиксал омонимия билан муносабатини чуқур таҳлил этади.

### Ўзбек илмий морфологияси

Ўзбек тилининг фонетикаси, морфологияси ва синтаксисини алоҳида-алоҳида бўлимлар сифатида изчил равишда дастлаб А.Фитрат ўрганди ва ўзбек тилшунослиги тарихида ўзбек тили грамматикасига асос солди. Бу грамматика «Сарф» ва «Нахв» номлари билан юритилиб, 1925 йилдан 1930 йилгача олти марта нашр қилинди.<sup>2</sup> Шундан сўнг М.Шамсиев, А.Шербакнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (Тошкент, 1932) ва Ҳ.Қаюмий, С.Долимовнинг «Грамматика» асарлари майдонга келди<sup>3</sup>.

Демак, бу муаллифлар, Фитратдан фарқли равишда, ўзбек тилшунослигига грамматика атамасини олиб кирдилар. Лекин грамматиканинг қисмлари эскича сарф ва нахв атамалари билан қолаверди.

Ўзбек тилшунослиги тарихига морфология ва синтаксис атамаларини О.Усмонов ва Б.Азизов олиб кирди<sup>4</sup>. Лекин бу асарлар мактаб ўқувчилари учун ёзилган дарсликлар бўлиб, лингвистик ҳодисаларни чуқур илмий таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганди.

Ўзбек тили грамматик қурилишини чуқур илмий тадқиқ қилиш 40-йиллардан бошланди. Бу ҳаракатнинг яловбардори А.Ғуломов саналади. У бу даврда ўзбек илмий морфологиясига доир бир қатор

<sup>1</sup> Тожиёв Ё. Ўзбек тилида аффикслар синонимияси. – Тошкент: Университет, 1991; Ўша муаллиф. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. I китоб. – Тошкент: Фан, 1981; II китоб. – Тошкент: Фан, 1987; Ўша муаллиф. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. – Тошкент: Университет, 1991.

<sup>2</sup> Ҳажиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.37.

<sup>3</sup> Қаюмий Ҳ., Долимов С. Грамматика. I бўлим. Сарф. – Тошкент, 1934; II қисм. Нахв. – Тошкент, 1933.

<sup>4</sup> Усмонов О., Азизов Б. Грамматика. I бўлим. Морфология. – Тошкент, 1938; II бўлим. Синтаксис. 1938.

асарлар ёзд<sup>1</sup>. Шу билан бирга, Улуғ Турсуннинг кўмакчилар, Ҳ.Комиловнинг қолишиқлар, З.Маъруповнинг от ва сифат кичиқидан олиб борган тадқиқотлари ўзбек илмий грамматикаси еретилишидаги дастлабки ҳаракатлардан бўлди.

30-йилларда ҳақ ўзбек тилшунослигининг барча илмий кучлари биринчи илмий ўзбек тили грамматикасини яратишга сафарбар шилиди. Бу йилларда «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» руқни остида ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича бир неча рисоалар эълон қилинди. Улар орасида А.Ғулумнинг «Ўзбек тилининг морфологиясига кириш» (1953), «Феъл» (1954), С.Усмоновнинг «Ўзбек тилида ундовлар» (1953), Ҳ.Комиловнинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» (1953), М.Аскарова, Р.Жуманиёвнинг «Ўзбек тилида равишдош ва сифатдош» (1953), С.Фувайловнинг «Ўзбек тилида равишлар» (1953), Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар» (1953) сингари асарлари дунёга келди. Ана шу рисоалар асосида 1958 йили ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи маротаба ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик сатҳларини; шунингдек, ўзбек тили графикаси, орфография ва орфоэпиясини ўз ичига олган биринчи асар майдонга келди. Бундай асарнинг пайдо бўлиши ўзбек тилшунослиги тарихида катта воқеа эди. Бу асар босилиб чиққандан сўнг ўзбек тили морфологиясининг айрим соҳалари мақоуе монографик тадқиқот объекти бўлди. Жумладан, сўзнинг морфологик тузилишига бағишланган С.Усмоновнинг докторлик ва О.Қосимхўжаевнинг номзодлик диссертациялари ва рисоалари майдонга келди. А.Ҳожиевнинг «Феъл», «Кўшма, жуфт, такрорий сўзлар» (1963), «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» (1966), «Тўлиқсиз феъллар» (1970) сингари йирик монографиялари яратилди. Шунингдек, ўзбек тилшунослари эришган барча натижаларни жамулжам этиб ёзилган акад.А.Н.Қононовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикаси» (1960) китобининг яратилиши ҳам муқим аҳамиятга эга бўлди. «Ҳозирги замон ўзбек тили. Фонетика. Графика. Орфография. Орфоэпия., Лексикология. Морфология» китоби яратилгандан сўнг ўзбек тили морфологиясига доир янги тадқиқотларни эътиборга олган ҳолда икки жилдли «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Тошкент: Фан, 1966), «Ўзбек тили грамматикаси». I том. Морфология (Тошкент: Фан, 1975); II том. Синтаксис

<sup>1</sup> Ғулумин А. Ўзбек тилида қолишиқлар. ЎзФА. Асарлар. Т. II. – Тошкент, 1940; Ўша муаллиф. Ўзбек тилида феълли вазелерини. – Тошкент, 1944 ва бошқалар.

(Тошкент, 1976) асарларининг майдонга келиши эса ўзбек тили грамматикасининг такомиллашувида катта роль ўйнади. Бу жиҳатдан кейинги асар, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлди. У ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини эътиборга олган ҳолда яратилди. Асарда биринчи мартаба сўз ясалиши морфология таркибидан чиқарилган ҳолда алоҳида бўлим сифатида ўрганилди.

Грамматик категорияларни белгилашда грамматик шаклларнинг маъно умумийлиги ва уларнинг ўзаро зидланиши эътиборга олинди. Жумладан, кўпликни билдирувчи махсус грамматик шаклнинг бирликни билдирувчи ноль шаклга зидланиши, бирлик-кўплик шаклидаги грамматик оппозиция сон категориясини ташкил этиши ҳақида фикр юритилади.

Шунингдек, грамматик шаклларни парадигматик муносабатда ўрганиш муаммоси кўтарилди. Асарда ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи бор «бир сўзнинг ҳамма шакллари биргаликда парадигмани ташкил қилиши», «парадигма шу сўзнинг шакллар системасини кўрсатиши», «морфологиянинг сўз шаклларини текширадиган қисми парадигматика саналиши» ҳақида фикр юритилади.

Бу асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, шу давргача бир қатор муаллифларнинг тадқиқ усулига айланган рус тилшунослари андозалари асосида ўзбек тилини ўрганиш тамойилларидан воз кечишга, ўзбек тилининг ўз ички материалларига таяниб муайян лингвистик категориялар ҳақида фикр юритишга ва уларнинг ўзига хос томонларини ёритишга интилдилар.

Муаллифларнинг бундай мақсадлари ва эришган натижалари асарнинг сўзбошисидаёқ баён қилинади. У ерда таъкидланишича, ҳар бир ҳодисани бевосита тил материалларидан келиб чиқиб изоҳлашга, ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини очишга эришилди. Бу нарса янги-янги илмий хулосаларга келиш билан бирга айрим ҳодисаларнинг ҳозиргача бўлган талқини билан эндиги талқини ўртасидагина эмас, уларнинг эски атамаси билан янги атамаси ўртасида ҳам маълум номувофиклик келиб чиқади.

Бу жиҳатдан асарнинг «От» ва «Феъл» қисмларида худди ана шундай катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, отларда сон, эгалик категориясининг ифодаланиши шу даражада мукамал, шу даражада ўзбек тили материалларига асосланиб, ўзига хос томонларини чуқур ёритиб берилдики, у туркология фанида от туркумига бағишланган сара асар бўлиб қолди.

Канаероя, феъл қисмида ҳам кўмакчи ва тўлиқсиз феълларнинг вазифалари ўзбек тилининг бой материалларига асосланиб чуқур таҳлил этилди. Шу даврга қадар феълнинг грамматик категориялари сирасида қаралиб келинаётган бир қатор категориялар ўзбек тилига хос эмаслиги (масалан, «вид» категорияси, «Ўтимли-Ўтимсизлик» категорияси) баён қилинди ва улар ўзбек тилининг грамматик категориялари сирасидан чиқариб ташланди.

Сўзнинг грамматик шакли ва грамматик категориялари билан тилшиносликнинг таъкидотлар кейинчалик ўзбек тили материаллари асосида яна ҳам чуқурлаштирилди. Сўз ўзгариши ва шакл ясалиши каби сўзнинг грамматик шакллари икки гуруҳга ажратишга ҳеч қандай асос йўқлиги таъкидлаган ҳозирги ўзбек тилидаги грамматик шакл ва грамматик категорияларни ўрганишга бағъатланган маълум асарнинг майдонга келиши ўзбек илмий морфологиясининг янада ривожланишига олиб келди<sup>1</sup>.

Ўзбек тилида аффиксларнинг баъзан ортикча қўлланиши, унинг сабаблари, адабий меъёрга муносабати каби масалаларнинг асосий жиғини томонидан атрафлича ёритиб берилиши ҳам ўзбек тилишунослиги тарихида катта воқеа бўлди<sup>2</sup>.

### Ўзбек тили синтаксиси

Ўзбек тили синтаксиси тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида дастлаб Фитрат томонидан «наҳв» атамаси остида ўрганилди. Шундан сўнг Ҳ.Қаюмий ва С.Долимов ҳам икки номлилик «Грамматика» асарини ёзиб, иккинчи қисмини «Наҳв» деб номладилар (1933).

Ўзбек тилшунослигида биринчи мартаба синтаксис номи остида О.Усмонов ва Б.Азизов мактаб грамматикасини нашр этдилар (1939).

Таъкидлаш керакки, бу яратилган китоблар ўзбек тилининг синтактик қурилиши юзасидан изчил маълумот берувчи илк асарлар сифатида қадрлидир. Лекин улар фақат болаларни ўқитиш учун мулжаллангани сабабли амалий қимматга эга бўлиб, синтаксис ҳодисаларини чуқур илмий таҳлил қилишни ўз олдидирлиги мақсад қилиб қўймаганди.

<sup>1</sup> Хитиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. — Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

<sup>2</sup> Мақомов Н. Адабий норма ва плеоназм. — Тошкент: Фағ, 1998.



Ўзбек тили синтактик бирликларини илмий асосда атрофлича ўрганиш XX асрнинг 40-йилларидан бошланди. Синтактик сатх бирликларини Европа тилшунослигининг ютуқлари асосида чуқур ўрганиш ҳам А.Ғуломов номи билан боғлиқ. У «Ўзбек тилида аниқловчилар» мавзuidaги номзодлик диссертацияси ҳамда бу диссертация асосида майдонга келган худди шу номдаги рисоласи (Тошкент, 1942), «Ўзбек тилида сўз тартиби» (Тошкент, 1947), «Содда гап» (Тошкент, 1948 – 1955) сингари рисоалари билан ўзбек илмий синтаксиси пойдеворини яратди.

Шундан сўнг А.Н.Кононовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (Тошкент, 1948) асарининг рус тилида нашр этилиши ва унда ўзбек тилининг барча сатхлари, жумладан, синтактик сатх бирликларининг ҳам тадқиқ этилиши ўзбек тили синтаксисига кенг илмий жамоатчилик диққатининг жалб этилишига туртки бўлди.

40-йилларга келиб синтаксисга эътиборнинг қаратилиши бежиз эмасди. 30 – 40-йиллардан собиқ шўролар даврида авж олган марризм таълимоти тилшуносликни ҳам сиёсийлаштиришга интилди ва морфологияни буржуача ёндашув деб баҳолаб, асосий эътиборни синтаксисга қаратди. Шу даврда Н.Я.Марр назарияси таъсирида бўлган ва И.И.Мешчаниновнинг марризм руҳидаги асарларидан илҳомланган ёш тадқиқотчи А.Ғулом бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «...Ҳинд-Европа тил билими формал метод билан ишлайди ва ўз диққатини фонетика ва морфологияга бериб, сўз масаласини иккинчи даражали ўринга ирғитади, семантика ҳодисаларини мутлақо ҳисобга олмайди. Янги тил билими... грамматика бўлимларининг янги схемасини беради: бу схема бўйича морфология боби йўқолиб, унинг сўз ясалиши бўлими лексикага, сўз ўзгариши баҳси синтаксисга ўтади».<sup>1</sup>

Лекин А.Ғуломов кейинчалик бундай қарашга танқидий ёндашди. Морфология ва синтаксисни грамматикани ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан тенг ҳуқуқли икки бўлими сифатида эътироф этиб, бутун илмий фаолияти давомида бунга амал қилди. А.Ғуломов томонидан 1948 йили ёзилган «Содда гап» асари 1963 йили А.Ғуломов ва М.Асқарова томонидан олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетлари талабалари учун дарслик сифатида ёзилган «Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис» китобига материал бўлиб хизмат қилди. Бу китоб олий ўқув юртлари учун

<sup>1</sup> Ғуломов А.У. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида. ЎзФА Тил ва адабиёт институти асарлари, биринчи китоб, ўзбек тили грамматикасидан материаллар. – Тошкент, 1949. – Б.37 – 38.

синтаксисдан ёзилган биринчи дарслик бўлиши билан бирга биринчи илмий асар ҳамдир. Шунинг учун у ҳозирги кунгача уч марта қайта ишланиб, тўлдириб нашр қилинди ва асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда. Содда гап синтаксиси ҳақидаги таълимотнинг ривожланишида Ҳ.Комилованинг «Гапда сўзларнинг боғланиши» (Тошкент, 1955), Ғ.Абдурахмоновнинг «Гапнинг ажратилган иккинчи даражали бўлаклари» (Тошкент, 1956), Ҳ.Болтабоевнинг шу номдаги рисолалари (Фарғона, 1957), Д.Ашурованинг «Гапнинг уюшган бўлаклари» (Тошкент, 1962), А.Сайфуллаевнинг ундالمаларга, кириш ва киритмаларга бағишланган тадқиқотлари, Ф.Убаеванинг «Ҳол» асари, А.Аҳмедовнинг сўрок гаплар (1965), А.Сафаевнинг бош ва иккинчи даражали бўлақлар, И.Расуловнинг бир составли гаплар, Ў.Уринбоевнинг атов гаплар, сўзлашув нутқи синтаксиси тадқиқиға қаратилган асарлари катта хизмат қилди.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан икки жилдли «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Тошкент, 1966) ва икки жилдли «Ўзбек тилининг грамматикаси» (Тошкент, 1975) асарларининг яратилиши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи бўлди. Унда содда гап синтаксиси янги кузатишлар билан тўлдирилди.

Илгари гаплар объектив воқеликни ифодалаш ва предикатив белгисига кўра дихотомик тамойил асосида икки гуруҳга – содда ва кўшма гапларга ажратилган бўлса, кейинги икки асарда гаплар ана шу белгисига кўра политомик тамойил асосида содда, мураккаб ва кўшма гапларга ажратилди. Содда ва кўшма гаплар юқоридаги белгиларга кўра зидланишнинг икки кутбида турса, мураккаб (мураккаблашган) гаплар бу зидланувчилардан ҳар иккисининг муайян белгиларини ўзида намоён этувчи оралик ҳолат қилиб кўрсатилади. Бу фикр Ғ.Абдурахмонов томонидан 1971 йили Москвада нашр этилган «Туркий тиллар тузилиши ва тарихи» тўпламидаги «Мураккаблашган гаплар синтаксиси» мақоласида акс этди.

Таъкидлаш керакки, юқорида санаб ўтилган асарларнинг барчасида синтаксиснинг марказий бирлиги бўлган гапнинг асосий белгиси сифатида предикативлик эътироф этилади. Предикативлик рус тилшунослигида атрибутив мантиқ таъсирида шаклланган эға билан кесимнинг муносабати сифатида белгиланди. Гап бўлаклари ҳам предикатив муносабатни ифодалашда иштирок этиш

даражасига кўра икки гуруҳга бўлинди: 1) предикатив муносабатда иштирок этадиган бўлақлар; 2) предикатив муносабатда иштирок этмайдиган бўлақлар.

Биринчи гуруҳ гап тузилишининг асоси, зарурий бўлақлари ҳисобланди ва улар бош бўлақлар номи билан юритилди. Атрибутив мантиқда ҳукм аъзолари бўлган субъектга эга, предикатга эса кесим тенглаштирилди. Мантиқда предикат субъектнинг белгисини ифодаловчи қисм сифатида қаралгани учун грамматикада ҳам кесим эганинг белгисини билдирувчи бўлақ деб қаралди. Шундан келиб чиққан ҳолда гапда абсолют ҳоким бўлақ эга, нисбий ҳоким бўлақ (иккинчи даражали бўлақларга нисбатан ҳоким, эгага нисбатан тобе қисм) кесим деб ҳисобланди.

Предикатив муносабат таркибига кирмайдиган бўлақлар гапнинг конструктив бўлмаган, нозарурий, шу сабабли иккинчи даражали бўлақлари саналди.

Бош бўлақлар икки аъзо, икки чўққидан иборат деб қаралгани туфайли бу бўлақларнинг гапда қатнашишига кўра улар икки гуруҳга бўлинди: 1) бир составли гаплар; 2) икки составли гаплар.

Бир составли гапларнинг монографик тадқиқига бағишланган И.Расуловнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар» (1974) номли йирик тадқиқоти дунёга келди.

Гапнинг шаклий тузилиш бирликлари гап бўлақлари рукни остида ўрганилгандан буён гап бўлақларини белгилаш тамойили сифатида бу birlikларнинг гапдаги бошқа синтактик birlikлар билан тобе муносабати белгиланди. Гап бўлақлари фақат тобе муносабат асосидагина аниқланди. Тобе муносабатга киришмайдиган гапнинг синтактик аъзолари гап бўлақлари рукнидан ташқарида қолди. Тенг муносабатдаги бўлақлар ҳам бошқа қайсидир бўлақка тобе муносабатда бўлишига қараб гап бўлаги таркибига киритилди. Натижада гапнинг таркибида иштирок этувчи ва мазмунига қўшимча маъно элтувчи синтактик birlikлар гапнинг синтактик тузилиш birlikлари сирасидан чиқарилди.

Ундалмалар, кириш қурилмалар бўйича узоқ йиллар илмий тадқиқот олиб борган А.Сайфуллаев, уларнинг гап таркибида муайян семантик-функционал қимматга эга бўлишига қарамай, гап бўлақлари саналмаслигига эътироз билдирди, ундалма ва кириш қурилмаларни ҳам гап бўлақлари қаторига киритишга интилди. Гап бўлақларини анъанавий икки даражага бўлишга танқидий ёндашган

қолда уч даражага ажратишни маъқул кўрди ва кириш қурилмалари, ундалмаларни учинчи даражали бўлақлар сирасига киритишни тавсия этди.

Бу ўзбек тилшунослигида рус тилшунослиги андозалари асосида вужудга келган гапни бўлақларга ажратиш тамойилига илк эътирознинг намоёниши эди. Афсуски, шундай катта муаммони кўтариб чиққан А.Сайфуллаев гапни бўлақларга ажратишнинг мавжуд тамойили қандай камчиликларга эга эканини, уни бартараф қилиш йўлларини, қандай тамойилга суянса, зиддият бартараф бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беролмади. Лекин мавжуд тамойилга билдирилган эътирознинг ўзи ўзбек тилшунослигида бир юксак бўлди ва кейинги тадқиқотчиларни бу муаммо бўйича чуқур ўйлашга даъват этди.

«Гап ҳақида синтактик назариялар» китобининг нашр этилиши (Тошкент, 1988) гапда икки чўққили (иккита бош бўлақни эътироф қилувчилар) назариянинг келиб чиқиш илдизлари, гапни бўлақларга ажратиш тамойиллари ва унда йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эга бўлди. Унда туркий тиллар синтактик тузилишида энг муҳим конструктив бўлақ кесим экани, шунинг учун туркий тиллар учун бир чўққили назария мувофиқлиги, гап бўлақларини гапнинг ана шу мазмуний ва грамматик маркази бўлган кесим билан муносабатига қараб белгилаш лозимлиги таъкидланди. Айни пайтда, гап бўлақлари икки даражага эмас, бир неча даражаларга бўлиниши мумкинлиги кўрсатилди.

Ўзбек тили содда гап синтаксисининг такомиллашувида Ё.Ўринбоевнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория» (Тошкент, 1972), Н.Маҳмудовнинг «Ўзбек тилидаги содда гапларда мичмун ва шакл асимметрияси» (Тошкент, 1984) монографиялари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асарлар ўзбек тили синтаксисини янги равишда қарашлар, янги йўналишлар билан бойитди.

Ўзбек тили содда гап синтаксиси шаклланиши ва тараққиётида А.Ғуломов хизмати қанчалик катта бўлса, қўшма гап синтаксиси шаклланиши ва тараққиётида академик Ғ.Абдурахмонов ва профессор М.Асқаровнинг хизмати шунчалар улуғдир.

Ўзбек тилининг қўшма гапларига доир илк асар Ҳ.Ғозиевга мансуб. У 1941 йили «Ҳозирги замон ўзбек тилида эргашган қўшма гапларнинг состави» номли асари билан ўзбек тилшунослигида қўшма гап синтаксисини ўрганишни бошлаб берди. 1955 йили

Фахри Камол «Кўшма гапларга доир масалалар» китобини нашр этди ва унда кўшма гапларнинг мақоми, уларнинг таснифи ҳақида дастлабки маълумотлар берди.

Туркологияда кўшма гапларга доир яратилган энг сара асарларни чуқур таҳлил этган ва уларга танқидий ёндашган ҳолда Ғ.Абдурахмонов «Кўшма гап» (Тошкент, 1957), «Кўшма гап синтаксиси асослари» (Тошкент, 1958), «Кўшма гап синтаксиси» (Тошкент, 1964), М.Асқарова «Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар» (Тошкент, 1960), «Ўзбек тилида эргашини формалари ва эргаш гаплар» (Тошкент, 1966) сингари китобларини нашр этиб, ўзбек тили кўшма гап синтаксисининг илмий асосларини яратиб бердилар.

Кўшма гап қисмларининг ўзаро семантик, грамматик, интонацион муносабатларига кўра Ғ.Абдурахмонов томонидан кўшма гаплар уч гуруҳга бўлинади: 1) боғланган кўшма гаплар; 2) эргаш гапли кўшма гаплар; 3) боғловчисиз кўшма гаплар.<sup>1</sup>

М.Асқарова эса кўшма гап қисмларининг мазмун муносабати, тузилиши ва боғланиш йўллари хилма-хил эканини кўрсатиб, ана шу белгига кўра кўшма гапларни дастлаб икки гуруҳга бўлади: 1) боғланган кўшма гаплар; 2) эргашган кўшма гаплар. Боғловчисиз кўшма гапларни эса юқоридаги икки турнинг «ўтқинчи типи» сифатида ажратади.<sup>2</sup>

Ҳар икки муаллиф ҳам кўшма гапларни икки ва ундан ортик содда гапларнинг мазмуний ва грамматик муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этади. Кўшма гап таркибидаги содда гапларни белгилашда эса қисмларнинг таркибидаги эга ва кесим муносабати эътиборга олинади.

Кўшма гап таркибидаги содда гапларни белгилашда боғланган ва боғловчисиз турида қийинчилик туғилмаса ҳам, лекин эргашган кўшма гапларда эргаш гапларнинг гап ёки гап эмаслигини белгилаш осон эмасди. Шунинг учун ҳам Ғ.Абдурахмонов эргашган кўшма гаплар билан содда гапларни фарқлаш асослари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Эргаш гапни ҳам гап деб тушунар эканмиз, эргаш гап ҳам гапнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида аксантириши керак. Эргаш гап маълум фикр тугаллигини ифодалаши, предикативлик хусусиятига эга бўлиши ва модал муносабатларни ифодалаши шарт. Эргаш гап ўз таркибида эга ва

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ғ.А. Кўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент, 1958. – Б.11.

<sup>2</sup> Ғуллом А.У., Асқарова М. Ҳозирги замон тили. Синтаксис. – Тошкент, 1961. – Б.162; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшма гаплар. – Тошкент, 1960. – Б.7.

кесимга эга бўлгандагина гапнинг асосий белгиларини ўзида ифодалай олади. Таркибида ўз эгаси бўлмаган синтактик конструкциялар сўз бирикмаси маълум бир синтактик оборот бўлиб қолади».<sup>1</sup>

Эргаш гапларни аниқлашдаги бу тамойил ўзбек тилшунослигининг таянч нуқтаси бўлиб қолди. Лекин ўзбек тилшунослигига бир чўққили назариянинг кириб келиши эргаш гапларни белгилаш тамойилига ҳам ўзгариш киритди. Икки чўққили назарияда эргашган кўшма гапларни содда гаплардан фарқлашда эргаш гапнинг ўз эгаси бор ёки йўқлиги белгиси асосий таянч нуқта ҳисобланади. Кесимнинг кесимлик белгисига эга бўлиши ёки бўлмаслиги эътиборга олинмайди. Бу эса кейинчалик эргашган кўшма гаплар бўйича мутахассислар ўртасида анчагина баҳсларнинг туғилишига сабабчи бўлди (Бу ҳақда мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги бўлимида маълумот берилади).

Шунингдек, ўзбек тили кўшма гаплар синтаксиси такомиллашувида А.Бердиалиев, Н.Турниёзовнинг ҳам хизматларини таъкидлаш жоиз.

70 – 80-йилларда жаҳон тилшунослигида матн лингвистикасининг ривожланиши ўзбек тилшунослигига ҳам таъсир этди ва ўзбек тилшунослигида ҳам А.Мамажонов, М.Тўқсоновларнинг матн лингвистикасига ва матннинг услубий хусусиятларига бағишланган монографик тадқиқотлари вужудга келди. Шундай қилиб, ўзбек синтактик таълимотининг шаклланиши ва ривожланишида А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқаровлар катта хизмат қилди. Улар томонидан ўзбек тили синтаксисининг пойдевори яратилди.

А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Бердиалиевлар эса устозлар меросини ривожлантирган ҳолда ўзбек тили синтаксисига системавий-структур усулни олиб кирди.

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар ўзбек тилшунослигида синтактик бирликлар умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида тил ва нутқ дихотомиясини эътиборга олган ҳолда лингвистик оппозицияларга таяниб ўрганилди, синтактик моделларни белгилаш муаммолари ўртага қўйилди. Туркий тилларда гапнинг маъмуний ва конструктив маркази кесим экани, гапнинг эгаси ҳам кесим орқали белгиланиши ва унга тобе экани, гап бўлакларини

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ғ.А. Кўрсатилган асар. – Б.17.

гапни гап қилиб туришдаги зарурий ва факультативлик белгисига кўра бир неча даражаларга бўлиш мумкинлиги кўрсатиб берилди<sup>1</sup>.

### Ўзбек диалектологияси

Ўзбек маҳаллий шеваларини ўрганишда «Чиғатой гурунги» олға сурган ғоя катта хизмат қилди. Бунга кўра «тилимизнинг адабийлиги арабийлигида эмас, ўзидадир, шунини тиргузмак», «тилимиз қоидаларини татарча ёхуд усмонлича эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ» керак эди. Шунинг учун «халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлгон ертақлар, мақоллар йиғиб текширмак лозим» деган қарорга келади. Нажижада жонли халқ тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бел боғланади.

Ана шундай ҳаракат туфайли Ғози Олим Юнусовнинг «Алломиш» достони (1923), «Алла» тўғрисида бир-икки оғиз сўз» (1926) каби мақолалари; «Ўзбек уруғларида қатагонлар ва уларнинг тили» (1930), «Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бир тажриба» (1936) сингари рисоалари эълон қилинди.

Шунингдек, маҳаллий ўзбек шеваларини ўрганиш ва ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланишида Е.Д.Поливанов алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг бир неча тилларни билиши, эшитиш қобилиятининг ўта кучлилиги ҳар бир тилнинг маҳаллий шеваларидаги фарқли нуқталарни бир эшитишда илғаб олиш имконини берди. Улкан назарий билимга эгаллиги эса тўпланган материаллардан катта назарий умумлашмалар чиқариш имкониятини яратди.

Унинг «Тошкент диалектининг товуш таркиби» (1922), «Тошкент диалектидан фонетик ёзув намуналари» (1924), «Шовот тумани Қиёт-қўнғирот қишлоғи шеvasи» (1934), «Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили» (Тошкент, 1935) каби асарлари ўзбек диалектологиясининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, И.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетовлар Ғози Олим Юнусов ва Е.Д.Поливановлар асос солган шевашунослик илмининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

К.К.Юдахиннинг «Қорабулоқ шевасининг айрим хусусиятлари» (1927), «Чиғатой тили фонетик таркиби ҳақидаги масалалар юзасидан материаллар» (1929); А.К.Боровковнинг

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: А.Нурмонов. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Тошкент, 1988.

«Умлаутли» ёки «уйғурлашган» ўзбек шевалари тавсифига доир» (1946), «Ўзбек шевалари таснифи масалалари» (1953) каби асарлари ўзбек диалектологиясини янги материаллар билан бойитди.

Ўзбек шеваларини тасниф ва тадқиқ этишда, айниқса, В.В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновларнинг хизматлари катта. В.В.Решетов «Ўзбек тилининг Марғилон шеvasи» (1941), «Ўзбек тилининг Наманган шеvasи ҳақида» (1953) каби мақолалари, «Тошкент вилояти курама шевалари. Фонетик ва морфологик система» (1952) монографияси; Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари» китоблари ўзбек диалектологияси ривожига ва унинг фан сифатида ўқитилишида катта воқеа бўлди.

Икки жилдди «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» (I жилд, 1957; II жилд, 1961) асарларининг майдонга келиши, Ф.Абдуллаевнинг «Хоразм шеvasи» (Тошкент: Фан, 1961), «Хоразм шевалари фонетикаси» (Тошкент, 1967); М.Мирзаевнинг Бухоро ўзбек шевалари, С.Иброҳимовнинг Андижон шеvasи тадқиқига бағишланган асарлари, Х.Дониёровнинг «Желашган диалектларни ўзбек адабий тилига қиёсан ўрганиш тажрибаси» (Тошкент: Фан, 1975) А.Шерматовнинг Қашқадарё шеваларига, А.Алиевнинг Наманган шеваларига, Б.Жўраевнинг Шаҳрисабз шеvasига, А.Ишасевнинг манғит шеvasига, Н.Ражабовнинг ўзбек халқ шеваларида феълнинг морфологик тузилишига, М.Носировнинг Қўқон шеvasига, Қ.Муҳаммаджоновнинг Жанубий Қозоғистон ўзбек шеваларига бағишланган тадқиқотлари ўзбек диалектологиясини юқори чўққига олиб чиқди. Ўзбек диалектологиясининг кенг фронт бўйлаб равнақ топиши ўзбек тилини лингвистик карталаштириш имкониятини яратди. Шунингдек, лингвогеографик ва ареал тадқиқотлар олиб боришга қулай шароит туғдирди. А.Шерматовнинг лингвогеографияга, Ў.Жўраевнинг ареал лингвистикага доир тадқиқотларининг дунёга келиши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғидир.

### Тил тарихи ва тарихий грамматика

Борликдаги барча нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ривожланишдадир. Бундан алоқа воситаси бўлган тил ҳам мустасно эмас. Тилдаги ана шу диалектик тараққиётни эътиборга олган Ф.де Госсюр уни икки ҳолатда: 1) синхрон ва 2) диахрон аспектда ўрганишни тавсия этганди.



Синхрония узлуксиз ривожланишда, ўзгаришда бўлган маълум тилнинг муайян бир даврдаги ҳолатини, тарихий узлуксиз ривожланиш занжирининг бир халқасини акс эттиради. Шунинг учун ҳар қандай статика (синхрония) динамиканинг бир узви саналади.

Ўзбек тилини синхрон планда ўрганарканмиз, унинг узлуксиз жараёндан «узиб» олиниши нисбий характерга эгадир. Ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати аждодларимиз фойдаланиб келган умумхалқ тилининг давоми, айни пайтда, келажак авлодга ҳам ўтиб бораётган умумий жараёндир. Шундай экан, маълум бир тилни синхрон ҳолатда ўрганиш қанчалик зарур бўлса, унинг тарихий тараққиётини ўрганиш ҳам шунчалик катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ўзбек тилини синхрон ўрганиш билан биргаликда диахрон тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Бу соҳада С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, А.М.Шчербак, С.Н.Иванов, О.Усмон, Ш.Шукуров, Е.Умаров, Б.Ҳасанов, Ҳ.Неъматов, Е.Фозилов, Ҳ.Дадабоев, А.Матғозиев, С.Аширбоев, Б.Бафоев, Қ.Маҳмудов, Қ.Каримов, Ф.Ишоқов, М.Қодиров каби олимларнинг хизматлари катта.

Маълум бир тилнинг тарихий грамматикасини ва тарихини яратиш фақат шу тилга доир ёзма манбаларни чуқур ўрганиш орқалигина амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун 50 – 60-йиллардан бошлаб қадимги турк ва эски ўзбек тилига доир ёзма манбаларни нашр қилишга, бу манбаларнинг тил хусусиятини ўрганишга эътибор қаратилди.

Авалло, Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари тадқиқига бағишланган Олим Усмоннинг монографияси ўзбек тили ва тилшунослик тарихини ўрганишда катта воқеа бўлди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари уч жилдининг таржима қилиниши (1960 – 1963), бу асарнинг индекс-луғатининг алоҳида жилд сифатида нашр этилиши фақат ўзбек тилшунослигинигина эмас, балки бутун туркология фанининг ютуғи бўлди.

Қ.Маҳмудов томонидан Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-ҳақойик», Қ.Каримов томонидан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларининг нашр этилиши, бу асарлар тил хусусиятларининг ўрганилиши ўзбек тили тарихий фонетикаси, морфологиясининг шаклланишида катта хизмат қилди.

А.К.Боровковнинг «Ўрта Осиё тафсири лексикаси» асарини ўз ичига олган «Эски ўзбек тили очерклари» китоби (М.-Л., 1958), А.Н.Кононов томонидан Абулғози Баходирхоннинг «Шажараи тирокима» (М.-Л., 1958), С.Н.Иванов томонидан «Шажараи турк» (Тошкент, 1960), Ф.Исҳоқов томонидан Гулҳанийнинг «Ўзрбулмасал» асарларининг нашр этилиши ва бу асарларнинг тил хусусиятларининг тадқиқ этилиши ўзбек тили тарихини ўрганишда катта аҳамиятта эга бўлди.

С.Муталлибовнинг X – XII асрлардаги туркий обидалар тили лексикаси ва морфологиясига, А.Рустамовнинг Алишер Навоий асарларининг лингвистик тадқиқига бағишланган монографияларининг дунёга келиши ўзбек тили тарихий лексикаси ва морфологиясининг шаклланишига хизмат қилди. Фёъл шиклларининг тарихий тараққиётига бағишланган Ш.Шукуровнинг илмий ишлари, кўшма гапларнинг ва ўзбек тили фонетикасининг тарихий тараққиётига бағишланган Ғ.Абдурахмоновнинг тадқиқотлари, Е.Фозиловнинг «Эски ўзбек тили морфологияси» (Тошкент, 1965), «Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдгорликлари» (Тошкент, 1967), Ш.Шукуровнинг «Ўзбек тилида фёъл майллари тарихи» (Тошкент: Фан, 1980), «Ўзбек тилида фёъл замонлари тарихи» (Тошкент, «Фан», 1976), А.Матғозиев, Е.Умаров, Ҳ.Дадабоев, С.Аширбоев, М.Қодировларнинг эски ўзбек тили фонетикаси, лексикаси, грамматикаси бўйича қатор тадқиқотлари ўзбек тилининг тарихий грамматикасини яратишга замин ҳозирлади.

Юқорида баён қилинган асарлардан танқидий фойдаланган ҳолда Ғ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуровлар томонидан «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» асарининг яратилиши ўзбек тилини диахрон ўрганишни юқори чўққига олиб чиқди.

Шунингдек, ўзбек тилшунослари қадимги ва эски турк тили бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ғ.Абдурахмоновнинг «XI аср эски туркий тил синтаксиси бўйича тадқиқотлар» китобининг Москвада нашр этилиши (1973), Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовларнинг «Қадимги туркий тил» (Тошкент, 1982) китобларининг нашр қилиниши ўзбек туркийшунослигини янги босқичга кўтарди.

ЎзФА илмий ходимлари томонидан «XIII – XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили» (Тошкент, 1986) номли китобининг нашр қилиниши ўзбек тили тарихини янги материаллар билан бойитди.

Х.Неъматов эса ўзбек тили тарихини ўрганишга формал-функционал методни олиб кирди<sup>1</sup>.

### Услугунослик ва нутқ маданияти

Ўзбек тилининг ички тузилиш хусусиятини ўрганиш билан бирга 50-йиллардан унинг услубиётини ўрганишга ҳам эътибор қаратила бошланди. Бундай ҳаракат бошида ҳам А.Ғуломов ва Ш.Шоабдурахмоновлар турди. А.Ғуломов 1941 йили нашр этган «Ўзбек тилида келишиқлар» асарида халқ дostonларида келишиқларнинг ишлатилишидаги ўзига хос хусусиятларга кенг тўхталган бўлса, Ш.Шоабдурахмоновнинг «Равшан» дostonининг тили ва услуби» (1949) мавзuidaги номзодлик диссертацияси айни шу муаммога бағишланган дастлабки монография саналади. Ўшандан буён ўзбек тилининг турли функционал услубларининг монографик тадқиқига бағишланган ўнлаб асарлар майдонга келди. Улар ичида И.Қўчқортоевнинг «Бадий нутқ стилистикаси (1975), А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Х.Рустамовнинг «Ўзбек тили стилистикаси», Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (1982), А.Шомақсудовнинг «Ўзбек адабий тили стиллари ҳақида» (1970), «Ўзбек тили стилистикаси», (1974), Б.Ўринбоевнинг «Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» (1974), «Сўзлашув нутқи» (1982), А.Мамажоновнинг кўшма гап стилистикасига бағишланган бир қанча асарлари, М.Раҳмоновнинг «Туркистон вилояти газетаси» тили синтактик хусусияти» (1971), Б.Турдиалиевнинг газета тили морфологик хусусиятларига (1969), Б.Йўлдошев, С.Каримовнинг бадий услуб, Б.Умркуловнинг публицистик услубга, Ё.Тожиевнинг аффикслар услубиётига бағишланган тадқиқотлари ўзбек тили стилистикасининг такомиллашишига олиб келди.

И.Тошалиевнинг «Ўзбек тили услубиёти» (1996), «Адабий таҳрирнинг мантикий асослари» (1999), Э.Қиличевнинг «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» (1992), А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Х.Рустамовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси» ўқув қўлланмасининг нашр этилиши (1984) олий ўқув юртлари филология факультетларида услубиёт фанининг ўқитилишини яхшилашга имконият яратди. Ўзбек бадий нутқида қофиянинг

<sup>1</sup> Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII вв. – Ташкент: Фаң, 1989.

Урни, унинг лингвистик тадқиқи юзасидан И.Мирзаевнинг хизмати китга бўлди.

Ўзбек тили услубиёти бағрида нутқ маданияти шакллана бошлади. Ўзбек нутқ маданиятининг шаклланишида профессор Д.Бегматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг раҳбарлигида ёзилган «Ўзбек нутқ маданияти» очерклар китобида (1988) нутқ маданияти курсининг ўрганиш объекти, мундарижаси, миқсад ва вазифалари назарий жиҳатдан асослаб берилди.

## КАДИМГИ АСРЛАРДА ТИЛШУНОСЛИК

### Тилшуносликнинг майдонга келиши

#### Қадимги ҳинд тилшунослиги

Тилшунослик фанининг бешиги қадимги Ҳиндистон ҳисобланади. Чунки худди шу мамлакатда биринчи бўлиб кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тилни ўрганишга қизиқиш пайдо бўлди.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай фан кишиларнинг амалий эҳтиёжини қондириш зарурияти туфайли дунёга келган. Масалан, нарсаларни ҳисоблаш эҳтиёжи математикани, ерни ўлчаш эҳтиёжи геометрияни, осмон жисмлари ҳаракатини ўрганиш эса астрономияни юзага келтирган. Худди шу сингари қадимги Ҳиндистонда тилни ўрганишга ҳам катта эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки ведалар деб номланган ҳинд диний кўшиқлари қадимги ҳинд ёзма тили бўлган санскритда ёзилган бўлиб, даврлар ўтиши билан пракрит деб номланувчи ҳинд жонли сўзлашув тили ундан анча узоклаша бошлади. Ўртадаги фарқ кўпайган сари санскрит мантларини шарҳлаш, изоҳлаш эҳтиёжи юзага келди.

Дастлабки муқаддас ҳинд кўшиқлари эрамиздан 1500 йиллар олдин пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Санскрит эрамиздан олдин V асрдаёқ жамиятнинг кундалик алоқа воситаси вазифасини йўқотиб, ўлик тилга айланган бўлса ҳам, диний ва маданий анъаналарни ўзида сақловчи мумтоз тил сифатида сақланиб келди. Қадимги ведалар тилини шарҳлаш, сўзларнинг тўғри талаффузини сақлаб қолиш эҳтиёжи тилшунослик фанининг пайдо бўлишига олиб келди.

Санскрит ўзиги хос меъёрларга эга бўлган адабий тил сифатида бу меъёрларни махсус ўрганишни талаб қилар эди. Ана шу талаб ортидан фақат сўзларни тўғри талаффуз қилишигина эмас, балки сўз шакллари тўғри қўллашни кўрсатиб берувчи тавсифий грамматикалар дунёга келди. Грамматика хиндлар томонидан “вякарана” (парчалаш, бўлиш) деб номланди.

Эрамиздан ўн минг йиллар олдин ведалардаги тушунарсиз бўлиб қолган сўзларни изоҳловчи дастлабки луғатлар дунёга келди.

Қадимги ҳинд грамматикалари ичида энг машҳури Панини грамматикасидир. Панини милодгача IV асрларда яшаган машҳур ҳинд тилшуносидир. У томонидан яратилган “Саккиз китоб” деб юритилувчи грамматика назмда ёзилган 4000 та қоида (сутр)лардан

тўлиқ тўнган. Бу қоидалар шеъринг йўл билан ёзилганлиги туфайли, уларни ёдлаш осон бўлган. Ҳинд олими Джагдиш Прасад Димрининг эътироф этишича, Панининг мазкур китоби санскрит морфологиясини ҳайрон қоларли даражада аниқ ва тўлиқ таҳлил қилгани ҳамда товуш таркибини чуқур тавсифлагани билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам қадимги ҳинд тилшунослиги эришган ютуқлар ҳақида фикр юритилганда, Панини грамматикасига суянилади.

Машҳур тилшунос В.Томсен қадимги ҳинд тилшунослигига бироқ берар экан, бу тилшунослик шундай ютуқларга эришдики, Европа лингвистлари ҳинд тилшунослигидан озиқланган ҳолда XIX асрдагина улар забт этган чўққига кўтарила олди холос, дейди.

Қадимги ҳинд тилшунослари ведаларда ишлатилган сўзларнинг тўғри талаффузини сақлаб қолишга ҳаракат қилганликлари туфайли фонетика бўйича катта ютуқларни қўлга киритдилар. Уларнинг фикрича, веда матни тўғри талаффуз қилингандагина ўзининг диний-магик қувватини сақлаб қолади. Талаффуз тўғрилигини таъминлашга интилиш фонетик тадқиқотларнинг кучайишига сабаб бўлди.

Ҳинд фонетистларининг катта ютуғи шундаки, улар тилшунослик тарихида биринчилардан бўлиб реал талаффуз қилинган товуш билан тил эгаси хотирасидаги шу товушнинг андозасини фарқладилар. Бу фарқлаш кейинчалик Европа тилшунослигида товуш ва фонема атамалари билан ифодаланди. Шуниси характерлики, қадимги ҳинд тилшунослари реал талаффуз қилинган товушнинг тил хотирасидаги андозасини аташ учун махсус атамадан фойдаландилар.

Ҳинд тилшунослари товушлар таснифида физиологик тавсифларга асосландилар. Шунинг учун товушлар артикуляцияси ҳақида аниқ маълумот бердилар.

Улар тилшунослик тарихида биринчилардан бўлиб унли ва ундон товушларни, товушларнинг чўзиқлик-қисқалик белгисини фарқладилар. Шунингдек, урғуга ва нутқ оқимида товушларнинг бир-бирига таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратдилар. Товушларга физиологик нуқтаи назардан ёндашилганлиги учун ҳинд тилшунослари нутқ аъзолари ва нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринлари ҳақида чуқур маълумот бердилар. Унли ва ундонлар нутқ аъзоларининг бир-бирига тегиш-тегмаслигига кўра фарқланди. Икки нутқ аъзоси бир-бирига тегиб ўпқадан чиқаётган

ҳавони тўсса, ундош, икки нутқ аъзоси бир-бирига тегмасдан, ўпкадан чиқаётган ҳаво эркин ўтса, унли товуш ҳисобланди.

Қадимги ҳинд фонетистлари ҳинд-Европа тилларида катта аҳамиятга эга бўлган унлилар алмашинувиغا алоҳида эътибор қаратдилар.

Қадимги ҳинд тилшунослари морфология бўйича ҳам қимматли фикрларни баён қилдилар. Улар морфологиянинг ўрганиш объекти сифатида сўзларни туркумларга ажратиш, уларнинг ясалиши ва ўзгаришини тушундилар. Ҳиндлар тўртта сўз туркумини ажратдилар: *исмлар, феъллар, олд кўмакчилар* ва *ёрдамчилар*. Предметни билдирувчи сўзлар *исмлар*, ҳаракатни билдирувчи сўзлар *феъллар*, исм ва феълларни аниқлаб келувчи сўзлар *олд кўмакчилар* ҳисобланди. Ёрдамчилар боғловчи, қиёсловчи ва шеър кўринишидаги формал элемент сифатида фойдаланилувчи бўш элементларга ажратилди. Олмош ва равишлар исмлар ва феъллар таркибида ўрганилди.

Сўз таҳлилида сўз шаклининг ўхшаш ва фарқли белгиларига асосландилар. Натижада бир сўзнинг турли шакллари, таркибий қисмларини тўғри белгилашга эришдилар. Сўз таркибидан ўзак, суффикс ва қўшимчаларни ажратдилар. Қадимги ҳинд тилшунослари гапнинг фикр ифодалаш хусусиятини алоҳида таъкидласалар ҳам, лекин синтаксис билан махсус шуғулланмадилар. Уларнинг асосий эътибори гапнинг ташкил бўлишида хизмат қилувчи сўз шакллари ўрганишга қаратилган эди. Қадимги ҳинд тилшунослиги эришган ютуқлар бошқа халқларга ҳам таъсирини кўрсатди. Хусусан, ҳинд грамматик ғоялари буддизм орқали Хитойга кириб келди. Милодгача бўлган даврдаёқ ҳинд тилшунослиги Эрон орқали Юнонистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Шунингдек, бу тилшунослик араб тилшунослигининг шаклланиши ва ривожига ҳам маълум маънода асос бўлган.

Кўриниб турибдики, ҳинд тилшунослиги ғоялари турли мамлакатларга тарқалган ва тилшунослик фанининг шаклланиши ҳамда раванқ топишига замин яратган. Бу қадимги Ҳиндистон жаҳон тилшунослик фанининг бешиги, деган хулоса чиқаришга тўла ҳуқуқ беради.

## Қадимги юнон ва Рим тилшунослиги

Қадимги ҳинд тилшунослиги соф амалий эҳтиёж асосида кириб келган ва эмпирик характерга эга бўлган бўлса, қадимги юнон тилшунослиги фалсафа муаммоларини ҳал қилиш жараёнида шиклленди. Файласуфлар баҳсларида тил масаласи марказий ўринни эгаллади. Шунинг учун ҳам тилга фалсафий нуқтаи назардан ёндашув кучайди. Хусусан, тушунча ва сўз, нарса ва ном ўртасидаги муносабатни ҳал қилиш фалсафанинг бош муаммосига айланди ҳамда бу муаммо файласуфлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Қадимги юнон файласуфлари сўзнинг пайдо бўлиши, нарса билан унинг номи ўртасидаги муносабат юзасидан кизгин баҳс-мунозара олиб бордилар. Бу муаммо бўйича улар икки карама-қарши гуруҳга бўлиндилар. Уларнинг бир гуруҳи нарса билан унинг номи ўртасида табиий муносабат мавжуд, деб қараса, иккинчи гуруҳ бу муносабат табиий эмас, шартлидир дейишди.

Мазкур баҳслар тилшуносликнинг жуда катта фалсафий муаммосини қамраб олган. Сўзларнинг табиий асосда, сабаб-натига муносабати туфайли келиб чиққанини эътироф этувчилар бу муносабатни “табиий асосда” деб атадилар. Бу муносабатни инкор этувчилар эса “шартли” атамасига суяндилар ва нарса билан унинг номи ўртасидаги муносабат шартли эканини таъкидладилар.

Бу баҳс-мунозара машҳур юнон файласуфлари **Гераклит** ва **Демокрит** қарашларида ёрқин акс этади. **Гераклит** (милодгача 540-480й.) биринчи қарашнинг вакили бўлиб, ҳар қандай ном у ифодалаган нарса билан узвий боғлиқ, ном нарсанинг моҳиятини очиб беради деб ҳисоблайди.

**Демокрит** (милодгача 460-370й.) эса, аксинча, ном билан у ифодалаган нарса ўртасида табиий боғланишнинг йўқлигини, улар орасидаги муносабат шартли эканини, ажодларимиздан анъана бўлиб ўтгани туфайли шундай номланишини баён қилади. У ўз фикрини ном ва нарса ўртасидаги бир қатор номувофиклик асосида исботлашга ҳаракат қилади: 1) баъзи сўзлар бирдан ортиқ нарсани ифодалайди. Яъни нарса номдан кўп; 2) айрим нарсалар бир неча ном билан юритилади, яъни ном нарсадан кўп; 3) бир қанча тушунчалар сўз ифодасига эга эмас; 4) даврлар ўтиши билан нарсаларнинг номлари ўзгариши мумкин.

Ном ва нарса муносабати ҳақидаги бу баҳс Афлотун (милодгача 429-348 йй) нинг машҳур “Кратил” диалогда ифодасини топган. Бир-бирига зид икки карашни ўзида акс эттирган бу диалогнинг майдонга келиши тилшунослик фанининг шаклланиши ва ривожда муҳим бир қадам бўлиб хизмат қилди. Мазкур диалог Гормоген ва Кратил баҳси асосига қурилган. Сукрот баҳсга ҳакамлик қилади. Кратил нарса билан ном ўртасида боғлиқлик бор, бундай боғлиқлик мавжуд номлар тўғри номлар, боғлиқлик бўлмаган номлар эса нотўғри номлар ҳисобланади, дейди. Бундай караш тарафдорлари **аналогистлар** деб ҳам юритилади. Демак, Кратил **аналогистлар** карашларини ифода қилади.

Гормоген эса, аксинча, номнинг табиий асосда, ўзи ифодалаган нарса билан табиий боғлиқ равишда пайдо бўлганини рад қилади. У **аномалистлар** деб юритилувчи оқим карашларини ҳимоя қилади. Номнинг нарса билан табиий боғлиқликда эмас, балки шартли равишда вужудга келиши ва аждодлардан мерос сифатида авлодларга ўтиши, ном билан нарса ўртасида номувофикликнинг мавжудлигини эътироф этувчи оқим вакиллари **аномалистлар** ҳисобланади.

Муаллифнинг, яъни Афлотуннинг ўзи Сукрот тимсолида ўрта позицияни эгаллайди. У **аналогистларни** ҳам, **аномалистларни** ҳам ёқламайди. Номлар табиий асосда ҳам, шартли асосда ҳам келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, дастлаб сўзнинг товуш томони билан тушунча ўртасида қандайдир ички алоқа мавжуд бўлган. Бундай асосда номнинг пайдо бўлиши товуш символикаси ёки оноματοпозтик тамойил саналади. Дастлаб ана шу тамойил асосида пайдо бўлган сўзлар асосида тил эгалари бошқа қатор сўзларни ясаганлар, натижада вақт ўтиши билан ном ва нарса ўртасидаги мотивация муносабати бузилган. Бу баҳс-мунозара маълум натижага олиб келмаган бўлса ҳам, тилшунослик тараққиётида катта аҳамиятга касб этди.

Қадимги юнон тилшунослиги шаклланиши ва ривожда **Арастунинг** (милодгача 384-322 йй.) ўрни беқиёсдир. Арасту грамматика масалаларини мантиқ категорияларига қиёсан белгилади. Унинг грамматика ҳақидаги карашлари “Поэтика” асарида маълум даражада ифодасини топган. У инсон нутқини *ҳарф, бўғин, боғловчи, исм, феъл, аъзо, келишик* ва *гаплардан* ташкил топишини баён қилади. Нутқнинг бундай парчалари нутқ

**Фонетика**ри ҳисобланади. Демак, нутқ бўлакларидан энг кичиги **ҳарф**дир. Унинг фикрича, ҳарф бўлинмас товушдир. Лекин ҳар **қандай** товуш ҳарф бўлавермайди. Демак, сўзларни шакллантириш **учун** хизмат қилувчи товушларгина ҳарф ҳисобланади. Шу боис **қаймон** товушлари ҳарфлар сирасига киритилмайди.

**Ҳарфлар** унли, ундош ва унсиз турларга бўлинади. Аввало, **ундош** ва унсизлар тилнинг иштирок этиш-этимаслиги белгисига **кўра**, унлиларга қарама-қарши қўйилади. Ундош ва унсизлар **талиффузида** тил иштирок этса, унлилар талаффузида иштирок **этмайди**.

Уч навбатида, ундош ва унсизлар ҳам уннинг қатнашиш-қатнашмаслиги белгисига кўра бир-бирдан фарк қилади. Тил **иштирок** этиб, фақат шовқиндан иборат бўлган ҳарфлар ундош (**маволян**, п, к каби), шовқинга жаранг қўшилган ҳарфлар унсиз (**маволян** б, г каби) ҳисобланади. **Бўғин** унлилардан ва унли ҳамда **ундошлардан** ташкил топган маъносиз товушлардир.

**Боғловчи** мустақил маънога эга бўлмаган, бироқ сўзнинг **асолишига** халақит этмайдиган ва кўмаклашмайдиган сўздир. У **гапнинг** охирида ва ўртасида келиши мумкин, лекин гап бошида **ислолмаслиги** таъкидланади.

**Аъзо** гапнинг бошини, охирини ёки бирор бўлагини **билдирувчи** мустақил маъно аниқламайдиган сўздир.

(**От** замон маъносини билдириш-билдирмаслик белгисига кўра **феъл**ни қарама-қарши қўйилади. Бундай белгига эга бўлган сўзлар **феъл**, **ча** бўлмаган сўзлар от ҳисобланади. Хусусан, *одам* ёки *оқ* **сўзлари** замонни аниқламайди, *боряпти* ёки *келдими* сўзлари бошқа **маънолардан** ташқари, ҳозирги ёки ўтган замонни ҳам аниқлатади.

**Келишик** атамаси остида от шакллари ҳам, феъл шакллари ҳам **тушунилади**. Шунинг учун келишиклар иккига бўлинади: 1) от **полишиги**, 2) феъл келишиги. Отларнинг келишик, сон (бирлик ва **кўплик**) сингари шакллари от келишиклар, шахс-сон, майл сингари **шакллари** феъл келишиклар ҳисобланади.

**Гап**лар, Арасту фикрича, мустақил маъно аниқлаувчи, **қисмлари** ҳам мустақил маънога эга бўлган сўзлар йиғиндисидир. **Арасту** сўзларнинг тузилиши, фаолликка, эмоционал-экспрессивликка кўра турлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар **билдиради**. Сўзлар тузилишига кўра содда ва мураккаб турларга **ажратилади**. Мустақил маънога эга бўлмаган қисмлардан ташкил **топган** сўзлар (отлар) содда (масалан, тупрок), икки ва ундан ортик



мустикал маъноли қисмлардан ташкил топган сўзлар мураккаб (масалан, гермоканкоксанф) ҳисобланади. Сўзлар қўлланиш фаоллигига кўра умумистеъмолдаги сўзлар ва кам қўлланадиган (қўлланиш доираси чекланган) сўзларга ажратилади.

Ҳамма ишлатадиган, яъни умумистеъмолдаги сўзлар кенг қўлланадиган, тор доирага хос (ҳамма ишлатмайдиган) сўзлар ноёб сўзлар ҳисобланади.

Арастунинг “Поэтика” асарида кўчимлар ҳақида батафсил маълумот берилади. Нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга, турдан жинсга, ёки турдан турга кўчирилган сўзлар кўчма сўзлар саналади. Ниманинг нимага кўчиришига кўра кўчма сўзлар тўрт турга ажратилади:

**1. Жинсдан турга кўчирилган сўзлар.** Масалан, *Ана, менинг кемам ҳам турибди* жумласидаги *турибди* сўзи бир қанча маънолардан биттаси – “лангарда турибди” хусусий маъносида қўлланган.

**2. Турдан жинсга кўчирилган сўзлар.** Масалан, *Минглаб шавкатли ишлар қилди Одиссей* жумласидаги “минглаб” сўзи кўплаб сўзининг хусусий ҳолати бўлганлиги учун у “кўплаб” маъносини англатади.

**3. Турдан турга кўчирилган сўзлар.** Масалан, *Мис билан жонини бўшатиб ва Сув заррасин чарчамас мис билан кесиб* жумлаларининг биринчисида “бўшатиб” сўзи “кесиб” маъносида, иккинчисида “кесиб” сўзи “бўшатиб” маъносида қўлланган.

**4. Ўхшатишган сўзлар.** Бу ўринда Арасту иккинчи сўз биринчисига қанчалик алоқадор бўлса, тўртинчи сўз учинчисига шунчалик алоқадор бўлган сўзларни назарда тутди. Масалан, *Коса Дионисга қанчалик алоқадор бўлса, қалқон Аресга шунчалик алоқадор.* Шунинг учун косани “Диониснинг қалқони”, қалқонни эса “Арес косаси” дейиш мумкин. Шунингдек, қариллик билан умр алоқаси шом билан кундуз алоқасига ўхшайди. Шунинг учун қарилликни “Умр шом”, шомни “Кундузнинг қариллиги” дейиш мумкин. Шунингдек, деҳқоннинг уруғ сочишини “экиш” дейиш ҳам, бу сўзнинг куёш нурларига нисбатан қўлланиши ҳам (масалан, “Тангри ато этган нурларни экиб”) ўхшатиш йўли билан кўчишга киритилади.

Бундан ташқари, сўзлар янгилик белгисига эга бўлган (янги сўзлар) ва эга бўлмаган гуруҳларга бўлинади. “Ҳеч қачон ҳеч ким томонидан ишлатилмаган, фақат маълум адиб томонидан

қўлланилган сўзлар” “янги сўзлар” ҳисобланади. Масалан, *шоҳлар ўрниги муъзчалар, қоҳин ўрнига дуоғуй* дейиш каби.

“Уларнинг муайян мақсад билан чўзилиш (ортиқчалик) ва чиқариш (тежамлилиқ) ҳодисасига учраши ҳақида ҳам фикр юритилади. Отларда жинс (эрлик, аёллик ва оралик жинслари) категорияси юзасидан маълумот берилади.

Арастунинг товуш, бўғин, сўз туркумлари, гап, сўз кўчиши шаклидаги фикрлари тилшуносликнинг кейинги тараққиёти учун кўп бўлиб хизмат қилди. Арастудан сўнг тилни ўрганишга отинкилар номи билан юритилувчи фалсафий мактаб вакиллари катта ҳисса қўшдилар.

“Тоиклар сўз билан нарса ўртасидаги боғлиқлик манжудлигини, сўзлар нарсанинг ички моҳиятини ифодалашини, чунки инсон нарсадан чиққан товуш таассуроти орқали уни номлаганини эфироф этадилар. Кўринадики, стоиклар нарса ва сўз ўртасидаги муносабат ҳақида фалсафий мунозарадаги аналогистлар позициясини маъқуллайди. Шу туфайли сўзларни таҳлил қилиш асосида у ифодалаган нарсанинг моҳиятига кириб бориш, сўзнинг асл табиатини, этимонини (юнонча “ҳақиқат”) очиш мумкин, деб қарайдилар. Сўзларнинг ана шундай асл табиатини очишга қарикит туфайли тилшуносликда алоҳида йўналиш бўлган этимология майдонга келди. Лекин мазкур йўналиш ҳали сўзларнинг этимологиясини муайян фонетик қонуниятлар асосида илмий талқин қилиш даражасига кўтарилмаган, этимологизациянинг тамойиллари яратилмаган эди. Бундай илмий этимология қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланиши ва у берган материаллардан унумли фойдаланиш натижасида майдонга келди.

“Тоиклар грамматик категорияларни белгилашда ҳам катта ютуқларга эришдилар. Уларнинг грамматик қарашлари бошқа тилларга ҳам таъсир қилди. Хусусан, “нутқ бўлаклари” (сўз туркумлари) атамасини мантиқдан тилшуносликка олиб ўтдилар. Улар турдош ва атоқли отларни алоҳида-алоҳида сўз туркумлари дисоблаб, бешта сўз туркумини ажратдилар: феъл, боғловчи, аъзо, (артиқлик ва олмош), турдош от ва атоқли от. Қилишиқларнинг отга мис қатегория эканлиги ҳақида узил-кесил бир фикрга келдилар.

Эллини даври тилшунослиги хинд тилшунослиги каби амалий ҳақиқат туфайли майдонга келди. Ўша пайтлар мамлакатдан ютуқлиги юнонларнинг дунёга машҳур эски адабиёти ва тилини

бошқа халқлар таъсиридан сақлаб қолишга уриниш ҳаракати мавжуд эди. Александриялик олимлар Гомернинг тўла матнини тикладилар. Эсхил ва Сафокл асарларидаги лексик ҳамда грамматик элементларга шарҳлар бердилар. Юнон адабий тилини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар.

Александриялик тилшунослар тилнинг фалсафий муаммоларини ҳам назардан қочирмадилар. Тилда кўпинча қонуниятдан четланиш, яъни аномалия мавжудлигини эътироф этувчи стоикларга қарама-қарши ўлароқ александрияликлар баъзи истиснолар – аномалияларни рад этмаган ҳолда, қатъий қонуният, гармоник система мавжудлигини баён қилдилар. Тилдаги системалилик сабабини аномалиядан анологиянинг устунлигида деб изоҳладилар. Тил қатъий қоидаларига амал қилиши эътироф этилгач, бу системавий грамматикаларнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур йўналишнинг йирик вакили Аристарх (милодгача 215 – 143 йй.) саналади. У ўз шогирдлари билан ҳамкорликда Гомер асарларининг тўлиқ матнини тузди.

Аристархнинг грамматик қарашларини ифодаловчи бирор асари бизгача этиб келмаган. Фақат ундан кейинги даврда ёзилган баъзи асарларда учрайдиган изоҳлар орқали Аристархнинг грамматик қарашлари юзасидан муайян маълумотларни олиш мумкин.

Унинг ўқувчиси фракиялик Дионисий (милодгача 170 – 90 йй.) Аристарх ғояларидан фойдаланган ҳолда “Грамматика санъати” (“техне грамматике”) номли илк юнон систематик грамматикасини тузди. Шунингдек, илк юнон синтаксиси бўлган “Синтаксис ҳақида” китобининг муаллифи машҳур юнон грамматисти *Аполлоний Дискол* (милодгача II аср) ҳам Аристарх ва Дионисий фикрларини давом эттирди.

Александриялик олимлар фонетика масалаларига алоҳида аҳамият бердилар. Товушларни изоҳлашда акустик тамойилга амал қилдилар. Уларни унли ва ундош товушларга бўлдилар. Унлилар чўзиқ ва қисқа унлиларга ажратилди. Дионисий чўзиқ унлилар, дифтонгларни ҳам фарқлайди. Сўзлар боғли нутқнинг кичик қисми, гаплар эса сўзлар боғланишидан ташкил топган фикр ифодаловчи нутқ парчаси сифатида изоҳланади.

Аристарх саккизта сўз туркуми ҳақида фикр юритади: 1) исм, 2) феъл, 3) сифатдош, 4) аъзо (артикл) 5) олмош, 6) кўмакчи, 7) равиш, 8) боғловчи.

Сўз туркумларини белгилашда сўзларнинг синтактик функциялари билан биргаликда морфологик белгилари, хусусан, **Ф** Уғариш хусусиятлари ҳамда семантикаси ҳам эътиборга олинди. Масалан, Дионисий томонидан исм нарса билдирувчи, турлиниш хусусиятига эга сўз туркуми сифатида баҳоланди. **И**смларнинг келишик ва сон шакллари билан ўзгариши тикланди. Феъл замон, шахс, сон шаклларига эга бўлган **Х**арикатни билдурвчи келишиксиз сўз туркуми деб таърифланади.

Кўринадики, семантик жиҳатдан феъл замон билдириши, **И**смлар нарса билдириши билан бир-биридан фарқланади. Равиш **Ф**еълга кўшилиб, унинг белгисини билдирадиган ўзгармас сўз туркуми сифатида баҳоланади.

Александрияликларнинг грамматик таълимоти **римликларга** кўчирилди. Римликлар юнонлар эришган грамматик ютуқлардан **о**чиқландилар ва бу таълимотни давом эттирдилар. Рим олимлари лотин тилида артикль бўлмаганидан юнонлар ишлаб чиққан сўз туркумлари системасидаги артикль ўрнига *ундов*ларни киритдилар. **Д**еярли барча юнон лингвистик терминлари лотин тилига таржима қилинди ва бу терминлар лотин тили негизида бошқа тилшуносликларга тарқалди.

Юнон ва лотин тилшунослиги дунё тилшунослигининг шиклланиши ва ривожиди катта аҳамиятга эга бўлди. **А**лександрияликлар грамматикани мустақил фанга айлантирдилар. **И**смлар ва феълларнинг асосий грамматик категорияларини белгиладилар. Юнонлар фонетика, морфология, синтаксис, **э**тимология фанларининг шаклланишига замин яратдилар, сўз ва гапни фарқладилар ҳамда сўзларни туркумларга ажратдилар. **К**иропанинг грамматик системаси XIX асрга қадар юнонларнинг грамматик таълимотига ва унинг лотинлар томонидан бир оз ўзгиртирилган вариантыга асосланди.

## ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ

### Умумий рационал грамматика

**А.Арно ва К.Ландселоларнинг лингвистик қарашлари.** 1660 йилда тилшунослик назариясида кескин бурилиш рўй берди. Париж яқинидаги Пор-Рояль ибодатхонасида машҳур файласуф ва мантиқчи Арно ҳамда грамматист Ландсло ҳамкорлигида дунёга «Пор-Рояль грамматикаси» номи билан тарқалган «Умумий рационал грамматика» яратилди. Бу грамматиканинг яратилиши тилшунослик тарихида янги саҳифа очди.

«Пор-Рояль грамматикаси» илк бор бир қатор конкрет тилларнинг фактлари асосида умумий грамматика системасини яратиш мумкинлигини намойиш этди.

Дунёга систем-структур тилшуносликнинг асосчиси сифатида танилган Фердинанд де Соссюр ҳам бу грамматикага юксак баҳо беради.

Шу грамматиканинг яратилиши билан тилни илмий ўрганиш бошланди. Унда биринчи марта лингвистик тадқиқот предмети чегаралаб берилди.

«Пор-Рояль грамматикаси» муаллифлари тафаккур универсаллигига эътибор берган ҳолда, тафаккурнинг моддийлаштирувчиси бўлган тилда ҳам универсал жиҳатлар мавжудлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, инсон онгига таъсир этувчи ҳар қандай тадқиқот объектининг рационал томонларини топиш асосида умумий грамматикани яратиш мумкин. Бу билан бир неча тилларни бир вақтда осон ўрганишнинг асосий тамойилларини белгилашга ҳаракат қилдилар.

«Пор-Рояль грамматикаси»да муаллифлар барча тилларнинг тузилиши ҳақида фикр юритишни мақсад қилсалар ҳам, амалда фақат юнон, латин, қадимги яҳудий, замонавий тиллардан — француз, италян, испан; қисман инглиз ва немис тилларини текшириш объекти сифатида олдилар. Булар орасида кўпроқ француз тилига эътибор қаратилди. Шуларнинг ўзидек турли тиллар тузилишидаги умумий, рационал томонларни белгилаш мақсадини амалга оширишга кифоя қилади, деб ўйладилар.

Универсал грамматика умумлашмаларга кўпроқ эътиборни қаратди. Уларнинг таъкидлашларича, универсализм — умумлашмаларсиз, абстракциясиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг

учун ҳам «Пор-Рояль» муаллифлари конкрет товуш билан товуш тиши, товуш моделини фарқлайдилар. Товуш типи ёки модели учун «қарф» атамасини қўллайдилар ва уни график белги ифодаловчи «трифема» атамасига қарама-қарши қўядилар.

Арно ва Ландселолар тилнинг товуш томони, моддий плани билан маъно томонини фарқлайдилар. Улар мантикий қонунлар асосида барча тиллар учун умумий жиҳатларни белгилаш билан бирга, ҳар қайси тилнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам аниқлашга қарикат қилдилар.

Уларнинг таъкидлашларича, мантик қонунлари инсоният учун бир хил. Демак, барча тиллар учун грамматик тузилишнинг бир хил фундаментал (ички) қондаси мавжуд. Шунинг учун у ёки бу тилда айни бир хил қондалар учрашидан ҳайрон бўлмаслик керак. Бу ҳар қайси тилнинг ўзига хос (ташқи) хусусиятларини рад ҳам этмайди. Шунга мувофиқ, универсал грамматика замирида дунёдаги барча тиллар универсаллиги, улар ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган умумий мантикий схемаларга мос келувчи универсал тил схемаларининг турлича ташқи кўринишлари экани ҳақидаги бош тегис ётади.

«Пор-Рояль грамматикаси» муаллифлари тилни шаклий мантиққа қиёсан ўрганиш йўлидан борар эканлар, бу мантикнинг асосий вазифаси объектив олам ҳақида чин билимга эга бўлмоқ учун амал қилиниши шарт бўлган қонун ва тамойилларни белгилашдан иборат эканини таъкидлайдилар. Шундай экан, илмий грамматиканинг асосий вазифаси ҳам дунёдаги барча тиллар ёки ҳар қандай алоҳида олинган тилни ўрганиш жараёнида чин билимга эга бўлишни таъминлайдиган қонун ва тамойилларни аниқлашдан иборат бўлиши керак.

Уларнинг кўрсатишича, инсон ўз онгидаги барча таъсиротларни ифодалаш учун белгига эҳтиёж сезади. Ана шундай белги вазифасини сўз бажаради. Сўзлар маълум синфларга бўлинади. «Пор-Рояль грамматикаси» муаллифлари сўзларни синфларга бўлишда тафаккур шаклларига муносабат тамойилига асосланидилар. Бир гуруҳ сўзлар фикр предметини, бошқалари эса фикр усули, қандай юз бериш тарзини билдиради. Биринчи гуруҳдаги сўзларга субстантивлар, артиклар, олмошлар, сифатдош, кўмакчи ва равишлар киритилади. Иккинчи гуруҳдаги сўзларга эса феъллар, боғловчилар ва ундовлар мансублиги таъкидланади.

Рационал грамматика муаллифлари сўз моҳиятини ҳам мантик асосида белгилайдилар. Уларнинг изоҳлашларича, сўз аниқ ва бўлақларга бўлинувчи товушлар бўлиб, улардан инсон ўз фикрларини ифодалаш учун белгилар ҳосил қилади.

«Пор-Рояль грамматикаси»да тафаккур бирликлари бўлинишининг маълум бир тилда ёки турли тилларда учрайдиган хилма-хил йўллари таҳлил этилади.

Тафаккур бирликларини нутқий бирликларга кодлаштириш ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, шу тилнинг материали, тузилиш хусусияти билан боғлиқдир.

Ҳар бир тил нутқда фикрий бўлинишнинг муайян моделларига эга. Демак, турли тиллар фикрий бўлинишнинг нутқдаги турли моделларига эга бўлади. Ана шундай хилма-хил тиллар моделларини қиёсий ўрганиш назарий жиҳатдан бу моделларнинг универсал номенклатурасини аниқлашга имкон беради.

Уларнинг кўрсатишларича, тил ички ва ташқи аспектга эга. Бу икки жиҳат ҳар қандай гапда ёрқин намоён бўлади. Шунинг учун ҳам гап икки жиҳатдан изоҳланиши мумкин: а) ички томондан ва б) ташқи томондан.

Гапнинг ички тавсифи маънони қандай моддийлаштириш томонини ўз ичига олса, ташқи тавсифи маънонинг моддий томони қандай шаклланиши, яъни маъно гапни ташкил этган элементларга қандай бўлинганини қамраб олади. Бошқача айтганда, ташқи тавсиф гапнинг лексик-семантик, синтактик ва фонетик талқинини ўз ичига олади. Биринчи тузилишни ички тузилиш, иккинчи тузилишни эса ташқи тузилиш деб юритилади. Шундай қилиб, улар гапнинг ички ва ташқи тузилишига эга бўлиши ҳақидаги ғояни систем-структур тилшунослик пайдо бўлишидан анча олдин кўтариб чиқдилар.

Арно ва Ландслорларнинг таъкидлашларича, ички структура мавҳумлик белгисига эга. У лисоний фаолиятда конкрет жумлалар ҳосил қилишнинг асоси, бошланғич нуқтаси саналади. Ички тузилиш билан ташқи тузилиш бир-бирига мос келиши шарт эмас. Муайян ички тузилиш турли тиллардагина эмас, ҳатто бир тилнинг ўзида ҳам турли ташқи тузилишларига эга бўлиши мумкин. Кўринадики, бир қанча тиллар ички тузилиш бўйича бир-бирига мос келади. Демак, универсал грамматиканинг асосий тадқиқот объекти тилнинг ички тузилиши бўлиши керак.

Ички тузилиш билан ташқи тузилиш ўртасидаги муносабат трансформация қоидаларига асосланиши кўрсатилади. Бунда муайян ички тузилиш бир қанча ташқи тузилишларга трансформация қилинади. Натижада мавҳум моделлар конкрет жумлалар орқали юзага чиқади.

«Пор-Рояль грамматикаси»да олға сурилган ички ва ташқи структуралар ўртасидаги юқоридаги каби муносабат кейинчалик Америка тилшунослари томонидан ривожлантирилди ва трансформацион лингвистиканинг вужудга келишига замин яратди.

### Қиёсий-тарихий тилшунослик

Қиёсий-тарихий тилшунослик Европада XIX асрда пайдо бўлган ва ривожланган, деган қараш мавжуд бўлса-да, аслида у XI асрдаёқ Шарқда, хусусан, туркийшуносликда шаклланиб улгурган эди. Махмуд Кошғарийнинг “Девони луғат-ут турк” асари бу йўналишнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қариндош деб ҳисобланган тилларнинг фонетик, лексик, грамматик бирликлари бир-бирига қиёсланади ва қиёсланаётган бирликларнинг қариндош тиллар учун асос бўлган деб ҳисобланган бобо тил давридаги ҳолатини тиклашга ҳаракат қилинади. Демак, тилга тарихий ёндашув илмий тадқиқотнинг бош тамойили ҳисобланади. Қиёслаш тил тарихини тадқиқ этиш мақсадида тилнинг барча сатҳларини қамраб олган ҳолда систематик равишда олиб борилди. Тилларни бундай қиёсий-тарихий ўрганиш бўйича йўналиб материалларнинг йиғилиши умумий тилшуносликнинг келиб чиқишига ҳам шароит туғдирди. Қиёсий-тарихий методнинг яритилиши натижасида тилшунослик фалсафа, тарих ва адабиёт биригидаги йўналишдан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди ва тилнинг объектив тарихий тараққиёт қонунларини тўплаган бой материаллар асосида тушунтириб беришга қодир бўлган фанга айланди. Унинг олдидаги муҳим муаммолардан бири тиллар қариндошлигини тил фактлари асосида тушунтириб бериш бўлиб қолди.

Асосан ҳинд-Европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганиш тарихини айрим тилшунослар куйидаги асосий даврларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

1. Қиёсий-тарихий тилшунослик юзага келган даврдан бошлаб ёш грамматиклар қарашлари шакллангунга қадар (XIX аснинг биринчи чораги – 1870 й).

2. Ёш грамматиклар қарашларининг ҳукмронлик даври (1870 – XIX аснинг 90-й).

3. Ёш грамматиклардан Ф. де Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси” дунёга келгунча бўлган давр (XIX ас охири, XX аснинг биринчи чораги).

Қиёсий-тарихий тилшуносликни бундай даврлаштириш анчагина шартли ва у турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин бу бўлиниш тилшунослик тарихидаги умумназарий фикрлар тадрижга асосланади. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг Европада шаклланиши немис олимлари Франц Бопп, Якоб Гримм ва Дания олими Расмус Раск номлари билан узвий боғлиқдир.

Ҳинд-Европа тиллари асосидаги қиёсий-тарихий тилшуносликнинг яратувчиларидан бири Франц Бопп (1791-1867) ҳисобланади. У 1816 йилда 25 ёшида “Санскрит тилида юнон, латин, форс ва герман тилларига қиёсан тусланиш системаси” номли китобини Франкфурт на-Майне шаҳрида нашр қилди. Бу билан у илмий тилшуносликка асос солди. Ф.Бопп мазкур асарида тилнинг грамматик қурилишининг бир томонини – феъллардаги флексия ҳодисасини қиёс объекти қилиб олди. Юқорида санаб ўтилган тиллардаги феъл флексиясини қиёслаш орқали бу тилларнинг бир-бирига қариндош эканлигини ишончли далиллар билан исботлади.

Бунинг сабаби шундаки, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бош вазифаси тиллар қариндошлигини белгилашдир. Қандай тиллар қариндош саналанади, деган саволга А.Мейе қадимда бир умумий тилдан эволюция натижасида ажралиб, турли тилларнинг майдонга келиши тиллардаги қариндошлик саналади, деб жавоб берди.

Шунинг учун 1816 йилни Европада қиёсий-тарихий тилшуносликнинг туғилган даври, деб ҳисоблаш мумкин. Ф.Боппга қадар ҳам ҳинд-Европа тиллари (бу термин ҳам Ф.Бопп томонидан амалиётга киритилган) бир ажлод тилдан келиб чиққан қариндош тиллар эканлиги Джонс ва Ф.Шлегел томонидан баён қилинган юқорида айтиб ўтилганди. Лекин Ф.Боппнинг фан олдидаги хизмати шундаки, у тиллар қариндошлигининг умумий назариясини яратишга муваффақ бўлди. Қариндош тилларнинг

феъл шаклларини қиёслаш ва улар ўртасидаги мувофиқликни кўрсатиш орқали Ф.Бопп ҳинд-Европа тилларида айрим ўхшаш қилишлар эмас, балки бутун грамматик системанинг умумийлиги мунжуд, деган хулосага келади. Уларни солиштириш натижасида қадимги грамматик шаклни тиклаш, бир тилга хос ҳодисани иккинчи тил факти орқали тушунтиришни мақсад қилиб олади. Бу қиёсий-тарихий методни яратиш учун белгиловчи янги усул эди.

Б.Бопп ўзининг тадқиқоти билан тилнинг ибтидоий ҳолатини тиклашга ҳаракат қилган эди. Аммо бу ҳаракат Ф.Бопп Италиясининг энг ожиз томонларидан бири саналади. У ҳинд тилшунослари ғояларига қўшилган ҳолда, энг қадимги сўзлар бир сўгинли ўзақлардан ташкил топганини, бу ўзақлардан бири феъл, бошқалари олмош бўлганини, бошқа сўзлар мана шу икки тилдаги ўзақдан келиб чиққанини баён қилади.

Хусусан, феъллар ва отлар биринчи ўзақдан, олмош ва юқламалар иккинчи типдаги ўзақдан келиб чиққанини таъкидлайди. Унинг фикрича, келишик ва феълнинг шахс қўшимчалари ҳам дастлаб олмош ўзақлар бўлган. Вақтлар ўтиши билан улар мустақил от ва феъл ўзақларига қўшилиб кетган. Англотинация рўй берган. Антуан Мейе таъкидича, худди Х.Колумб Ҳиндистонни кашф қилишга ҳаракат қилиб Американи топганидек, Ф.Бопп ҳинд-Европа бобо тилини излаб, қиёсий-тарихий тилшуносликни кашф этди.

В.фон Гумбольдт тавсияси билан 1821 йил Берлин университетига профессор лавозимида иш бошлаган Ф.Бопп ўз тадқиқотини систематик равишда олиб борди. Тадқиқотларнинг ilk натижасини 1824 йилдан 1833 йилга қадар Берлин академиясида “Санскрит ва қариндош тилларнинг қиёсий таҳлили” маънусидаги маърузасида баён қилди. Бу даврда литва грамматикасининг эълон қилиниши, славян филологиясининг ривожланиши унга болтик-славян тилларини санскрит, юнон, латин ва герман тилларига қиёслаш имкониятини яратди. Авесто тили олдорликларининг ўқилиши Ф.Боппга янги материаллар берди. 1883 йилда санскрит, зенд (авесто тили) ва немис тиллари қиёсий грамматикасининг I қисми нашр қилинди. Бу асар 1949 йилда ўлик яқунланди.

Ф.Бопп ҳинд-Европа тилларига шу даражада берилиб кетиши, ҳатто уларга қариндош бўлмаган индонез ва кавказ тилларини ҳам мазкур оилга қўшишга ҳаракат қилади. У қиёсий-

тарихий грамматикани яратишда асосан морфологик сатҳга – сўз ўзгартиришларига асосланади. Фонетик эволюция ва унинг қонуниятлари, синтаксис масалалари Ф.Бопп назаридан четда қолди.

Бопп билан бир вақтда, лекин мустақил равишда Дания олими **Расмус Раск** (1787 – 1838) ҳам герман тилининг юнон, лотин ва болтиқ-славян тиллари билан ўхшашлигини аниқлади ва ўзининг бу назариясини “Қадимги шимол тиллари ҳақидаги изланишлар” асарида баён қилади. Бу асар 1814 йилда ёзиб тугатилган бўлса ҳам, фақат 1818 йилда Копенгагенда нашр этилди. Мазкур асарнинг иккинчи бўлими немис тилига “Асосий Европа тилларининг қиёсий жадваллари” номи билан таржима қилиниб, 1822 йилда нашр қилинди.

Р.Раск герман тилининг юнон, лотин ва балто-славян билан ўхшашлигини кашф этди ва шу кунга қадар ўз қимматини йўқотмаган бир қатор янги фикрларни ўртага ташлади. У тиллар қариндошлигини белгилашда грамматик шакл ўхшашлиги ва уларнинг тарихий тараққиётига суяниш энг ишончли восита эканини баён қилади. Унинг фикрича, лексик мослик олий даражада ишончсиздир. Чунки лексик қатлам тилнинг энг ўзгарувчан қисми саналади.

Р.Раск мантиқ асосида яратилган грамматикага ашаддий қарши чикди ва ўзининг 1811 йилда нашр этган “Исланд тили бўйича қўлланма” асаридаёқ “грамматика сўзнинг қандай ясалиши кераклигини олдиндан белгиламаслиги, аксинча, сўзнинг қандай ясалиши ва ўзгаришини тавсифлаши лозимлиги”ни айтди.

Р.Раск скандинавия тилларини бошқа герман тиллари билан қиёслар экан, Ф.Боппга ўхшаб уларнинг боботил давридаги грамматик шаклларини тиклашга ҳаракат қилмайди. У ўз изланишларини исланд тилини тадқиқ қилишдан бошлаб, уни дастлаб ўзига яқин бўлган “атлантика” гуруҳига мансуб грендланд, келт, баск, фин тиллари билан қиёслайди ва уларнинг бир-бирига қариндошлигини рад қилади. Кейин исланд тили яқин қариндош норвег, швед, дат тиллари, охирида эса уларнинг бари герман тиллари гуруҳи билан қиёсланади.

Юқоридаги қиёслаш натижасида Р.Раск скандинавия ва герман тиллари славян ҳамда болтиқ тиллари гуруҳи билан бир умумий “қадимги фракий тили”дан тарқалганлиги ва улар бир тилнинг турли тармоқлари экани ҳақидаги хулосага келади.

"Фрнкий" атамаси остида Р.Раск юнон ва лотин тилларини тушунди ҳамда уни ҳинд-Европа тилларининг ибтидоий манбаси деб билади.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланишида яна бир немис олими **Якоб Гримм** (1785-1863)нинг ҳам хизмати каттадир. У қиёсий-тарихий метод асосида битта тил оиласи – герман тилларини тадқиқ этди. Унинг тўрт томлик "Немис тили грамматикаси" асари тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Асарнинг биринчи томи 1819, иккинчи томи 1822 йилда, барча томлари эса 1837 йилда тўлиқ нашрдан чиқди. 1848 йилда унинг "Немис тили тарихи" асари дунёга келди. Шунингдек, "Немис дугати" асарини ёзиб, унда Люттердан тортиб Гётегача бўлган даврдаги тўлиқ немис тили сўзларини қамраб олишга ҳаракат қилди. 1854 йилда бу асарнинг биринчи жилди эълон қилинди, иккинчи жилди эса юз йилдан сўнг – 1960 йилда нашр юзини кўрди.

Якоб Гримм "Немис тили грамматикаси"нинг I жилдида немис тили диалектлари ҳақида батафсил маълумот беради. Бу диалектларнинг бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлари тарихий манбалар асосида шу қадар изчил ҳамда асосли баён қилинадики, бундан кейинги немис диалектологияси бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Қиёсий-тарихий методнинг тиллар қариндошлигини асословчи тамойиллари сифатида Раск, Гриммларнинг "Фонетик силжиш" ёки "Доимий фонетик мослик" қонуни деб юритилувчи ҳодиса, грамматик мослик ва Ф.Боппнинг агглютинация назарияси титироф этилади. Тиллар қариндошлигини асословчи тамойиллардан бири Р.Раск томонидан киритилган *доимий фонетик мослик* тушунчасидир. У "Қадимги шимол ёки исланд тилининг келиб чиқиши юзасидан тадқиқот" номли асарида биринчи марта герман тилларида бир қатор ундошларнинг мослиги қонуниятига эътибор қаратди. Р.Раск 1818 йилда ҳинд-Европа тилларидаги портловчи ундошлар герман ва бошқа тилларда сирғалувчига айлангани, бу "ундошларнинг силжиши" қонуни эканини баён қилади. Масалан, герман тилларидаги *ф* – юнон тилида *п*. 1822 йилда эса Я.Гримм томонидан "Немис грамматикаси" биринчи жилдининг иккинчи нашрида герман тилларида юқоридаги *п-ф* мувофиқлигига ўхшаш фонетик қонуният мисоллар асосида изчиллик билан баён қилинади.

Шунинг учун ҳам ундошлар силжиши ҳақида юқоридаги қонуни биргина Раск ёки Гримм номи билан эмас, балки ҳар иккисининг номи билан юритилиши адолатли экани кўпчилик томонидан эътироф этилади.

Шундай қилиб, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг илк даври Ф.Бопп, Р.Раск ва Я.Гримм номлари билан узвий боғлиқдир. *Фонетик қонуниятлар* (фонетик силжишлар), *грамматик шакллар мослиги* ва *агглютинация* қиёсий-тарихий тилшуносликнинг тиллар қариндошлигини белгилашдаги асосий тамойиллари саналади.

### Вильгельм фон Гумбольдт

**Ҳаёти ва ижоди.** В.Гумбольдт XVIII аср охири ва XIX асрнинг ўрталаригача ўз тадқиқотлари билан жаҳон тилшунослиги тарихида жуда катта из қолдирди ва умумий ҳамда назарий тилшуносликнинг шаклланишига асос солди. Шунингдек, тил фалсафасининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиши ҳам унинг номи билан боғлиқдир.

Филология билимининг шаклланишига буюк немис адиблари Г.Гейне ва Ф.Шиллерларнинг таъсири катта бўлди. Геттинген университетига ўқиётган пайтда Г.Гейнедан филология масалалари, хусусан адабиёт тарихи бўйича маърузалар тинглади. Шунингдек, Геттинген шаҳрида улуғ немис шоири Ф.Шиллер билан танишди ва унинг эстетикага доир асарлари В.Гумбольдтнинг эстетик қарашлари шаклланишига таъсир қилди.

1801 – 1819 йилларда давлат арбоби сифатида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. 1819 йилда давлат ишларидан бўшагач, бутун борлиғи билан илмий тадқиқот ишлари олиб боришга шўнғиди.

Гумбольдтнинг лингвистик қизиқиш доираси ғоят кенг бўлиб, фақат Европа тиллари билангина чекланиб қолмасдан, баск, санскрит, хитой, малай, полинезия, Америка индуслари тилларини ҳам тадқиқот объектига айлантирди. Америка индуслари тили бўйича асарлар ёзишда акаси А.Гумбольдт берган материаллар қўл келди. Лингвистик умумлашмалар қилишда ҳинд-Европа тилларидан ташқари, қадимги яхудий, япон ва бошқа тиллар материалларидан ҳам кенг фойдаланди. Унинг илмий фаолияти 1820 йилда Берлин академиясида “Тилларни уларнинг турли тараккиёт босқичига қараб қиёсий ўрганиш” мавзусидаги илмий



маърузасидан бошланди. Бу маърузасида В.Гумбольдт ўзининг тилшунослик соҳасида олиб борадиган тадқиқотлари дастурини баён қилди, тилшунослик фанининг мазмуни ва чегарасини белгилаб берди. Умрининг охирида яқунлаган ва ўлиmidан сўнг амаси А.Гумбольдт томонидан 1836 – 1840 йилларда нашр қилинган уч жилдлик “Ява оролидаги кави тили ҳақида” асари В.Гумбольдт илмий меъросининг гултожи саналади. Айниқса, бу асарнинг кириш қисми сифатида берилган “Тилларнинг структур фарқланиши ва унинг кишиларнинг руҳий оламига таъсири” мақоласи лингвистик таълимот тарихида катта аҳамиятга эга бўлди.

**В.Гумбольдт лингвистик концепцияси.** В.Гумбольдт, энг аввало, Кант, Гегель ғояларини чуқур ўзлаштирган ҳолда, уларни тилшуносликка татбиқ этди ва тил фалсафасига асос солди.

Иккинчидан, тилнинг моҳиятини белгилашга ҳаракат қилди. Тилшунослик пайдо бўлгандан буён унинг ўрганиш объекти бўлган тилнинг ўзи нима эканини мутахассислар турлича талқин қилиб келдилар. В.Гумбольдт ўз фалсафий дунёқарашидан келиб чиқиб тилга руҳ фаолияти сифатида баҳо беради. Унинг фикрича, тил товушни фикр ифодаловчига айлантиришга интилувчи руҳнинг умуксиз фаолиятидир. Тилшунослик тилни руҳ фаолияти сифатида тушуниш даражасига етмагунча ҳеч қандай масалани еча олмайди. Шунинг учун ҳам В.Гумбольдт доимо “халқ руҳи” тушунчасига мурожаат қилади. “Халқ руҳи” атамаси остида халқнинг руҳий ўчига хослиги, интеллектуал кадриятлари, миллий маданият тушунчалари ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, халқнинг дунёқарашини белгиловчи тафаккур тарзи, фани, адабиёти ва сипъати шу халқнинг руҳий дунёсини ташкил қилади ҳамда тилида икк этади.

В.Гумбольдт халқ руҳи ва тили ўртасидаги муносабат ўзаро чич боғланганлигини, уларни айро тасаввур қилиб бўлмаслигини баён қилар экан, тилни халқ руҳининг ташқи воқеланиши, халқ тили унинг руҳи, айна пайтда халқ руҳи унинг тили эканини ташкидлайди. Ана шу ғоядан келиб чиққан ҳолда тилнинг хилма-хиллиги халқ руҳининг хилма-хиллиги натижасидир, деган хулосага келади, тил руҳ қонуниятини асосида ўзгариб, ривожланиб боради, дейди.

Унинг фикрича, тил одам ва олам муносабатида халқ ҳамда уни қуршаб турган олам ўртасидаги *оралиқ олами*ни ташкил қилади.

Тил бу ташки ҳодисалар олами билан инсоннинг ички олами ўртасидаги оралик оламдир.

Ҳар бир тил оламини тил эгаси бўлган халққа боғлиқ равишда ўзича тасвирлайди. В.Гумбольдтнинг бу ғояси кейинчалик Америка тилшунослари Сепир ва Уорфлар томонидан лингвистик нисбийлик назариясининг яратилишига асос бўлди.

В.Гумбольдт тилшуносликка олиб кирган яна бир тушунча — “лисоний дунёқараш” тушунчасидир. Бу ҳам олдинги “халқ руҳи”, “оралик олам” тушунчаларининг мантиқий давоми саналади.

У 1801 йилдаёқ басклар ҳақидаги монографиясининг парчаларида тиллар хилма-хиллиги бир предметнинг турли товуш ифодасигина эмас, балки уни турлича идрок қилишдадир, деган ғояни олға сурган эди. Бу ғоя ўзининг тузилиши билан Европа тилларидан тамомила фарқ қиладиган баск тилини амалий кузатиш натижасида келиб чиққан бўлиб, у Гумбольдтнинг 1820 йил Берлин Фанлар Академиясида “Тилларни турли ривожланиш даврида қўллаб қиёсий ўрганиш ҳақида” номли машхур маърузасида назарий асосини топди. “Лисоний дунёқараш” ҳақидаги тезис шу кунгача тилшунослар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган эса-да, у соф эмпирик нуктаи назардан оддий бир ҳақиқатни — тилларнинг фарқланиши шунчаки товушланиш фактори билан чекланмаслигини ифода қилади.

Бу фикр кейинчалик Бодуэн де Куртенэ томонидан ҳам маъқулланди. У В.Гумбольдтнинг “лисоний дунёқараш” ҳақидаги фикри билан ҳеч қандай истисносиз келишиш мумкинлиги, дарҳақиқат, ҳар бир тил ўзига хос дунёқараш эканлигини ёзади.

Тилнинг халқ руҳи сифатида эътироф этилиши унинг маданият билан боғлиқ томонларини ёритишга, “тил — маданият ойнаси” деган хулосага келишга имкон берди. В.Гумбольдтнинг фикрича, тилнинг тузилиши билан интеллектуал фаолиятнинг бошқа турлари муваффақияти ўртасида узвий алоқа мавжуд. Тил ва маданият ўртасидаги бундай алоқани нафақат маданиятнинг тилга, балки тилнинг маданиятга таъсирида ҳам кўрамиз. Буни оддий сўзловчи билан сўз усталарининг тилдан фойдаланиш жараёнларини қиёслаш асосида тушунтириб беради. Унинг баён қилишича, оддий сўзловчи ўз тилининг семантик қондасига амал қилган ҳолда, маълум даражада унинг “асири”да бўлса, бадий сўз усталари она тилининг сир-асрорлари ичига кириб, тилнинг ўзи ўзлаштирган қондаларига кўр-кўрона эргашувчига эмас, балки тил

оркали оламни ўзлаштиришдек узлуксиз жараён бўлган лисоний дунёқирашни яратиш иштирокчисига айланади. Бунда “иштирокчи” учини ишлатишга эҳтиёж бўлиши лозимлиги, чунки тилдаги ҳар қандай “янги” эскининг мавжудлигини тақозо қилишини, энг буюк бадавий сўз ижодқори ҳам йўқ нарсадан ҳатто бир сўз ҳам ясай олмаслигини баён этади. Нуткий жараёндаги ана шундай даяомийлик ва ўзгарувчанликни кузатиш В.Гумбольдтнинг тил эргон эмас, балки энергия экани ҳақидаги хулосасини юзага келтирди.

В.Гумбольдтнинг тилшуносликка қўшган муҳим қиссаларидан бири тилни узлуксиз ривожланишда эканини назарий жиҳатдан асослаб бериши эди. Унинг фикрича, тилнинг яшаш шакли унинг ривожланишидир. Бундай қараш ўша даврда тилга ўлик механизм сифатида ёндашувчи метафизик қарашга қарама-қарши равишда майдонга келди ва тилнинг ички ривожланиш қонуниятини очиб беришга имконият яратди.

В.Гумбольдтнинг таъкидлашича, тилни ўлик маҳсулот эмас, балки яратувчи жараён сифатида тан олиш лозим. Тил фаолият маҳсули эргон эмас, балки энергиядир<sup>1</sup>. Шунинг учун унга фақат генетик ёндашгандагина ҳақиқий талқинини топади.

Тилни фаолият сифатида тушунган В.Гумбольдт унинг фақат динамиқлигини эмас, балки фаоллигини ҳам таъкидлайди. Тил фаоллиги, унинг фикрича, ижтимоий, социал ҳодиса сифатида индивидга таъсирида намоён бўлди. Индивид тилдан ўзининг ички ва ташқи эҳтиёжларига мувофиқ қанчалик онгли фойдаланса, тил шунчалик унинг онгига таъсир қилади.

Тилнинг ижтимоийлиги ва социаллиги ҳамда индивид нуткида фаоллашиши ҳақидаги бу ғоя тилшунослик тарихида тил ва нутқни бир-биридан ажратишга замин яратади. Ҳали Ф.де Соссюрнинг асари яратилгунга қадар В.Гумбольдт бу икки тушунчани бир-биридан фарқлади. В.Гумбольдт жонли тилларни кузатар экан, маълум этносга мансуб кишилар умумий тилда гаплашади, шу билан бирга ҳар бир шахснинг ўз тили бор, деган хулосага келади. Демак, ижтимоий моҳиятга эга бўлган, муайян бир жамиятнинг алоқа воситаси ҳисобланувчи ва ҳар бир тил тасисининг онгида имконият сифатида мавжуд бўлган тил билан бу тилнинг шу жамият аъзоларидан биттаси томонидан लोकалантирилиши, бошқача айтганда, индивид нутқининг бир-бири

<sup>1</sup> Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. - М., 1984. - С. 69.

билан узвий боғлиқлиги, айна пайтда эса, бир-бирдан фарқланишига ишора қилади.

В.Гумбольдт лингвистик қарашларининг марказида тил шакли ва тилнинг ички шакли тушунчалари ётади. В.Гумбольдт асосий эътиборини индивидуал нутқни ўрганишга қаратди, ижтимоий тил мавжудлигини инкор қилган ҳолда, факат индивидуал тилни эътироф этди. Унинг “ҳар бир шахс ўз тилига эга” деган ғояси кейинчалик ёш грамматиклар қарашларининг таянч нуқтаси бўлиб қолди.

Олимнинг фикрича, тил бир қанча элементлардан: *сўз, қоида, аналогия, истисно* ва бошқалардан ташкил топади. Ана шу қисмларни бирлаштиришга имконият берувчи асос тил шакли ҳисобланади. В.Гумбольдт тилни оламини билиш ва «халқ руҳи»ни ифодалаш воситаси сифатида эътироф этгани ҳолда, тил шаклини “руҳ фаолиятида фикр ифодалаш учун хизмат қилувчи ва барча муносабатлар мажмуаси сифатида қаралувчи талаффуз қилинган говуш” деб баҳолайди.

В.Гумбольдт фикрича, тилда шаклсиз модда (материя)нинг бўлиши мумкин эмас, тилларнинг фарқланиши шаклга асосланади. У ўзининг тил шакли ҳақидаги концепциясини тил ва тафаккур ўртасидаги муносабат асосига қуради. Бундан В.Гумбольдт тил шаклини ўрганиш ва тавсифлаш у ёки бу тилнинг фикр ифодалаш учун ўзига хос усул танлашини кўрсатиб бериши мумкин, деган хулосага келади.

В.Гумбольдт, энг аввало, тилнинг **ташқи** ва **ички** шаклларини фарқлайди. Тилнинг говуш томонини **ташқи шакл** деб ҳисоблагани ҳолда, **ички шаклни** ташқи шакл орқали ифодаланган халқнинг руҳи, маънавий олами дея тушунтиради. Ички шаклни кўпинча оддийгина қилиб **тил шакли** деб ҳам номлайди. Тиллар ташқи, яъни говуш шакли билан ўзаро фарқланади. Тафаккурни ифодаловчи восита тилнинг говуш шакли ҳисобланади.

Кўринадики, В.Гумбольдт тилнинг ички шакли деганда говуш томони билан руҳий мазмун, “халқ руҳи”нинг муайян тил учун хос бўлган бирлаштириш усулини, тилнинг шакли деганда эса имконият тарзидаги ижтимоий-руҳий моҳиятни ҳам, унинг индивид нутқи орқали воқеланишини ҳам ўз ичига олган барча тил элементлари мажмуасини тушунади.

Шунинг учун ҳам В.Гумбольдт тилнинг ички шаклини ўрганишга алоҳида эътибор беради. Чунки у маълум халқнинг

дунёкараши қандай ифодаланишини ва бир тил бошқасидан қандай фарқланишини аниқлашга қулай имконият яратади.

В.Гумбольдт фикрича, тил шаклдан бошқа нарса эмас. Бундан илгариладики, тил шакли деганда, фақат грамматик шакллар эмас, балки сўз ясалиши, сўзларнинг қўшилиш қоидалари, фонетика, лексикани ўз ичига олган яхлит ҳолдаги тил тушунилади.

В.Гумбольдтнинг тилшунослик олдидаги яна бир хизмати шундаки, у жаҳон тилшунослигида биринчилардан бўлиб тилнинг системавий табиатга эга эканлигини асослаб берди. У “Тилларни турли ривожланиш даврига кўра қиёслаб ўрганиш” асарида ҳар қандай тилни ички алоқалари ва муносабатларини эътиборга олган ҳолда ўрганиш тилшунослик олдида турган энг муҳим вазифа эканини баён қилади. В.Гумбольдт фикрича, тилда ҳеч қандай алоҳидалик йўқ, унинг ҳар бир алоҳида элементи бутуннинг бир қисмини намоян қилади. У тилни ҳар бир толаси бошқаси билан чинжири бўлиб чокланган улкан тўқимага ўхшатади. Тилдан фойдаланаётган ҳар бир индивид бу улкан тўқиманинг фақат бир қисми билан иш кўрса ҳам, лекин бу қисм бошқалари билан муқаррар алоқа ҳамда ички муносабатлар гармониясидан иборат бўлганги учун бутун бир тўқима ўларок намоян бўлади.

В.Гумбольдт тилнинг системавий табиатга эгаллигини эътироф этиши билан бирга, унинг белгилар системаси эканини ҳам баён қилади. У “Тилларни қиёсий ўрганиш ҳақида...” асарида тилнинг бир вақтнинг ўзида ҳам инъикос, ҳам белги эканини кўрсатади. В.Гумбольдтнинг фикрича, сўз алоҳида тушунчанинг белгисидир. Сўзнинг сўз бўлиши учун фақат товуш қобиғига эгаллик белгиси кифоя қилмайди, балки тушунча ва товуш томонлари бир бутунликни ташкил этиши керак. Сўз ўзининг товуш қиёфаси билан нарсанинг хусусиятини белгиламайди, у сезгимизга таъсир қилувчи нарсанинг эквиваленти эмас, балки у ҳақидаги тушунча билан боғлиқдир. Шундай қилиб, сўз тил унсури сифатида предмет билан эмас, балки уни қандай тушуниш билан мотивлангандир. Яъни нарсанинг ном учун асос бўлган ва тил амалиёти орқали онда мустақамланган характерли белгилари билан боғлангандир. Предметнинг бундай белгилари бир қанча бўлиши мумкин. Масалан, *фил* “икки тишлилик”, “хартумлилик” сингари муҳим белгиларга эга. Ана шу белгилар асосида санскрит тилида у гоҳ икки тишли, гоҳ хартумли, гоҳ икки марта ичувчи сингари номлар билан аталган. Демак, бир нарса турли белгилар асосида турлича

номланган. Бу эса сўзнинг маъноси белги сифатида нарса билан эмас, балки у ҳақидаги тушунча билан боғлиқ эканлигини кўрсатиши, сўзнинг товуш қобиғи эркин, фақат тил амалиёти орқали муайян маънога боғликлигини тасдиқлайди.

В.Гумбольдтнинг тилшунослик олддаги хизматларидан яна бири тилларнинг келиб чиқиши ва таракқиёти ҳақидаги таълимотидир. Унинг тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлари ҳам зиддиятлидир. Бир томондан, у мазкур муаммо бўйича агностик қарашни олға суради: тилнинг қандай келиб чиққанини билиб бўлмаслигини таъкидлайди. Иккинчи томондан, тилнинг пайдо бўлишини инсон пайдо бўлиши билан боғлайди. Унинг фикрича, инсон тили билан инсондир. Тилни яратиш учун ҳам, аввало, инсон бўлиши керак. Шунинг учун ҳам тилни олдиндан берилган деб бўлмайди. Тил, албатта, жамият, унинг аъзоси бўлган шахс билан боғлиқдир. В.Гумбольдтнинг фикрича, тил инсоннинг онгли кашфиёти эмас. У кишилик жамиятининг амалий эҳтиёжи натижасида вужудга келган. Яшаш учун кураш инсонда тил орқали ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжини туғдирди. Бу фикрни давом эттирган ҳолда, алоҳида шахс бутун бир жамият, халқ билан боғлиқ эканини баён қилади. Демак, тил қайси томонидан қарашдан қатъий назар, ижтимоий, социал характерга эга, деган хулосага келади.

Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги бундай материалистик қарашни В.Гумбольдтнинг катта ютуғи саналади.

В.Гумбольдт лингвистик концепциясининг яна бир муҳим жиҳати тилларнинг морфологик таснифидир. Унинг фикрича, ҳар бир халқ ўз тили орқали объектив реалликни ёки субъектив фаолиятини ифодалайди. Шунинг учун дунёдаги барча тиллар гўё бир хил тузилишга эга бўлиши мумкин эмас. Чунки тил эгалари бир хил таракқиёт даражаси ва яшаш шароитига эга эмас. Ана шунга боғлиқ равишда ҳар қайси халқда тилнинг ички шакли билан товуш томонини синтезлаш даражаси ҳамда шакли хилма-хилдир. Шунинг учун В.Гумбольдт тилларнинг ички тузилиши ҳақида фикр юритиб, уларни ривожланган ва ривожланмаган тилларга бўлади. Унинг фикрича, тилнинг ички шакли билан товуш томонидан синтезлашиш даражаси кучсиз бўлса, бундай тиллар ривожланмаган бўлади. Аксинча, ички шакл билан товуш томонининг синтези кучли бўлса, бундай тил ривожланган ҳисобланади. Ички шакл билан товуш томони ўртасидаги синтезлашиш даражаси тилнинг грамматик тузилишида, гап

тутилишида, айникса сўзнинг аффикс ёки флексия ёрламида  
исилишида ёрқинроқ намоён бўлади.

Сўз ва гапнинг ички тузилиш хусусиятини эътиборга олган  
ҳолда В.Гумбольдт дунё тилларини тўрт типга ёки шаклга бўлади:  
1) флектив, 2) ажралган (аморф), 3) агглютинатив, 4)  
инкорпорацияловчи тиллар. Унинг фикрича, флектив тиллар анча  
ривожланган саналади ва улар қатъий қоидаларга эгадир.

В.Гумбольдт тил тузилиши халқларнинг ақлий ривожланиши  
билан боғлиқ деган ғайриилмий ғояни олға сурган ҳолда флектив  
тилларда гаплашувчи халқлар бошқаларга нисбатан ақлий  
жиҳатдан ривожланганлигини исботламоқчи бўлади. Лекин тил  
тузилишининг халқ қобиляти билан муносабати ҳақидаги бундай  
хулоса ўз даврида А.А.Потебня ва Н.Г.Чернишевскийлар  
томонидан қаттиқ танқид қилинди. Хусусан, Н.Г.Чернишевский  
В.Гумбольдтнинг дунё тилларининг морфологик таснифи  
ғайриилмийлигини, халқ тили билан ақлий камолоти ўртасида ҳеч  
қандай алоқа йўқлигини кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат, В.Гумбольдт энг қолок тил деб ҳисоблаган хитой  
тилида гаплашувчи халқ бугунги кунда ҳаётнинг турли  
жиҳазларида, адабиётда ва техникада қандай муваффақиятларга  
эришаётгани, қандай мўъжизалар кўрсатаётгани, шу билан бирга  
кўп мингйиллик маданий меросга эгаллиги<sup>1</sup> мазкур ғоянинг нақадар  
нуч эканлигини яна бир бор исботлайди.

### Ёш грамматиклар мактаби

XIX аср қиёсий-тарихий тилшунослигига оид эмпирик  
тадқиқотларни ва тил фалсафаси тараққиётини айрим муаллифлар  
уч даврга бўладилар:

1. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бошланғич даври. Бу  
даврга Ф.Бопп, Я.Гримм, Р.Раск сингари олимларнинг  
тадқиқотлари мансубдир. В.Гумбольдтнинг тил фалсафаси ҳам  
қисман ана шу даврга мувофиқ келади.

2. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг тўлиқ қарор топган  
даври. А.Шлейхер бу даврнинг йирик фигурасидир. А.Шлейхер  
қарашларининг фалсафий асоси натурализм ҳисобланади.

3. Ёш грамматиклар йўналиши. Бу йўналишнинг фалсафий  
асоси психологизм саналади.

<sup>1</sup> Нолков А.А. Язык и мышления. Мировая загадка. - М., 2007. - С.14.

Тилшунослик тарихида ёш грамматиклар мактаби лингвистика фани тараққиётининг ички эҳтиёжи, XIX асрнинг 60-йилларида компаративистика кириб қолган боши берк кўчадан чиқиш йўллари ахтариш зарурияти туфайли майдонга келди.

XIX асрнинг 70-80-йиллари Германияда қиёсий-тарихий тилшуносликнинг Ф.Бопп, Я.Гримм, А.Шлейхер сингари вакиллари қарашларини кескин танқид қилган ҳолда янги йўналиш куртак ота бошлади.

Эски авлоднинг илмий меросига кескин танқидий муносабатда бўлганини эътиборга олиб, кекса авлод вакиллари тилшуносликнинг янги босқичи вакиллари масхараомуз гарзда “ёш грамматикачи”лар деб номладилар. Ёш авлод эса буни йўналишнинг асосий номи қилиб олдилар.

Ёш грамматиклар йўналишининг шаклланиши К.Бругман (1849 – 1919), Г.Остхаф (1847 – 1909), Г.Пауль (1846 – 1921), Б.Дельбрюк (1842 – 1922), А.Лескин (1840 – 1916) сингари Лейпциг университети олимлари номи билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу йўналиш тилшуносликнинг *Лейпциг мактаби* деб ҳам номланади.

Германиядаги тилшуносларнинг бу йўналишга муносабати бир хил бўлмаган. Бу даврда Германияда ёш грамматиклардан ташқари бир қанча лингвистик йўналишлар фаолият кўрсатди. Шунинг учун ҳам академик И.В.Ягич: «Бу мамлакатда неча университет бўлса, шунча лингвистик мактаблар мавжуд», – деганди.

Лекин кейинчалик Германиядаги бошқа лингвистик мактаб вакиллари ҳам ёш грамматиклар томонига ўтдилар. Шу билан бирга бу мактаб қарашлари бир қатор Европа тилшуносларига ҳам таъсир қилди.

Ёш грамматикларнинг ўзига хос хусусиятлари нима эди? деган савол туғилиши табиий. Ёш грамматиклар қарашларининг назарий умумлашмалари Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асарида баён қилинган.

Ёш грамматиклар қарашларининг асосий нуқталари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг энг катта камчилиги шундан иборатки, улар тилларни қиёслаб ўрганишга, бобо тил шакллари хаёлан тиклашга асосий эътиборни қаратдилар, лекин сўзловчи шахснинг ўзи назардан четда қолди. Сўзловчининг



нисоний фаолият механизми, психологияси, тилнинг ички тираккиёти сингари масалаларга эътибор қаратилмади.

Киёсий-тарихий тилшуносликнинг ана шу камчиликларини эътиборга олган ҳолда Бругман ва Остгофлар, энг аввало, лингвистиканинг тадқиқот объектини ўзгартиришни маслаҳат берадилар. Уларнинг фикрича, тилларни киёсий ўрганаётган олим уларнинг бобо тил ҳолатини тиклашга эмас, балки ҳозирги ҳолатини тадқиқ этишга асосий эътиборни қаратиши керак.

2. Натижада ёш грамматиклар тилни организмнинг психофизиологик фаолияти сифати талқин этдилар. Бундай талқин тилшунослик методологиясининг ўзгаришига олиб келди. Яъни эски ёзма ёдгорликлар тилини эмас, балки сўзлашаётган кишилар нутқини ўрганиш ва тил тарихи тахлили давомида фонетик қонуниятлар ҳамда аналогияларни эътиборга олиш лозим, деб ҳисобладилар.

3. Тилшуносликда тадқиқот объектининг ўзгариши назарий асоснинг ўзгаришига олиб келди. Уларнинг методологик тамойилида тил фақат ўзи учун яшайдиган инсондан ташқаридаги, унинг устида турувчи нарса эмас, балки фақат индивидда мавжуддир деган гоё асосий ўринга чиқди. Шунинг учун тилдаги ҳар қандай ўзгариш фақат сўзловчи шахс билан боғлиқ деб ҳисобладилар.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб алоҳида лингвистик оқим сифатида эътироф этилган ва 50-йиллар атрофида катта илмий куч сифатида фаолият кўрсатган ёш грамматиклар тилшунослик тарихида илмий маҳсулотларининг кўплиги, илмий текшириш методининг етуклиги ва тил амалиётига таъсирининг кучлилиги жиҳатидан XIX аср ва XX аср бошларида мавжуд бўлган лингвистик оқимлар ичида тенги йўқ саналади.<sup>1</sup>

4. Ёш грамматиклар бир қанча тиллар мисолида жуда катта фактик материалларни тўплаб, системалаштириб бердилар. Бу билан тилшуносликнинг амалий томонини ривожлантиришга, янги-янги лингвистик йўналишларнинг майдонга келишига замин ҳозирладилар. Натижада тилшуносликда диалектология, лингвистик география йўналишлари вужудга келди. Уларнинг фаолияти туфайли фонетика, хусусан, экспериментал фонетика

<sup>1</sup> Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. - М., 1975. - С.

соҳасида ва фонетик қонуниятларни англаш борасида катта муваффақиятларга эришилди.

5. Ёш грамматиклар тилшуносликнинг бевосита ўрганиш объекти нутқий жараён, индивидуал нутқ эканлигини эътироф этганлари туфайли, у билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни, хусусан, нутқий жараёнда индивидуаллик-социаллик муносабатини, индивидуал нутқ, меъёр ва тил тузилиши масалаларини кўтариб чиқдилар.

Шундай бўлишига қарамай, уларнинг қарашларидаги бир қатор масалалар баҳсталаб ва етарли илмий асосини топмаган эди. Улар моддий томондан фақат алоҳида индивидлар тилигина мавжуддир, деган ғояни ўзларига методологик тамойил қилиб олиш билан индивидуал психологияни тилшуносликнинг назарий асоси сифатида эътироф этдилар. Натижада илмий абстракцияга, тил онтологиясининг илмий талқинига эътибор берилмади.

Тил бирликларининг ўзаро муносабати, тилнинг функционаллашувида экстралингвистик омилларнинг аҳамияти: тилларнинг бир-бирига таъсири, диалектларнинг ўзаро алоқалари, ёзув аънанасининг тилга таъсири каби масалалар ёш грамматиклар назаридан четда қолди.

Ёш грамматиклар ўз назариясининг индуктив характерини доимо таъкидлаганлари ҳолда, тил назарияси билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни муҳокама қилишни, тилнинг фалсафий масалалари билан шуғулланишни ортиқча деб билдилар.

XIX асрнинг ўрталарида табиий фанларда қўлга киритилган ютуқлар барча соҳаларга катта таъсир қилди. Турли фан тармоқларида математик амаллардан кенг фойдаланишга ўтилди. Бевосита кузатишда берилган ҳодисаларни фақат рўйхатга олиш билангина чекланмасдан, уларни умумлаштиришга, улар замирида ётган моҳиятларни аниқлашга ўтиш ҳаракати туфайли дедуктив тамойил авж ола бошлади. Бундай янги тамойилнинг асосий белгилари Бодуэн де Куртенэ асарларида намоён бўлди. Натижада соф эмпирик, индуктив тамойил билан иш кўрувчи ёш грамматиклар қарашлари бир қатор олимлар томонидан танқидий баҳолана бошлади. Ана шундай ёшларнинг энг кўзга кўринган вакилларида бири Иван Александрович Бодуэн де Куртенэдир.

Бу даврга келиб ёш грамматикларга хос бўлган тил ҳодисаларини автоном ҳолда аналитик ўрганиш ўрнини улар

Ургасидаги муносабатни тадқиқ этиш ҳаракатлари эгаллай бошлади.

### И.А.Бодуэн де Куртенэ

**Ҳаёти ва ижодий фаолияти.** Тилшунослик тарихида поляк ва рус олими И.А.Бодуэн де Куртенэнинг (1845 – 1929) алоҳида ўрни бор. У болалик даврида тилларни ўрганишга ва тилшунослик фанига меҳр қўйди. Ўн олти ёшида Варшава Бош мактаби(университети)га ўқишга кирди ва у ерда санскрит, литва ва славян тилларини ўрганишга астойдил бел боғлайди.

Бош мактабни битиргач, 1866 йилда хорижга илмий сафарга юборилади. Прага, Иен, Берлин шаҳарларидан сўнг Петербургга келади ва рус олими И.И.Срезневский раҳбарлигида “XIV асргача қадимги поляк тили ҳақида” мавзусида диссертация иши олиб боради. 1870 йилда диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилгач, приват-доцент илмий унвонига эга бўлади ва Петербург университетида хинд-Европа тилларининг киёсий грамматикасидан маърузалар ўқишига руҳсат берилади.

1874 йилда “Рязань шевалари фонетикаси тажрибаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шундан сўнг Иван Александрович Бодуэн де Куртенэ Қозон университетида фаолият олиб боради. У ердаги олти йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида рус тилшунослиги тарихида “Қозон тилшунослик мактаби” номи билан машҳур бўлган йўналишга асос солди. Аслида илмий мактаб деганда, муайян тадқиқот методологияси ва методлари тамойилларига асосланган ҳамда мустақил тараққиёт йўлига эга бўлган мутахассислар уюшмаси тушунилади. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, Қозон тилшунослик мактабига мансуб таниқли тилшунослар Н.В.Крушевский, В.А.Богородицкийлар гарчи шу лингвистик мактаб тамойилларини ёшиш учун ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, уларнинг қизиқишлари бир-биридан анча фарқ қилар, қатор масалаларда уларнинг фикрлари Бодуэннинг қарашларига зид келар, энг муҳими, “мактаб” вакили учун характерли бўлган илмий дунёқарашни дивом эттириш белгиси йўқ эди. Шунинг учун Бодуэн де Куртенэнинг ўзи “Қозон лингвистик мактаби” номини доимо қўштирноқ ичига олиб қўллар ва кўпроқ “Қозон лингвистик тугараги” деб номлашни маъқул кўрар эди.

1880 йилда у Дерпт университетиди ишлаш бошлади. 1887 йилда Краков академиясига аъзо бўлиб сайланади ва 1893 йилда Краков университетига ишга ўтди. Бу даврда Бодуэн де Куртенэнинг номи бутун Европага тарқалган, рус, поляк, немис, француз, литва, италян, чех, латиш, эстон, араб, арман тиллари билимдони сифатида танилган эди. Париж лингвистик жамиятининг умрбод аъзолигига, фин-угор жамияти аъзолигига сайланди. Даврининг машхур тилшунослари Ф.де Соссюр, А.Мейс билан дўстона алоқада бўлди ва хат ёзишиб турди. Ёш грамматикларнинг етакчиси Г.Пауль, шунингдек, О.Есперсен, И.Ягич ва Г.Шухардтлар билан шахсий мулоқотда бўлди. Ундан Европанинг деярли барча тилларида ёзилган 600 дан ортик мақолалар мерос бўлиб қолди.

1897 йилда Россия Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига сайланади ва 1900 йили Краковдан яна Петербург университетига қайтади.

И.А.Бодуэн де Куртенэ Петербургда ишлаш чоғида худди Қозонда бўлгани каби атрофига бир қатор ёшларни йиғади ва лингвистик тўғарак ташкил қилади. Кейинчалик бу тўғаракдан академик Л.В.Шчерба, Е.Д.Поливанов, Л.П.Якубинский сингари машхур олимлар етишиб чиқади.

1918 йилда Польшанинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши ва Варшава университетининг тикланиши муносабати билан Бодуэн де Куртенэ у ерга таклиф қилинади ва ҳинд-Европа тиллари кафедрасини бошқаради. 1922 – 1923 йиллар Париж, Копенгаген сингари қатор университетларда маърузалар ўқийди.

Бодуэн де Куртенэ Ёш грамматикларга қадар улар кўтариб чиққан кўпгина масалаларни ўзининг асарлари ва маърузаларида баён қилган, Ф.де Соссюрга қадар тилнинг белгилар системаси экани, унинг статик ва динамик жиҳатлари ҳақида фикр юритган бўлса ҳам, лекин бу қарашлар дунё микёсида тарқалмади. Бодуэннинг ўқувчиси Л.В.Шчерба устози ўз фикрини “маълум нарсалар муносабати билан” баён қилганини, улар тор мутахассислар доирасидагина тарқалган қимматли монографияларда ёки ҳеч ким ўқимайдиган кам сонли нашрларда эълон қилингани, шу билан бирга у рус ва поляк фанига тенг мансуб бўлгани учун асосий ғояларини рус ва поляк тилларида

Ўзгани сабаб уларга ғарб олимларининг диққати тортилмаганини ифсусланиб ёзади.<sup>1</sup>

**И.А.Бодуэн де Куртенэ лингвистик қарашлари.** Л.В.Шчерба таъкидлаганидек, Бодуэн ҳеч қандай лингвистик мактабга мансуб эмас ва у доимо шаблонларга оппозицияда бўлган. Хусусан, ёш грамматиклардан анча олдин у морфологик ҳодисаларни изоҳлашда аналогия тамойилини изчиллик билан қўллаган эди. Ёш грамматиклар бу тамойилни “товуш қонуниятлари”да истисноларнинг йўқлиги ҳақидаги ғояларининг таянч нуқтасига айлантирдилар. Кейинчалик “товуш қонунлари” ғояси Бодуэннинг қаттиқ танқидига учради.

Шунингдек, ёш грамматикларга хос бўлган тил фактларига тарихий ёндашувни ҳам Бодуэн танқид қилди. У “тарихийлик” тамойилига “тилнинг статиклиги ва динамиклиги”ни қарама-қарши қўйди. Ёш грамматиклар лингвистик назариясининг қаймоғига айланган Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асарига зид равишда “Назарий (ёки умумий) тилшунослик”ни олға сурди.

Кўрииб турибдики, Бодуэн назарий тилшуносликнинг асосчиси саналувчи В.Гумбольдт ғояларининг таъсирида бўлган ва унинг “тилнинг эргон эмас, энергия эканлиги”, “тилнинг ўзгарувчан ва ўзгармаслиги” сингари антиномияларини давом эттирган. Бодуэн лингвистик концепциясининг қуйидаги муҳим жиҳатларини кўрсатиш мумкин:

1. Аввало, у В.Гумбольдт изидан бориб, Ф.де Соссюрга қадар тил ва нутқни бир-биридан фарқлади. 1870 йилдаёқ “Тилшунослик ва тил ҳақида айрим умумий эътирозлар” мавзусидаги кириш маърузасида умуман инсон тили билан алоҳида тил, лаҳжа ва шевалар ўртасидаги, шунингдек, алоҳида шахснинг индивидуал нутқи билан жамиятнинг алоқа воситаси бўлган, жамият аъзолари учун баб-баробар хизмат қилувчи, ҳар бир индивид онгида такрорланувчи тилни бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилади. Лекин унинг тил – нутқ зидланиши ҳақидаги қарashi барқарор эмас эди. Шу боис у кейинроқ “Рус тилими, немис тилими, ҳеч қандай миллат ёки қабила тили йўқ, балки фақат индивидлар тили мавжуд”, деган фикрни баён қилади. Фақат индивид тилини эътироф этиш – бу ёш грамматикларнинг Бодуэнга таъсиридир.

<sup>1</sup> Шчерба Л.В. И.А.Бодуэн де Куртенэ и его значение в науке о языке / Избранные работы по русскому языку. - М., 1957. - С. 85.

Унинг фикрича, индивидуал тил, яъни нуткгина реал мавжуд бўлади. Демак, тилнинг алоҳида ташувчиси, индивидуал рух реалликка эга. Индивидуал тил деганда “бошқа лингвистик ва экстралингвистик тасаввурлар билан бирлашган талаффуз ва эшитиш тасаввурлари умумлашмаси” тушунилади<sup>1</sup>. Миллий тил яхлит ҳолда фақат идеалда (ғояда) мавжуд, у илмий тафаккур ҳосиласи, деб қаралади. Шунинг учун ҳам Бодуэн коммуникация жараёнининг алоҳида актига кўпроқ эътиборни жалб қилади ва реал борлиқ сифатида кишилардан умумлаштирилган тилни эмас, балки лингвистик тафаккур эгаси бўлган алоҳида шахсни эътироф этиш лозимлигини таъкидлайди. Бу фикр кейинчалик психоллингвистлар томонидан ривожлантирилди.

Шу билан биргаликда Бодуэн де Куртенэ тилда индивидуаллик билан умумийликнинг узвий боғлиқлигини, биридан иккинчисини ажратиб бўлмаслигини баён қилади. Унинг фикрича, индивидга хос нарса бир вақтнинг ўзида умумий, умуминсоний ҳамдир.

2. Бодуэн В.Гумбольдт томонидан олға сурилган тилнинг система экани ҳақидаги ғояни давом эттиради. Тилнинг системалилиги натуралистик (А.Шлейхер) ва ёш грамматиклар (Г.Пауль) оқимлари вакиллари томонидан ҳам эътироф этилади. Лекин Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асари дунёга келмасдан анча олдин Бодуэн тилнинг “қисмлари ўзаро мазмуний, шаклий ва товушланиш муносабатидан ташкил топган бутунлик” эканини баён қилади. Бодуэн де Куртенэ ўз тадқиқотларида тил системасининг индивидуал нутқ орқали намоён бўлишида рўй берадиган жараёнларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

Олим Қозон университетига ўқиган маърузаларидаёқ турли тиллардаги физиологик ўхшаш товушлар бир-биридан фаркли маъно билдиришини, чунки бошқа-бошқа фонологик системаларда муносабатлар ҳам бошқа-бошқа бўлишини таъкидлайди.

Бодуэн де Куртенэ тилнинг системавий табиатини дастлаб фақат фонологик сатҳ мисолида ёритган бўлса, кейинчалик бошқа сатҳларда ҳам намоён қилишга бел боғлайди.

1910 йилга келиб, Бодуэн тил системасининг иерархик табиатини ёритади. Тил макро ва микросистемалар муносабатидан ташкил топишини кўрсатади. Тил тузилишини куйидаги кичик

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ. И.А. Фонетические законы / Избранные труды по общему языкознанию. Том I. - М., 1963. - С. 62.

системаларга ажратади: фонетик (сўз ва гапларнинг фонетик тузилиши), морфологик (сўзнинг морфологик тузилиши) ва синтактик (гапнинг морфологик тузилиши). Бу кичик системалар, ўз навбатида, микросистемаларга ажратилади.

Бодуэн тилнинг кўп сатхлилигини эътироф этар экан, тил системаси сатҳини бошқачароқ тушунади. У тилнинг: 1) “ташқи”, яъни фонетик томонини; 2) тилдан ташқаридаги, яъни семасилогик томонини; 3) морфологик томонини ажратган ҳолда, ҳар бир кичик система таркибидаги элементлар муносабатини аниқ ёритиб беришга ҳаракат қилади. Хусусан, унинг фикрича, фонема фақат жонли тил элементлари таркибида, яъни морфема таркибида лингвистик тадқиқ этилиши мумкин.

Бодуэн де Куртенэ тил системасининг тарихий категория эканини, тарихий тараққиёт жараёнида система таркибидаги элементлар муносабати ўзгаришини тўғри таъкидлайди.

3. Бодуэн де Куртенэнинг тилшуносликда статик (синхрон) ва динамик (диахрон) томонларни ажратиши ҳам катта аҳамиятга эга. Олимнинг фикрича, тилга турғунлик хос эмас, у доимо ўзгаришда, ривожланишда. Тил статикаси унинг динамикасидаги бир ҳолат, холос. 1878 йилда тузган маърузалар дастурида у, бир томондан, “тилнинг тенгпаллалик (равновесия) қонунлари”, иккинчи томондан, “тилнинг тарихий тараққиёти қонунлари” га амал қилишини кўрсатади.<sup>1</sup> Биринчи ҳолатини у статик таҳлил, иккинчисини эса тарихий ўрганиш объекти ҳисоблайди. Статик таҳлил тавсифий, тарихий ўрганиш эса қиёсий-тарихий методларга асосланади. Бодуэн де Куртенэ қиёсий-тарихий методнинг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, тавсифий метод билан иш кўришни афзал билади.

4. Бодуэн де Куртенэ лингвистик концепциясининг яна бир характерли томони тилнинг белгилар системаси эканини эътироф этишидир. Унинг фикрича, тил таркибидаги сўзларнинг асосий қисми *тасодифан вужудга келган символлардир*. Ана шу тасодифийлик тилнинг характерли белгиси ҳисобланади. Бу ўринда гап лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўртасидаги муносабати ҳақида бораётганини эътиборга олсак, Ф. де Соссюрнинг лингвистик белги эркинлиги тамойили билан

<sup>1</sup> Подробная программа лекций И.А.Бодуэна де Куртенэ в. 1877 – 1878. уч. г. Казань – Варшава, 1881. - С.85. Каранг. Т.А.Амирова, Б.А.Ольховиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики. - М., 1975, - С. 483.

Бодуэннинг фикрлари нақадар яқинлигини, уларнинг бир-бирдан озиқлангинлигини пайқаш қийин эмас.

Шу билан бирга, лингвистик белгининг ўзига хос хусусияти бўлинувчанлик экани ҳақидаги фикр ҳам ҳар икки олим учун муштарак саналади. Бодуэн символ сифатидаги сўзларни ҳайвонлар ўртасидаги белгилар системасига қиёслар экан, ҳайвон товушлари қисмларга бўлинмаслиги, лингвистик символлар эса бўлинувчанлик хусусияти билан улардан фарқ қилишини баён этади.

5. Бодуэн де Куртенэ Қозон тилшунослик мактабининг асосчиси бўлиб, унинг тилшунослик олдидаги хизматларидан бири тилшуносликка фонема атамасини ва фонема назариясини олиб кирганидир. Бодуэн биринчилардан бўлиб товушдан фарқ қиладиган фонетик бирликни ажратиш зарурлигини англади.

Илмий фаолияти давомида унинг фонема ҳақидаги қарашлари ўзгариб борди. Шунинг учун Бодуэн асарларида фонеманинг хилма-хил талқини кўзга ташланади.

1881 йилда ёзилган “Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари” номли асаридаёқ фонеманинг икки хил талқини намоён бўлади. Бир ўринда “фонема сўз товуш томонининг антропофоник хусусиятлар умумлашмаси” деб қаралса, бошқа бир ўринда “антропофоник белгилар умумлашмаси”, “товуш типи”, бевосита сезги аъзоларимизга таъсир килувчи реал товушларнинг “қўшимча белгиларидан тозаланган умумлашмаси” сифатида баҳоланади.

Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги қарашларида унинг қуйидаги муҳим белгиларига эътибор қаратгани маълум бўлади: 1) фонеманинг мураккаб бирлик экани; 2) унинг энг кичик бирликлардан (хусусиятлардан) ташкил топиши; 3) энг кичик бирликлардан ташкил топган бутунлик сифатида тилда яхлит ҳолда функциялашиши; 4) энг кичик бирликлардан ташкил топган фонеманинг тил системасида муносабатлар (корреляция) аъзоси сифатида яшаши; 5) фонеманинг бевосита кузатишда берилган товушларнинг лингвистик умумлашмаси, абстракцияси экани; 6) фонеманинг реал кўриниши унинг антропофоник (артикуляцион-физиологик) намоён бўлиши экани.

Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ илмий фаолиятининг Қозон даврида фонема реал талаффуз қилинувчи товушларнинг



абстракцияси, модели, инварианти, курилмаси (конструкти) сифатида баҳоланади.

XIX асрнинг 90-йилларида у фонеманинг бевосита кузатишда товушлар орқали намоён бўлувчи, лекин ўзи кузатишда берилмаган мавҳум бирлик эканини яна ҳам аниқроқ баён қилади. “Фонема” деб номланган мақоласида унинг “товушнинг психик эквиваленти” эканини таъкидлайди. 1917 йилда нашр этилган “Тилшуносликка кириш” асарида фонема *инсон психикасида барқарор мавжуд бўлган товуш тасаввури, сўзловчи онгида яшовчи модель* сифатида изоҳланади.<sup>1</sup>

Хуллас, жаҳон тилшунослиги тарихида статика-динамика, тил-нутк зидланиши тўғрисидаги тушунчанинг пайдо бўлишида, тилнинг система экани, унинг белгили табиати тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишида ҳамда фонема назариясининг вужудга келишида Бодуэннинг хизмати каттадир.

Бодуэннинг лингвистик қарашлари кўп жиҳатдан Ф.де Соссюр концепциясига яқин келади. Шунинг учун уни структур тилшуносликка замин тайёрлаган олим деб ҳисоблаш мумкин. Айниқса, унинг Прага лингвистик тўғараги ғоялари шаклланишига таъсири катта бўлди. Хусусан, у Прага лингвистик мактабининг йирик вакилларида В.Матезиус, Н.С.Трубецкой ва Р.О.Якобсонлар лингвистик қарашларининг шаклланишида катта хизмат қилди. Йирик поляк тилшунослари Г.Улашин, Т.Бенни, В.Дорошевскийлар; кўзга кўринган рус олимлари Е.Д.Поливанов Л.Шчербалар; В.А.Богородицкий, К.В.Крушевскийлар Бодуэн де Куртенэнинг лингвистик таълимотидан бевосита баҳраманд бўлдилар.

### **Ф. де Соссюр – структур тилшуносликнинг асосчиси**

Фердинанд де Соссюр тилшунослик тарихининг уч тараққиёт босқичини кўрсатади.<sup>2</sup> Илк босқични «грамматика даври» деб номлайди. Бу давр тилшунослиги юнонларда шаклланиб, Францияда гуллаб-яшнаганлигини таъкидлайди. Мазкур тилшунослик асосан мантиққа таянган бўлиб, тилнинг ўзига хос хуссиятларини илмий асосда объектив ёритиб беришдан узоқ эди.

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т. I. - М., 1963. - С. 253.

<sup>2</sup> Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. - Труды по общему языкознанию. - М.: Прогресс, 1977. - С. 39.

Унинг мақсади ногўтри шакллардан тўтри шаклларни фарқлаш билан чекланган эди.

Иккинчи босқич «филология даври» саналади. Гарчи “Филология” мактаби Александрияда ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, лекин бу атама кўпроқ 1777 йилда Фридрих Август Вольф томонидан асос солинган ва шу кунгача давом этаётган илмий йўналишга нисбатан қўлланилади. Бу йўналишда тил ягона ўрганиш объекти ҳисобланмайди. У ўз олдида матнларни изоҳлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу асосий вазифани ҳал этиш адабиёт тарихи, халқнинг маиший ҳаёти ва социал масалалар билан ҳам шуғулланишга олиб келади. Филология йўналиши ҳамма жойда ўзининг текшириш методини – манбани танқидий ўрганиш методини қўллайди. Фақат турли даврларга оид матнларни ўзаро қиёсий ўрганганда, эски ёзма манбаларда мавжуд бўлган тушунилиши қийин сўзлар изоҳида ёки маълум муаллифнинг индивидуал услубини ёритиш лозим бўлгандагина лингвистика масалаларига муурожаат қилинган.

Ф.Соссюрнинг таъкидлашича, бундай йўналиш тарихий лингвистика учун йўлни тозалаб берган бўлса ҳам, лекин унинг бир муҳим камчилиги бор эди. У ҳам бўлса, ёзма нутққа кулларча сажда қилган ҳолда, жонли тилни унутиб қўйди. Бунинг устига улар асосан юнон ва лотин обидаларига қизиқиш билдирдилар.

Франц Боппнинг 1816 йилда “Санскрит тилида тусланиш системаси ҳақида” асарининг дунёга келиши билан тилшуносликнинг учинчи босқичи бошланди. Ф.Бопп бу асарида санскрит тилини юнон, лотин ва бошқа Европа тиллари билан боғлаб турувчи муносабатларни очиб берди. Лекин Ф.Боппга қадар ҳам бу тиллар ўртасидаги ўхшашлик инглиз шарқшуноси Джонс томонидан баён қилинган эди. Бироқ унинг фикрлари айрим фактлар билан чекланган бўлиб, чуқур илмий хулосалардан йироқ эди.

Ф.Боппнинг хизмати санскрит тилининг Европа ва Осиёдаги бир қатор тилларга қариндошлигини очиш билан белгиланмайди. Унинг лингвистика тарихидаги хизмати шундаки, қариндош тилларнинг ўзаро муносабатини ўрганувчи алоҳида фанни шакллантириш мумкинлигини англади. Соссюрнинг эътирофича, Ф.Боппнинг катта хизмати бир тилни унга ўхшаш бошқа бир тил асосида таҳлил этиш, бир тилга хос бўлган шаклни бошқа бир тил шакли воситасида изоҳлашдир. Ф.Боппнинг бундай катта ютуққа

ришувида санскритнинг очилиши муҳим роль ўйнади. Лотин ва юнон манбаларидан ташқари, учинчи манба – санскрит тили материалларини ҳам қиёслаб ўрганиш имконияти туғилди.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланишида Ф.Бопп билан бир вақтда германистиканинг асосчиси Якоб Гриммнинг ҳам хизмати каттадир. Макс Мюллер, Август Шлейхерлар тилшуносликнинг бу йўналишини янги материаллар билан бойитдилар. Германистлар ўз тадқиқотларида чегараланган тиллар, яъни ҳинд-Европа тиллари доираси билангина чекландилар ва ўз олдларига «қиёслаш натижаси нимага мос келади, кашф қилинаётган муносабат нимани билдиради?» каби саволларни қўймайдилар. Уларнинг тадқиқотлари асосан қиёсий бўлиб қолди.

Соссюрнинг фикрича, қиёслаш тарихий ҳақиқатни ёритишда зарурий шарт-шароит туғдиради. Лекин фақат қиёслашнинг ўзи билан чекланиш ўрганилаётган объект ҳақида тўғри хулоса чиқаришга олиб келмайди.

Фақат XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилларнинг яшаш шароити масаласи эътиборни торта бошлади. Натижада тилшуносликнинг янги даври бошланди. Бу ёш грамматиклар даври ҳисобланади. Уларнинг хизмати шунда бўлдики, қиёслаш натижаларини тарихий истиқболга қўшдилар ва фактларни табиий тартибда жойладилар. Натижада тил ўзи ривожланаётган организм сифатида эмас, балки тил гуруҳлари жамоасининг руҳий ҳосиласи сифатида қарала бошланди. Бу мактабнинг тилшунослик олдидаги хизматлари қанчалик катта бўлмасин, ҳамма масалаларга ойдинлик кирита олмади. Умумий лингвистиканинг асосий муаммоларини ҳал қилиш яна очиқ қолди.<sup>1</sup>

Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси” бўйича маърузалари ана шу масалаларни ёритишга бағишланди. Бу асарнинг майдонга келиши тилшунослик тарихида систем-структур тилшуносликнинг шаклланишига олиб келди.

<sup>1</sup> Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. - Труды по общему языкознанию. - М.: Прогресс, 1977. - С. 43.

## ТИЛ СТРУКТУРАСИ

### Тилнинг системавий табиати

Тил мураккаб ходисадир. Қайси томондан ёндашишга мувофиқ, у турлича таърифланиши мумкин.

1. Вазифаси нуқтаи назаридан: а) тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси, фикрни шакллантирувчи, ифодаловчи; б) билимларни тўплаб, кейинги авлодларга етказувчи; в) тингловчига таъсир қилувчи воситадир. Булардан биринчиси тилнинг *коммуникатив*, иккинчиси *кумулятив*, учинчиси эса *экспрессив* функциясини эътиборга олади.

2. Қурилиш механизми нуқтаи назаридан: тил айрим бирликлар ва бу бирликлардан фойдаланиш қоидалари йиғиндиси.

3. Семиотик нуқтаи назаридан: тил белгилар системаси.

4. Ахборот узатиш назарияси нуқтаи назаридан: тил мазмуний ахборотни кодлаштириш учун хизмат қиладиган код саналади.

5. Гносеологик нуқтаи назардан: тил маънолар дунёси билан товушлар дунёси ўртасида воситачилик қилувчи мураккаб система ва бошқалар.

Бу кўрсатилган таърифлар тилнинг мураккаб қирраларидан фақат биттасига таянади ва ҳар қайсиси ўзи таянган қирраси нуқтаи назаридан бир томонлама тўғри акс эттиради.

В.М.Солнцев эса тилга хос бу белгиларнинг барчасини жамлаган ҳолда унга қуйидагича таъриф беради: “Тил кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилувчи семиотик (белгилик) хусусиятга эга бўлган функционал моддий системадир”<sup>1</sup>.

Тил сўз, морфема ва фонемаларнинг оддий йиғиндиси эмас. У бир бутун системадир. Тилнинг системалиги унинг ички тузилишида намоён бўлади. Чунки у ҳам ички тузилишига эга бўлиб, бу ички тузилиш поғонавийлик хусусиятига эга. Ҳар бир поғонага хос бирлик икки ва ундан ортиқ узвларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунликдир. Масалан, синтактик сатҳ бирлиги бўлган *gap* предикатив белгини ўзида ифода этувчи бутунлик саналиб, шахс (персоналлик), замон (темпораллик), модаллик ва тасдиқ-инкорлик маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шаклларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Сўз

<sup>1</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971, с.4.

морфологик сатҳ бирлиги сифатида икки ва ундан ортиқ морфларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик, морфема эса икки ва ундан ортиқ фонларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади.

Кўринадики, тил бир бутун сифатида система бўлиб, у ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Тилнинг ички бўлиниши поғонавийлик касб этади. Тил ички бўлинишининг энг охири нуқтаси шаклий томондан *фонема (фон)*, мазмуний томондан *сема* билан яқунланади. Масалан, жўналиш маъносини билдирувчи морфема икки ва ундан ортиқ элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик ҳисобланади. Бу бутунлик шаклий томондан [г] ва [а] фонема (фон)ларининг худди шу тартибдаги синтагматик муносабатидан, мазмуний томондан эса *йўналиши (Тошкентга)*, *аташ (акамга олдим)*, *эваз (юз сўмга олдим)* сингари семалар муносабатидан ташкил топган.

Тил ички тузилишининг поғонавийлик табиати бутунлик деб олинаётган бирликнинг нисбийлигини кўрсатади. Бутунлик деб қаралаётган объект фақат тилнинг маълум поғонасига нисбатан олинади. Бир поғонада бутунлик сифатида қаралаётган объект ўзидан юқори поғона учун катта бутунлик таркибига унинг элементи бўлиб қиради. Масалан, морфема морфемик сатҳда икки ва ундан ортиқ фонема (фон)ларнинг муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида, морфологик сатҳда эса сўз (сўз шакл)нинг бир элементи сифатида қаралади.

Бу эса тилнинг системалар системаси эканлигидан далолат беради.

Тилнинг системавийлик табиатини ёритишга илк бор Ф.де Соссюр эътибор қаратди. У тилда синхрон ва диахрон ҳолатларни фарқлар экан, тилнинг синхрон ҳолати учун система характерли эканлигини таъкидлайди.

Ф.де Соссюр системанинг икки муҳим хусусиятини кўрсатади: а) системанинг барча аъзолари тенгликка эга; б) система ёпиқ ҳисобланади. Лекин кейинчалик тил системасида очик системалар ҳам борлиги аниқланди.

Ф. де Соссюр концепциясида *система* атамаси билан биргаликда *структура* атамаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. *Структура* атамаси остида система аъзоларининг муносабат типлари тушунилади.

Э.Бенвенист турли системаларни тахлил қилиш натижасида тил шакллари маълум структурага эга, деган хулосага келади ва унинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатади:

1) у қисмлари устидан ҳукмронлик қиладиган маълум бутунликнинг бирлиги саналади;

2) бу бирликлар маълум барқарор тамойиллар асосида шаклий тартибга солингандир;

3) бутуннинг барча қисмлари у ёки бу вазифани бажарганлиги туфайлигина структура характериға эга бўлади;

4) бу қисмлар маълум сатҳнинг ҳар бир бирлиги бошқа юқориқ сатҳнинг кичик бирлиги, яъни бутуннинг бўлаги бўлиши мумкин.

Муносабатлар йиғиндиси тилнинг алоқа воситаси сифатида амал қилишини белгилайди. Бу эса унинг социаллигини кўрсатади. Лекин тилнинг бошқа социал ҳодисалардан, хусусан, сиёсий, ҳуқуқий ҳодисалардан фарқи нимада, деган саволға Ф.де Соссюр: *“Тил зояларни ифодаловчи белгилар системасидир”*, деб жавоб беради. Шунинг учун Соссюр лингвистик таълимотида лингвистик белги масаласи марказий ўринни эгаллайди.

### Лингвистик белги ҳақида

Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. У объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ташувчи асосий воситадир. Бундан ахборот ташишнинг бошқа йўллари ҳам борлиги маълум бўлади. Масалан, йўл ҳаракатидан маълумот берувчи воситалар, йўлдан ўтиш-ўтмаслик хабарини берувчи воситалар ва бошқалар. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот бериш учун хизмат қиладиган юқоридаги воситалар сирасида туради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий нарса, аввало, ўзи ҳақида ва шу билан бирга, борлиқдаги бошқа маълум нарса-ҳодисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар **белгилар** деб номланади.

Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида олам унсурларини образлар орқали онгида акс эттиради ва бу онгда акс этган олам унсурлари белги орқали ифодаланади. *Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади.*

Тилнинг белгилар системаси эканлиги унинг асосий хусусияти ва универсал томонидир.

XIX аср охирига қадар белги назарияси билан асосан файласуфлар шуғулландилар. Фақат XIX аср охиридан бошлаб бу масала руҳшуносларнинг ҳам диққатини жалб қилди.

Белги ҳақидаги фалсафий назария ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимги эллилар нарсанинг моҳияти ва уларнинг номланиши юзасидан илмий баҳсларидаёқ яширин ҳолда белги тушунчасига асосланган эдилар.

Файласуфлар таъсирида XIX асрдан бошлаб тилнинг умумий назариясига бағишланган деярли барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талкин қилина бошлади. В.Гумбольдт, Шлейхер, Штейнтал, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, И.А.Бодуэн де Куртене, Н.Крушевский асарларида сўзга белги нуктаи назаридан ёндашилади. Лекин Ф.де Соссюр тилнинг белгилик табиатини аниқ-равшан ёритиб берди. Ҳатто белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан – **семиология** фани мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади.

Бир томондан, структурализмнинг муваффақияти, иккинчи томондан, семиотика фанининг ривожланиши туфайли ўтган асрнинг 50-йиллардан бошлаб белги муаммосига кизиқиш янада ортди. Лингвистик муаммоларни семиотик аспектда ўрганиш лингвистиканинг ҳам ўрни ўзгаришига олиб келди. У ҳам инсон билимлари системасида марказий ўрин олувчи фанга айланди.

Белгини аниқлашда, одатда, унинг икки хусусияти кўрсатилади: белгининг биринчи хусусияти идрок қилинишидир. Демак, у идрок қилиниши учун маълум моддий асосга эга бўлиши керак. Белгининг моддий асоси турлича бўлиши мумкин; товуш (акустик), кўриш (оптик), маза (густатор) ва бошқалар.

Белгининг иккинчи хусусияти ўзи ҳақида ва бошқа объект ҳақида маълумот беришидир. Англашиладики, ҳар қандай белгида ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: **сабаб – натижали** муносабат ва **шартли** муносабат. Сабаб-натижали муносабатда ўзаро муносабатда бўлган объектлар мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади.

Белгилар объектив реалликдаги ўзи акс эттирган объектга муносабатига кўра мотивланган ва мотивланмаган белгиларга бўлинади. Масалан, тутунни кўриб, ёнғин ёки олов ҳақида, ўрик гуллаганини кўриб, баҳор фасли ҳақида, сув жимирлаганини кўриб,

балиқ ҳақида, тош сўзини эшитиб, қаттик жисм ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Биринчи объектлар (тутун, ўрик гули, сув жимирлаши, тош сўзи), иккинчи объектлар (олов ёки ёнғин, баҳор, балиқ, қаттик жисм) ҳақида ахборот бериш учун хизмат қиляпти. Булардан дастлабки уч объектлар ўртасида (тутун ва олов, ўрик гули ва баҳор, сув жимирлаши ва балиқ) табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати, яъни объектлар алоқасида мотивланиш (мотивация) бор. Охириги объектлар (тош сўзи ва қаттик жисм) муносабатида эса табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати (мотивация) йўқ. Улар ўртасидаги муносабат шартли.

Машҳур Америка олими К.Фон Фришнинг маълумотига кўра асаларилар ўйини ҳам белги вазифасини бажаради. Асалари ўйинининг шакли ва частотаси озуқа манбаининг масофаси ва йўналиши ҳақида маълумот беради. Доира шаклидаги ўйини озуқа манбаининг асалари уясида узок эмаслигини, юз метр атрофида эканлигини, саккиз шаклидаги ўйини эса бирданига икки ахборот – озуқа манбаининг масофаси юз метрдан анча ортиқлиги ва йўналишини билдиради. Масофа маълум вақт ичида бажарилган ўйин шаклининг миқдорига боғлиқ. Масофа узунлиги асалари ўйини частотасига тескари пропорционалдир. Тўққиз-ўнта саккизлик бўлса, юз метр атрофидаги масофани, еттита саккизлик шакли 200 метр масофани, тўрт ярим саккизлик шакли бир километр масофани, икки саккизлик шакли эса олти километр масофани кўрсатади. Масофа қанча узок бўлса, ўйин шунча секин бўлади. Йўналиш эса «саккизлик» ўқининг нисбатига кўра белгиланади. Куёшга нисбатан «саккизлик» ўқининг ўнгга ёки чапга бурилиш бурчаги йўналиш томонини аниқ кўрсатади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бири иккинчиси билан алмашилиб келадиган ҳар қандай икки объектнинг бири белги бўлавермайди. Фақат бири ўрнида иккинчиси муттасил алмашинадиган ва бу алмашинув (энг муҳими) инсон онгида акс этганидагина белгилашади. Масалан, тутун оловнинг белгисидир. Аммо унинг белгилиги объектлар ўртасидаги табиий сабаб-натижа (сабаб – олов, натижа – тутун) муносабати эмас, балки бу муносабатнинг инсон онгида акс этганлиги, конвенционаллиги учундир. Акс ҳолда, табиатдаги ҳар қандай сабаб-натижа муносабатида бўлган объектлар ўзларига табиий равишда белги яратиб олардилар.



Сабаб-натижа муносабатли (мотивланган) белгилар табиатдаги объектлар ўртасидаги муносабатни инсон онгида акс эттишидан вужудга келади. Шартли муносабатли (мотивланмаган) белгиларда эса объектлар ўртасидаги муносабат инсон томонидан ҳосил қилинади. Унда шу субъектив ҳосил қилинган алоқа б е л г и м а з м у н и (концепт ёки сигнификат) ҳисобланади. Белги орқали ифодаланган объект эса денотат ёки референт терминлари билан номланади.

Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил белгилари ўз табиатига кўра гарчи психик бўлса ҳам, лекин у абстракция эмас, балки жамият аъзолари тил хотирасида жойлашган реалликдир. У айрим муаллифларнинг тил алоҳида нарсаларнинг номлари йиғиндиси (номенклатураси) деган қарашларига танқидий муносабатда бўлади. Унинг фикрича, лингвистик белги **нарса** ва унинг номи ўртасидаги муносабатдан эмас, балки **тушунча** ва **акустик образ** ўртасидаги муносабатдан ташкил топади. Акустик образ деганда физик ҳолат, моддий товушлар ёрдамида ифодаланиш эмас, балки товушланишнинг психик муҳри, сезги аъзоларимиз томонидан товуш томони ҳақида онгимизда ҳосил қилинган тасаввур тушунилади.

Акустик образларнинг психик хусусиятини ўзимизнинг шахсий нутқий тажрибамизда аниқ кузатишимиз мумкин. Лабимизни ҳам, тилимизни ҳам кимирлатмасдан туриб, ичимизда ўз-ўзимизга гапиришимиз ёки маълум шеърини парчани фикран ўқишимиз мумкин. Тил бирлиги бўлган сўзнинг ташки томони акустик образ бўлгани учун ҳам унинг ташки томони таркибий қисмлари ҳақида фикр юритганда, “фонема” ҳақида гапириб бўлмайди. Чунки бу атама фонация жараёнига, фақат реал талаффуз қилинган сўзга тааллуқлидир.

Ф. де Соссюр ўзигача бўлган олимларнинг белги деганда фақат акустик образни тушунишига танқидий ёндашган ҳолда, лингвистик белги таркибий қисмларини ифодаловчи *тушунча* атамасини *ифодаланмиш* атамасига, акустик образ атамасини *ифодаловчи* атамасига ўзгартиришни тавсия этади. Бундай вақтда **лингвистик белги** атамаси бутунни, кейинги икки атама эса унинг икки таркибий қисмини ифодалайди. Кейинги икки атаманинг қулайлиги шундаки, аввало, бутун таркибидаги унсурларнинг ўзаро зидланишини, қолаверса, бутун ва бўлак зидланишини тўғри ифодалайди.

Лингвистик белги энг муҳим аҳамиятга молик икки хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди. Уларнинг биринчиси *эркинлик*, иккинчиси эса ифодаловчининг *кетма-кетлигидир*.

Ф.де Соссюрнинг талқинига кўра, ҳар қандай лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиши ўртасидаги муносабат эркиндир.

Масалан: *она* тушунчаси *о-п-а* товушлар кетма-кетлиги билан ҳеч қандай ички муносабатга эга эмас. Бу тушунча бошқа ҳар қандай товушлар кетма-кетлиги асосида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу турли тилларда мазкур тушунчанинг турлича ифодаланиши ва турли тилларнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади.

Бу ўринда э р к и н л и к атамасининг маъносига алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Гарчи лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўртасидаги муносабат эркин бўлса ҳам, лекин бундан сўзловчи белгининг ифодаловчи томонини эркин танлайди, деган хулосага келмаслик лозим.

Сўзловчи лингвистик белгининг жамоатчилик томонидан қабул қилинган ифодаловчи томонига озгина бўлса-да ўзгариш кирита олмайди. У ўзининг тил хотирасида ўзигача бўлган ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган лингвистик белгини бир бутун ҳолда ўзлаштиради.

Лингвистик белгининг эркинлиги фақат унинг ифодаловчи томонининг ифодаланмиш томонига нисбатандир. Чунки бу икки томон ўртасида ҳеч қандай табиий алоқа йўқ.

Ф.де Соссюр товушга таклид сўзлар билан ундов сўзларни ана шундай белгилар қаторига қўшади. Лекин уларнинг кам сонлиги ва тил системасининг “органик элементи” эмаслиги, шунинг учун бу ҳолатлар лингвистик белгининг эркинлиги тамойилини рад этолмаслигини таъкидлайди.

Ифодаловчи ўз табиатига кўра эшитиш сезгиси орқали қабул қилиниш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли вақтда кенгайиб боради. Шунинг учун у вақт белгисига кўра тавсифланади: а) у чўзиқлик белгисига эга; б) бу чўзиқлик бир ўлчовга эга.

Лингвистик белгининг бошқа белгилардан, хусусан, денгиз сигналларидан асосий фарқи шундаки, у эшитиш орқали қабул қилинади ва эшитилган ифода томони товуш кетма-кетлигига эга. Бир вақтнинг ўзида иккита товушни талаффуз қилиб бўлмайди. Бир элемент талаффуз қилингандан сўнг, иккинчиси талаффуз

қилинади. Айниқса, лингвистик белгининг ифодаловчиси ёзув орқали ифодаланганда унинг бу хусусияти ҳам равшан намоён бўлади.

### Лингвистик белги тузилиши

Немис файласуфи Кассирер инсоннинг рационал билишини эътироф этган ҳолда, тилнинг белги эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, инсон руҳига рамзий (символик) шакллар хосдир. У белгиларда, тилда, умумлашган тушунчаларда намоён бўлади. Инсон хайвондан фикрлаш, ўз хулқини рамзий воситалар ёрдамида шакллантириш имкониятига эгаллиги билан фарқланади.

Шундай қилиб, В.фон Гумбольдт томонидан айтилган ва Ф.де Соссюр номи билан машҳур бўлган тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги қараш илмий жамоатчилик ўртасида кенг тарқалди.

Белгиларнинг тузилиши ҳақидаги қараш бугунги кунда бир хил эмас, айрим тилшунослар белги деганда, фақат ифодаловчини таъкидлайдилар (Л.О.Резников ва бошқалар). Бошқа гуруҳдаги олимлар (Г.П.Мельников ва бошқалар) белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан иборат эканлигини қайд этадилар. Бу икки йўналиш фанда монолитералистик ва билитералистик қараш номи билан юритилади.

Билитералистик қарашга мувофиқ, ҳар қандай лингвистик белги икки томонлама моҳият саналиб, ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан иборат. Ифодаланмишнинг ўзи ҳам мураккаб структура саналиб, унинг бир маъноси объектив реаллик билан боғланади. Шу сабабли ҳам лингвистик белгининг ифода ва маъно томонларининг диалектик муносабати ҳақида фикр юритилганда, уларни баъзан учбурчак (Ричардс-Огден), баъзан эса трапеция (Мельников) геометрик фигуралари орқали белгилайдилар.

Ҳар қандай сўз лингвистлар томонидан қандай талқин қилинишидан қатъи назар, семантик учбурчак ҳолидами, тўртбурчак ҳолидами, объектив борлиқни онг орқали – акс эттириш босқичи воситасида ифодалайди.

Объектив борлиқ умумлашган образлар орқали, тил белгилари орқали ўз ифодасини топади. Бугунги кунда тилнинг белгилар системаси эканлигини деярли барча тилшунослар эътироф этдилар.

Хатто ўтган асрнинг ўрталарида тилнинг белгилар системаси эканлигини рад этувчи айрим олимлар ҳам (жумладан, Л.О.Резников ва бошқалар), кейинчалик тилнинг белгилик табиатини эътироф эта бошладилар. Белги табиатига икки хил қарашнинг пайдо бўлишига маънони тилшунослар томонидан турли хил тушуниш сабаб бўлди. Хусусан, белгининг икки томонлама табиати мавжуд эканлигини эътироф этувчи тилшунослар таянган асос, бизнингча, тўғри, яъни белги маънога эга эканлиги билан белгидир. Бироқ бу фикрдан белги икки элементдан ташкил топган бир бутунлик (комбинация) дир,- деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Белгининг бир томонлама эканини маъқулловчилар маънони белги таркибига киритиш ёки киритмаслик ёхуд белгининг бирёқлама ва иккиёқлама моҳият эканлигини тан олиш кўп жиҳатдан маъно табиатини турлича тушуниш билан боғлиқлигини кўрсатадилар. Ҳозирги кунда маънони муносабат тури ва идеал акс эттириш сифатида икки хил тушуниш мавжуд.

Маъно муносабат тури сифатида тушунилганда, белгининг ифодаланмиш – предметга муносабати ҳамда тушунчага муносабати назарда тутилиб, унда белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашишга асос мавжуд бўлади.

Маънони тушунча билан бир хил тарзда инъикос категорияси сифатида, айни пайтда, онг факти сифатида тан олиш маънони белги таркибига киритишга монелик қилади ва белгини бир томонлама моҳият деб қарашга асос бўлиб хизмат қилади.

Белгининг икки томонламалиги тан олинган йўналишда маъно белгининг ифодаланаётган предметга муносабати сифатида талқин этилади, белгининг бир томонламалиги йўналишида эса маънога муносабат сифатида ёндашув тўғри эмаслиги таъкидланади.

И.П.Сусов “ифодаланмишнинг тилдаги зидланган аъзоси яхлит белгининг барча томонини ташкил етмай, балки унинг фақат субстанционал томонини ташкил этади”, - дейди. Бу хусусият белгининг ифодаланмиши ҳисобланади. Белгининг бошқа томони эса маъно саналади. Маъно тил ифодасининг тилдан ташқаридаги ифодаланмишга нисбатан муносабатини ифодалайди ва шу асосда маъно белгининг субстанционал ва функционал томонларини бир бутун тарзида шакллантиради. Лингвистик белги маъносини аниқлашнинг мураккаб эканини лингвистик белгининг бир вақтда бир неча вазифада келишини таъкидлаган А.А.Уфимцева белги

шаклининг ифодаланмиш билан муносабати икки томонлама эканлигини қайд этади:

- 1) ифодаланмишнинг белги шаклига муносабати;
- 2) ифодаланмишнинг предметга муносабати.

Дастлабкиси маъно, иккинчиси ифода саналади. Белги маъносининг шаклланишида белги-предмет ҳақидаги тушунча-предмет ўзаро боғланган ҳолда маълум даражада акс этади.

Белги билан ифода предмети ўртасидаги алоҳида муносабат остида инсон онги орқали юзага чиқадиган алоқа тушунилади.

Демак, белгининг маъноси ифодаланмиш билан тенг бўлмай, ифодаланмиш белгидан ва тилдан ташқарида қолади.

Белгининг бирёкламалиги ва икки ёкламалиги муаммоси маънога икки хил ёндашув билан боғлиқ. Белгига бирёклама моҳият сифатида ёндашувчилар инъикос жараёнини уч босқичдан иборат деб ҳисоблайдилар:

- нарса;
- нарса белгиларининг умумлашмаси;
- нарса образи (тушунча)

Иккинчи ёндашув тарафдорлари инъикос жараёнини тўрт босқичдан иборат дейдилар:

- нарса;
- тушунча;
- муносабат (маъно);
- ифодаловчи.

Бу ёндашувга асосан ифодаловчи билан нарсанинг умумлашган образи, яъни тушунча ўртасидаги муносабат маъно ҳисобланади. Шунга кўра, маъно белги таркибига киритилади.

### Тил ва нутқ

Ф.де Соссюр нутқий фаолиятнинг индивидуаллик ва социаллик белгиларини ўзида мужассам этган бутунлик эканлиги ва унинг тил – нутқ муносабати бирлигидан ташкил топишини таъкидлайди.

Нутқий фаолият доирасида икки асосий тушунчани – тил ва нутқни ажратди. Шу асосда лингвистикани ҳам икки турга - *тил лингвистикаси* ва *нутқ лингвистикаси*га бўлди. Лекин амалда асосан тил лингвистикасига эътиборини қаратди.

Гарчи тил-нутқ дихотомияси Ф.де Соссюрча В.Гумбольдт, ёш грамматикачилар мактаби ва Бодуэн томонидан баён қилинган бўлса ҳам, лекин Ф.де Соссюр уни лингвистик системасининг марказига айлангирди.

Соссюрнинг фикрича, нутқий фаолиятнинг икки томони мавжуд: индивидуал ва социал. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. “Тил нима? деган саволга жавоб берар экан, у *“тил” тушунчасининг “нутқий фаолият” тушунчасига тенг келмаслиги, “тил” “нутқий фаолият”нинг бир қисми, лекин энг муҳим қисми эканлигини, у социал маҳсулот эканлиги, у ёки бу тил эгаларининг ҳар бири хотирасида мавжуд бўлган нутқий фаолиятга киришиши имконияти эканлигини таъкидлайди.*

Ф.де Соссюр тилнинг белгилар системаси эканлигини эътироф этиш билан бирга, унинг тузилиши ҳақида ҳам асосли фикрлар баён қилади. У тилни муносабатлар йиғиндиси сифатида ижтимоий ходисалар қаторида ўрганар экан, унинг бошқа ижтимоий ходисалардан фарқи белгилик характери эканлигини, *“тил зояларни ифодаловчи белгилар системаси”* эканлигини баён қилади.

Бугунги кунда бундай фарқланиш, дарҳақиқат, ҳар қандай лингвистик тадқиқот учун таянч нуқтага айланиб қолди. Шундай бўлишига қарамасдан, тил-нутқ дихотомияси олға сурилгандан буён бу фарқланишга ёндашув, унинг талқини тилшунослар ўртасида бир хил бўлган эмас.

А.Гардинернинг фикрича, *ҳар қандай лугат ва ҳар қандай синтактик моделлар йиғиндиси тилдир. Қисқа муддатли, тарихан бетакрор сўздан фойдаланиш фаолияти нутқдир.* Нутқ конкрет замон ва макон билан боғлиқ. У бетакрорлик хусусиятига эга. Бир синтактик модель асосида юзага чиққан ҳар бир жумла конкрет бир макон ва замонда муайян шахс томонидан юзага чиқарилади, у бетакрорлик хусусиятига эга бўлади.

Кўпчилик анъанавий тилшунослик тарафдорлари ўртасида тил ва нутқни фарқлашнинг лингвистика учун нима аҳамияти бор? деган савол туғилиши мумкин. Алан Гардинернинг фикрича, ҳар қандай реал гапда икки қатордаги ҳодиса мавжуд бўлади. Улардан биринчи қатордагиси сўзловчи шахсга қадар унинг тил хотирасида мавжуд бўлган лексик бирликлар ва грамматик схемалардир. Булар “тил” факти ҳисобланади. Айни пайтда, ҳар бир реал гап маълум сўзловчи субъектнинг ижод маҳсули ва у маълум мақсадда муайян

бир маконда ва замонда баён қилинади. Гапда ўз ифодасини топган ана шу белгилар “нутқ” факти саналади. Шундай қилиб, “тил” ва “нутқ” зидланиши ўзида моҳият-ҳодиса диалектикасини намоён этади ва тил системасининг барча сатҳларини қамраб олади.

Алан Гардинер “тил” ва “нутқ” ўзаро фаркланиши билан бирга, уларнинг бир-бирисиз мавжуд бўлмаслигини, улар ўзаро узвий боғлиқ эканлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Нутқ тилсиз юзага чикмаслиги, тил нутқ орқали функциялашуви, тилнинг ана шу мақсадни амалга ошириш учунгина мавжуд бўлишини баён қилади. “Агар мен муайян матндаги маълум ҳодисани тилга эмас, нутққа хос, десам, у ҳолда матндан тил элементи деб ҳисобланган барча анъанавий элементлар чиқариб ташлангандан сўнг, сўзловчининг ўзи билан боғлиқ бўлган қолдиқ нутқ элементи саналади”.

У тил ва нутқни ўзаро изчиллик билан фарклаган ҳолда лингвистик атамаларни ҳам ана шунга мос ҳолда зидлаш зарурлигини баён қилади. Хусусан, у тилшуносларнинг “гап” терминини бир вақтнинг ўзида ҳам тил, ҳам нутқ факти учун қўллашларини танқид қилади. Унинг фикрича, тил ва нутқ атамалари бир-бирини рад қилади. У ёки бу термин ё тилга, ёки нутққа хос бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида икки йўлдан кетиш мумкин эмас.

Л.Ельмслев ҳам Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомияси ҳақидаги фикрига юқори баҳо беради. Унингча, Соссюр таълимотининг моҳияти тил ва нутқни фарклардир. Бошқа барча назариялар мантиқан ана шу асосий тезисдан келтириб чиқарилади.

Л.Ельмслевнинг фикрига кўра, лингвистикага структурлик тамойили киритилган вақтда бу тамойилдан ҳар хил мантикий натижалар олиш учун катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш лозим. У Ф.Соссюр томонидан “Умумий лингвистика курси”да киритилган тил ва нутқ атамаси турли хил изоҳга йўл қўйиши, бу ҳолат эса тилшунослар ўртасида тил ва нутқ дихотомиясига турли хил қарашларнинг туғилишига сабабчи бўлишини таъкидлайди. Хусусан, тил талқинига назар ташланса, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз: а) социал шарт-шароит ва моддий ифодаланишга боғлиқ бўлмаган соф шакл сифатида тушуниш; б) турли моддий ифодаланишга боғлиқ бўлмаган, лекин маълум социал реаллик билан боғланган моддий шакл сифатида тушуниш; в) турлича моддийлашиш хусусиятига эга бўлувчи ва маълум социал жамоа

томонидан қабул қилинган кўникмалар йиғиндиси сифатида тушуниш.

Л.Ельмслев тилга бундай уч хил ёндашувни қатъий фарқлаш лозимлигини таъкидлайди ва бу уч хил ёндашув учун учта атама қўллайди: а) **схема** – тил бирлиги соф шакл сифатида изоҳланса; б) **меъёр** – тил бирлиги моддий шакл сифатида изоҳланганда; в) **узус** – тил бирлиги кўникмалар йиғиндиси сифатида изоҳланганда.

Шундай қилиб, Ф.Соссюрнинг “тил–нутқ” дихотомик бўлишининг ноаниқлиги, номукамаллигини эътиборга олиб, ўзининг тўрт аъзоли бўлинишини тавсия этади. Тўртинчи аъзо сифатида нутқни эътироф этади ва уни нутқ акти ҳисоблайди. Схема, меъёр, узуслар тил birlikлари саналиб, нутқ бирлиги саналувчи нутқ актига қарама-қарши қўйилади. **Схема** атамаси остида социал қўлланиши ва моддий шаклланиши билан боғлиқ бўлмаган соф шакл сифатида тил ифодаланади. **Меъёр** атамаси остида социал қўлланиши билан боғлиқ, лекин моддий шакл билан боғлиқ бўлмаган тил тушунилади. **Узус** атамаси остида тил маълум жамият томонидан қабул қилинган ва моддий шаклланиш билан шартланган кўникмалар йиғиндиси сифатида тушунилади. **Нутқий акт** эса сўзлашиш, индивидуал нутқий жараёни ифодалайди.

Ф.М.Березин Ф.Соссюрнинг тил-нутқ дихотомиясида икки асосий нуктага таянганини баён қилади: а) социаллик ва индивидуаллик белгиси; б) фарқловчилик ва фарқланмаслик белгиси. Л.Ельмслев эса социаллик ва индивидуаллик белгисини соқит қилади. У фақат тилнинг ўзидаги муносабатларни ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги учун иккинчи зидланиш, яъни фарқловчи ва фарқланмайдиган белгилар зидланиши асосий таянч нукта ҳисобланади, дейди.

Хуллас, тил-нутқ дихотомиясида тилни “нарса - ўзида” сифатида унинг ички структурасини ўрганишда Л.Ельмслевнинг хизмати катта бўлди.

Тил ва нутқ ҳодисалари умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, инвариант-вариантлик тушунчалари билан узвий боғланади. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси тўғрисида гапирганда, Гегелнинг бир иборасини эслаш ўринлидир. Биз гилос, олма, ўрикни еймиз, ҳеч қачон мевани ея олмаймиз. Ёки В.М.Солнцев таъкидлаганидек, йилки ичидаги қайси отни бошқа отга нисбатан инвариант деб ҳисоблаш мумкин. Табиийки, ҳеч



кайсисини, фақат уларнинг биттасини «намуна» деб эътироф этиш мумкин.

Бундан шу нарса маълум бўладики, бир синфга мансуб бўлган моддий бирликларнинг ҳеч қайси бири худди шундай моддий бирликка нисбатан инвариант бўла олмайди. Ҳар қайси моддий бирлик бир синф (парадигма) доирасида бошқа моддий бирликка нисбатан вариант саналади. Худди шу маънода инвариант-вариант гомоген бўлмаган объектдир. Конкрет отлар учун инвариант қандайдир мавҳум от, умуман отдир. У моддий бирликлар қаторида турмайди. Бундай от аклий предметлардир. Уни боқиш, миниш мумкин эмас. Лекин у ҳар бир алоҳида отда умумийлик ва хусусийлик диалектикасини намоён этган ҳолда умумийликнинг белгиси сифатида мавжуд бўлади<sup>1</sup>. Фонологик сатҳда умумийлик ва хусусийлик диалектикаси фонема ва унинг вариантлари (оттенкалари) орқали намоён бўлади<sup>2</sup>.

Л.Шчерба фонема ва унинг оттенкаларини бир-биридан фарқлар экан: «Фонема конкрет вазиятда оттенкалар сифатида намоён бўладиган умумлашмадир», дейди<sup>3</sup>. Унинг фикрича, умумийнинг (фонеманинг) талаффуз қилинган реал кўриниши оттенкалардир. Бошқача айтганда, нутқдаги барча реал талаффуз қилинувчи товушлар оттенка ҳисобланади. Фонема ва унинг оттенкалари ўртасидаги муносабат икки босқич муносабатидир: абстракт босқич (фонема), конкрет босқич (оттенка). Л.Шчербанинг таъкидлашича, фонема оттенкалари ичида биттаси маълум сабабга кўра типик ёки намуна бўлади.

Айрим тилшунослар инвариант ва вариантликни гомоген ҳодисалар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, гомоген бирликларнинг биттаси бошқалари учун намуна, эталон деб қабул қилинади. Ана шу намуна ёки эталон инвариант, бошқалари вариант ҳисобланади. Қиёсланаётган икки товушдан мустақил позициядаги товуш инвариант, тобе позициядаги товуш эса инвариант варианты ҳисобланади. Шундай қилиб, бир синфга мансуб реал предметлардан биттаси бошқаларига нисбатан намуна, эталон деб қаралади ва шунинг учун ҳам у инвариант саналади.

<sup>1</sup> Солнцев В.М. Ўша асар, 214-бет.

<sup>2</sup> Торсуев Г.Л. Константность и вариантность в фонетической системе. М. 1977.

<sup>3</sup> Щерба Л. Фонетика французского языка. М. 1963, с. 14-20. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент, 1990, 10-бет.

Айрим муаллифлар вариантлик остида бир умумий маъно билдирувчи маълум лингвистик бирликлар моддий тузилишидаги турли ўзгаришларни тушунадилар. Масалан, *гадо* ва *гадой* сингарилар. Бундай вақтда уларнинг биттаси меъёр сифатида баҳоланади ва инвариант саналади. Вариантлар меъёрдан четланиш сифатида қабул қилинади ва улар адабий меъёрга қарама-қарши қўйилади. Бундай қарашга мувофиқ, вариантлик тилнинг муайян давридаги ортиқчалик деб баҳоланади. Тарихий нуқтаи назардан, вариантлик тил эволюциясининг, тиллар ва диалектлар алоқасининг қонуний натижаси ҳисобланади. Уларнинг кўрсатишича, вариантлар доимо ортиқчаликни ҳосил қила бермайди, вариантлар ўртасида ҳеч қандай маъно фарқланиши бўлмасгина, улар ортиқчаликни вужудга келтиради.

Юқоридаги ўзгаришларнинг ҳаммаси бир умумийликнинг турли хил моддийлашуви, бир нарсанинг моддий томондан турли кўринишлари экан, уларнинг ҳеч бири бир-бирига вариант бўла олмайди. Адабий меъёр сифатида қабул қилинаётган моддий шакл ҳам аслида вариантлар сирасида турадиган бир вариантдир.

Морфема – тилнинг энг кичик бўлақларга бўлинмайдиган маъноли қисмидир<sup>1</sup>. Морфема инвариант саналиб, нутқда турли вариантлар орқали моддийлашади. Морфемани моддийлаштирувчи вариантлар учун морф, алломорф ёки морфема вариантлари атамаларидан фойдаланилади.

Баъзи муаллифлар эса морфеманинг маъно ва шакл томонларини фарқлаш мақсадида маъно томони учун семема, шакл томони учун номема атамаларини тавсия этадилар<sup>2</sup>.

Масалан, жўналиш келишиги морфемаси *-га,-ка,-га,-а* каби вариантлари орқали намоён бўлади. Лекин бу моддий шаклларнинг ҳеч бири бошқасига нисбатан инвариант бўла олмайди.

Лексик сатҳда инвариант лексемадир. Ҳар қандай лексема, бевосита кузатишда лексик-семантик вариантлар (ЛСВ) ҳолида намоён бўлади. Ҳар қайси лексик-семантик вариант лексеманинг барча шакл (моддий кўриниши) ва маъноларини (семаларини) эмас, балки шакл ва маъноларидан (семаларидан) биттасини гавдалантиради.

Айрим муаллифлар маъноли бирликлардан инвариант ва вариантлик ҳақида фикр юритар экан, бундай бирликларнинг

<sup>1</sup> Солтшев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1961, С. 245; Мирзақулов. Ўзбек тили морфемасининг асосий аспекти ва уларнинг муносабатлари. Хўжа, 1991, 12-бет.

<sup>2</sup> Солтшев В.М. О'ша асар, 225-бет.

икки томонлама табиатини (шакл ва маъно томонини) ҳисобга олган ҳолда, инвариант ва вариантлик ифода ва маъно планлари учун алоҳида-алоҳида кўрилиши кераклигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Бундай фикр ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев томонидан ҳам баён қилинади. У ҳар икки томон учун алоҳида-алоҳида атамаларни ҳам тавсия қилади: мазмуний вариант учун семема, шаклий инвариант учун лексема. Шундай экан, вариантларни ҳам маъно ва шакл жиҳатидан фарқлаш керак бўлади.

Е.Д.Головина ҳам сўз ва унинг вариантлари ҳақида баҳс юритар экан, сўз вариантларини дастлаб мазмуний ва шаклий вариантларга ажратади. Шаклий вариантларни эса грамматик ва грамматик бўлмаган вариантларга бўлади. Грамматик вариантларни акцент вариантлар (*твóрог-творóг*), фонетик вариантлар (*халиф-халиф*)га ажратади<sup>2</sup>.

Лексик вариантлик бир лексеманинг турли моддий кўринишларидир. Вариантликни фонологик сатҳда чуқур ўрганган Прага лингвистик мактабининг вакиллари уни мажбурий, факультатив ва индивидуал вариантларга ажратган эдилар.

Фонологик сатҳдаги фонема вариантларининг бундай таснифи тилнинг бошқа сатҳ бирликлари учун ҳам ҳосдир. Хусусан, муайян лексеманинг худудий фарқланиши факультатив (*пичан-бичан, ўшмаоқ-ўшмаоқ*), сўзловчининг индивидуал варианты саналади.

Мажбурий вариант, ўз навбатида, позицион, комбинатор ва услубий вариантларга бўлинади. Лингвистик бирликларнинг позицион варианты унинг қандай позицияда (кучли ё кучсиз позицияда) жойлашишига кўра вужудга келади. Комбинатор вариантлар эса лингвистик бирликларнинг синтагматик муносабатида намоён бўлади. Услубий вариантлар лингвистик бирликларнинг услублараро фарқланиши асосида пайдо бўлади. Масалан, *кабутар* – бадийий услуб учун ҳосланган вариант бўлса, *каптар* – сўзлашув услубига мансуб вариантдир.

Қаерда вариантлар сони кўп бўлса, шу ерда, албатта, меъёр тушунчасига эҳтиёж туғилади. Меъёр тушунчаси инвариант – вариант зидланиши учун эмас, балки вариантлар зидланиши учун ҳосдир. Муайян инвариантнинг турли вариантлари ичида биттаси маълум сабабга кўра бошқаларига нисбатан намуна сифатида

<sup>1</sup> Арутюнова Н.Д. О минимальной единице грамматической системы. – Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. М., 1961, с.38; Головина Э.Д. К типологии языковой вариантности. «ВЯ». 1983, №2, с.58.

<sup>2</sup> Головина Э.Уша асар 59-бет.

қабул қилинади. Ана шу намуна сифатида қабул қилинган вариант тилнинг маълум даври учун меъёр саналади. Меъёрни белгилашда вариантларнинг нутқ заңжиридаги позицияси, тил ареалидаги тарқалиш географияси муҳим аҳамиятга эга.

Лексемаларнинг ЛШВи ичида аббревиатуралар алоҳида ўрин эгаллайди. Аббревиатуралар сўз ясалиши ҳосиласи бўлган ясама сўзлар эмас. Унинг сўз ясалишига ҳеч қандай алоқаси йўқ<sup>1</sup>. Аббревиатура билан тўлиқ кўриниш бир инвариантнинг икки хил варианты – бири тўлиқ намуна, иккинчиси эса қисқарган вариантдир.

Синтактик бирликларнинг модели инвариант, бу моделнинг конкрет лексик birlikлар билан тўлдирилиши эса вариантлар саналади. Шундай қилиб, тилнинг ҳамма сатҳлари учун умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикаси амал қилади. Умумийлик, моҳият – инвариант, хусусийликлар вариантлар орқали намоён бўлади. Инвариант ва вариантлар бир қатордаги ҳодисалар эмас, балки турли қатордаги икки босқичга мансуб ҳодисалардир. Инвариантнинг намоён бўлиш шакллари вариантлар экан, демак, инвариантлар - вариантлар умумлашмаси бўлиб, бевосита кузатишда вариантлар орқали намоён бўлади. Вариантлар қаторида ҳеч бири бошқасига инвариант бўлолмайди. Лекин биттаси бошқалари учун меъёр бўлиши мумкин. Меъёр ва инвариант тушунчалари бошқа-бошқа тушунчалардир.

Тилнинг ички тузилишини тил birlikларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тил birlikлари ҳар қандай тилнинг таянчи, у орқали иккинчи сигнал системаси ҳисобланувчи тил мавжуд бўлади. Тил birlikларисиз тил тузилишининг мавжуд бўлиши мумкин эмас<sup>2</sup>. Тилнинг функцияланиш жараёнида тил birlikларидан нутқий ҳосилалар вужудга келади.

Шу кунга қадар тилшуносликда тил birlikларини деярли барча тилшунослар эътироф этса ҳам, лекин қайси birlikлар тил birlikлари ҳисобланиши юзасидан турли-туман фикрлар юритилади.

Хусусан, Америка дескриптив тилшунослигида тил birlikлари сифатида фонема, морфема ва конструкциялар эътироф этилади<sup>3</sup>. Морфема атамаси сўзнинг қисмлари (ўзак ва қўшимчани)

<sup>1</sup> Хаджица А., Нурмонов А., Махмутов Н. Спорные вопросы словообразования тюркских языков. – ВЯ, 1989, №3.

<sup>2</sup> Солтцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971, с.140.

<sup>3</sup> Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959, с. 40-43. Нельматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993, 12-б.

хам маъноли қисмларга бўлинмайдиган мустақил сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам қамраб олади.<sup>1</sup>

Фонема тилнинг ифода системасининг минимал бирлиги, морфема эса тилнинг ифода системасининг маъно билан боғланган асосий бирлиги сифатида баҳоланади. Уларнинг фикрича, тилнинг қолган бирликлари морфемалар қўшиливидан ҳосил бўлади. Шунинг учун улар тил сатҳида қўшилиш моделларига эга бўлади. Ана шу қўшилиш моделлари конструкция ҳисобланади.

Бошқа тилшунослар эса фонема, морфема, лексема, сўз ва гап (гапнинг структур схемалари)ни тил бирликлари қаторига қўшадилар ва тил бирликларини икки гуруҳга ажратадилар: а) тилнинг асосий бирликлари (фонема, морфема), б) тилнинг конструктив бирликлари (сўз, гап).

Ш.Раҳматуллаев тил бирликлари юзасидан баён қилинган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда, фонема, лексема, морфема, лексема шакл (сўз), бирикма шакл (сўз бирикмаси қолип), гап шакл (гап қолип), фраземаларни ажратади. Булардан фонема тил бирликларининг қурилиш бирлиги, лексема ва морфема тилнинг бирламчи (асосий) бирликлари, лексема шакл, бирикма шакл, гап шакл (тузма) бирликлар, фразема эса йирик тил бирлиги ҳисобланади. Муаллиф фонемани тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб келувчи ва шу жиҳати билан тил бирликларини ўзаро фарқлашга хизмат қилувчи бирлик сифатида тушунади. Ш.Раҳматуллаевнинг бу бирликларни ажратиши учун тил сатҳлари асос бўлади. Муаллиф *лексема* атамаси остида лексик маъно ифодаловчи морфемани, *морфема* атамаси остида эса фақат грамматик маъно ифодаловчи ва сўз ясовчи морфемаларни тушунади<sup>2</sup>. *Морфема* атамасини ана шундай тор маънода қўллашни А.Мартине ҳам таклиф қилган эди<sup>3</sup>.

Ҳар қандай тил бирлиги нутқ жараёнида бир қанча нутқ бирликлари (вариантлар) орқали намоён бўлади: фонема фонлар (аллофон, товуш) орқали, лексема лекс (аллолекс, лексема варианты), морфема морф (алломорф, морфема варианты), сўз модели сўз шакли, гап модели жумла орқали намоён бўлади. Демак, тил бирликлари сифатида фонема, морфема, лексема, конструкция(сўз модели ва гап модели)лар; нутқ бирликлари сифатида эса фон(аллофон, фонема варианты ёки товуш),

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент. Университет, 2002, 16-б.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент, 2002, 16-бег.

<sup>3</sup> Мартине А. Основы общей лингвистики. Новое в лингвистике. Ш. М., 1969, с.379.

морф(алломорф, морфема варианты), лекс(аллолекс, лексема варианты), сўз шакли ҳамда жумлалар эътироф этилади.

### Тил сатҳлари ва сатҳларга ажратиш тамоийллари

Тилнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи бир неча қатламлардан иборат эканлиги ҳақидаги қараш ўзининг узоқ тарихига эга. Хусусан, тил тузилишининг анъанавий тилшуносликда уч қисмга, лексик ва грамматик қисмларга бўлиниши ва бу қисмларни ўрганадиган тилшуносликнинг учта бўлимга ажратилиши тилни ана шундай қатламлар бутунлиги сифатида тушунишнинг ёрқин намунасидир.

Системавий-структур тилшунослик шакллангунга қадар тилнинг бундай ички тузилишини қатлам сифатида тушуниш амалий кузатишнинг илк натижалари бўлиб, тил стратификацияси илмий жиҳатдан асосланмаган эди. Системавий-структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши тил ички тузилишининг ўзига хос хусусиятини, ички тузилиш бирликларининг оддийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ривожланиб бориши, қуйи босқич бирлиги ўзидан юқорироқ босқич бирлиги таркибида ўз функциясини кўрсатишини илмий асослаб берди.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб тил сатҳи (лингвистик сатҳ) тушунчаси майдонга келди. Бу тушунчанинг шаклланиши ва илмий асосланишида Л.Ельмслев ҳамда бир қатор Америка дескриптив тилшунослари, хусусан, Дж.Трейжер, К.Пайк, Ч.Хоккет, З.Харрис сингари олимларнинг хизмати катта бўлди.

Лингвистик сатҳ тушунчасининг пайдо бўлишига тилнинг икки томонлама моҳият эканлигининг эътироф этилиши, шаклий ва мазмуний томонларнинг ҳар бири ўзига хос ички тузилишга эга эканлиги, уларнинг ҳар қайсиси ўз ички узвлари муносабатидан ташкил топган кичик система эканлиги, шундай қилиб, тилнинг тузилиши системалар системаси тартибида бўлиши, улар ўртасидаги муносабат тил механизмини ҳаракатга келтириши ҳақидаги қарашларнинг майдонга келиши туртки бўлди. Гарчи лингвистик сатҳ тушунчаси кейинчалик бир қатор тилшунослар томонидан эътироф этилган бўлса ҳам, лекин бу атама жуда кенг маънода қўлланила бошланди.

Шундай бўлишига қарамасдан, тилнинг онтологик табиатини нисбий автоном системалар (кичик системалар) мажмуаси сифатида тасаввур қилиш лингвистик сатҳ концепцияси тарафдорларини бирлаштириб турган умумий жиҳатлардан саналади. Ҳар бир кичик система чегараланган миқдордаги элементлардан ташкил топади ва бу элементлар шу кичик система нуқтаи назаридан майда бўлақларга бўлинувчанлик хусусиятига эга деб эътироф этиш, шунингдек, ҳар бир кичик система ўз ички элементларининг бир-бири билан боғланиш қонун-қоидаларига эга эканлигини эътиборга олишдир.

Кўринадики, сатҳ тушунчаси тил онтологиясига ҳамда тилнинг системалаштириш ва тавсифлаш усулига мансубдир.

Онтологик маънода тил сатҳи деганда нима тушунилади? Тилшуносларнинг кўпчилиги тил сатҳи тушунчасини тил бирликларининг муайян йиғиндисини билан боғлайдилар. Масалан, В.В.Лопатин ва И.С.Улухановлар тил сатҳларини белгилашнинг таянч нуқтаси сифатида тил системасида ажратиладиган асосий тил бирликлари олиниши, тил сатҳи билан тил бирликларининг муайян йиғиндисини ўртасида мувофиқлик бўлиши лозимлигини баён қиладилар. Бундай қарашга мувофиқ, тил системасида муайян тил бирлигининг ажратилиши, ўз-ўзидан, шу бирликка мувофиқ келадиган тил сатҳининг ҳам ажратилишига олиб келади. Уларнинг фикрича, фонеманинг тил бирлиги сифатида эътироф этилиши фонологик сатҳнинг ажратилишига сабаб бўлганидек, сўз ясалиши бирлигининг ажратилиши сўз ясалиш сатҳининг ажратилишига асос бўлади.

Сатҳ тушунчасининг маълум тил бирликлари йиғиндисини тушунчаси билан алоқаси борлиги шубҳасиз. Лекин сатҳни белгилашда қандай лингвистик белгиларга таяниш масаласини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Тил бирликларини муайян гуруҳларга турли белгилар асосида бирлаштириш мумкин. Шунга мувофиқ равишда сатҳ тушунчаси нисбий бўлиб қолади ва бу тушунча айрим бирликларнинг маълум белги асосида бирлашган гуруҳининг оддий номига айланиб қолади.

Тилнинг ички тузилишини сатҳларга ажратишда ана шундай бошбошдокликни бартараф қилиш учун тил бирликларининг доимий, барқарор сатҳларини ажратишга имкон берадиган белгиларига таяниш лозим. Ана шундай белги тил бирликларининг

поғонавийлик белгисидир. Худди ана шу белги дескриптив тилшунослик вакиллари томонидан тилни сатҳларга ажратишнинг асосий белгиси сифатида эътироф этилган эди. Лингвистик бирликнинг ана шу поғонавийлик белгиси лингвистик сатҳни белгилашнинг асосий тамойили сифатида эътироф этилганда, тил ички тузилишининг поғонавийлик табиати тўғри очилган бўлади.

Бунга мувофиқ, лингвистик сатҳ тушунчаси остида ўзаро поғонавий муносабатда бўлмаган нисбий бир хил бирликлар муносабати англашилади. Бир сатҳ бирликлари бошқа сатҳга мансуб (ўзидан катта ёки ўзидан кичик) бўлган бирликлар билан поғонавий муносабатда бўлади. Бунда куйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлигидан ташкил топади, куйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлиги таркибига кириш хусусияти акс этади.

Ана шундай бирликлар мажмуаси нисбий бир хил бўлган бирликлар устпарадигмасини ташкил этади. Устпарадигма аъзолари ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатга киришади. Улар маълум синфга бирлашади (фонеманинг турли синфлари, морфеманинг турли синфлари ва бошқалар) ва бир-бири билан ўзаро кетма-кет боғланади, синтагматик занжирни ҳосил қилади.

Қисқаси, тилнинг кўп сатҳлилиги концепцияси тарафдорларининг кўпчилиги учун умумий томон тилни чегараланган микдордаги бирликлардан ташкил топган нисбий автоном кичик системаларнинг интегратив муносабатидан ташкил топган яхлитлик сифатида эътироф этишдир.

Турли сатҳ ва устпарадигма бирликлари ўзаро парадигматик муносабатга ҳам, синтагматик муносабатга ҳам киришмайди, яъни фонема ва морфемалардан ёки морфема ва сўзлардан ташкил топган синфларнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, фонема билан морфеманинг, морфема билан сўзнинг кетма-кет муносабатга киришиб, синтагматик занжир ҳосил қилиши ҳам мумкин эмас.

Демак, тил сатҳларини эътироф этувчи тилшунослар фикрича, турли сатҳ бирликлари ўртасида интеграцион муносабат мавжуд бўлади. Бу концепция тарафдорлари тил сатҳлари ўртасидаги алоқани эътиборга олган ҳолда, тилга ягона иерархик шаклланган сатҳлар системаси сифатида қарайдилар.

Тилнинг ички тузилишига бундай ёндашув композицион концепция деб юритилади. Композицион концепцияга мувофиқ, тилнинг ички тузилиши бир хил йўналишдаги поғоналанишдан



(иерархиядан) иборат. Бу шундан иборатки, фонема, морфема ва ундан катта бирликлар ўртасида бир хил йўналишдаги поғонали муносабат мавжуд. Қуйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлиги учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Қуйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлиги таркибида унинг таркибий қисми сифатида вазифа бажаради. Шунинг учун тил сатҳлари ўртасида қуйидан юқорига йўналган муносабат эътироф этилади ва бу муносабат бир хил турдаги, конституентив муносабат саналади ҳамда “...га киради”, “...дан ташкил топади” схемасини ўзида намоён этади.

### Лингвистик бирликлар ўртасидаги муносабатлар

Тил системасидаги ҳар бир сатҳ бирлиги – фонема, морфема, лексема, сўз шакл, синтаксема, матн лингвистик бирликлар саналади. Лингвистик бирликлар система таркибида маълум муносабатда бўлади. Уларни дастлаб икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати; 2) турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати, яъни сатҳлараро муносабат.

Бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар ўзаро икки хил муносабатга киришади: 1) парадигматик (уядошлик) муносабат; 2) синтагматик (кетма-кетлик) муносабат.

Бир сатҳга мансуб бўлган, қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир гуруҳга (уяга) бирлашуви парадигматик муносабат саналади. Парадигматик муносабатда бўлган бирликлар учун умумий белги сифатида шу бирликларнинг маъноси ҳам, шакли ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, *ишчи*, *ишла* лексемалари ўзакнинг умумийлиги билан ўзаро бирлашса, кўшимчалари билан фарқланади. Ёки аксинча, *ишла*, *англа*, *сўзла* сингари лексемалар кўшимчанинг умумийлиги билан бирлашиб, ўзакнинг хилма-хиллиги билан фарқланади. Лексик сатҳда айрим лексемалар шаклий ўхшашлик умумий белгиси асосида бир уяни, синфни ташкил этади. Бундай лексемалар муносабати лексик омонимларни ҳосил қилади ёки баъзи лексемалар маъно умумийлиги асосида бир синфга бирлашади. Бундай муносабатда бўлган лексемалар лексик синонимларни ташкил этади. Худди шундай хусусият фонологик сатҳдан юқори бўлган барча сатҳ бирликлари учун ҳосилдир.

Масалан, умумий эгалик маъноси асосида барча эгалик шакллари бир уяга бирлашади. Замон маъноси асосида барча замон билдирувчи феъл шакллари бир парадигмага бирлашади. Замон маъноси асосида барча замон билдирувчи феъл шакллари бир парадигмани ҳосил қилади. Шу билан бирга, парадигма ичида худди шундай умумий маъно асосида яна кичик парадигмаларга бирлашиши мумкин. Жумладан, ўтган замон шакллари, келаси замон шакллари каби.

Шундай қилиб, маълум парадигма ўз ичида кичик уяларга бўлиниб, уялар даражаланишини ҳосил қилади. Масалан, *a, e, o, ў, у, и* унлилари муносабати унлилар системасини (парадигмасини) ташкил этиш билан бирга, бу унлиларнинг ҳар қайсиси бевосита кузатишда бир қанча вариантлар орқали юзага чиқади ва вариантлар парадигмасини (системасини) ташкил этади.

Лингвистик бирликларнинг уядошлик муносабатини белгилашда кўпроқ маъно умумийлиги белгиси хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, маълум умумий маъно асосида бир парадигмага бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган умумий маъно ҳар бир парадигма аъзосида такрорланиши лозим. Ана шу такрорланувчи маъно (сема) ҳар бир аъзони айна шу уяга (парадигмага) бирлаштириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, уянинг ҳар қайси аъзоси бошқа аъздан маълум белгиларига кўра фаркланиш хусусиятига ҳам эга. Ана шу фаркланиш белгиси билан уянинг алоҳида бирлиги эканлигини сақлаб туради. Демак, ҳар бир аъзо бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар бирлигидан ташкил топади. Бирлаштирувчи сема ҳар бир аъзони маълум мазмуний уяга (парадигмага) бирлашишини, фарқловчи сема эса уя таркибидаги ҳар бир аъзонинг ўзига хослигини, алоҳидалигини кўрсатиб туради ва уларни алоҳида тил бирлиги сифатида тил системасида яшашига имкон беради. Кўринадики, парадигманинг ҳар бир аъзосида умумийлик ва ўзига хослик диалектикаси амал қилади. Масалан, *-ган, -ди* шакллари ўтган замон семаси билан бир парадигмага киради. Шу билан бирга, уларнинг ҳар иккиси ўзига хос фаркланиш белгисига ҳам эга. Улар ўтган замоннинг нутқ жараёнига нисбатан узоқ ёки яқинлигини ифодалаш жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Биринчиси нисбатан узоқ ўтган замонни, иккинчиси эса яқин ўтган замонни билдиради.

Ҳар бир парадигма система саналади. Шундай экан, тил системаси ўзаро муносабатда бўлган бир қанча парадигмаларнинг

бирлигидан иборатдир. Ҳар бир парадигма аъзолари бир-бири билан зидланиш хусусиятига эга. Зидланиш ҳар қандай нарса ва ходисанинг ички тараққиёт негизидир. Шундай экан, даврлар ўтиши билан парадигма аъзолари ўртасида миқдорий ўзгариш рўй бериши мумкин. Айрим аъзолар эскириб, истеъмолдан чиқиши, янгиси кириб келиши мумкин. Бу эса тил системасининг очик система эканлигини кўрсатади.

Парадигматик муносабат аъзолари имконият тарзида тил эгалари онгида мавжуд бўлади. Ҳар бир парадигма аъзоси бевосита кузатишда, яъни нутқ жараёнида турли нусхаларда, турли хил вариантларда намоён бўлади. Демак, ҳар бир парадигма аъзоси бевосита нутқ жараёнида намоён бўладиган турли хил вариантларнинг умумлашмаси - инварианти саналади.

Парадигма аъзолари нутқ жараёнида ҳар қайси тилнинг муайян қонун-қоидаси асосида ҳамда парадигма аъзосининг маъноси доирасида бошқа парадигма аъзосининг варианты билан синтагматик муносабатга киришади. Синтагматик муносабатда муносабатга киришувчи лингвистик бирликлар танланиш хусусиятига эга бўлади, яъни ҳар қандай киммат жиҳатидан бир хил бўлган лингвистик бирликлар эмас, балки мазмуний мувофиқлашган, маъно тақозо этган икки парадигма аъзоси вариантларигина синтагматик муносабатга киришади. Синтагматик муносабатга парадигма таркибидаги инвариант ўзининг барча вариантлари орқали эмас, балки битта варианты орқали муносабатга киришади.

Лингвистик бирликлар ўртасидаги поғонали муносабат тил системаси ички тузилишининг оддийдан мураккабга қараб тадрижий жойлашганлигидан далолат беради.

### **Зидланиш ва унинг турлари**

Юқорида таъкидланганидек, парадигматик муносабатда бўлган лингвистик бирликлар муайян бирлаштирувчи семага эга бўлиш билан бирга, ўзаро фарқловчи семага ҳам эга бўлади. Ана шу фарқловчи семалар парадигма аъзоларининг ўзаро зидланиши учун асос бўлади.

Системавий тилшуносликда парадигма аъзоларининг ана шундай фарқловчи семалар асосида зидланишини белгилаш марказий ўринни эгаллайди. Чунки лингвистик бирликларни

маълум синфларга бирлаштириш қанчалик муҳим бўлса, синф аъзоларини бир-бирига зидлаш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Синфларга бирлаштиришда лингвистик бирлик мазмуний мундарижасидаги бирлаштирувчи сема хизмат қилса, бир-биридан ажратишда фарқловчи сема асосий роль ўйнайди. Шунинг учун системавий тилшунослик асосчилари зидланиш тушунчасига катта эътибор бериб тилда зидланишдан бошқа ҳеч нарча йўқлигини таъкидлайдилар.

Фарқлаш тушунчаси зидланиш тушунчасини тақозо этади. Икки нарса бир-биридан фақат ўзаро зид қўйилгандагина фарқланади. Системавий тилшуносликнинг асосчиларидан бири Н.С.Трубецкой фонологик сатҳда зидланишларни қуйидагича белгиларга кўра тасниф этади.

А. Зидланиш системасига муносабатига кўра.

Б. Зидланувчи аъзолар ўртасидаги муносабатга кўра.

В. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра.

Бу белгига кўра зидланишлар бир ўлчовли ва кўп ўлчовли ҳамда ажралган ва пропорционал зидланишларга бўлинади.

Зидланишлар зидланувчи аъзоларни фарқлаш учун хизмат қиладиган белгиларнигина эмас, балки ҳар икки зидланаётган аъзолар учун умумий бўлган белгини ҳам тақозо этади. Бундай белгилар қиёслаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қиёслаш учун асос белгига эга бўлмаган икки нарса ўзаро зидланиши мумкин эмас. Қиёслаш учун асос бўлган белгига кўра зидланишлар икки турли бўлади: 1) бир ўлчовли; 2) кўп ўлчовли.

Бир ўлчовли зидланишларда зидланувчи аъзоларнинг қиёсланиши учун асос бўлган белги, яъни зидланувчи аъзолар учун умумий бўлган белгилар йиғиндиси фақат шу зидланиш учунгина хос бўлиб, зидланиш системасининг бошқа аъзоларида учрамайди. Кўп ўлчовли зидланишда эса қиёсланишга асос бўлган белги фақат битта зидланувчи аъзолар учунгина эмас, бошқа зидланувчи аъзолар учун ҳам хос бўлади. Масалан, с – з ундошлари ўртасидаги зидланиш бир ўлчовли. Чунки бу зидланиш учун асос бўлган белги бошқа ҳеч бир жуфтликда учрамайди.

Бир ўлчовли ва кўп ўлчовли зидланишларнинг ажратилиши тилшуносликда жуда катта аҳамиятга эга. Бундай зидланишлар тилнинг барча сатҳларида учрайди.

Бундан ташқари, биринчи белгига кўра зидланишларнинг пропорционал ва ажралган турлари ҳам мавжуд. Маълум бир

зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат тил системасининг бошқа зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат билан бир хил бўлган зидланишлар пропорционал зидланиш ҳисобланади. Масалан, ўзбек тили фонологик системасидаги *к-г* фонемаларининг зидланиши пропорционалдир. Чунки бу зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат, яъни жарангсизлик портловчилик белгиси асосида умумийликни ҳосил қилиши фақат шу жуфтлик учунгина эмас, шу билан бирга *п-б*, *т-д* каби жуфтликлар учун ҳам ҳосилдир. Маълум бир зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат тил системасидаги зидланишларнинг ҳеч қайсисида учрамайдиган зидланиш ажралган зидланиш саналади. Масалан, *б* ва *л* жуфтликлари ўртасидаги муносабат ажралгандир, чунки бу муносабат бошқа ҳеч бир зидланувчи аъзоларда учрамайди.

Зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра зидланишлар приватив (зидланишга асос бўлган белги бирида бор, иккинчисида йўқ бўлган зидланиш), даражали (градуал) ва тенг қимматли (эквиволент) зидланишларга бўлинади.

Зидланувчи аъзолардан бирида зидланиш учун асос бўлган белгининг мавжудлиги, иккинчисида эса йўқлигига асосланган зидланиш приватив зидланиш ҳисобланади. Зидланувчиларнинг белгига эга бўлган аъзоси белгили (маркирланган), кучли, белгига эга бўлмаган аъзосига эса белгисиз (маркирланмаган), кучсиз аъзо дейилади. Масалан, *т-д*, *к-г*, *п-б* ундошлари зидланишлари приватив саналиб, зидланувчи жуфтликларнинг ҳар бирида биринчи аъзо «овоз» (жаранг) белгисининг йўқлиги, иккинчисида эса борлиги билан характерланади. Бундай зидланишларнинг график ифодаси учун кучсиз аъзога «-», кучли аъзога «+» белгиси қўлланилади. Масалан, сўз туркумлари системасида от билан феъл ўртасидаги зидланиш учун асос белги «ҳаракат» саналиб, биринчи аъзо - бу белгининг йўқлиги (-), иккинчиси эса борлиги (+) билан характерланади.

Зидланувчи аъзолар бир белгининг турли даражасини (градациясини) кўрсатувчи зидланиш даражали зидланиш ҳисобланади. Масалан, унлиларда оғиз очилишининг турли даражасини кўрсатувчи *у-ў-о*, *и-е-а* ўртасидаги зидланиш.

Даражали зидланиш кўп аъзоли бўлиб, даражаланиш силсиласидаги биринчи ва сўнгги аъзо чегара аъзолар, улар ўртасидаги аъзолар эса оралик аъзолар саналади. Чегара аъзолар

зидланишнинг икки кутбини ташкил этади ва максимал зидланиш хосил қилади.

Зидланувчи аъзоларнинг ҳар иккиси мантиқан тенг бўлган яъни, белгининг икки даражасини ҳам, бор ёки йўқлигини ҳам билдирмайдиган зидланишлар тенг қимматли (еквиполент) зидланиш ҳисобланади. Масалан, *n* – *m*, *m* – *k* ундошлари ўртасидаги зидланишлар тенг қимматлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, зидланишларнинг юқоридаги турини ажратиш тил системасининг конкрет шарт-шароити билан боғлиқ. Бу системанинг конкрет шарт-шароитидан ажратиб олинган айни бир зидланиши приватив ҳам, даражали ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *y* – *o* зидланишида зидланишга асос белги оғизнинг очилиш даражаси сифатида олинса, приватив зиддият бўлади. Зидланувчилардан бири оғиз очилишининг «нол» даражаси сифатида қабул қилинади. Бу вақтда *y* очик эмас, *o* эса «очик», ёки *y* «ёпик», *o* эса «ёпик эмас» тарзида зидланади. Худди шу белгига кўра тил системасидаги *y* га нисбатан очикроқ унли *o* эътиборга олинса, *y* билан *o* ўртасидаги зидланиш даражали зидланишга айланади. Бу вақтда *y* ва *o* зидланишнинг чегара аъзолари, *y* эса оралиқ аъзо бўлиб қолади. Шундай қилиб, *y* ёки бу зидланишнинг приватив, даражали ва тенг қимматли зидланиш сифатида баҳоланиши бизнинг қандай нуктаи назардан ёндашувимизга боғлиқ.

Лекин бундан *y* ёки бу зидланишни белгилаш соф субъектив характерга эга деган хулосага келмаслик керак.

Шуни таъкидлаш керакки, зидланишнинг ўзида унинг маълум бир турга киритиш учун асос бўладиган қандайдир бир белги мавжуд бўлади. Тилнинг системавий тузилишининг ўзи ва функциялашуви кўп ҳолларда зидланишнинг объектив ва аниқ турини ажратишга имкон беради. Юқорида кўриб ўтган фонемалар ўртасидаги муносабатлар приватив зидланиш сифатида ҳам, даражали зидланиш сифатида ҳам тасаввур этилиши мумкин. Лекин амалда уларнинг қайсиси реаллашаётгани шу фонологик системанинг тузилиши ва қўлланиши билан боғлиқ бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, зидланувчи аъзоларнинг маъно фаркланишига кўра зидланишлар доимий ва мўътадил турларга ажратилади. Зидланишларнинг бундай таснифи учун тил системасининг конкрет шароитда юзага чиқишида уларнинг

функциялашувига асосланиш мумкин ва бунда “система-функция” тамойилига амал қилинади.

Тил системасидаги зидланувчи аъзолар нутқ жараёнида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зидланишга асос бўлган белгини сақлаб қолса, доимий зидланиш, аксинча, сақлаб қолмас мўътадиллашган зидланиш саналади. Масалан, ўзбек тилида сўз охири жарангли ва жарангсиз ундошлар зидланиши учун кучсиз вазият саналади. Ана шу вазиятда зидланувчи аъзолар зидланиш белгисини йўқотади, мўътадиллашади: масалан, *асир* – *аср*.

Мўътадиллашган зиддият ҳам барча зиддиятлар каби фақат фонологик сатҳ учунгина хос эмас. Уларнинг барчаси тилнинг ҳамма сатҳларида учрайди. Жумладан, бирлик ва кўплик морфемалари ўртасидаги зидланиш ҳурмат маъносини ифодалаганда мўътадиллашади.

### Изоморфизм

Изоморфизм (лотинча *изо* – ўхшаш, *морфо* – шакл) атамаси тилшуносликка илк бор Курилович томонидан киритилган бўлиб, тилнинг турли сатҳ бирликларининг ички тузилиши ўртасидаги ўхшашлик маъносини ифодалайди.<sup>1</sup>

Унинг фикрича, товуш комплекслари (масалан, бўгин) ва семантик комплекслар (масалан, гап), функционал муносабатларидан қатъи назар, чуқур структур параллелизмга эга. Улар ўртасида изоморфизм деб номланиши мумкин бўлган ажойиб ўхшашлик бор.

Лексик система таркибидаги лексемалар таҳлилида қийинчилик туғилганда, уни бошқа системага солиштириш ва улар ўртасидаги ўхшашлик асосида маълум хулосага келиш мумкинлиги ҳақида Л.А.Новиков ҳам ўз фикрини баён қилади.

Лексик системани тузишда фонология билан семантика ўртасидаги ўхшашликни (аналогияни) эътиборга олиш қатта аҳамиятга эга. 1964 йилда Магдебургда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда фонология билан семантика ўртасидаги ана шундай ўхшашликни ёритиш ҳақида фикр юритилди. Фонология товушлар системасини белгилаши каби, семантика маънолар системасини белгилаши лозимлиги таъкидланди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Курилович Е. Понятие изоморфизма - Отчеты по лингвистике. М., 1962, с.21.

<sup>2</sup> Новиков Л.А. Семантика русского языка М., 1982, с. 63

Шунинг учун ҳам «бирлик», «инвариант», «вариант», «оппозиция», «позиция» (кучли ва кучсиз), «дифференциал белги», «нейтрализация», «дифференциация», «парадигматика», «синтагматика» каби тушунчалар лексиканинг мазмуний таҳлилида мустаҳкам ўрин олди.

Структур тилшунослик методларининг асосий тамойилларидан бири унификация тамойилидир. Бунга мувофик, ҳар қандай назария ягона тамойилга таянган ҳолда ўзи ўрганаётган объектнинг алоҳида соҳаларини бирлаштиришга интилоғи зарур. Алоҳида соҳаларни бирлаштириш учун эса улар ўртасидаги изоморфизмни, яъни умумий қонуният мавжудлигини белгилаш лозим.

Ана шундай изоморфизм тилнинг турли хил сатҳлариаро муносабатида кузатилади. Шунинг учун куйи сатҳда белгиланган ва тажрибада аниқлиги, соддалиги, изчиллиги билан эътибор қозонган тадқиқ методлари асосида юқори сатҳ бирликларини ўрганиш анча қулайлик туғдиради.

Тилшунослик тарихида тилнинг фонологик, морфемик, лексик, грамматик сатҳ бирликлари кўп ҳолларда автоном ҳолда, уларнинг ҳамкорлиги ва ўхшаш нукталарининг мавжудлиги эътиборга олинмаган ҳолда ўрганилди. Натижада изоморфлик ҳолатлар назардан четда қолди.

Системавий тилшуносликнинг майдонга келиши, унинг тилни ўрганишда аниқ методларга таянишга интилиши тил сатҳлари ўртасидаги изоморфизмга жиддий эътибор қаратилишига сабабчи бўлди. Хусусан, Прага тилшунослик мактаби вакиллари фонологияда қўлланилган оппозитив методни тилнинг бошқа сатҳларини ўрганишда ҳам муваффақият билан қўлладилар.

Машҳур поляк тилшуноси Курилович ҳам бўғин ва гап тузилиши ўртасида изоморфлик мавжуд эканлигини, шунинг учун гапга хос бўлган кўпгина қонуниятларни фонетик қонуниятларни очишда муваффақиятли қўлланилган методлар асосида очиш қулай эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бўғин ва гап ўртасидаги изоморфизм куйидагиларда кўринади:

1. Бўғинни бўғин қилиб турувчи минимал бирлик мавжуд бўлгани каби, гапни гап қилиб турувчи минимал бирлик ҳам мавжуддир. Бўғин ҳосил қилувчи восита унли бўлса, гапни гап қилиб шакллантирувчи восита феълдир.



2. Бўғиннинг марказий элементи унли бўлиб, у қўшимча элементлар билан, яъни ундошлар билан кенгайиш имконияти бўлгани каби, гапнинг ҳам марказий элементи феъл кесим бўлиб, у факультатив бўлақлар билан кенгайиш имкониятига эга.

3. Баъзан бўғин (айрим тилларда) унлисиз ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Лекин у чегара ҳолатлар саналади. Худди шунингдек, гап ҳам баъзан феълсиз бўлиши мумкин. Масалан, *Ҳа. Йўқ. Албатта* каби, лекин бу ҳам гапнинг чегара ҳолатлари саналади.

Шундай қилиб, тилнинг турли сатҳларида изоморфизм қонунияти амал қилар экан, ана шу қонуниятни топиш ва юқори сатҳ бирликларини ўрганишда қуйи сатҳда қўлланилган ва муваффақият қозонган текшириш методларини қўллаш юқори сатҳ бирликлари билан қуйи сатҳ бирликларини изоморф ҳолда ўрганишга қулай имконият яратади.

Қуйи сатҳ бирликларида қўлланилган текшириш методининг юқори сатҳ бирликларига қўллашнинг қулайлиги шундаки, қуйи сатҳ бирликлари юқори сатҳ бирликларига нисбатан соддарок бўлади. Юқори сатҳга кўтарилган сайин тил бирликларининг белгилари мураккаблашиб боради. Шунинг учун қуйи сатҳ бирликлари белгиларини аниқлаш бошқа сатҳларга нисбатан осонроқ кечади. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, Курилович ҳам фонетик бирликларга хос белгини синтактик бирликни текшириш учун киёсга асос қилиб олади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда бир-бири билан аралаштириб юборилаётган трансформация ва деривация ҳодисаларига ёндашадиган бўлсак, морфологик ўзгариш билан синтактик ўзгариш ўртасида ва лексик ясалиш билан синтактик ясалиш ўртасидаги изоморфликка таянган ҳолда бу ҳодисаларни текшириш лингвистик бирликларнинг ўзгариши (трансформацияси) ва ясалиши (деривацияси) ўртасидаги ўхшаш ва ўзига хос белгиларни ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

### **Фонологик сатҳ Фонология ва унинг бирлиги**

Фонологиянинг бирлиги фонемадир. Фонема сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, сўз ва морфемаларни шакллантирадиган ва уларнинг маъноларини фарқлаш учун хизмат этувчи, бошқа майда

бўлакка бўлинмайдиган тилнинг энг кичик товуш бирлигидир. Фонемалар нутқ жараёнида фонема вариантлари, фонлар, аллофонлар ёки товушлар орқали вокеланади. Фонемалар ҳақидаги таълимот фонологиядир. Фонология маълум бир тилдаги фонемалар системасини, уларни фарқлаш белгиларини ўрганadi.

Фонеманинг мақоми масаласида хилма-хил қарашлар бор. Фонема тилнинг энг кичик бирлиги эканлиги ҳақидаги дастлабки маълумот И.А.Бодуэн де Куртенэга мансубдир. Лекин бунгача шарқ тилшунослигида гарчи фонема термини билан номланмаган бўлса ҳам, маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган энг кичик товуш типи ҳақидаги тушунча мавжуд эди. Ҳинд тилшунослари, туркийшунослар бу тушунчага алоҳида аҳамият берганлар. Хусусан, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар товушнинг маъно фарқлаш томонига катта аҳамият берганлар.

Фонема термини тилшуносликка Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилди. Бодуэн де Куртенэ 1870 йилдаги «XIX асргача бўлган қадимги поляк тили ҳақида» номли магистрлик диссертациясида фонема ҳақида фикр юритади ва уни этимологик-морфологик бирлик сифатида талқин этади. Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги бу концепцияси унинг шогирди Н.В.Крушевский томонидан ривожлантирилди. Натижада Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги тушунчаси ўзгариб борди. Хусусан, «Славян тиллари киёсий грамматикасининг айрим бўлимлари» (1881) асарида фонемани, бир томондан, «сўзнинг фонетик бўлинмас қисми» ҳисобласа, иккинчи томондан, морфемалар таркибидаги товуш ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган товушларгина эмас, балки морфема ёки сўзнинг таркибида бўлакка ажралмайдиган бир бутун ҳолдаги икки ва ундан ортиқ товушлар ҳам фонема бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу билан у фонемага фонетик бирлик сифатида эмас, балки этимологик бирлик сифатида қарашни намойиш этди. Шу билан бирга, худди шу ернинг ўзида фонеманинг қуйидаги икки фарқли томони борлигини ҳам кўрсатади:

1) антропофоник (яъни акустик-артикуляцион) хусусиятларнинг оддий умумлашмаси, морфеманинг ҳаракатланувчи компоненти;

2) маълум морфологик категория белгиси.

Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ фонеманинг морфологик аспектдан фарқ қиладиган антропофоник аспекти ҳам борлигини эътироф этди. Кейинчалик эса у ўзининг фонема ҳақидаги тушунчасини ўзгартирди ва унга психологик нуқтаи назардан ёндашди.

### Фонологик назариялар

**Қозон лингвистик мактабида фонема назарияси.** Қозон тилшунослик мактабининг асосчиси Бодуэн де Куртенэ бўлиб, унинг тилшунослик олдидаги хизматларидан бири шуки, олим тилшуносликка **фонема** назариясини олиб кирди. Бодуэн биринчилардан бўлиб товушдан фарқ қиладиган фонетик бирликни ажратиш зарурлигини англади.

Унинг илмий фаолияти давомида фонема ҳақидаги қарашлари ўзгариб борди. Шунинг учун Бодуэн асарларида фонеманинг хилма-хил талқини кўзга ташланади.

1881 йилда “Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари” номли асаридаёқ фонеманинг икки хил талқини намоён бўлади. Бир ўринда фонема сўз товуш томонининг антропофоник хусусиятлар умумлашмаси деб қаралса, бошқа бир ўринда “антропофоник белгилар умумлашмаси”, “товуш типн”, бевосита сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи реал товушларнинг “қўшимча белгиларидан тозаланган умумлашмаси” сифатида баҳоланади.

Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги қарашларида унинг қуйидаги муҳим белгиларига эътибор қаратганлиги маълум бўлади: 1) фонеманинг мураккаб бирлик эканлиги; 2) унинг энг кичик бирликлардан (хусусиятлардан) ташкил топиши; 3) энг кичик бирликлардан ташкил топган бутунлик сифатида тилда яхлит ҳолда функциялашиши; 4) энг кичик бирликлардан ташкил топган фонеманинг тил системасида муносабатлар (корреляция) аъзоси сифатида яшаши; 5) фонеманинг бевосита кузатишда берилган товушларнинг лингвистик умумлашмаси, абстракцияси эканлиги; 6) фонеманинг реал кўриниши унинг антропофоник (артикуляцион-физиологик) табиатининг намоён бўлиши эканлиги.

Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ илмий фаолиятининг Қозон даврида фонема реал талаффуз қилинувчи товушларнинг абстракцияси, модели, инварианти, қурилма (конструкт) сифатида баҳоланади.

XIX асрнинг 90-йилларида у фонеманинг бевосита кузатишда товушлар орқали намоён бўлувчи, лекин ўзи кузатишда берилмаган мавҳум бирлик эканлигини яна ҳам аниқроқ баён қилади. “Фонема” деб номланган мақоласида унинг “товушнинг психик эквиваленти” эканлигини таъкидлайди. 1917 йилда нашр этилган “Тилшуносликка кириш” асарида фонема *инсон психикасида барқарор мавжуд бўлган товуш тасавури, сўзловчи онгида яшовчи модель сифатида изоҳланади.*<sup>1</sup>

Шуниси характерлики, Бодуэн асарларида фонема гоҳ сўзловчи онгида товушларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўлган идеал моҳият сифатида, гоҳ илмий мавҳумлаштириш (абстракция), лингвистик моделлаштириш натижаси сифатида изоҳланади.

Бодуэн фонологик назариясининг яна бир муҳим жиҳати фонеманинг морфологизацияси ва семасиологизациясидир. Яъни фонемани морфологик қурилишдаги ва маъно фарқлашдаги вазифаси нуктаи назардан ўрганишдир.

Бодуэн де Куртенэ тил бирлиги сифатида фонемани ажратиш билан бирга, уни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими бўлган фонологиянинг ажратилиши лозимлигини баён қилди. Унинг фикрича, фонология фонемаларнинг маъноли бирликлар ҳосил қилишдаги вазифаларини ўрганади.

Бодуэн де Куртенэ фонемаларнинг морфемаларни моддий томондан шакллантириш функциясига эътибор берар экан, фонетик қуршовда уларнинг ўзаро таъсири масаласи диққатини жалб этди. Натижада ёндош товушлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунинг учун улар ўзаро тобеланиш ва фарқланиш муносабатида бўлишини таъкидлайди. Натижада у, бир томондан, *когерент* ва *дивергент*, иккинчи томондан *коррелятив* ва *корреспондент* атамалари билан номланувчи ҳодисаларни ажратади.

Олимнинг таъкидлашича, товушларнинг ўзаро ёки бирининг иккинчисига комбинацион тобелиги **когеренция** ҳисобланади. Хусусан, туркий тилларда товушларнинг қаттиқ-юмшоқлигига кўра бирининг иккинчисига тобеланиши *когерент муносабат* саналади. Масалан: *илик, қылық* сўзларидаги *и* ва *ы* муносабати.

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т. I, -М., 1963. с. 253.

Комбинацион тобелик муносабати натижасида ҳосил бўлган комбинацион ўзгариш **дивергенция**, дивергенция ходисаси асосида ҳосил бўлган товушлар эса **дивергентлар** ҳисобланади.

Бодуэннинг фикрича, дивергентлар комбинацион ўзгаришга учраган, келиб чиқишига кўра бир хил (гомоген) бўлган товушлардир. Масалан, рус тилида *лодка-лодочка*, *год-годовой*, ўзбек тилида *ёд-ёди*, *зид-зидла* сўзларидаги *т-д*, шунингдек, *год-года* сўзларидаги *о-а* товушлари **дивергентлар**, яъни ўзаро дивергенция муносабатидаги товушлар саналади.

*Коррелятивлар* дивергентлардан тарихан бир манбадан келиб чикса ҳам, ҳозирги кунда бир-биридан фарқ килувчи турли товушлар эканлиги билан ажралиб туради. Масалан: рус тилида *бегу-бежат*, *леч-лежат* сўзларидаги *г-ж*, *ч-ж* товушлари *коррелятивлар*дир.

*Коррелятив* ва *дивергентлар* **корреспондентларга** қарама-қарши кўйилади. Тарихан бир манбадан келиб чиқиб, ҳозирги қардош тилларда фарқли талаффуз килинувчи товушлар ўзаро *корреспондент* муносабатидаги товушлар ёки **корреспондентлар** саналади.

*Коррелятив* ва *корреспондент* сингари товушларга ўхшатиб бўлмайдиган фонетик бирликни Бодуэн *ф о н е м а* ҳисоблайди. Кўринадики, бу ўринда у фонемани сўзнинг маълум фонетик қисмининг антропофоник хусусиятларининг умумлашган йиғиндиси сифатида баҳолайди.

Хуллас, жаҳон тилшунослиги тарихида статика-динамика, тил-нутқ зидланиши тўғрисидаги тушунчанинг пайдо бўлишида, тилнинг система эканлиги, унинг белгилик табиати тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишида ҳамда фонема назариясининг вужудга келишида Бодуэннинг хизмати каттадир.

**Ленинград фонологик мактабида фонема назарияси.** Ленинград фонологик мактабининг асосчиси Бодуэн де Куртенэнинг шогирди Л.В.Шчербадир. У Бодуэн де Куртенэнинг фонема сўз ва морфемаларни фарқловчи белги эканлиги ҳақидаги таълимотини ривожлантирди. Л.В.Шчерба «Сифат ва миқдор нуктаи назаридан рус уялилари» (1912) асарида фонемага берган таърифидаёқ психологизмдан ҳоли бўлмаса ҳам, аммо унда фонеманинг функционал томонига эътибор сезилиб туради. Унинг фикрича, фонема сўзнинг фонетик таркибини бузмаган ҳолда ажратиш мумкин бўлган, сўзни фарқлаш ва маъно тасаввури билан

ассоциацияланиш имкониятига эга бўлган маълум бир тилнинг умумий товуш тасаввуридир.

Л.В.Шчерба кейинчалик фонеманинг функционал томониغا, яъни маъно фарклаш хусусиятига асосий эътиборини қаратди ва психологик талкидан халос бўлди. Жумладан, «Француз тили фонетикаси» асарида фонемага соф функционал томондан сўз ва унинг шакллари фарклаш учун хизмат қиладиган товушлар типич сифатида ёндашади. У фонемани ажратиш учун товушнинг артикуляцион-акустик хусусияти эмас, балки маъно фарклаш хусусияти муҳим белги эканлигини таъкидлайди. Масалан, сўроқ юкломаси бўлган – а турлича акустик-артикуляцион хусусиятга эга бўлиши (баланд, паст, чўзик ёки тез ва ҳ.к.) мумкин, ammo лингвистик нуқтаи назардан бир юклама, бир товуш типидир.

Шундай қилиб, акустик-артикуляцион жиҳатдан турлича товушлар бир умумий белгиси билан типларга бирлашади ва шу умумий белгиси билан бошқа шундай товуш типларидан ажралиб туради. Л.В.Шчерба фикрича, ана шундай умумий белги унинг маъно фарклаш хусусиятидир. Демак, ҳар бир фонема бошқа фонемадан маъно фарклаш хусусияти орқали ажратилади. Натижада ҳар бир тилнинг барча фонемалари қарама-қаршиликлар системасини ҳосил қилади. Кўришиб турибдики, Л.В.Шчербанинг фонологик концепциясида фонеманинг сўз ёки морфемаларнинг маъносини фарклаш учун хизмат қиладиган фарқловчи белгиси асосий ўрин эгаллайди.

Л.В.Шчерба фонологик назариясининг иккинчи энг муҳим томони фонема оттенкалари ҳақидаги таълимотидир. Унинг фикрича, умумий (фонема)нинг талаффуз қилинган реал кўринишлари оттенкалардир. Бошқача қилиб айтганда, нутқдаги барча реал талаффуз қилинувчи товушлар оттенка ҳисобланади. Демак, фонема ва унинг оттенкалари ўртасидаги муносабат икки босқич муносабатидир: абстракт босқич (фонема), конкрет босқич (оттенка).

Л.В.Шчерба оттенкаларни ҳам тасниф қилади. Фонеманинг оттенкалари ичида биттаси турли сабабларга кўра шу фонема учун типик бўлади. Алоҳида талаффуз қилинган оттенка ана шундай типик оттенка ҳисобланади ва фақат шу оттенка реал нутқий элемент сифатида тилга олинади. Бошқа оттенкалар эса типик оттенкага нисбатан турлича талаффуз қилинади. Уларни ўрганиш учун эса махсус «эшитиш кўникмаси» керак бўлади. Масалан,

Ўзбек тилидаги *и* фонэмаси тил орқа товушларидан кейин келиб (қил, ғир-ғир), тил орқа *и* ҳолида, лаб унлиларидан кейин келиб (туғил) *у* ҳолида, биринчи бўғинда келиб (бирок, сира), билинар-билинемас талаффуз қилинади. Аммо бу оттенкалар *бир* *и* фонемасининг маълум шароитга мувофиқлашган турли вакиллари. Бошқа оттенкалар акустик ва артикуляцион томондан тубдан фарқ қилиши мумкин. Бу вақтда уларни бирлаштириб турадиган белгини Л.В.Шчерба бир шароитда бири ўрнида иккинчиси келмаслик белгиси ҳисоблайди. Бу белги Америка тилшунослиги мактабида қўшимча дистрибуция деб юритилади. Масалан, юқорида келтирилган *қил, ғир-ғир, бирок, сира* каби сўзлар таркибидаги *и* фонемасининг вакиллари ўрнида бошқасини қўллаш мумкин бўлса, улар бошқа-бошқа фонеманинг вакиллари ҳисобланади. Масалан, *қил, қул, қўл, қол, кал, кел* ва бошқалар. Буларда унлилар бири ўрнида иккинчиси келиб, маъно фарқлаш функциясини бажаряпти. Маъносиз товуш бирикмасида ҳам *э* бошқа барча унлиларга ва *а* бошқа барча унлиларга қарама-қарши қўйилганлиги учун мустақил фонема ҳисобланади. Агар *қил* сўзи таркибидаги *и* нинг фонетик шароитини ўзгартирсак: *ё* биринчи ундошни *ё*ки охириги ундошни бошқасига алмаштирсак (*бил, тил, сил, чил, хил, қил, ишл; қис, қир, қиш, қил, қиз* ва ҳ.к.), акустик-артикуляцион томонидан турли сифатга эга бўлса ҳам, аммо *бир* *и* фонемасининг вакиллари сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, фонема – бу, бир томондан, барча оттенкаларнинг умумлашмаси, иккинчи томондан, ҳар қайсиси конкрет ҳолларда шу фонеманинг вакили ҳисобланади. Фонема оттенкалари бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Оттенкалар гуруҳи (фонема) эса бошқа оттенкалар гуруҳи (фонема)га қарама-қарши қўйилади. Натижада Л.В.Шчерба фонемани қисқача қилиб «конкрет вазиятда оттенкалар сифатида намоён бўладиган умумлашмадир» деб изоҳлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фонема қарама-қарши қўйиш асосида аниқланади. Қарама-қарши муносабатда бўлувчи икки минимал бирлик қарама-қарши аъзолар ҳисобланади. Ўзаро қарама-қарши муносабатда бўлган фонемалар бир қатор белгиларга эга бўлиб, шу белгилардан биттаси қарама-қарши муносабатга кирувчи фонемалар учун фарқловчи (дифференциал), бошқалари фарқламайдиган (нодифференциал) белги ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилидаги *т* ундоши тил олдилик, жарангсизлик,

портловчилик, бурун товуши эмаслик, лаблашмаганлик каби белгиларга эга бўлиб, булардаги дастлабки уч белгиси фарқловчи, кейинги икки белгиси фарқловчи бўлмаган белгилар ҳисобланади. Чунки ўзбек тилида *m* ундоши ўрнида кейинги икки белгига кўра оппозицияга киришадиган ундош қўлланилмайди.

Тилнинг барча фонемалари маълум фарқловчи белгиларга кўра гуруҳланади ва шу тилнинг фонемалари системасини ташкил этадиган коррелятив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, ўзбек тилида овознинг иштирок этиш-эмаслигига кўра жарангли ва жарангсиз ундошлар коррелятив қаторларни ҳосил қилади. Масалан, *n-б, m-д, c-з, k-г, ч-ж* ва бошқалар. Шу билан бирга, коррелятив қаторни ҳосил этмайдиган алоҳида карама-қарши қўйиш, яъни ажратилган оппозиция ҳам учраши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *х, ҳ* ундошларининг жарангли-жарангсизликка кўра коррелятив қатори йўқ, чунки уларнинг жарангли зидди йўқ.

**Москва фонологик мактабида фонема назарияси.** Москва фонологик мактаби ўтган асрнинг 30-йилларида А.А.Реформатский таъбири билан айтганда, ДАРС илмий маркази асосида шаклланди (ДАРС номи бу илмий марказ асосчилари Дмитриев, Аванесов, Реформатский, Сидоровларнинг бош ҳарфларидан олинган) Ленинград фонологик мактабидан фарқли равишда МФМда фонема маълум автономликка эга бўлган, сўз ва морфеманинг товуш қобиғига боғлиқ бўлмаган мустақил бирлик эмас, балки сўз ва морфеманинг таркибий элементи ҳисобланади. МФМ ва МФМда фонемага бундай икки хил нуктаи назар бир фонетик қуршовдаги айрим товуш бирликларини икки хил талқин қилишга олиб келади.

Москва фонологик мактаби концепциясининг катта ютуғи шундаки, улар сўз шаклининг товуш томонини фарқлаш даражасига кўра унинг икки позицияси – максимал фарқлаш позицияси (кучли позиция) ва минимал фарқлаш позицияси (кучсиз позиция)га ажратади.

Қуршовдаги товушларнинг таъсирига кам берилган перцептив (билиш) томондан максимал дифференциал позиция фонемаларнинг кучли позицияси ҳисобланади. Ўзбек тили унлилари учун фақат бир унлидан ташкил топган сўзнинг биринчи бўғини позицияси кучли позициядир.

Р.А.Аванесов фонемалар позициясини тасниф қилар экан, маълум бир морфеманинг бир белгиси учун кучли позиция шу морфеманинг бошқа белгиси учун кучсиз позиция бўлиши



мумкинлигини айтади. Шунинг учун у позицияларни куйидаги тўрт гуруҳга бўлади:

I. Жарангли-жарангсизлик белгиси учун ҳам, қаттиклик-юмшоқлик белгиси учун ҳам кучли позиция.

II. Жарангли-жарангсизлик белгиси учун кучли, қаттиклик-юмшоқлик белгиси учун кучсиз позиция.

III. Қаттиклик-юмшоқлик белгиси учун кучли, жарангли-жарангсизлик белгиси учун кучсиз позиция.

IV. Ҳар икки белги учун абсолют кучсиз позиция.

Позиция тушунчаси асосида МФМ фонема вариантлари ва вариацияларини ҳам ажратади. Жумладан, А.А.Реформатский кучсиз позицияларни иккига - перцептив кучсиз (билиш томонидан) ва сигнификатив кучсиз (фарқлаш томонидан) позицияларга ажратгани ҳолда, биринчи позиция фонема вариацияларини, иккинчи позиция эса вариантларини ҳосил қилишини айтади. Биринчисига "а"нинг турли оттенкалари; иккинчисига сўзнинг охириги позицияси киритилади.

МФМнинг яна бир ютуғи бир белги асосида оппозицияга киришган фонемаларнинг шу белги учун кучсиз позицияда оппозициянинг йўқолиши, яъни икки фонеманинг бир вариантга мувофиқлашуви - нейтралзацияси ҳақидаги таълимотдир. Масалан, *ед* сўзидаги *д* *т* холида талаффуз қилинади. МФМ фонемани автоном ҳолда эмас, балки морфема ва сўзнинг ичида унинг элементи сифатида ўрганди.

**Прага лингвистик мактабида фонема назарияси.** Жаҳон тилшунослиги олдида Прага тилшунослик тўғарагининг катта хизмати шундаки, бу мактаб фонологияни илмий предмет сифатида шакллантирди. Прага тилшунослик тўғарагининг фонологик концепцияси Н.С.Трубецкойнинг «Фонология асослари» китобида мужассамлашган.

Н.С.Трубецкой концепцияси бўйича фонологик система лексик ва грамматик маъноларни фарқлаш учун хизмат қиладиган фонологик оппозициялар (ЛФМ бўйича фонологик қарама-қаршилиқлар) мажмуаси сифатида талқин қилинади. У фонологияда асосий ролни фонемалар эмас, балки уларнинг маъно фарқлаш функцияси ўйнашини таъкидлайди.

Ҳар қандай фонема фонологик оппозиция системаси маълум таркибга ёки структурага эга бўлганлиги учун ҳам маълум фонологик мазмунга эга бўлади. Фонема абстракт бирлик сифатида

қаралади. Конкрет товушлар фонеманинг моддий символлари ҳисобланади. Фонема моддий жиҳатдан бир қанча товушлар орқали реаллашиши мумкин. Бундай реаллашган ҳар хил товушлар шу фонеманинг вариантлари саналади.

Прага тилшунослари вариантларни таснифлаб, уларни мажбурий, факультатив ва индивидуал вариантларга бўладилар. Мажбурий вариантлар, ўз навбатида позицион, комбинатор ва услубий вариантларга бўлинади.

Фонеманинг урғуга, сўз характериға, нутқ мелодикасига хосланган вариантлари позицион; нутқ окимида ёндош фонемалар таъсиридаги вариантлар комбинатор; талаффуз услуби билан хосланган вариантлар услубий вариантлар саналади (тўлиқ услуб, оғзаки услуб ва бошқ.) Бир позициянинг ўзида сўз маъносини ўзгартирмаган ҳолда ўзаро алмашиб келган вариантлар факультатив вариантлардир. Факультатив вариантлар кўпинча диалектал фарқланишлар натижасида вужудга келади, масалан, *и*нинг тил орқа ва чуқур тил орқа вариантлари. Айрим кишиларнинг нутқ хусусияти билан боғлиқ вариантлар индивидуал вариант ҳисобланади.

### Морфемик сатҳ Морфема ҳақида тупунча

Морфема – тилнинг асосий бирликларидан бири. Маълум фонетик шаклга (ифодаловчига) аниқ маъно (ифодаланмиш) тенг келадиган минимал бирлик сифатида бошқа шу турдаги бирликларга ажралмайди. Морфема нутқий матни икки томонлама – тилни белгиларига ажратувчи биринчи бўлинишнинг маҳсули сифатида ўзи билан муайян бир иерархик қаторга жойлашган ва бир томонлама формал бўлиниш саналган иккинчи турдаги бўлинишнинг маҳсули бўғиндан фарқ қилиши билан характерланади.<sup>1</sup>

*Морфема энг кичик маъноли бирлик бўлиб, нутқий жараёнда вариантлар орқали воқеланади.* Айрим илмий манбаларда морфема вариантлари *морф* ёки *алломорф* деб юритилади.

Л.В.Щербанинг таъкидлашича, тилшуносликка “морфема” атамасини И.А.Бодуэн-Куртенэ олиб кирган. У бу атама орқали сўзнинг энг кичик маъноли қисмини белгиллаган. Унинг фикрича,

<sup>1</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. - С.312.

узвий боғлиқ муайян нутқ гапларга ёки ибораларга, гаплар сўзларга, сўзлар морфологик бўғинлар ёки морфемаларга, морфемалар фонемаларга бўлинади.

Тилшунослиқда дескриптивистларнинг қарашлари билан боғлиқ морфеманинг яна бир талқини учрайди. Ушбу талқин кенг тарқалган бўлиб, уларнинг таълимотларида “морфема” атамаси фақат сўз қисмларинигина эмас, балки сўзларни ҳам камраб олади. У сўзларнинг таҳлилидагина эмас, балки морфемаларнинг турлича бирикувлари сифатидаги сўз бирикмалари ва гапларнинг таҳлилида ҳам ишлатилади. Бунинг натижасида сўз тушунчасини грамматик таҳлилдан чиқариб ташлаш ва морфемани тилнинг асосий бирлиги сифатида белгилаш тенденцияси вужудга келди.

Морфемани бундай тушуниш Ф.де Соссюрдан бошланган, унинг таъкидлашича, туб ва бўлинмас бирлик бўлган ҳар қандай сўз ибора аъзоси, яъни синтактик фактдан фарқ қилмайди: уни ташкил этувчи сатҳ бирликларининг тартиби сўз бирикмалари ҳосил қилишнинг асосий тамойилларига бўйсунди.

Шунга асосланиб тил бирликларининг систем хусусиятларини кўриб чиқишда “морфема” атамасини у ифодалаган бирликларни тилнинг бошқа бирликларидан фарқлаш нуқтаи назардан қўллаш кераклигини таъкидлайди.

В.М.Солнцев морфема атамасини турли манбаларда бири-биридан фарқ қилувчи муайян белгилар асосида ажратилишини ҳисобга олиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича изохлашни таклиф қилади:

1) Вандриэс морфемаси учун асосий характерли жиҳат ёрдамчиликдир, яъни морфема сифатида тилнинг оҳанг, ургу ва бирликларнинг жойлашиш имкониятини эътиборга олувчи воситалар тушунилади;

2) Блумфилд морфемаси учун асосий хусусият минималликдир: морфемалар тил системасидаги ўрни ва бошқа бирликларга бўлган муносабатидан қатъи назар, энг қисқа, маъноли қисмлардир;

3) Бодуэн морфемалари учун энг характерли томон уларнинг тил системасидаги ўрни ва бошқа бирликларга муносабати асосидаги минималликдир: морфемалар сўзнинг минимал маъноли қисмларидир.

Г.Пауль маъноли сўзлар фақат морфемаларнинггина эмас, балки барча турдаги ёрдамчи сўзларнинг ривожланиши учун

асосдир. Унингча, предлог ва боғловчилар мустақил сўзлар асосида юзага келади.

Морфемага нисбатан сўзнинг бирламчилиги замонавий тилларда ҳам эътироф этилади, морфемаларга ажратилмаган сўзларнинг мавжудлиги ҳақидаги муаммони ўртага ташлаш имконини беради. Сўз ва морфема муносабатларини юқоридаги ҳолда диахрон аспектда ўрганиш улар ўртасидаги муносабатлар синхрон планда текширилганда ҳам етарлича самара беради.

Тил муайян ички тузилишга эга бўлган бутунлик саналиб, унинг сатхлари ўзаро узвий алоқада эканлиги эътироф этилса, морфемиканинг бирлиги бўлган морфеманинг бошка сатх бирликлари билан чамбарчас муносабатини ҳисобга олиш зарур. Яъни фонетика морфемика билан, морфемика морфология билан узвий боғланади.

Ҳар қайси қуйи сатх бирликлари ўзидан бир поғона юқори бўлган сатх бирлиги учун материал сифатида хизмат қилади. Ҳар қандай бирлик ўзининг ҳақиқий функциясини юқори сатх бирлиги доирасида намоён қилади. Ушбу ҳолат тил тузилишининг кўп сатхлилиги натижасидир.

Морфемаларнинг синтагматик муносабатга киришуви ижтимоий-руҳий, умумий бирликни – инвариантни реал талаффуз қилувчи, бевосита кузатишда намоён бўлувчи, сезги аъзоларимизга таъсир этувчи маълум вариантлар ҳолида ифодаланишини кўрсатади. Морфемалар ҳам бевосита кузатишда ёндош алломорфларнинг фонетик тузилишига мослашган ҳолда қатор вариантларига эга бўлади. Жумладан, ўзбек тилидаги жўналиш келишиги морфемаси нутқ жараёнида *-га, -га, -ка, -қа, -а* сингари вариантлари орқали воқеланади.

### Морфеманинг турлари

Морфема, аввало, бинар тамойилга кўра, лексик морфема ва грамматик морфемаларга (граммемаларга) бўлинади<sup>1</sup>. Бу икки морфема ўзаро приватив зидланиш муносабатида бўлади. Бири белгига эга, иккинчиси бу белгига эга эмас. Грамматик морфеманинг ўзи лексик морфемага қўшилиши ва грамматикализация даражасига кўра иккига бўлинади: 1) аффикс морфемалар; 2) ёрдамчи морфемалар.

<sup>1</sup> Гак В.Г. Теоритическая грамматика французского языка // Морфология. М., 1979, С.9; Деггарев В.И. Основы общей грамматики. Ростов на-Дону, 1973, С.9.

Айрим муаллифлар ёрдамчи морфемаларни лексик морфемага қўшилиш табиатига кўра иккига бўладилар; 1) сегмент морфемалар; 2) устсегмент морфемалар. Маъно фарқлаш учун хизмат қилувчи урғу, оҳанг каби фонетик воситалар устсегмент морфемалар саналади.

Морфемаларнинг юқоридаги кўрсатилган икки тури лексик морфемага қўшилиб, грамматик маъно ифодалаш ва лексик морфемани сўз шакл сифатида шакллантириш хусусиятига кўра умумийликни ҳосил қилади: *Сенга, сен учун, сен билан* сўз шакллари таркибидаги *-га, учун, билан* кабилар сўзни фонетик шакллантириш, яхлитлик нуктаи назаридан бир хил; масалан, сўз урғуси келишиқ қўшимчаси ва кўмакчиларни ўзакка яхлитлаш учун келишиқ, кўмакчиларга кўчади. Натижада, урғу сўзнинг фонетик чегараси келишиқ ва кўмакчилар эканлигини, бу морфемалар ҳам сўз шакл таркибига киришини кўрсатади.

Бу жиҳатдан юклама ва боғловчилар келишиқ ва кўмакчилардан фарқ қилади. Юклама морфемалар урғусиз бўлиб, лексик морфемага энклиза ҳолида қўшилади. Урғу лексик морфеманинг охирги бўғинида қолиб, юклама морфемага ўтмайди. Боғловчилар эса бир сўз шаклининг иккинчи сўз шакли билан муносабатини ҳам билдиради ва ўзаро боғланиб келаётган лингвистик бирликлар билан фонетик яхлитликни ташкил этмайди. Бу эса ёрдамчи морфемаларнинг юклама ва боғловчи турлари билан аффикс морфемалар зидланишининг икки чегара кутбида эканлигини, кўмакчилар эса бу икки кутбнинг оралиғида эканлигини кўрсатади. Лекин юклама ва боғловчилар сўзшакл синфига (морфологик сўзга) кирмайди. Чунки юклама ва боғловчилар қурилмалиқ хусусиятига, таркиби морфемаларга бўлиниш хусусиятига эга эмас.

Аффикс морфемалар ҳам лексик морфемага қўшилиб қандай ҳосила пайдо қилишига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) янги лексема ясовчилар (деривацион морфемалар); 2) янги сўз шаклини ясовчилар (реляцион морфемалар). Аънаага кўра, биринчиси сўз ясовчилар, иккинчиси шакл ясовчилар ҳисобланади (шакл ясовчилар ўз ичида яна бўлиниш хусусиятига эга). Бу икки морфема ҳам ўзаро приватив оппозицияга киришади.

Лексик морфема билан грамматик морфемалар аташ маъносининг борлиги ёки йўқлиги жиҳатидан приватив оппозицияга киришиб, зидланишининг икки чегара кутбида турса,

ундов, модал ва мимемалар бу зидланувчи аъзолар ўртасида оралик бўғинни ҳосил қилади. Ундов, модал бирлик, мимемалар ички маъноли бирликлар муносабатидан ташкил топган ва бўлиниш хусусиятига эга бўлган қурилма эмас. Демак, уларни сўзшакл сирасига киритиб бўлмайди. Шунинг учун у алоҳида маъноли бирлик сифатида морфемик сатҳ бирлигидир. Лексик морфема билан грамматик морфема ўртасидаги оралик типдир. Нутк таркибида янги сифатга эга бўлиб шаклсиз сўз сифатида муайян синтактик вазифа бажариши, баъзан гап бўлиб келиши ҳам мумкин.

### Сўз ясалиши

Тил луғат таркибининг бойиб боришида сўз ясалиши муҳим факторлардан бири. Сўз ясалиши ва сўз яшаш усуллари масаласи узоқ вақтлардан буён тилшуносларнинг диққат-эътиборини тортиб келди ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда сўз ясалиши масаласи тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилди<sup>1</sup>. Тилдаги сўз ясалиши жараёни ва унинг барча умумий ҳамда хусусий кўринишлари, қонуниятлари тилшуносликдаги ана шу бўлимнинг ўрганиш объектидир. Ўзбек тилшунослигида, туркологияда, рус тилшунослиги ва бошқа тилшуносликларда бу соҳа бўйича жиддий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай сўз ясалиши мотивловчи база (ясалиш асоси) ва мотивланувчи сўзларнинг муайян мотивация воситаси (формант) орқали мотивация муносабатига киришуви натижасидир. Демак, ҳар қандай сўз ясалиши уч элементнинг муносабатидан ташкил топади: ясалиш асоси + ясовчи восита = ясалма. Бу ерда биринчи ва учинчи элементлар маълум бир тилнинг муайян бир (синхрон) даврида мустақил лексик бирликлар сифатида намоён бўлади. Айни чоғда, бу лексик бирликлар ўзаро мотивация муносабатида бўлади. Агар сўз яшаш форманти бирдан ортик бўлса, у вақтда сўз яшаш занжирини ҳосил қилади. Бундай сўз яшаш занжирида мотивация даражаси намоён бўлади. Сўз яшаш занжири узоқлашган (чўзилган) сари мотивловчи база билан мотивация муносабати кучсизлана боради. Мотивация даражасига эга бўлган сўзларда бевосита ва билвосита мотивация муносабатини фарқлаш

<sup>1</sup> Баскаков Н. А. О группах словообразования и словоизменения в тюркских языках.— ВЯ, 1986, 2-сон, 3-бет.

мумкин. Албатта, ясовчи формант мотивация базасидан канчалик узоқлашса, шунчалик юқори даражадаги мотивация рўй беради<sup>1</sup>.

Икки элементнинг фақат бир формант орқали мотивация муносабатида бўлиши бевосита, формантлар йиғиндиси орқали шундай муносабатда бўлиши эса билвосита мотивацион муносабат саналади.

Шубҳасиз, мотивловчи база (ясалиш асоси) ҳам, мотивланувчи (ясалма) ҳам ўзларининг алоҳида-алоҳида, бир-биридан фарқ қиладиган, аммо бири иккинчиси билан боғлиқ объектив реалликдаги денотатларига ва онгдаги сигнификатларига эга бўлади. Масалан, *темирчи сўзи* (экспоненти)нинг денотати металл билан шуғулланувчи шахс, сигнификати шундай шахслар ҳақидаги тушунча бўлиб, бу сўз *-чи* мотивация воситаси орқали объектив реалликдаги қаттиқ жисм - металлнинг бир тури (денотат) ва у ҳақдаги тушунча (сигнификат)ни ифода этувчи *темир* (экспонент) мотивловчи базасидан ҳосил бўлган. Ана шунинг учун ҳам сўз ясалиши муайян тилнинг луғат таркибида мавжуд бўлган маълум бир сўздан маълум восита (ёки усул) орқали янги сўзнинг ҳосил қилиниши, яъни икки сўз муносабатидир. Демак, ўзаро мотивация муносабатида бўлган ҳар қандай элемент (ясалиш асоси ҳам, ясалма ҳам) сўз учун хос бўлган ҳар учала элемент (денотат, сигнификат, экспонент)ни ўзида акс эттириши ва бу уч элемент, ҳар икки сўзда бошқа-бошқа, алоҳида ифодаланиши шарт.

Сўз ясалишида ясалма ясашга асос бўлган бирликдан нафақат лексик-семантик жиҳатдан, балки грамматик семантика жиҳатидан ҳам фарқ қилиши мумкин. Бу ўринда бир туркумдаги сўздан бошқа туркумга оид сўзнинг ясалишини ёдга олишнинг ўзи кифоя (*иш* — от, *ишла* — феъл).

Шу нарса ҳам муҳимки, ҳар бир тилда шу тилга хос бўлган регуляр сўз ясаш тиллари (моделлари) мавжуд. Шунинг учун ҳам муайян сўз ясаш типи асосида ҳосил бўлган сўзлар (масалан, аффиксация усули билан ҳосил бўлган сўзлар) ё мотивловчи база асосида ёки ясовчи формант асосида ўзаро парадигматик муносабатга киришиб, сўз ясалиши системасини ҳосил қилади.

Сўз ясалиши дунё тилларининг барчаси учун ҳам хос бўлган универсал ҳодисадир. Албатта, дунё тилларининг барчасида сўз ясалиш усуллари ёки етакчи сўз ясаш усули айнан бир хил эмас, сўз ясаш усулларида қайси бирининг етакчи бўлиши аини тилнинг

<sup>1</sup> Русская грамматика, Ч. 1. М., 1980, с. 133.

фонетик-грамматик хусусияти билан боғлиқ. Масалан, хитой тилининг ўзига хос ана шундай хусусиятига мутлақо мувофиқ равишда бу тилда сўз асосан композиция усули билан ясалди. Ўзбек тилида эса, маълумки, композиция усули ҳам, аффиксация усули ҳам мавжуд, ammo ўзбек тилининг табиатига кўра бу тилда сўз яшанинг етакчи усули аффиксациядир.

В.М.Солнцевнинг кўрсатишича, ажратувчи тилларда (вьетнам, хитой ва бошқа) бўғин морфологик қимматга эга — морфема ёки содда сўзнинг товуш қобиғи сифатида алоҳида товуш эмас, балки фақат тонга эга бўғин сифатида қаралади, «ана шунинг оқибатида бундай типологиядаги тилларда айрим товушлардан тузилган аббревиатуралар мавжуд бўлмайди». Демак, умуман, қисқартма сўзларни ҳосил қилиш имкониятлари ҳам дунё тилларида бир хил эмас, бу имкониятлар маълум тилларда жуда чегараланган.

Сўз ясалиши ҳосил бўлиш нуқтаи назаридан ижтимоий характерга эга ва жуда қадим замонлардан маълум. Шунинг учун ҳам муайян ясалма сўз, гарчи яқинда ясалган янги сўз бўлса ҳам, шу тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммаси учун тушунарли бўлаверади, қўшимча изоҳ талаб қилмайди, чунки мотивловчи база шу тилнинг умумий луғат фондидан қатъий ўрин олган бўлади ва натижада бу тилнинг сўз яшаш модели асосида бошқа сўзларнинг вужудга келишида асос ролини бажаради.

Турғун бирикма тегишли қисқартма сўзнинг фониди туради. Қисқартма сўзнинг қайси маънода қўлланаётганлиги шу фонга қиёслаш йўли билан белгиланади. Масалан, ГУМ бир ўринда «главный универсальный магазин», иккинчи ўринда «городское управление милиции» турғун бирикмалари билан ассоциатив боғланади.

Даврлар ўтиши билан қисқартма сўз шу тилнинг актив лексик бирлигига айланиши натижасида унинг турғун бирикма билан бўлган муносабати хиралашиши мумкин. Бундай сўзнинг маъносини билиш учун фонга қиёслашга эҳтиёж сезилмайди. Бундай сўзлар шу тилнинг луғат фондидан мустақкам ўрин олгандан сўнг бошқа сўзларнинг ҳосил бўлиши учун мотивловчи база ҳам бўлиши мумкин. Фақат шундай ҳолатлардагина том маънодаги сўз ясалиши ҳақида гапириш мумкин. Турғун бирикмани одатдаги қисқартириш билан қисқартириш орқали ном шакллантиришни мутлақо фарқлаш лозим. Масалан: *лавсан*



(материал номи) айна материал дастлаб яратилган лаборатория номи (Лаборатория Высокомолекулярных Соединений Академии наук)нинг қисқартирилиши асосида юзага келган, ammo бу сўз қисқартма сўз эмас (этимологик жиҳатдангина қисқартириш билан боғланади), балки янги яратилган одатдаги содда сўз, шунинг учун ҳам лаборатория номидан иборат турғун бирикма билан ассоциатив алоқага эга эмас, денотатлари ҳар хил (тола, лаборатория). Бундай ҳолатлар (Фарғонада яратилган сунъий толага «нейлон», «паралон» кабиларга аналогия тарзида *фергалон* деб берилган ном ва бошқа шу кабилар) қисқартма сўзлар билан алоқадор эмас.

Юқоридаги айтилганлардан кўринадики, қисқартма сўзлар том маънодаги сўз ясалишидан тубдан фарқ қилади, улар сўз ясалиши натижаси эмас. Қисқартма сўзларнинг пайдо бўлиши муайян денотат ва сигнификат ифодачиси бўлган турғун бирикманинг шаклан ихчамлашуви натижасидир, бунда моҳият, семантика мутлако ўзгаришсиз қолаверади. Фақат шаклигина ихчамлашиб, коммуникатив алоқа тезлиги учун қулайлашади.

Сўз ясалиши билан боғлиқ мунозарали масалалардан яна бири сонларнинг маъно турлари ва бу турларнинг ясалиши билан алоқадордир. Ҳозирги пайтда ўзбек ва бошқа туркий тилларга оид адабиётларнинг деярли ҳаммасида сон семантик жиҳатдан, аввало, 2 гуруҳга — санок (ёки миқдор) ва тартиб сонларга, санок сонлар эса, ўз навбатида, 5 та гуруҳга: дона, жамловчи, чама, тақсим ва каср сонларга ажратилади, айна пайтда, соннинг ҳар бир семантик турининг ясалиши ва бундаги ясовчи қўшимчалар тасвирига кенг ўрин берилади. Бу ҳол рус тили грамматикаларида ҳам кўзга ташланади. Ammo рус тили грамматикасига бағишланган кейинги илмий-назарий ишларда сонларнинг бундай семантик классификацияси у қадар назарий асосга эга эмаслиги айтилади ва бирмунча янгича қараш илгари сурилади.

Ўзбек тили фактларининг таҳлили шуни кўрсатадики, сон туркуми доирасида сўз ясалиши йўқ ва кўрсатилган «сон турлари»ни ҳосил қилувчи қўшимчалар сўз ясовчилар эмас. Масалан: *беш + инчи — бешинчи* ясалишида мотивловчи база (*беш*) билан ясалма (*бешинчи*) алоҳидадан денотат ва сигнификатга эга эмас.

Бу ерда ҳам худди *оқ+ар=оқар* (сув) типидagi каби функционал шакл ясалишидан бошқа нарса йўқ. *Бешинчи* шаклидаги ясалишда ҳам сон сифатга яқин семантик-грамматик

хусусият касб этади, тартибли миқдор нуктаи назаридан белги ифодаланеди. Соннинг бошқа «тур»ларининг ясалишида ҳам мохиятан ана шундай ҳодиса намоён бўлади. Ҳеч кимга қоронги эмаски, сон турларини ясовчи қўшимчалар деб қаралган аффикслар (-та, -ала, -тача ва ҳоказо) семантик жиҳатдан янги сон (сўз) ясамайди, ўзақда ифодаланган миқдорни мутлақо ўзгартрмайди, балки ана шу миқдорга қўшимча маъно оттенкаси беради. Ана шу нуктаи назардан қаралса, сонларнинг «семантик турлари» деб аталаётган сонлар (тартиб, чама, тақсим ва бошқа) феъл доирасидаги (сифатдош, равишдош каби) ва от туркуми доирасидаги (чегара шакли, қарашлилиқ шакли каби) функционал шакллардан мутлақо фарқ қилмайди.

Юқорида айтилганларнинг ўзи кўрсатиб турибдики, сон туркумида ҳақиқий маънодаги сўз ясалиши йўқ. Бу туркум доирасида фақат функционал шакл ясалишигина мавжуд. Булар қуйидагилар: 1) донали миқдор шакли, 2) тартибли миқдор шакли, 3) жамловчи миқдор шакли, 4) тахминий миқдор шакли, 5) тақсимли миқдор шакли, 6) касрли миқдор шакли.

Демак, функционал шакл ясалиши, шунингдек, вариацион шакл ясалиши ўз мохиятига кўра сўз ясалишидан мутлақо фарқ қилади, уларни қориштириш жуда кўп бошқа назарий янглишишларга олиб келиши табиий. Тил ҳодисалари ўрганилар экан, шу тил фактларининг объектив ва жиддий таҳлили биринчи планда турмоғи лозим. Б.А.Серебренников таъкидлаганидай, «тил ҳодисаларига материалистик ёндашув тилни қандай бўлса, худди ўшандайлигича, унинг мохиятини ногўғри акс эттирувчи ҳар қандай идеалистик қўшимчаларсиз ўрганишни назарда тутати»<sup>1</sup>.

### Лексик сатҳ Лексема ва сўз

Лексик сатҳ бирлиги лексемадир. Ҳ.Нетьматов ва Р.Расуловларнинг таъкидлашича: “Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқелиқдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Серебренников Б. А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М., 1983, с. 35.

<sup>2</sup> Нетьматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 37-бет.

Лексема нуткий жараёнда лексик-семантик вариантлар орқали воқеланади. Бундай лексик-семантик вариантлар лекс ёки аллолекс атамалари билан ҳам номланади.

Сўз ва лексема атамалари кўп ҳолларда аралаш ҳолда қўлланади, лекин улар бир-биридан фарқ қилади. Лексема *семема* ва *номемаларнинг* ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналиб, унинг мазмуний мундарижаси аташ, ифода ва вазифавий семалар муносабатидан иборат бўлади. Ҳар қандай лексемада бу семалардан “аташ” семаси албатта иштирок этади. Шунинг учун бу сема лексеманинг марказий семаси, қолган семалар эса чегара семалар ҳисобланади. Масалан, *гапирмоқ*, *дўнгиламоқ* лексемалари бир хил аташ семасига эга бўлиб, ифода семаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Сўз атамаси лексемалардан бошқа бирликларни ҳам, яъни аташ семасига эга бўлмаган бирликларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, *аммо*, *учун* сўз, лекин лексема эмас. Чунки уларнинг аташ семаси мавжуд эмас. Фақат грамматик маънога эга. Демак, сўз грамматик маънога эга бўлган лексемаларни ва ёрдамчи, ундов, модал номлари билан юритилувчи бирликларни ўз ичига олади.

Лексема лексик сатҳ бирлиги саналади. У грамматик маъно ва бу маънони ифодаловчи шаклга эга бўлиб, сўзга, яъни морфологик бирликка айланади. Масалан, *дарахт* “танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик” аташ семасига эга бўлиши билан лексема. Бу лексема “от”лик, “бош келишиқ”лик, “бирлик” семаларига ва бу семаларни ифодаловчи шаклларга эга бўлиши билан сўзга, морфологик бирликка айланади. Кўринадики, лексема ва сўз тилнинг икки сатҳ бирлигини ифодалайди.

### Лексик маъно тузилиши

Лексик маъно ҳақида илмий адабиётларда хилма-хил ва баъзан бир-бирига зид фикрлар юритилади. Лексик маънога бундай турлича ёндашув ўзбек тилшунослигида ҳам ўз аксини топади. Бироқ улар маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Жумладан, “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида “Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти лексик маъно дейилади... Бу маълумот шу сўзнинг маъноси бўлади”<sup>1</sup>, - дейилса, “Ўзбек тили лексикологияси” да

<sup>1</sup> Шоабдурахмонов Ш. *ва бошқ.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.-104-б.

"Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, ходиса, ҳаракат, белги ва шу кабилар ҳақида маълумот берувчи (тасаввур берувчи) мазмун лексик маъно дейилади", - деб таъкидланади.

Академик А.Ҳожиевнинг "Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати" китобида "Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно: маълум товуш комплексини маълум объектив воқеликка боғлаш билан киши онгида юзага келадиган мазмун-мундарижа"нинг лексик маъно дейилиши қайд этилади.<sup>2</sup>

Берилган таърифлар ифодаси жиҳатидан, қанчалик турлича бўлишига қарамай, уларда "предмет, воқеа-ходиса ёки муайян муносабатнинг онда акс этиши лексик маъно" эканлиги изоҳланади.<sup>3</sup>

Лексик маънони онда предмет, ходиса, хусусият, муайян жараён ва шу кабилар ҳақидаги тушунчаларни акс эттирувчи ва унга боғловчи ҳамда сўзловчининг субъектив муносабатини ифодаловчи сўз мазмуни (мундарижаси) деб ҳисоблаш мумкин.

Лексик маъно мураккаб структурали бутунлик саналади. Лексик маъно тўғрисида гапирганда, борлиқ элементининг умумлашган образини онда акс эттириш ҳамда акс этган борлиқ элементининг акустик сигналлар орқали ифодаланиши ҳақида фикр юритишга тўғри келади.

Бу элементлар, юқорида таъкидланганидек, айрим адабиётларда трапеция шаклида ҳам ифодаланади. Бунда тушунча билан сўзнинг маъноси бир-биридан фарқланади. Айрим муаллифлар сўз орқали ифодаланган тушунчани лексик маъно ҳисоблайдилар. Бундай таъриф натижасида қонуний савол туғилади: сўзнинг лексик маъноси билан тушунча тенгми?

Бир қатор мантиқшунослар ва тилшунослар лексик маъно билан тушунчанинг тенг эмаслигини эътироф этадилар<sup>4</sup>. Дарҳақиқат, лексик маъно тушунчага нисбатан кенгрок саналади, тушунча лексик маънонинг марказий элементи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам лексик маънони тушунча билан тенглаштириш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Тушунчалар фаннинг ва ижтимоий ҳаётнинг маълум босқичида нисбий ҳақиқатни акс эттиради.

<sup>1</sup> Ўзбек тили лексикологияси. -Тошкент: Фан, 1981.-199-б.

<sup>2</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - Б.57.


<sup>3</sup> Новиков Л.А. Семантика русского языка. -М.: ВШ, 1982.-С.86.

<sup>4</sup> Горский Д.П. Речь языка в познании.// Мышление и язык. - М., 1957.- С. 86;

Новиков Л.А. Семантика русского языка. -М.: ВШ, 1982.

Айрим лингвистик адабиётларда лексик маъно хақида фикр юритилаётганда, объектив борлиқнинг онгда акс этган, умумлашган образи билан лексик маънонинг ифодаланмиш қисми ва маъно ўртасида фарқ мавжудлигини кўрсатадилар.<sup>1</sup>

Бу жиҳатдан лексик маъно Огден ва Ричардс тавсия этган семантик учбурчак (предмет+тушунча+белги) ўрнига семантик тўртбурчакнинг қуйидаги трапеция шаклига тўғри келади:



Лексеманинг моддий қобиғи остидаги ифодаланмиш маъно ҳисобланади. Маъно тушунчага нисбатан кенгроқдир. Шу билан биргалиқда, тушунча билдирмайдиган лингвистик бирликлар ҳам маълум маънога эга бўлади.

Реаллиқдаги предмет ва товушлар бирикмаси ўртасида муайян алоқа бўлмайди, бундай алоқа инсон томонидан ўрнатилиши кузатилади. Товушлар бирикмаси билан предметлар орасида бу каби шартли муносабат бўлганда, товушлар бирикмаси ишора қилиш, кўрсатиш вазифасини бажаради. Тушунчадан фарқли ҳолда, маъно табиий асосда келиб чиқади.

Б.А.Серебренниковнинг таъкидича, шартли ва сунъий равишда танланган алоқага ҳеч қачон акс эттириш сифатида қараб бўлмайди. У маъно ва тушунчани ўзаро фарқлаган ҳолда, маънони инъикос категорияси эканини инкор этади.<sup>2</sup>

Маъно лингвистиканинг ўрганиш объекти, тушунча эса мантикнинг ўрганиш объекти саналади, маъно лингвистик белги тузилишига кирса, тушунча ҳукм узв(компонент)идир.

Тушунчалар объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини акс эттирибгина қолмасдан, балки борлиқда мавжуд бўлмаган, инсоннинг тафаккур олами томонидан ҳосил

<sup>1</sup> Современный русский язык. Теоретический курс. Лексикология. —М.: РЯ, 1987; Новиков Л.А. Семантика русского языка. —М.: ВШ, 1982.—с.91.

<sup>2</sup> Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлению языка. —М.: Наука, 1983.—С.71.

килинган нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини ҳам акс эттириши мумкин.

Сўз орқали инсон катта ютуқни қўлга киритди, бу восита натижасида унинг олами иккиланди. Сўзга эга бўлгунга қадар фақат бевосита кўришиб турган нарса билан иш кўрган мавжудот тилга эга бўлиши билан фақат борлиқ элементлари билангина эмас, балки бевосита кузатмаган нарса ва ҳодисалар билан ҳам иш кўра оладиган бўлди. Сўз инсонга бевосита кузатишда берилмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳам ахборот бера олади. Шунинг учун ҳам ҳайвонот фақат бир оламга - сезги орқали ҳис қилиш мумкин бўлган предметлар оламига эга бўлса, инсон икки оламга - сезги орқали ҳис қиладиган олам билан бирга, сўз орқали ифодаланадиган образлар, муносабат, сифатлар дунёсига эга бўлди.<sup>1</sup>

Шунга мувофиқ, сўзларнинг борлиқ (денотатив) маъноси реал ва афсонавий тушунчалар бўлиши ҳам мумкин. Қандай тушунчани ифодалашига мувофиқ, сўзлар ҳам борлиқдаги инсон онгидан ташқарида бўлган нарса ва ҳодисаларни номловчи сўзлар ҳамда инсон томонидан яратилган афсонавий нарса ва ҳодисаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар сифатида ажратилади.

"Ўзбек тили лексикологияси" китобида "айрим сўзлар билдирадиган нарса-ҳодисалар объектив ҳолда бўлмаслиги мумкин... Лекин бу нарса-ҳодисалар бор деб тушунилгани учун уларни ифодаловчи сўзлар юзага келган", - дейилади.<sup>2</sup>

Бизнинг онгимиздан ташқарида моддий борлиқдаги предметларни ифодаловчи сўзларни афсонавий тушунчаларни ифодаловчи абстракт сўзлардан фарқлаш лозим. Лексемалар орқали ифодаланган аниқ предметлар инсондан ташқарида мавжуд бўлса, абстракт предметларни инсон яратади ва инсондан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар умумлашган образларининг онгда акс этиши тушунча ҳисобланар экан, бу тушунчалар объектив борлиқни номлаш жараёнининг иккинчи босқичини ташкил этади. Бу тушунчалар муайян моддий қобикқа, акустик хоссаларга эга бўлиб юзага чиқади, яъни тил бирлиги орқали ўз ифодасини топади. Борлиқнинг акси бўлган тушунчалар турли хил моддий воситалар ёрдамида ифодаланиши нуктаи назаридан тиллар

<sup>1</sup> Дурня А.Р. Язык и сознание. - М.: МГУ, 1979. - С.37.

<sup>2</sup> Ўзбек тили лексикологияси. - Тошкент: Фан, 1981. - Б.199.

бир-бирдан фаркланади. Ҳатто бир тилнинг ўзида ҳам муайян тушунча бир қанча моддий воситаларга эга бўлиши мумкин ва аксинча, бир неча тушунча моддийлашишига кўра бир-бирига ўхшаб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, борлиқдаги нарса ва ходисаларнинг умумлашган образи турли хил моддий қобиклар ёрдамида ўз ифодасини топади. Объектив олам элементлари билан унинг умумлашган образлари ўртасида қандай чамбарчас муносабат бўлса, умумлашган образлар билан унинг моддий қобикқа эга бўлиши ўртасида ҳам шундай барқарор муносабат мавжуддир. Биринчи муносабатни акс этиш жараёни, иккинчи муносабатни эса ифодалаш жараёни дейилади.

Бундан кўринадики, ҳар қандай маъноли бирликларнинг моддий томони объектив оламни акс эттириш жараёни орқали номлайди. Демак, тил борлиқни бевосита эмас, балки билвосита ифодалайди. Нарса ва ходисаларнинг умумлашган образи саналувчи тушунчалар қанчалик динамик хусусиятга эга бўлса, унинг моддий қобиги ҳам шундай ўзгариш, ривожланиш хусусиятига эга бўлади. Даврлар ўтиши билан моддий қобикнинг товуш тузилишида турли хил ўзгаришлар бўлиши ёки маълум сабабларга кўра, бир моддий қобик эскириб, ўрнига бошқаси қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, акс эттириш жараёнида ҳам, ифода жараёнида ҳам акс этувчи билан аксланма ҳамда ифодаланмиш билан ифодаловчи ўртасида зиддиятли, динамик, шу билан бирга, барқарор муносабат мавжуд бўлади. Ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги ана шундай барқарорлик муайян тил эгалари ўртасида коммуникация жараёнида бир-бирини осон тушунишларига имконият яратади ва ана шу барқарорлик тилнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди.

Объектив олам элементларининг умумлашган образи айрим адабиётларда семантик-предмет, реалема атамалари билан ҳам юритилади. Семантик-предмет муайян лингвистик белги орқали ифодаланган борлиқдаги реал предметларнинг белгилар мажмуасидир. Бу белгилар борлиқдаги реал предметларни маълум синфларга бирлаштириш, шу билан бирга, муайян синфга бирлашган предметларни ўзаро фарқлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу белгилар муайян лексеманинг семантик тузилишида семантик иштирокчилар вазифасини бажаради. Шу

маънода тил борлиқнинг умумлашган шакли дейиш мумкин. Тил аниқ вазиятни тил бирликлари орқали умумлаштирган ҳолда ифодалайди. Тил бирликларининг умумлашган маънога эга бўлиши унинг энг муҳим хусусиятидир. Ана шу умумлаштирувчилик хусусияти воситасида тил белгиси турли шахслар томонидан турли вақтда ва турли шароитда хилма-хил предметларга нисбатан қўлланила олади. Агар предметларнинг ҳар қайсиси учун алоҳида-алоҳида номлар қўлланганда эди, тил алоқа воситаси вазифасини бажаришга яроксиз бўлиб қоларди.<sup>1</sup>

Ҳар қандай умумийлик алоҳидаликлар орқали намоён бўлади. Ҳар қандай алоҳидалик умумийликларнинг у ёки бу томонини намоиш этади. Ҳар бир умумийлик бир қанча алоҳида предметларни фақат тахминан қамраб олади. Ҳар қайси алоҳидалик қисман умумийликка киради. Аниқ предметга нисбатан маълум сўзни қўллар эканмиз, бу предметнинг тасодифий белгиларидан умумий белгини ажратамиз. Ана шу умумий ажратилган предмет реалема ва семантик предмет саналади. Семантик предмет белгининг маъносини ташкил этади. Реал предмет семантик предметга ёки Т.П.Ломтев атамаси билан айтганда, идеал референтга қарама-қарши қўйилади. Семантик предмет ҳам, реал предмет ҳам белгининг ифодаланмиши ҳисобланади. Уларнинг фарқи шундаки, семантик предмет идеал моҳият - тазоҳир, реал предметлар эса денотатнинг ўзи - борлиқ элементи саналади.<sup>2</sup>

Инсон нутқий фаолият орқали фақат объектив борлиқ ҳақида ахборот берибгина қолмайди, шу билан биргаликда, объектив оламни ички нутқ орқали муайян элементларга ҳам ажратади. Бу ҳақда Н.И.Жинкин шундай фикр билдиради: "Борлиқ ҳақидаги фикрий мазмун бевосита предмет коди - нутқий белги воситасида қайта шаклланади. Бундай фикрни белгига айлантириш ички нутқда амалга ошади. Ички нутқсиз эса ташки нутқнинг бўлиши мумкин эмас. Агар менга "Ана, ит югуриб келяпти", - деб айтсалар, мен бу гапнинг қандай сўзлар (олмош, от, феъл)дан ташкил топганлиги ҳақида мутлақо ўйламайман. Балки ит ҳақида, нима қилишим зарурлиги ҳақида ўйлаб, дарров атрофга қарайман".<sup>3</sup>

А.Фитрат ҳам ўзининг "Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф" асарида худди шундай фикр билдирган эди: "Ўзингизни ўйласангиз, ҳайвонлардан бирини ўйласангиз (огни),

<sup>1</sup> Новиков Л.А. Семантика русского языка. -М.: ВШ, 1982.-С.75.

<sup>2</sup> Ломтев Т.П. Общее и русское языковедение. - М.: Наука, 1976. - С. 261; Новиков Л.А. Семантика русского языка. -М.: ВШ, 1982.-С.78.

<sup>3</sup> Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. -М.: Наука, 1982.- С.65.



бизга у хайвон устига ерлашмоқ учун бўлгон тебранишингизни ўйласангиз, уч маънони ўйлаган бўлурсиз. Бу уч маънони бирлаштириб, бир-бирига боғлаб, ўзингизни отга минганингизни ўйлаганда, миянгизда "ўй" тукқандир. Шу ўйни бир кишига билдирмакчи бўлгоч, "Мен от миндим" деб қўясизким, бу айтқанингиз бир "гап"дир.

Кўриладирким, юқоридаги ўйда уч маъно бўлгани каби у ўйни билдиргучи "гап"да ҳам уч сўз бор: "Мен от миндим". Демак, сўз маъно билдирган товушлар "тўда"сидир".<sup>1</sup>

Бундан товуш сигналлари орқали, бошқача айтганда, белгилар орқали инсон объектив оламга боришини ва аксинча объектив оламдан семантик предметлар орқали белгилаштириш жараёни мавжуд эканлиги кўринади. Белги орқали объектив олам ҳақида ахборот олишимиз, яъни муайян шакл борлиқда нимани ифодалайди, деган саволга жавоб бериш тилшунослиқда бир йўналишни, аксинча, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар семантик предметлар орқали қандай номланади, деган саволга жавоб бериш иккинчи йўналишни ташкил қилади. Биринчиси семасиологик план, иккинчиси эса ономасиологик план деб юритилади.

Ономасиологик планда йўналиш маънодан, семантик предметлардан шаклга қараб боради. Ички нутқ орқали инсон объектив оламни муайян предметларга ажратар экан, унинг мана шу хусусиятига алоҳида эътиборни қаратган айрим олимлар тилнинг тузилишини шу тил эгаси бўлган жамиятнинг онг даражасини кўрсатади, деб ўйлайдилар.

Кўпчилик тилшунослар муайян моддий воситалар ёрдамида ифодаланган объектив оламнинг онгдаги умумлашган образини лексик маъно таркибига киритадилар. Бундай қарашда объектив олам элементлари экстралингвистик омил сифатида лингвистик белгидан ташқарида қолади. Лекин ҳар қандай тил муайян белгилар системасидан иборат экан, бу белгилар орқали ҳар қандай ахборотни ифодалаш мумкинлиги бугунги кунда сир эмас.

Юқорида баён қилганимиздек, ҳар қандай лексеманинг семантик тузилиши уч элементни тақозо этади: 1) объектив олам элементлари; 2) унинг онгдаги акси; 3) моддий воситалар билан ифодаланиш. Буларнинг қайсилари лексик маъно таркибига киради? Бу саволга ҳам мавжуд лингвистик адабиётларда турлича

<sup>1</sup>Фитрат А. Ўзбек тили қондалари тўғрисида бир гаҳриби. Сирф. 1-китоб. -Самарқанд-Тошкент: Ўздавлатп. 1930.-Б.9-10.

жавоб берилади.<sup>1</sup> Лексемага белги нуктаи назаридан қаралганда, объектив олам элементи белгидан ташқарида қолади. Демак, муайян товуш сигналлари орқали ифодаланган объектив борлик элементининг онгдаги акси лексик маъно таркибига киради.

Шундай қилиб, лексема шакл ва мазмун томонларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган ва бу муносабат тил эгалари хотирасида локаллашган системадир. Лексеманинг шаклий томони учун айрим адабиётларда *номема* (Л.А.Новиков) ёки *сонема* (В.М.Солнцев), мазмун томони учун *семема* атамаси қўлланилади.

Ҳар бир лексема муайян мазмуний мундарижага эга. Лексеманинг мазмуний мундарижаси деганда, семеманинг семик таркиби тушунилади. Лексеманинг мазмуний мундарижага эга эканлиги унинг семемасининг ички бўлинувчанлик хусусиятидан далолат беради. Демак, семема ҳам, ўз навбатида, муайян элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик, яъни система саналади. Масалан, *ораз* лексемаси инсон бошининг “қулоқлар ва пешона билан ияк оралигидаги қисм”и, “ижобий баҳо”, “бадий услубга ҳослик” семаларига эга. *Ораз* лексемаси семемасининг семик тузилиши шу лексема мансуб бўлган парадигманинг бошқа аъзолари семик тузилишига қийсанганда маълум бўлади. Мазкур лексема борликда нимани ифодаланиши нуктаи назаридан *юз, бет, афт, башара, турк* сингари лексемалар билан бир парадигмани ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси борликдаги бир нарсанинг турли номлари саналади. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўзаро маълум фаркли белгиларига эга. Уларни бир парадигмага бирлаштириб турган семани бирлаштирувчи (интеграл), фарқлаб турган семани эса фарқловчи (дифференциал) сема деб юритилади. Шундай қилиб, лексема семемаси таркибидаги семалар парадигма ҳосил қилиш ёки ҳосил қилмаслик белгисига кўра бирлаштирувчи ва фарқловчи семалардан ташкил топади. Бирлаштирувчи сема лексемаларни бир парадигмага олиб киради, фарқловчи семалар эса парадигма аъзоларини бир-биридан фарқлайди.

Шунингдек, семема таркибидаги семалар вазифасига кўра *аташ, ифода (коннотатив), синтагматик, услубий, прагматик* сингари семаларга бўлинади. Семема таркибидаги борликдаги

<sup>1</sup> Новиков Л.А. Семантика русского о языка. М.: ВШ, 1982; Калинин А.В. Лексика русского о языка. – М.: МГУ, 1971; Виноградов В.В. Русский язык. –М.: ВШ, 1972.

нарса-ҳодисалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларни аговчи сема аташ семаси ҳисобланади. Ҳар бир лексема семемасининг марказий семаси аташ семаси саналади, қолган семалар унинг устига қўйилади. Жумладан, *ораз* лексемасининг юқорида кўрсатилган биринчи семаси аташ семаси ҳисобланади. *Турқ, афт, башара* лексемалари семемаларига зидланганда, бу уч лексема семемаси салбий баҳонинг мавжудлиги, *ораз* лексемасининг семемаси эса ижобий баҳонинг мавжудлиги билан фарқланади. Бу семалар баҳо семаси ҳисобланиб, ифода (коннотатив) сема ҳисобланади ва аташ семасининг устига қўйилади. Шу билан бирга, бир парадигмага мансуб *юз, бет* лексемалари билан *ораз, узор* лексемалари зидланганда, аъзоларнинг биринчи гуруҳи (*юз, бет*) услубий бетарафлик, иккинчи гуруҳи (*ораз, узор*) эса услубий хосланганлик (бадий услубга мансублик) белгиси билан фарқланади. Демак, *ораз* лексемаси услубий семага ҳам эга. *Ораз, узор, чехра* лексемалари фақат инсон организмнинг қисмига нисбатан қўлланилади. Уларнинг *одам* лексемаси семемаси билан боғланиб туриши, яъни “шахсга мансублик” семаси бу лексемалар семемалари таркибидаги сигнификатив сема саналади.

Шундай қилиб, лексик маъно лексеманинг мазмуний мундарижасини ўз ичига олади ва бу мазмуний мундарижа ички бўлинувчанлик хусусиятига, системавийлик табиатига эга бўлади.

### Лексик-семантик гуруҳ

Кейинги йилларда анъанавий лексик семантика билан бир қаторда янги йўналишлар ҳам ривожланмоқда. Булар қаторига структур семантика, генератив семантика, концептуал семантика, коммуникатив семантика, психолингвистик семантика кабиларни киритиш мумкин. Анъанавий семантика асосан алоҳида сўз ёки сўз гуруҳларининг ишлатилиши ва ривожланиш босқичларидаги маъноларини ўрганса, структур семантика (у М.М.Покровский, Ф.деСоссюр, Л.Ельмслев, И.Трир, В.Порциг, Л.Вайсгербер, Л.Теньер ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилди) ўз олдида лингвистик маънолар, лексик-семантик парадигма ва бошқа турдаги семантик майдонларнинг систем алоқаларини ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

Жаҳон тилшунослигида структур семантика формализм ва релятивизмдан халос бўлиб, систем тилшуносликнинг муҳим

қисмларидан бири сифатида қаралувчи систем семантикага айланиб қолмоқда. Коммуникатив семантика эса нутқий жараёнларни ўрганиш билан характерланади, чунки лингвистик (систем) ва лингвистик бўлмаган маънолардан ифода(кенг маънодаги дискурс ва матн)ларнинг аниқ мазмуни келиб чиқади.

Кўпчилик лингвистлар томонидан тил (нутқ) бирликларининг лексик-семантик жиҳатдан бир-бири билан боғланган эканлиги қайд этилган. Хусусан, Ф.де Соссюр лингвистик бирликлар ўртасидаги бир неча муносабат турларини кўрсатган бўлса, М.Покровский сўзлар бир-бири билан маъноларининг маълум томонлари орқали алоқадорлигини таъкидлаганди. Унингча, ҳар қандай тилда сўзларнинг ўзига хос бўлган семантик гуруҳлари бўлиб, уларнинг хусусий белгилари бошқа тиллар билан қиёсан очилади. Аммо М.Покровский томонидан қўйилган муаммо грамматик планда ўрганildi. Ана шу йўлдан бориб В.Виноградов сўзларнинг лексик маънолари турларига "предикатив" маъноларни ҳамда грамматикадаги айрим категорияларни қўшди.

А.Р.Лурия ҳар бир сўз муносабатларининг бутун бир мураккаб системасини юзага келтиришини қайд этади. Унинг фикрича, сўз бутун семантик сетканинг маркази бўлиб, сўз структурасининг муҳим психологик аспекти бўлган муайян семантик майдонни фаоллаштиради.<sup>1</sup>

Ғарбий Европа тилшунослигида Й.Трирнинг мазмуний майдон назарияси сўзларнинг лексик-семантик алоқалари хақидаги қарашларда муҳим ўрин тутаяди.

Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари ўз ичига икки ёки ундан ортиқ сўзларни уларнинг лексик маънолари бўйича бирлаштиради. Тил ҳодисаси сифатида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳларига аниқлик киритиш учун унга яқин бошқа категориялардан фарқловчи чегарани белгилаш керак. Аввало, сўзларнинг лугат таркибини мавзуий таснифлаш билан сўзларнинг лексик-семантик гуруҳи ўртасидаги чегарани аниқлаш лозим.

Мавзуий луғатлар тузиш фақат методик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас. Мавзуий луғатлар тузишда сўзларнинг ўзаро боғловчи алоқалари – яқинликларига эътибор қаратмай, сўзнинг ички лексик маъноларига ҳам эътибор қилиш зарур.

Мавзуий гуруҳ луғатлари баъзан маълум соҳа лексикасига мувофиқ келиб қолиши табиий. Маълум ЛСГ мавзуий гуруҳларга

<sup>1</sup>Лурия А.Р. Язык и сознание. М.: МГУ, 1979.- С.91.

таққосланса, улар ўртасидаги фарқлар кўринади. ЛСГ таркибидаги бирликлар ҳар доим ҳам мавзуйи жихатдан битта гуруҳга бирлашавермайди. Бошқача қилиб айтганда, мавзуйи гуруҳ бирликлари борлиқни мазмуний жихатдан бир хил ифодалаш билан бирлаштирмайди, бироқ мавзуйи гуруҳ таркибидаги бирликлар мазмуний алоқаларни ҳам кўрсатиши мумкин.

Бу гуруҳларнинг умумийлиги уларнинг ўрганилган объектив борлиқни акс эттиришидадир. Лексик-семантик гуруҳлар ҳам аслида қандайдир "мавзу"сига эга бўлади. ЛСГ тилнинг ривожланиш қонуниятлари асосида келиб чиқса, мавзуйи гуруҳлар халқ билимларининг, қарашларининг натижаси демакдир.

Мавзуйи гуруҳлар ичида сўзлар ўртасидаги муносабатлар фақат тушунчалар ўртасидаги ташқи муносабатлар асосида курилади. Бунда турлича тарздаги таснифлаш натижасида сўзлар маъносига таъсир қилмайдиган даражада бир-бирлари билан кўшилиш ва ажралишлари мумкин. ЛСГларда тилнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлган тилнинг ички ҳодисалари (жумладан, сўзларнинг синонимик қаторлари) кузатилади. Сўзлар ўртасидаги мазмуний муносабатларни антонимлар орқали ҳам кўриш мумкин, антонимлар доимо бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди.

Синонимик ва антонимик муносабатлар у ёки бу ЛСГ сўзлари ўртасидаги мазмуний алоқаларнинг икки энг муҳим турлари саналади, яъни зидловчи ва бирлаштирувчи белгилар синонимик ва антонимик муносабатларда кўринади.

Профессор Э.Бегматов лексикада системалилик хусусида фикр юритиб, тилшунослиқда тилнинг лексик бойлигини ҳам муайян система сифатида тасаввур қилиш ва илмий таснифлашлари сифатида қуйидагиларни келтиради:

1) сўзларни сўз туркумларига ажратиш усули, яъни сўз туркумлари системаси;

2) сўзларни ясаиш моделларига кўра тасниф қилиш усули, яъни сўз ясаиш усуллари;

3) сўзларни функционал-стилистик гуруҳларга ажратиш усули, яъни сўзларнинг стилистик-дифференциал гуруҳлари;

4) сўзларни маълум мавзу гуруҳларига ажратиш усули, яъни сўзларнинг мавзу гуруҳлари ва бошқалар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бегматов Э, Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик каттамлири. Тошкент: Фан, 1985. - Б. 116.

"Бир сўз туркумига хос сўзларнинг мазмуний синфлари бу, аъзолари умумий маъно (инвариант маъно - идентификатор) билан боғланган маълум даражада мураккаб гуруҳлардан иборат бўлган парадигматик турдаги лексик майдонлардир".<sup>1</sup>

Уларга сўзларнинг синонимик ва антонимик бирлашмалари, лексик-семантик гуруҳлари киради. Аъзолари доимий оппозициялари билан боғланган сўзларнинг семантик синфларини "мазмуний парадигмалар" деб аташ ҳам учрайди, унда маълум парадигматик майдонларнинг турли микромайдонлари эътиборга олинади.

Лексик-семантик парадигмаларнинг тузилишини, асосан, бинар оппозициялар - икки томонлама зидланишлар шакллантиради. Аммо борлиқ ходисаларининг кўп томонли алоқалари билан боғлиқ бўлган кўп аъзоли зидланишлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ранг ифодаловчи сўзлар фақат иккитаси (оқ ва қора) эмас, деярли ҳаммаси ўзаро зидланиши мумкин: *яшил, сариқ, кўк, қизил...*

Парадигматик тузилиш характериға сўзларнинг барча лексик гуруҳлари, атамалар системаси, ҳатто мавзуй гуруҳлар ҳам эга. Бирок уларнинг системаличилигига хос ифодаланиш даражаси, яъни системалилик асосида ётувчи қарама-қаршиликларнинг доимийлик даражаси бир хил эмас. Бу фарқлар кўп жиҳатдан экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. Экстралингвистик омиллар маълум даражада сўзларнинг синонимик қаторлари структураси, кўпроқ мавзуй қаторлари билан боғлиқ бўлади.

### Лингвистикада майдон назарияси

Структур тилшуносликнинг асосчиси ҳисобланган Ф.де Соссюр тилшунослар диққатини лингвистик бирликлар орасидаги муносабатни очишга қаратиб, муносабатнинг парадигматик ва синтагматик турлари мавжудлигини кўрсатган эди.

Лингвистик бирликларнинг муайян бирлаштирувчи маъно асосида маълум парадигмаларга бирлашуви кейинчалик тилшунослиқда майдон назариясини вужудга келтирди.

Лингвистикада "маъно" (мазмун) умумийлиги билан бирлашган ва белгиланаётган ходисаларнинг тушунчавий, предметлик ёки вазифавий (функционал) ўхшашлигини акс

<sup>1</sup> Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990. - С.126.

эттирувчи тил бирликлари (асосан, лексик бирликлар) йиғиндиси майдон сифатида белгиланади.<sup>1</sup>

Лингвистик бирликларнинг маълум маъно асосида бирлашуви, маълум бир тилдаги лексик бирликларни ана шундай мазмуний уяларга бирлаштириш шарқ тилшунослигида ривожланган. Кейинчалик XIX асрда лингвистик бирликларни мазмуний гуруҳларга бирлаштириш ёки бутунни маълум мазмуний гуруҳларга ажратиш ғояси Европада авж олди. Шунга кўра, бу назария Европа тилшунослиги билан узвий боғланиб қолди.

XIX асрда лексик (умуман, тил) бирликлар(и) умумийлигига М.Покровский томонидан эътибор қаратилди. Майдон тушунчасининг назарий талқини Й.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вайсгербер, А.Йоллес ишларида кўзга ташланади, кейинроқ А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Й.Н.Караулов, Г.С.Шчур кабилар ишлари билан бу назария ривожлантирилди.

Ушбу назариянинг пайдо бўлиши В.Гумбольдтнинг "тилнинг ички шакли" хусусидаги таълимотини қайта - янги йўналишда кўриб чиқилиши билан боғланади. Бу даврда узоқ давом этган лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлган "тилнинг ички шакли" сифатидаги илмий баҳслар ушбу назариянинг дунёга келиши учун асос бўлди.

"Мазмуний майдон" термини ўша пайтда тадқиқотчилар томонидан турлича изоҳланди. Й.Трир мазмуний майдон сифатида "тушунчалар майдони", "тушунчалар доираси"ни назарда тутди. Л.Вайсгербер "тил мазмунининг маълум қисми", "таркибининг бўлаги", В.Порциг "маъноларнинг моҳиятан боғлиқлиги", Г.Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини семантик майдон тарзида талқин этади. А.Йоллес эса уни "семантик бирлашиш" деб номлаб, унинг доирасида антонимик жуфтликларни белгилайди. Ф.Дорнзайф ва В.Вартбурглар тил лексик таркиби - ажратилиш мумкин бўлган семантик гуруҳларида мазмуний майдонни кўрадилар.

Юқоридаги тадқиқотчилар мазмуний майдон атамасини ҳар хил тарзда изоҳлашларига қарамай, уларни семасиологик тадқиқотлар асоси бўлган "тилнинг ички шакли"ни тушунишда тилни ҳар томонлама ва турлича муносабатларда ўрганишлари билан бирлаштириш мумкин.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1990. - С.380.

<sup>2</sup> Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашуви. Тошкент: Фан, 2007. - 44-45-бетлар.

В.Гумбольдтнинг "ички шакл" таълимотини Л.Вайсгербер ва Й.Грир тушунчавий моҳияти жиҳатидан, Г.Ипсен ва В.Порция сўзларнинг мазмуний гуруҳи ҳамда системаси томонида, Ф.Дорнзайф ва Вартбург эса тилнинг луғат таркибига хос предметлилик ва тушунчалар гуруҳи нуктаи назаридан ривожлангирдилар.

Семасиологиядаги янгигумбольдтчилик йўналишининг назарий асоси тилнинг лексик бўлиниш қонуни ҳисобланади, тил структурасининг бўлиниш қонуниятлари "тилнинг ички шакли"дан келиб чиқади. В.Гумбольдт "тилнинг ички шакли" сифатида, аввало, чиқаётган товушнинг фикр ифодалаш даражасига кўтарувчи ақл фаолиятининг доимий элементини тушунади. Унинг кейинги даврдаги издошлари тил ўрганишнинг асосий вазифаси "турли тиллар семантик структурасида янги-янги кўринишда, жумбоқли тарзда намоён бўлувчи ўзига хос тушунчавий ғоя"ни излашга олиб келади, деб таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Ф.де Соссюр юқоридаги масалани ойдинлаштиришда янгигумбольдтчиларга йўналиш яратиб берди, дейиш мумкин. Маълумки, Ф.Соссюрнинг фикрича, тилнинг ўз системаси мавжуд бўлиб, у ўзаро шартланган ишоралар системасидир.<sup>2</sup> Соссюр тилни бир-бирига қарама-қарши қўйилгандагина аҳамиятли бўлган шартли белгиларнинг ёпиқ системаси сифатида тадқиқ этиб, тилнинг бўлиниш қонунини янгидан кўрсатиб берди. Тилнинг маълум тузилма сифатидаги бўлиниш механизмини тушунтириб беради.<sup>3</sup>

Ҳар бир сўз ортида товуш, вазият ва тушунчавий алоқалар системаси ётади. Сўз кўп ўлчамли алоқаларнинг тўри (сеткаси) ҳисобланади. Нормал ҳолатда баъзи услубий алоқалар (масалан, образлилик) эътиборга олинмайди, маъновий алоқалар етакчилик килади.

"Тилнинг фикрга бўлган муносабати характерли вазифаси ғояни ифодалаш учун моддий товуш воситасини ҳосил қилишда эмас, балки унинг тафаккур ва товуш орасидаги воситачилигидадир. Бунда уларнинг бирлашуви бирикларнинг икки томонлама чегараланишига олиб келади. Табиатан айқаш-уйқаш (хаотик) бўлган тафаккур бўлина туриб бирор эҳтиёж

<sup>1</sup> Эвгенцев В.А. Семасиология. М.: МГУ, 1957.- С.266.

<sup>2</sup> Умоянов С. Умумий тилшунослик. Тошкент: Ўқитувчи, 1972.- Б.92.

<sup>3</sup> Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. М.: 1977.- С.-112.



натижасида ойдинлашади",- деб Соссюр тилнинг бўлиниш қонуниятларини фалсафий асослайди.<sup>1</sup>

В.Гумбольдт ва унинг кейинги даврдаги издошларини Ф.де Соссюр билан тил структураси характерини ўз қонунлари билан ташкил этилган ёпиқ система сифатида тушуниш бирлаштиради. "Ҳар бир тил объектив реаллик устида турувчи ва унга карама-қарши қўйилувчи танловлар системасидир",- деб таъкидлайди Трир.

Тилшуносликда "майдон" тушунчасининг узил-кесил шаклланишига ёрдам берган ҳал қилувчи тадқиқотлардан бири Л.Вайсгербернинг ишлари бўлди. Л.Вайсгербернинг фикрича, тилни рухий мазмуннинг оддий воситаси сифатида эмас, балки дунёни интеллектуал шакли сифатида ўрганиш зарур, унингча, семасиология маънолар хусусидаги фан бўлмай, тушунчалар ҳақидаги таълимот бўлиши керак.

Й.Трир ва Л.Вайсгербер талқинидан фарқли ҳолда янгигумбольдтчиликнинг кейинги гуруҳ олимлари Г.Ипсен, В.Порциг, А.Йоллес, Ф.Дорнзайф, Ф.фон Вартбург сингарилар лингвистик тадқиқотлар объекти қилиб сўзлар гуруҳи ёки тилнинг бутун лексик таркибини оладилар.

Г.Ипсен қадимги ҳинд-европа тиллари лексикасини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш давомида "мазмуний майдон" терминини биринчи марта шарқ тилларидаги металл номларини белгиловчи сўзлар гуруҳига нисбатан қўллаган бўлиб, у бу сўзларнинг ҳинд-европа тилларида функционал жиҳатдан чегараланиб, алоҳида гуруҳни ташкил этишига асосланган.

В.Порциг эса семасиология фанига мазмуний майдоннинг ўзига хос тушунчасини олиб кирди, у майдон назариясини нутқни ўрганиш асосида очиб беринга интилди. Унингча, мазмуний майдон маълум тилдаги сўзлар орасида ўрнатилувчи асосий муносабатлар билан боғланади ҳамда предикатив вазифани бажарувчи феъл, сифат ва отлар орасидаги боғлиқликдан келиб чиқади.

В.Порциг билан бир вақтда Ф.Йоллес ҳам тилшуносликка мазмуний майдоннинг янгича талқинини киритди. У маълум бутунликка мансуб бирликлар шу бутунликнинг бирор жиҳатини ифодалаши билан шу гуруҳга ҳосланишини кўрсатди.

<sup>1</sup> Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. М.: 1977.- С.-113.

Майдон назарияси муаммолари бўйича кейинги йилларда катор тадқиқотлар олиб борилди. Г.С.Шчур майдон муаммолари юзасидан мингдан ортиқ мақолалар эълон қилинганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Бундай назарий тадқиқотларни атрофлича ўрганиб, уларни умумий тарзда тарихийлиги нуқтаи назаридан ва қўйилган муаммолар жиҳатидан маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда асосан назариянинг алоҳида тушунчаларини хронологик йўналишда кўриб чиқиб, уларнинг исбот қилиниши, назариянинг қўйилаётган муаммолари жиҳатидан ўрганилиши, шунингдек, майдон назариясини тарихийлик ва муаммолар таҳлили билан биргаликда олиб борилиши нуқтаи назаридан фарқлаш мумкин.

Лингвистикада майдон назариясининг кейинги йиллардаги ривожини шу даражага етдики, унинг ғоялари ва методлари тилнинг лексик сатҳидан бошқа сатҳларга нисбатан ҳам татбиқ қилина бошланди.<sup>2</sup> Дастлабки тадқиқотлар мазмуний майдон доирасидан келиб чиқиб, турли луғатлар (кўпроқ тезауруслар) тузиш учун умумий қонуниятларни очишда назарий асос бўлди. Кейинроқ бу йўналишда тилнинг бошқа сатҳлари, жумладан, морфосемантика, грамматика сингарилар доирасида ҳам жиддий асарлар юзага келди.

Майдон тушунчасининг талқини ҳамда унга хос хусусиятларга айрим ҳолда ёндашув майдон назариясини тадқиқ этишнинг турлича муаммоларини вужудга келтирди. Бунда майдон чегараларининг аниқлиги, майдоннинг автономлиги, бутунлиги, узлуксизлиги жиҳатидан тил бирлиги сифатида қаралгани ҳолда ёки майдон мустақиллигининг нисбийлиги, майдонлар ўзаро муносабатининг кенг характерга эгалиги бўйича тил бирликларидан фарқланувчи томонлари асосидаги муаммолар; майдонлар тузилиши (майдонда очик - бўш ўриннинг бўлмаслиги) муаммолари; кўп маъноли сўзларнинг фақат бир майдонга мансублиги ёки бир неча майдоннинг элементлари бўлиши мумкинлиги асосида майдон ва полисемия муносабатлари муаммолари ўртага ташланди. Майдоннинг у ёки бу хусусиятларига таяниб, ушбу муаммолар тадқиқотчилар томонидан турли-туман равишда ўз ечимини топмоқда.

<sup>1</sup> Шур Г.С. Творни поля в лингвистике. М.: Наука, 1974.- С.19.

<sup>2</sup> Шур Г.С. О морфосематических полях, функционально-вариантных группах и категориях // Вопросы лингвистики. Томск., 1970.- С.3-10; Филичева И.И. Синтаксические поля. М.: ВШ, 1977. ва бош.

## Морфологик сатх

Морфология грекча “шакл”, “таълимот” сўзларидан олинган бўлиб, сўз шакллари ҳақидаги таълимотдир. Демак, морфологияда сўз шакли тушунчаси марказий ўринни эгаллайди.

Сўз атамаси тилнинг лексик сатҳига мансуб бўлган бирлик учун ҳам, морфологик сатҳ бирлиги учун ҳам қўлланилади. Лексик сатҳ бирлигига нисбатан қўлланилганда лексемага, морфологик сатҳ бирлигига нисбатан қўлланилганда эса сўзшаклга тенг келади.

Сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи грамматик морфемалар системаси грамматик парадигма ҳисобланади. Парадигманинг муайян бир аъзоси сўз шакли саналади.

Парадигма аъзолари ўз ичида ўзаро зидлик муносабатида бўлади. Ана шу муносабат у ёки бу парадигма аъзосини тўғри тавсифлаш ва унинг системадаги қийматини тўғри белгилаш имконини беради. Масалан, *гул* сўзининг бирлик шаклда эканлигини отларнинг сон парадигмасидаги *гуллар* шаклига қараб белгилаймиз. Шунингдек, шу сўзнинг бош келишик шаклида эканлигини қаратқич, тушум ва бошқа келишик шаклларига қараб аниқлаймиз. Бундан кўринадики, ҳар бир парадигма асосини ўзи ташкил этган аъзолари ўртасидаги зидланишлар ташкил этади. Зидланишлар парадигма аъзоларининг яшаш ва ривожланиш асосидир.

Ҳар бир зидланишда умумийлик-хусусийлик диалектикаси намоён бўлади. Зидланувчи аъзолар бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар мажмуасидан иборат бўлади. Бирлаштирувчи сема зидланувчи аъзоларни маълум синфга бирлаштириш учун хизмат қилса, фарқловчи семалар маълум синф таркибидаги аъзоларнинг ўзаро фарқланишини, ўзига хослигини билдиради. Масалан, *гул*, *гулнинг*, *гулни* каби сўз шакллари келишик умумий грамматик семаси (бирлаштирувчи сема) билан келишик парадигмасига мансублигини билдирса, *гул* ва *гулнинг* ўртасидаги фарқловчи сема (бирида ноль кўрсаткичли сема, иккинчисида қаратқич семаси) уларнинг ўзига хос белгиларини очиш учун хизмат қилади.

Морфологик сўз морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топар экан, демак, сўзнинг қурилиш бирлиги морфема варианты саналади. Шунинг учун морфологияда морфема ва унинг варианты тушунчаси асосий ўринни эгаллайди.

Грамматик маъно лексик маънодан фарқли равишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган маъноларини ва улар ўртасидаги муносабатни билдиради. Грамматик маъно лексема маъноси билан бевосита алоқадор ва борлиқдаги умумий нарса ва ҳодисаларнинг инъикосидир. Бу маъно лексеманинг ўзидан билиниб туради.

Грамматик маъно система сифатида морфологик маъно ва синтактик маъноларни ўз ичига олади. Шундай экан, у бўлинувчанлик хусусиятига эга. Шунга мувофиқ, уларни морфологик маъно ҳамда синтактик маъноларга бўлиш мумкин. Морфология морфологик маъноларни ўрганadi. Грамматик маъно тилдан ташқаридаги предметлар, ҳодисалар, хусусиятларни акс эттирувчи носинтактик, масалан, миқдор, макон, замон каби ва гап ҳамда сўз бирикмаси таркибидаги сўз шакллариининг алоқасини билдирувчи синтактик маъноларга бўлинади.

Грамматик маъно муайян моддий воситалар ёрдамида ифодаланади. Маълум грамматик маънони ифодаловчи моддий воситалар грамматик шакл ҳисобланади: кўплик шакли, келишник шакли ва ш.к. Грамматик шакл деганда, маълум грамматик маънонинг моддий томони тушунилади. Грамматик шакл грамматик категорияни ташкил этган қисмларнинг бир томонини – шаклий томонини ифодалайди. Демак, грамматик категория грамматик шаклларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган умумийлик дейиш мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки грамматик категория таркибига кирган ҳар бир қисм ҳам ўз навбатида шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган яхлитлик саналади. Грамматик категория таркибий қисмлари учун *граммема* атамасидан фойдаланилади. Граммемаларни грамматик категорияга бирлаштиришда шу категорияга хос умумлашган маъно асос бўлиб хизмат қилади. Категорияга хос бу умумлашган маъно мазкур категорияга бирлашган ҳар бир граммемада такрорланади. Ана шу такрорланувчи сема граммемаларни грамматик категория таркибига бирлаштиришга хизмат қилади. Категория таркибидаги ҳар бир граммеманинг бошқасидан фарқ қиладиган ўзига хос маъноси ҳам мавжуд бўлади. Ана шу фарқловчи семалар категория аъзоларининг ўзаро зидланишига асос бўлади. Категория маъноси билан категория таркибидаги граммема маъноси ўртасида тур-жинс муносабати мавжуд бўлади. Акс ҳолда, граммема бошқа категориянинг вакили саналади.

Грамматик категориянинг асосий тузилиш белгиси зидланишдир. Грамматик категория икки хил юзага чиқади: 1) сўз шаклларининг ўзаро зидланиши; 2) лексемаларнинг ўзаро зидланиши. Биринчиси туркумга хос категориялар, иккинчиси таснифловчи категориялар – сўз туркумларини ўз ичига олади. Биринчиси муносабатни билдиради, иккинчиси эса борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг онгда акс этган умумлашган образини номлайди.

Грамматик категориялар синтактик хосланиш хусусиятига эга. Улар гап ва унинг таркибидаги узвларни боғлаш ҳамда синтактик бирликни гап қилиб шакллантириш вазифасини бажаради. Шунинг учун бундай грамматик категориялар иккига бўлинади: а) синтактик бирликларни боғлаш учун хизмат қилувчи (коннектив) категориялар; б) синтактик бирликни гап қилиб шакллантирувчи (конститутив) категориялар. Биринчисига эгалик, келишик категориялари (отларда), иккинчисига замон, майл, шахс-сон (фёълларда) категориялари киради.

Грамматик категория система бўлиб, ички тузилиш бирликларига эга. Унинг тузилиш бирликлари морфологик ва синтактик категориялардир. Шу кунга қадар грамматик категория атамаси остида кўпроқ морфологик категориялар ўрганиб келинди. Бунга сабаб антик даврдан буён асосан, морфологияни ўрганишга эътиборнинг қаратилганлиги, грамматика деганда, асосан, морфологиянинг тушунилагандир. Кейинчалик синтактик сатҳнинг ҳам чуқур ўрганилиши натижасида синтаксиснинг ҳам ўзига хос категориялари мавжудлиги аниқланди.

Лингвистикада лисоний бирликларнинг вазифавий томонига эътиборнинг кучайиши натижасида морфологик ва синтактик категориялар ўртасидаги функционал боғланишни очиб бериш имконияти туғилди. Бу икки категория ўртасидаги муносабат турли сатҳлилиқ муносабати саналади. Дастлабкиси иккинчиси учун қурилиш (контруктив) асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам морфологик категория ва синтактик категорияларни белгилаш ҳамда улар ўртасидаги муносабатни очишда катта аҳамиятга эга.

## Сўз ҳақидаги назариялар

Сўз тушунчаси тилшунослик тарихида марказий ўринни эгаллайди. Шундай бўлишига қарамасдан, сўзнинг мақоми масаласида шу кунга қадар бир хил фикр мавжуд эмас.

Тилшуносликда сўз энг ноаниқ тушунчалардан бири эканлиги, у турли тилларда турлича бўлишини эътиборга олиб, айрим тилшунослар сўз тушунчасидан, умуман, воз кечишни таклиф қиладилар. Хусусан, Ш.Балли шундай деб ёзади: “Биринчи қарашда сўз тушунчаси аниққа ўхшаб кўринади. Аслида бу тушунча тилшуносликдаги энг ноаниқ тушунчалардан биридир. Сўз тушунчаси ноаниқ экан, ундан воз кечмоқ керак”<sup>1</sup>.

Тилшунослик тарихида сўзнинг тил онтологиясидаги ўрни масаласида икки йўналиш майдонга келди. Биринчи йўналиш сўзни тилнинг асосий бирлиги деб эътироф этади. Қолган барча бирликларнинг (морфема, фразеологик бирлик, маълум грамматик курилишлар) сўз билан қандайдир йўл орқали боғланганлигини ва сўз асосида тушунтирилишини, бу эса сўзнинг тилнинг асосий бирлиги бўлишини тақозо этишини таъкидлайдилар. Бу йўналишни шартли равишда «вербоцентриқ (лотинча вербум-«фезъл», «сўз» демакдир) назария дейиш мумкин.

Вербоцентриқ назариянинг илдизи антиқ даврларга бориб тақалади ва Европа тилшунослигида кенг тарқалган. Антиқ давр олимлари, хусусан, Арасту фезълни вақт маъносини ифодаловчи ва қисмлари алоҳида олинганда ҳеч қандай маъно билдирмайдиган товуш бирикмаси сифатида изоҳлайди<sup>2</sup>.

Кейинги даврларга келиб, табиий фанлар ҳар қандай нарса зарраларининг ўзаро зидлиги ва бирлигидан ташкил топган яхлитлик эканлиги яққол очиб берилиши муносабати билан тилшуносликда ҳам сўзнинг маъноли элементларга бўлиниши ҳақида фикр юритила бошланди. И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан энг кичик маъноли бирлик сифатида морфеманинг ажратилиши тилшунослик тарихида қатта ўзгариш ясади. Сўзга тилнинг бирламчи ва асосий маъноли бирлиги сифатида қарашга чек қўйилди. Сўз ҳам бошқа бирликлар қаторидаги бирлик сифатида қарала бошланди.

<sup>1</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М.: 1955, С. 15.

<sup>2</sup> Аристотель. Сочинения. Т.2. М.: 1978, С.94.

Дескриптивчилар томонидан нонфлексив тилларнинг кўпрок тадқиқ этилиши морфемага асосий эътиборнинг қаратилишига, ўз навбатида, сўз маъносининг эса пасайишига олиб келди.

Тилнинг бирламчи маъно бирлиги сифатида морфеманинг эътироф этилиши тилшуносликда «морфоцентрик» назарияни вужудга келтирди.

Натижада бундай назариянинг асосий таҳлил бирлиги морфема ҳисобланиб, сўз, сўз бирикмаси, лингвистик рамз ва унинг валентликлари каби назарий муаммолар ҳам морфема орқали ўрганилди<sup>1</sup>.

Анъанага кўра, сўз атамаси лексик бирлик бўлган лексемага нисбатан ҳам, морфологик бирлик бўлган сўз шаклга нисбатан ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам кўп адабиётларда лингвистик бирлик билан мантикий бирлик солиштирилиб, сўзнинг тушунча ифодаланиши, ана шу белгиси билан ҳукм ифодаловчи гапдан фарқланиши ва сўз бирикмаси билан умумийлик ҳосил қилиши ҳақида гап боради. Бундай ҳолатларда, табиийки, лексик бирлик саналувчи лексема маъносида қўлланган сўз атамаси ҳақида фикр юритилади. Одам сўзи борлиқдаги «онгли фаолият кўрсатиш ва нуткий фаолият иштирокчиси бўлиш имконига эга бўлган тик гавдали жонзот» тушунчасини ифодаланиши билан бирга, «бош келишик, бирлик шаклдаги от» маъносидир. Ҳозирда биринчиси учун лексема, лексик морфема, иккинчиси учун эса сўз шакл атамаларидан фойдаланилади.

Бундан ташқари *оҳ, ҳа, йўқ, офарин* сингари маъноли қисмларга бўлинмайдиган бирликлар ҳам сўз саналади.

### Сўзларни туркумларга ажратиш тамойиллари

Адабиётларда сўзларни туркумларга ажратишнинг асосий тамойиллари сифатида тушунча ифодаланиш, шаклий яхлитлик, фонетик бир бутунлик белгилари кўрсатилади. Агар бу белгиларга жиддий эътибор берадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси мустақил сўзларни ажратишга ёрдам беради. Ёрдамчи сўзлар эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, ёрдамчи сўзларни, масалан, -у, -ю, -да сингариларни «сўз» атамаси остида бирлаштириш

<sup>1</sup> Арутюнова Н.Д. Морфология в трудах американских дескриптивистов // Вопросы теории языка в современной лингвистике. М., 1961, с.192.

мумкинми? Табиийки, йўқ. Чунки улар «сўз» (морфологик сўз) тамоийлларининг биронтасига ҳам жавоб бермайди.

Агар морфоцентрик назария асосида тилнинг морфемик сатҳида энг кичик маъноли бирлик сифатида морфемани, ундан юқорироқ бўлган морфологик сатҳнинг бирлиги сифатида сўз шакли эътироф этсак, тилнинг системавий табиатини тўғри ёритган ва сўзларни туркумларга ажратишда юқоридаги зиддиятни бартараф қилган бўламиз.

Морфоцентрик назарияга мувофиқ, сўзшакл икки ва ундан ортиқ алломорфларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган, гапда муайян бир позицияда келиб, бошқа сўз шакл билан муносабатга киришувчи функционал бутунликдир. Бу тил сатҳлари ўртасидаги мавжуд бўлган поғонали муносабатни ҳам ва бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар ўртасидаги муносабатни ҳам ўзида мужассамлайди.

Сўзшакл бутунлик, қурилма саналади. Уни қуйидагича ифодалаш мумкин: лексик морфема + грамматик морфема ( $M_n + M_r$ ). Сўзшакл тил эгалари онгида тайёр блоklar ҳолида мавжуд бўлади. Сўзшакл қурилма экан, унинг қурилиш бирликлари морфемалар ҳисобланади. Демак, морфема сўзшакл таркибида алломорф ҳолида функциялашади. Сўзшакл эса, ўз навбатида, морфема вариантларининг ўзаро синтагматик муносабатидан ташкил топади.

Морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган бутунлик сўзшакл саналади. Сўзшакл морфемик сатҳдан бир даража юқори бўлган морфологик сатҳнинг бирлигидир. Сўзшаклнинг қурилиш материали морфема ҳисобланади.

Борлиқдаги нарсалар табиий сифат ва моҳият бирлигидир. Ҳар қандай зот (субстанция) муайян белгиларга (акциденцияларга) эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, отларни ниманинг номини ифодалашига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1. Нарса-ҳодиса отлари (субстанционал отлар). 2. Белги-хусусият отлари (акцидент отлар). Белги-хусусият отлари қандай белги ифодалашига кўра яна иккига ажратилади: 1. Белги отлари (сифат, равиш ҳам). 2. Миқдор отлари (сон).

Юқоридаги тасниф сўз шакллариининг аташ маъноларига асосланилади. Шу билан бирга, морфологик хусусиятлари ҳам эътиборга олинади.



Нарса ва ҳодисаларни номлаш нуктаи назаридан исмлар икки даражага бўлинади:

1. Бирламчи номлар (наrsa отлари, белги отлари, микдор отлари) ва феъллар (феъл ҳам номлаш нуктаи назаридан ҳаракат ва ҳолатнинг номидир).

2. Иккиламчи номлар. Иккиламчи номларга атоқли отлар (антропоним, топоним, гидроним, ороним ва ҳ.к.) ва олмошлар киради. Бу икки туркум борлиқдаги наrsa ва ҳодисаларни бевосита номламайди. Олдин номланган нарсаларни бир-биридан ажратади ёки уларга ишора қилади. Бу жиҳатдан атоқли отлар ва олмошлар аташ маъносига эга бўлмаган “ичи бўш” сўзлар сифатида ўзаро умумийликни ҳосил қилади. Лекин атоқли отлар фақат наrsa отларини бир-биридан ажратиш учун қўлланилса, олмошлар барча сўз шакллари ўрнида алмашилиб келиб, уларга ишора қилиш ҳамда оғзаки ва ёзма матн таркибидаги матн қисмларини боғлаш вазифасини бажаради.

Бундан кўришиб турибдики, белги оти туркий тилларда синкретик хусусиятга эга. У белгини аташ нуктаи назаридан ҳам, морфологик белгиси нуктаи назаридан ҳам бир хил хусусиятга эга.

### Синтактик сатҳ Гап ва унинг белгилари

Синтаксиснинг асосий бирлиги гапдир. Гап фикрни шакллантириш, ифодалаш ва баён қилишнинг асосий воситаси, муайян тилнинг қонун-қоидалари асосида шаклланган синтактик бирлигидир. Гапнинг асосий функционал белгиси коммуникативлик, яъни фикр ифодалаш ва баён қилиш вазифасидир. Тил кишилар ўртасида энг муҳим фикр ифодалаш воситаси экан, демак, тилнинг бу вазифасини юзага чиқарувчи асосий восита гап ҳисобланади. Сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам бу вазифани бажара олмайди. Уларнинг вазифаси наrsa ва ҳодисалар, белги, ҳаракатларни номлаш, яъни номинатив вазифадир.

Гап термини умумлашган бирлик, моҳият сифатида тил бирлигини ҳам, реаллашган бирлик, ҳодиса сифатида нутқ бирлигини ҳам ифода этади. Тил тузилишидаги ҳар бир сатҳ бирлиги тил (умумлашган бирлик) ва нутқ (аниқ бирлик) бирликларига бўлинганидек, синтактик сатҳнинг бирлиги бўлган

гап ҳам тил ва нутқ бирликларига бўлиниши керак. Рус тилшунослигида бу икки ҳодиса икки хил термин билан номланади: тил бирлиги учун «модель», «структур схема» ёки «гап» (предложение), нутқ бирлиги, учун «жумла» (высказывание). Гап сатҳида тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш учун «гап» ёки «гап модели» (тил бирлиги) ва «жумла» (нутқ бирлиги) терминларидан фойдаланиш ўринли.

Гап модели аниқ саналиш ва тасвирланиш хусусиятига эга (ёпиқ рўйхатни ташкил қилади), жумланинг эса жуда кенг намоён бўлиш имконияти мавжуд. Гап модели аниқ жумлалар гавдаланиши, жумла эса шу гап моделининг нутқда турлича намоён бўлишидир. Гап модели яшаш шаклига кўра ижтимоий, жумла эса хусусий белгига эга.

А.Фитрат эса ўтган асрнинг бошларидаёқ гапда муайян элементларнинг ўзаро боғланиши тўғрисида, гап ҳақида асосли фикрларни баён қилган эди.

Гап қисмлари сўздан иборат бўлиб, сўзда гап мазмунининг маълум бир қисми акс этади. Шунини айтиш зарурки, гап доирасига киргунга қадар мустақил бўлган сўз нутқда (гапда) ҳар доим ҳам мустақил бирлик сифатидаги мавқеини оқлаши шарт эмас.

В.М.Солнцевнинг кўрсатишича, ҳар қандай тилда гап систем-структур қараш нуқтаи назардан системадир.<sup>1</sup>

Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай гапда табиий равишда предикативлик ва уни ифодаловчи шакллар мавжуд бўлади. Ана шу кўрсаткич (шакл)лар ёрдамида ифодаланган предикативлик ҳам система саналади ва маълум элементлар йиғиндисидан ташкил топади.

Гап бошқа синтактик бирликлардан предикативлик белгиси орқали фарқланади. Гапни коммуникатив бирлик сифатида шакллантирувчи восита предикативликдир. Масалан: *Ўрик гуллади* ва *ўриқнинг гуллаши* қурилмаларининг ахборот ҳажми бир хил. Улар фақат шу объектив мазмунни қандай ифодалаши жиҳатдан фарқ қилади, биринчисида предикативлик бор, иккинчисида йўқ.

Предикативлик гапнинг грамматик маъноси. У гапнинг шакллар системасидаги қисмларга ажралмайдиган грамматик маънодир (Н.Ю.Шведова).

<sup>1</sup> Солнцев В.М. Грамматическая структура актуального членения предложения (вместо предисловия). -Сб: "Восточное языковедение. Грамматическое и актуальное членение предложения". -М., -1984. -С. 7.

Предикативлик шахс (сон), замон, майл, тасдиқ-инкор маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шакллар йиғиндисидан ташкил топади. Демак, шундай грамматик маънога ва уни ифодаловчи шакллар системасига эга бўлган ҳар қандай энг кичик синтактик бирлик гап ҳисобланади.

Предикативликнинг шаклланиши хилма-хил:

1) ҳар бир предикатив маъно компоненти (тасдиқ-инкорлик, шахс, замон, модаллик) алоҳида-алоҳида шакллар орқали ифодаланади. Масалан: *ёз+ма+са (й) +ди+нг+из* қурилмасига бешта предикатив маъно компоненти бешта грамматик шакл орқали ифодаланган –*ма* (инкорлик), –*са* (модаллик), –*ди* (замон), –*нг* (шахс), –*из* (сон).

2) бир формант ёрдамида синтезлашган ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан: *ёз+ай* (тасдиқ, аниқлик майли, келаси замон, II шахс), *талабаман* (тасдиқ, аниқлик майли, ҳозирги замон, II шахс) ва б.

3) нолш шаклга эга бўлиб, у парадигма ичида бошқа парадигма аъзоларининг шаклига қиёсан белгиланади. Масалан: *ёз+ай*, –*ёз*, *ёз+син*. Парадигманинг иккинчи аъзоси *ёз* нинг иккинчи шахс, буйруқ майли (модаллик), келаси замон, тасдиқ грамматик маъноларининг ноль шакл орқали ифодаланганлиги *ёз+ай* ва *ёз+син* бирикмаларига қиёсан белгиланади;

4) ноль шаклга эга бўлиб, у нутқ вазияти орқали белгиланади. Масалан: *Баҳор*. Бу сўз ўзининг шакл парадигмасида бош шакл сифатида номинатив бирлик, гап эмас. Парадигмадан ташқарида предметнинг умумлашган номини аташ йўли билан шахс, сон, замон, тасдиқ (мавжудлик) маъноларининг ифодаланиши уни гапга айлантиради.

Хуллас, предикативлик гапнинг асосий грамматик категорияси бўлиб, у тасдиқ, инкор, модаллик (майл), замон, шахс, сон категориялари синтездан иборат.

Ҳозирги синтактик назарияларда гапнинг бошқа тил бирликларидан асосий фарқи, яъни гапни гап қилиб турган асосий белги предикативлик эканлиги тан олинса ҳам, лекин предикативлик ҳодисасига ёндашув бир хил эмас. Бу ҳодисанинг моҳиятига, унинг тузилишига нисбатан икки хил қараш мавжуд. Биринчи нуктаи назардан, гапнинг бош бўлаклари – эга ва кесим ўртасидаги муносабат предикативлик (предикатив муносабат) ҳисобланади. Предикативликка бундай қараш тилшунослик

тарихида вужудга келди ҳамда мантикий оқим сифатида номланди. Мантикий оқимнинг қарашларига кўра, ҳар бир гап маълум бир ҳукми ифодалайди. Предикация фақат ҳукм асосинигина эмас, балки гап асосини ҳам ташкил қилади.

Анъанавий мантик ҳукмнинг атрибутив характеридан келиб чиқади. Бунга кўра, ҳукм тузилиши доимо субъект ва предикатдан ташкил топади. Предикат субъектнинг белгисини билдиради. Шунга мувофиқ, ҳукм элементлари – субъект (предикат ҳақидаги тушунча) ва предикат (белги ҳақидаги тушунча)га аналогия йўли билан грамматик эга ва кесим гапнинг асоси деб қаралди. Эга ва кесимдан бири иштирок этмаган гаплар гап доирасига киритилмади.

Предикативликка мантикий нуктаи назардан ёндашишга машҳур рус тилшуноси В.В.Виноградов биринчи марта чек қўйди. У предикативликни фақат гап бўлаклари ўртасидаги предикатив алоқа билан боғлиқ эмаслигини, бу ҳодиса айрим бўлақларга бўлинмай, бутун бир гапга хос эканлигини кўрсатади. *Жим! Иссиқ.* типидagi синтактик қурилмаларда ҳам предикативлик мавжудлигини, бундай гапларда у модаллик, замон ва шахс синтактик категориялари орқали ифодаланишини кўрсатади. Н.Й.Шведова предикативлик ҳар бир гапда мавжуд бўлишини ва у гапнинг грамматик маъноси эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, предикативликка мантикий нуктаи назардан ёндашишдан грамматик нуктаи назардан ёндашишга ўтилди, яъни предикативликка иккинчи нуктаи назар вужудга келди. Буни қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин: *Қуёш чиқди* гапида биринчи (анъанавий) қараш нуктаи назаридан предикативлик сўз шаклининг (қуёш ва чиқди) ўзаро муносабатидан иборат. Иккинчи нуктаи назарга кўра эса у икки сўз шаклининг ўзаро муносабатидан эмас, балки юқоридаги гап таркибида иштирок этган грамматик категориялар: аниқлик майли, ўтган замон, ИИИ шахс грамматик шакллари орқали ифодаланган.

Бунга мувофиқ, предикативлик маъноси ва шакллари кесимда мавжуд бўлади, шунинг учун кесим гапнинг мазмуний ва шаклий тузилиш маркази саналади.

## Гап бўлаклари иерархияси

Гап бўлаклари концепцияси ҳеч қачон бир хил бўлган эмас. Бу масалага турлича қарашлар турли даврларда эмас, балки бир даврнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган.

Атрибутив логика таъсиридаги тилшунослар эга ва кесимни бош бўлақлар (гапнинг икки чўққили назарияси), қолган бўлақларни иккинчи даражали бўлақлар деб ҳисоблайдилар. Бунда қуйидаги асосга таянадилар. Биринчидан, бу концепцияга кўра, ҳар бир гапдан маълум ҳукм англашилади. Ҳукм доимо икки элементнинг (субъект ва предикатнинг) муносабатидан иборат. Демак, ҳар қандай гапнинг структур асоси, конститутив бирликлари субъектга мос келадиган эга, предикатга мос келадиган кесимлардир. Қолган гап бўлаклари шу икки конститутив birlikдан бирига боғланиб, информация ҳажмини кенгайтиради. Эга ва кесим муносабатида эса эга кесимга нисбатан ҳокимдир.

Иккинчидан, предикативлик, бу концепцияга кўра, предикатнинг субъект билан муносабати, грамматик планда эса кесимнинг эга билан муносабатидир. Гапнинг асосий белгиси предикативлик экан, предикатив асос бўлган эга ва кесим гапнинг конститутив birlikлари (бош бўлақлар) бўлади.

Аристотель логикаси асосида майдонга келган анъанавий тилшуносликда ҳар қандай гап таркибида эга-кесим муносабати ётади, эга - кесим ифодалаган белгининг ташувчиси, кесим эса эганинг белгисини билдирувчи бўлак деб ҳисобланади. Бу йўналиш тарафдорлари эга ва кесимдан бошқа бўлақларни иккинчи даражали бўлақлар сифатида белгилайдилар ва бош бўлақлардан бирига боғланиб, гапдан ифодаланган мазмунни кенгайтириб келишларини таъкидлайдилар. Ушбу ёндашув иккинчи даражали бўлақларнинг гапдаги мавқеи бир хил эмаслигини, шу билан бирга, ҳар қайси бўлак ўз ичида майда бўлақлардан ташкил топган нисбий бутунлик бўлиши мумкинлигини тушунтириб бера олмайди.

XIX асрнинг ярмидан бошлаб вужудга келган муносабат логикасига кўра, ҳукм асосида фақат предикат туради. Муносабат логикаси таъсирида тилшуносликда гапнинг бир чўққили назарияси вужудга келди. Бунга кўра, гапнинг конститутив элементи предикат, қолганлари шу предикат валентликларини реаллаштирувчи, грамматик жиҳатдан унга тобе бўлган бўлақлар –

аргументлар ёки актантлар ҳисобланади. Эга ҳам предикат актанти сифатида даража жиҳатдан тўлдирувчилар қаторида туради.

Гапни бўлақларга ажратишда қайси асосга таяниш жуда муҳим ўрин тутади? Шу кунга қадар тилшуносликда гап бўлақларини белгилашда бош мезон синтактик бирликларнинг тобе алоқаси саналади. Тобе алоқага киришмаган синтактик бирликлар гап бўлақлари рубрикасидан четда қолади, бу эса бутунни бўлақларга ажратиш тамойилига зиддир.

Гап бўлақларининг гапдаги мавқеига кўра даражаланишида ҳам тилшуносликда бир хил фикр мавжуд эмас. Муносабат логикасига асосланган тилшуносликда ҳар қандай гапнинг мазмуний ва грамматик асоси кесим ҳисобланади. Ана шу иккинчи назария бўйича гап таркибидаги ҳар қандай бўлақ ўз ичида майда бўлақлардан ташкил топиши мумкин бўлган бутунлик бўлиши мумкин. Гап бўлақлари муайян синтактик позицияда бўлиб, таянч нукта ҳисобланувчи кесимга (предикатга) боғланади. Улар кесимнинг «бўш ўринлари»ни тўлдириб, унга нисбатан маълум вазият (позиция)да келади.

Кесимнинг «бўш ўрин»ларини тўлдириб, маълум синтактик вазиятда келувчи эга, ҳол, тўлдирувчи позициясидаги синтактик бирликлар моддий жиҳатдан бир морфологик шакл ёки бир неча морфологик шакллардан ташкил топади.

Гап таркибида иштирок этган сўз шакллари ўзаро муносабатда бўлади. Ана шу муносабат синтактик таҳлилга позиция тушунчасини олиб кириш имконини беради. Позицияни бундай тушуниш муайян нутк занжирида бир аъзонинг позицияси бошқасига нисбатан белгиланмаслигини, позицияга кўра мустақиллигини тақозо этади. Ана шу аъзо гап тузилишининг маркази, муносабатлар занжирини келтириб чиқаришнинг таянч нуктаси ҳисобланади.

Тилшунослик тарихида бир чўққили назариянинг юзага келиши билан ана шундай марказ ролини кесим ўйнаши ҳақидаги фикр кенг тарқалди.

### Гапда шакл ва мазмун

Маълумки, ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат бўлган бир бутунликдир. Гапнинг бу икки томони бутунлик таркибида ўзаро алоқада бўлиб, улар бутунлик элементлари

сифатида ўзларининг алоҳида хусусиятларига эга. Ҳар иккиси ҳам бутунлик сифатида алоҳида элементлардан тузилган ва гапда улар ўзаро муносабатга киришади. Гапнинг синтактик структураси унда ифодаланган объектив мазмунни ифодалаётган моддий воситалар, яъни синтактик шакллардан иборатдир. Синтактик структура ҳам бутунлик сифатида ўзаро муносабатда бўлган бир неча элементлардан ташкил топади. Бу унсурлар (элементлар) анъанавий тилшуносликда гап бўлаклари атамаси билан номланади. Бироқ синтактик структура (тузилиш) таркибидаги барча синтактик шакллар гап бўлаклари таркибига киритилмайди. Анъанавий тилшуносликда синтактик шаклнинг тобе алоқага киришиши унинг гап бўлаги ҳисобланишининг бош мезони саналади.<sup>1</sup>

Гап бўлаklarини шаклий синтагматик муносабатдаги вазиятига қараб белгилаш бутунни бўлақларга бўлиш асосига зид келади, чунки гап таркибига кирган ундаш ва кириш муносабатлари орқали ифодаланган бирликлар, синтактик структура бирлиги сифатида қаралмайди.

Анъанавий тилшуносликда синтактик бутунлик бўлган гапнинг фақат шаклий тузилиши ўрганилиб, мазмуний аспекти эътибордан четда қолди.<sup>2</sup>

Гап семантикасини тадқиқ этиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланди.<sup>3</sup>

Гапнинг семантик тузилиши уч узвдан иборат бўлади:

- пропозитив;
- модал;
- коммуникатив.

Тил бирлиги сифатидаги гап семантикаси, асосан, пропозитив ва объектив модалликдан иборат бўлиб, нутқ бирлиги сифатидаги гапда эса бу иккисидан ташқари коммуникативлик ва субъектив модаллик қўшилади.

Н.Й.Шведова гапнинг мазмуний тузилиши сифатида типиклаштирилган маъно элементларининг мавҳумлашган ҳолда тил системасида акс этган мазмунини тушунади. У гап мазмунини экстралингвистик омилларсиз, соф тил материалларига таянган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилади.

<sup>1</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 59-бет.

<sup>2</sup> Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, -1992, 26-бет.

<sup>3</sup> Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 26-бет.

О.И.Москальская бошқа йўналиш тарафдорларидан бири бўлиб, у гапнинг номинатив минимуми элементларининг лексик маъноларига асосланади. Бунда гапнинг мазмуний тузилиши тузилиш схемалари чегарасидан ташқарида ажратилади.<sup>1</sup>

Л.А.Новиков муайян лексик-семантик категория доирасидаги семасиологик ва ономасиологик ёндашувни ҳисобга олади ва семасиологик ёндашувнинг аҳамияти етакчилигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Семасиологик аспект денотатив ёки номинатив аспект деб юритилади. Бу аспекти ифодалаш учун тилшуносликка мантик ва фалсафий тадқиқотлар таъсирида кириб келган пропозиция атамасидан фойдаланилади.

Пропозиция атамаси сифатида гапнинг субъектив мазмуни ва гапнинг шаклий тузилиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган бошқа маъноларидан фарқланувчи объектив мазмун тушунилади<sup>3</sup>.

Пропозиция тушунчаси мантикий ва семантик тушунча бўлиб, дастлаб тилшунослар уни ҳукмнинг ифодаланиш шакли сифатида қабул қилганлар. Пропозиция семантик тушунча тарзида инсон онгида акс этган борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ўртасидаги муносабат, борлиқнинг муайян вазиятидир. Предикат эса пропозиция билан узвий бирликда бўлиб, уни юзага чиқарувчи воситадир. Шу жиҳатдан, ҳар қандай пропозиция муайян синтактик бирликлар орқали ифодаланади ва ҳар қандай гапнинг асосини пропозиция ташкил қилади.

Гапнинг пропозитив тузилишини предикат ва унинг аргументлари шакллантиради. Аргументлар предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириб келади. Предикат ва унинг аргументлари муносабати синтактик моделларни вужудга келтиради. Синтактик моделлар маълум синтактик маъно асосида маълум синтактик майдонни ҳосил қилади<sup>4</sup>.

Пропозиция объектив борлиқнинг маълум бир нутқ вазияти билан боғлиқ парчаси, элементи бўлиб, гап семантикасида муҳим ўрин тутади.

Классик мантиқда пропозиция ёки мантикий ҳукм дейилганда, борлиқнинг маълум предикатлари хусусида тасдиқ ёки инкор шаклида муайян хабар берувчи фикр ифодаси тушунилган. Бугунги

<sup>1</sup> Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, -1992, 27-бет.

<sup>2</sup> Новиков Л.А. Семантика русского языка. М.: ВШ. -1982, стр. 190.

<sup>3</sup> Гак Г.К. К проблеме синтаксической семантики // Инвариантные синтаксические значения и структура предложения. -М., 1969. -Б. 77-85.

<sup>4</sup> Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, -1992, 53-бет.



кунда тилшуносликда кўпчилик мутахассислар гап семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмунни пропозиция атамаси орқали ифодаляйдилар. Айрим олимлар вазият тушунчасини инсон онги асосида - рухий вазиятга нисбатан қўллайдилар, бунда гап мазмунида экстралингвистик омилларни рад этмаган ҳолда, тил ифодасини объектив борлик, вазият билан инсон онгида мавжуд бўлган объектив борлик образлари асосида боғланишига асосладилар. Мазмуний структура билан иш кўрувчи барча олимлар гапнинг мазмуний структураси ўзи ифодалаган объектив реаллик структураси билан бир хилдир деб ҳисоблайдилар.<sup>1</sup>

В.Г.Гак ички структурани вазият билан бир хил бўлган лексик-синтактик тузилишидир деб ҳисоблайди ва ички структура предикат билан қуйидаги актантларни ўз ичига олишини кўрсатади: 1) субъект; 2) объект; 3) адресат; 4) инициатор, курул, сабаб (у жараёни юзага чиқариш учун ёрдам берувчи ёки тўскинлик қилувчи субстанция); 5) фазовий конкретлаштирувчи (харакатнинг юзага чиқиши ёки тугаш ўрни) қисм (субъект ёки субъектни ташкил қилган субстанция).

Ўзаро муносабатда бўлган предмет, ходиса, хусусият, ҳаракат ва ҳ.к. бирлигидан ташкил топган объектив борлиқнинг алоҳида элементлар ансамбли эса гапнинг денотати ҳисобланади. Гап денотати бўлган алоҳида элементлар ансамбли кўпчилик адабиётларда вазият (ситуация) атамаси билан номланади. Ҳар қандай вазият турли элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бир бутунлик - системадир. Аънамага кўра, гап ҳукмнинг сўзлар воситасида ифодаланиши деб қаралади. Шунга кўра, синтаксис мантикий категориялар асосида ўрганилади. Гапга тил-нутк дихотомияси асосида ёндашадиган бўлсак, тил бирлиги сифатида гапнинг структур схемаси, қолип тушунилади. Бу қолип конкрет вазият билан боғланган ва реал талаффуз қилинган жумлалар (нуткий гаплар)нинг иккинчи даражали белгиларини соқит қилиш орқали ҳосил қилинади.

Демак, тил бирлиги сифатидаги гапнинг шакли деганда, предикативликни ифодаловчи минимал бирлик, яъни предикатив шаклдаги предикат, унинг мазмуни деганда эса предикативликнинг мазмуний узвлари: темпораллик (замон маъноси), персоналлик (шахс маъноси) кабилар тушунилади.

<sup>1</sup> Раскопов И. П. О так называемое семантической структуре предложения. - В. 1. 1981. №4. - С. 26; Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. - М.: ВШ, 1990.

## ТИЛШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ

### Билиш усуллари ва тилшунослик методлари

Ҳар қандай фан асосида кишиларнинг олами бевосита кузатиши ётади. Инсон ўзини қуршаб турган олам узларини сезги органлари ёрдамида ҳис қилади, бошқаларига солиштиради, фарқли ва ўхшаш белгиларини аниқлайди, сўнгра муайян хулосага келади. Демак, ҳар бир фан инсонларнинг олами кузатиши, билиши жараёнида, унинг натижасида пайдо бўлади.

Фаннинг асоси бўлган билиш узоқ вақтлардан буён мутафаккирларни қизиқтириб келади. Жумладан, бизнинг бобокалонларимиз ҳам бу соҳада ўзларининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Дунё алломалари ичида иккинчи муаллим номи билан машҳур бўлган Форобий билишнинг икки даражасини ажратади. Хусусан, у “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» («Ихсо алулум») асарида илмнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни баён қилади: Оламда субстанция (жавҳар) ва акциденция (ораз) ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи Марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир”.

Форобийнинг тилга олган жавҳар ва ораз ҳақидаги бу фикри билиш назариясида асосли қараш эди. Чунки бизни қуршаб турган олам ва унинг унсурлари жавҳар ва оразларнинг ўзаро диалектик муносабатидан ташкил топгандир.

Форобий тилга олган жавҳар ва ораз тушунчалари остида нима ётади? Ҳар қандай нарса дастлаб бизнинг сезги органларимизга таъсир қилади. Ана шу сезги органларимиз ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган белгилар ораз саналади. Ораз Аристотель фалсафасидаги акциденцияни билдиради.

Форобийнинг тушунтиришича, оразни беш сезги органлари ёрдамида ҳис етамыз. Хусусан, ранг кўриш сезги органи орқали; овоз эшитиш органи орқали; маза-таъм – маза сезги органи орқали; предметларнинг ҳолати: совуқ-иссиқлиги, қаттиқ-юмшоқлиги тана сезгиси орқали, хид ҳидлаш органи орқали ҳис этилади.

Бу сезги органлари инсондан ташқари ҳайвонларда ҳам мавжуддир. Демак, юқоридаги сезги органлари барча жонзотларга

хос. Улар орқали ҳар қандай жонзот ўзини қуршаб турган оламни амалий билади, унга мослашади.

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси И.Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодалайдиган умумий хулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламидаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «нарса ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «нарса ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «нарса ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.

Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асосини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фаолиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда, табиат ҳолида ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий тараққиёт босқичи «абсолют рух», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегель тарихий жараённинг диалектик характерини тадқиқ қилар экан, тил тараққиётига алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди, чунки тил унинг ташқи ифодаси саналади.

Инсоннинг сезги органлари ёрдамида ҳосил бўлган билими ҳиссий ёки амалий билиш саналади. Булардан ташқари, инсон хаёл суриш, нутқ ёрдамида ҳам билимга эга бўлиши мумкин. Билишнинг бу йўли қувваи нотика ва қувваи мутаҳаййила дейилади. Нотика қуввати бошқа барча қувватларнинг (сезгиларнинг) етакчисидир.

Ҳиссий билим билиш жараёнининг марказий нуқтаси саналса ҳам, лекин у кўпинча алдаб қўйиши мумкин. Масалан, Куёш Ер атрофида айланаётгандай кўринади, аслида эса аксинча.

Шунинг учун бизнинг аجدодларимиз ҳиссий билиш билан идрокий билишни ажратганлар. Идрокий билиш ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш, ҳиссий билимларнинг ҳосил бўлишига асос бўлган орашлар (акциденциялар) замирида яширинган моҳиятни – жавҳарни аниқлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, танада иситманинг кўтарилишини аниқлаш ҳиссий билим саналади. Лекин ҳар қандай ҳарорат ўз-ўзидан кўтарилмайди. Унинг маълум ички сабаблари бор. Ана шу сабабни аниқлаш иситмага ўхшаш, у билан боғлиқ бўлган бир қанча ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш орқали амалга оширилади ва иситма ниманинг аломати эканлиги аниқланади.

Солиштириш, қиёслаш, мантиқий умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бу билим орқали орашлар замиридаги жавҳар белгиланади. Ҳар қандай фан ана шу белгиларни келтириб чиқаради.

Бундан кўринадики, ҳиссий (фаҳмий) билим тажриба, амалиёт, бевосита кузатиш босқичи саналиб, ҳақиқий назарий (идрокий) билим амалий билимларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади ва бу билимга эга бўлиш ҳар қандай фаннинг бош мақсадидир. Билишнинг бу икки босқичи ҳозирги даврдан барча фан вакиллари томонидан эътироф қилинади. Жумладан, тилшуносликда ҳам бу икки усулга амал қилинади. Қайси усулга таянишга кўра тилшунослик амалий ва назарий тилшуносликка бўлинади.

### **Тилни ўрганиш методологияси ва методлари**

Объектни билиш жараёнида тадқиқотчи унга муайян методология ва текшириш методи асосида ёндашади. Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология ва тадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда методология ва метод таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Метод юнонча сўздан олинган бўлиб, тадқиқот усули демакдир. Методология эса “тадқиқот усули” ва логос “таълимот”

сўзларидан олинган бўлиб, фаннинг тадқиқот усуллари ҳақидаги таълимотдир.

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга.<sup>1</sup> Кўринадики, методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан муносабатдадир.

Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни умуман билиш усули ҳақидаги метод ва умумилмий методларга бўлинади. Биринчи ҳолатда методология у ёки бу фалсафий системага хос билиш методи тамойилларига мувофиқлиги сифатида тушунилса, иккинчи ҳолатда эса методология у ёки бу фан тармоғига хос тадқиқот методлари ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади.

Фан методологияси билишнинг фалсафий методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади. Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий тадқиқот методлари фалсафий ва мантикий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади.

Хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган методлар математика ёки физикада қўлланиладиган методлардан фарқ қилади. Физикада асбоблар ёрдамидаги эксперимент методи устуворлик қилса, тилшунос матн таҳлили ва уни умумлаштириш усулидан кўпроқ фойдаланади.

Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли босқичларга бўлинади.

Метод атамаси билан методика атамаси кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Лекин метод ва методика бир-биридан фарқ

<sup>1</sup> Шермухаммедова Н. Фалсафи ва фан методологияси. Тошкент, 2005, 211-бет.

қилади. Метод билиш усули бўлса, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўриқдир.

**Тавсифий метод** тилшуносликда энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса бу метод тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.

Тавсифий методнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Хусусан, тилшуносликда ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади.

Тавсифий метод маълумотлари бошқа барча методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Хусусан, структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Ёки қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради. Демак, у ҳам тавсифий метод хулосалари асосида иш кўради.

**Қиёсий-тарихий методда** ўрганилаётган объектни қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларида биридир. Қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бундай усул тилшуносликда ҳам қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ёритишда кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам қиёслаш умумилмий тафаккур жараёни сифатида лингвистик таҳлилнинг барча методларида учрайди.

Лекин лингвистик тадқиқот методикасида бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш ва тиллараро қиёслаш жиддий фарқланади. Бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш шу тилнинг турли грамматик ходисалари ва категорияларини ўз ичига олади. Масалан, сифат билан равиш қиёсланади ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари аниқланади.

Тиллараро қиёслашда турли тиллар бир-бирига таққосланади. Тиллараро қиёслаш, бир томондан, қардош тилларни, иккинчи томондан, ноқардош тилларни ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси таъсирида майдонга келди.

Тиллараро қиёслаш ўзига хос тадқиқот усуллари системасига эга. У икки хил тилшунослик методини вужудга келтирди.

Биринчиси, қардош тилларни қиёслаш, иккинчиси эса нокардош тилларни қиёслаш.

Биринчи типдаги қиёслашда қардош тиллардан биттасини бошқасига қиёслаш йўли билан уларнинг тарихий таракқиёти, улар ўртасидаги фарқланиш жараёни очиб берилади. Бундай қиёслаш **қиёсий-тарихий метод** асосида олиб борилади. Бу метод тилларнинг генетик умумийлигига асосланади.

Иккинчи типдаги қиёслаш турли системадаги тиллар асосида олиб борилади ва унинг натижасида типологик категориялар аниқланади. Бундай метод **қиёсий-чоғиштирма метод** саналади.

### Структур метод ва унинг йўналишлари

Тилшунослик тарихида структурализм XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ҳукм сурган ёш грамматикачиларнинг позитивистик қарашларига қарши майдонга чиқа бошлади. Уларнинг ёш грамматикачиларга қарши чиқишига француз “социологик мактаби” ва “немис неофилологик мактаби” қарашлари маълум даражада замин яратди. Гарчи бу мактаблар ёш грамматикачилар қарашларидан тамоман узилмаган бўлса ҳам, лекин тилни, бир томондан “социал факт”, иккинчи томондан, психологизм деб тушуниш структурализмнинг майдонга келишига тurtки бўлди.

Ҳар қандай илмий оқим каби структурализм ҳам ўз ғоявий асосларига эга. Структур тилшуносликнинг пайдо бўлишига И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр қарашлари асос бўлиб хизмат қилди.

И.А.Бодуэн де Куртенэ тилшуносликка функционаллик тамойилини олиб кирди. Унинг маъноси шуки, лингвистик воситалар нутқ жараёнида бажарадиган вазифасига қараб белгиланади. Бундай тамойил фонетика соҳасида фонема тушунчасининг туғилишига олиб келди.

У нутқий жараёндаги физиологик тавсифи билан тенг бўлмаган товуш ҳақида фикр юритди. Натижада фонема тушунчасига асос солди.

Ф.де Соссюрнинг тилшунослик олдидаги буюк хизмати шундаки, у синхрония билан диахронияни аниқ фарқлади. Шунингдек, синхрон нуктаи назар маълум бир тилнинг муайян бир

даврида мавжуд бўлган элементларнинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган системани ҳосил қилади, деган фикрга келишига имкон туғдирди. Унинг фикрича, тил қисмлари синхрон муносабатда ўрганилиши мумкин бўлган системадир.

Гарчи синхрония ва диахрония ўртасидаги муносабат, тилнинг синхрон ҳолатига хос системавийлик дастлаб Бодуэн томонидан олға ташланган бўлса ҳам, лекин Соссюр томонидан аниқ ифодасини топди ва унинг бу икки бош ғояси, яъни тилнинг синхрон таҳлили, тил системаси ҳамда тил структураси ва тил функцияси ҳақидаги ғоялар янги тилшуносликнинг шаклланишида таянч нукта бўлиб хизмат қилди.

В.Матезиус фикрига кўра, Бодуэн, Соссюр ғояларига асосланган фукционал ва структурал нуктаи назар ҳозирги кунда тилшунослик истиқболи учун пухта замин яратувчи ягона назариядир.

Ф.де Соссюрнинг тилга элементлар муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида ёндашуви, нуткий фаолиятнинг тил ва нутқ ўртасидаги ўзаро муносабатдан ташкил топган бутунлик деб эътироф этиши, тилнинг синхрон ва диахрон ҳолатини аниқлаб бериши ва унинг белгилик табиатини ёритиши структур тилшуносликнинг туғилишига замин яратди.

Шунинг учун А.А.Холодович Ф.де Соссюр китобининг тилшунослик тарихидаги аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, унинг дунёга келиши тилшунослик тарихида янги даврнинг бошланишига олиб келди, дейди.

Бундан ташқари, структур тилшуносликнинг пайдо бўлишига XX асрда табиий фанлар қўлга киритган ютуқлар ҳам сабаб бўлди. Хусусан, XX асрнинг биринчи чорагида физика фанида энг кичик заррачалар кашф этилди. Бунинг натижасида бевосита сезги аъзоларимиз таъсирига бериладиган ҳар қандай ҳодисалар ўз ичида ички таркибий қисмлардан ташкил топиши ва бу таркибий қисмларнинг ўзаро муносабати структурани ҳосил қилиши ҳақида фикр юритилди. Шундай қилиб, *структура* атамаси остида муайян бутунлик таркибида иштираётган элементлар ўртасидаги муносабатлар усули, характери, қонуни тушунила бошланди.

Агар XIX асрдаги илмий тадқиқотлар бевосита тажриба асосида фактларни кузатиш ва уларни рўйхатга олиш билан чекланган бўлса, XX асрга келиб, бу фактлар остида яшириниб



ётган моҳиятни очишга, уларнинг ички узвлари ўртасидаги муносабатларни, ўзаро таъсирини ёритишга қаратилди.

Бу даврда структура тушунчаси барча фанлар учун оммавий тушунчага айланди. Бундан тилшунослик ҳам истисно эмас. Ана шундай умумий тенденция таъсирида системавий-структур тилшунослик майдонга келди.

Барча фанларда структура атамаси кенг қўлланаётган бўлса ҳам, лекин бу атама талқинида хилма-хиллик вужудга келди. Ана шундай хилма-хиллик тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Тилшуносликда структура атамаси турли маънода талқин қилинади. Улардан кенг тарқалгани икки хилдир:

**Биринчисида** структура деб ўзаро боғланган ва шартланган муносабатда бўлган элементлардан ташкил топувчи бутунлик тушунилади. Структурага бундай ёндашув ўрганилаётган объектни уни ташкил этган элементлар ўртасидаги ички алоқа ва боғлиқликни ёритишни талаб этади.

**Иккинчи йўналишда** эса структура соф шакллар ва соф муносабатлар сифатида тушунилади. Шакл эса конкрет қўлланилишдан узилган ҳолда талқин қилинади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда структур тилшуносликнинг турли тармоқлари дунёга келди. Улар *функционал лингвистика*, *глоссематика* ва *дескриптив лингвистика* йўналишларидир.

### Глоссематика

Структур лингвистиканинг муҳим тармоғи глоссематикадир. Бу йўналиш Ф.де Соссюр концепцияси асосида, лекин унинг қарашларига бир томонлама ёндашган ҳолда майдонга келди.

Глоссематика юнонча глосса “тил” сўзидан олинган бўлиб, бу йўналиш тарафдорларининг эътироф этишига кўра, объектни ўрганишда ўта субъективизмга йўл қўйган ва шунинг учун ноилмий бўлган анъанавий тилшуносликка қарама-қарши равишда пайдо бўлди.

Глоссематиканинг асосий тамойиллари В.Брендалнинг “Структурал лингвистика”, Л.Ельмслевнинг “Тил назарияси тезислари”, “Бошқарув тушунчаси”, “Лингвистикада структур таҳлил методи”, “Тил ва нутқ” сингари бир қатор асарларида баён қилинган.

XX асрда кўзга кўринган гносеологлар позитивистик нуқтаи назарнинг кучсиз томонларини очиб ташлади. Бундай концепция ҳозирги фаннинг равнақи учун энди хизмат қилолмастлиги аниқ бўлиб қолди. Натижада барча фанларда, шунингдек, лингвистикада ҳам антипозитивистик руҳ кучайди.<sup>1</sup> Ана шундай шароитда структур тилшунослик пайдо бўлди.

Структурализм номи билан маълум бўлган янги нуқтаи назарнинг характерли белгиси, унинг фикрича, бутунлик тушунчасига таъкид беришдир.

Глоссематиканинг асосий тамойиллари унинг йирик вакили бўлган Л.Ельмслев асарларида ёрқин тарзда ўз ифодасини топган. “Бошқарув тушунчаси” асарида структурал лингвистика эндигина шаклланаётгани, ҳозирги кунда у амал қиладиган дастур ҳақида гапиришга ҳали эрта эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу тилшуносликнинг муҳим жиҳати тилга структура сифатида ёндашув эканлигини баён қилади”.<sup>1</sup>

Унинг фикрича, структура ўз ички тартибига асосланган иерархия эканлиги ва ягона таянч нуқтага эгаллиги билан характерланади. Бу иерархияни фақат дедуктив йўл билан ёритиш мумкин. Худди шундай иерархияни ўрганишга мўлжалланган дедуктив методни эса *эмпирик ёки имманент-семиологик* метод деб ҳисоблайди.

Эмпирик ёки имманент-семиологик метод белгилар функциясини лингвистик тадқиқотларнинг асосий предмети деб ҳисоблайди. Бу метод, Л.Ельмслев таъбири билан айтганда, семиологик ҳодисалар билан семиологик бўлмаган ҳодисаларни фарқламасдан, уларни аралашган ҳолда ўрганувчи ҳар қандай методдан афзалликка эга. Эмпирик метод бу *соддалик* тамойилига асосланган методдир. Структурал лингвистика тилшуносликда янги йўналиш саналиб, унинг методи бир вақтнинг ўзида *дедуктивлик* ва *эмпирик* тамойилга асосланишини баён қилади.

“Тилшунослик ва структур таҳлил методи” асарида ҳозирги тилшуносликнинг асосчиси кўп жиҳатдан Ф.де Соссюр ҳисобланиши, чунки у биринчилардан бўлиб, тилни структур ўрганишга, яъни тил бирликларини бевосита нутқ жараёнида

<sup>1</sup> Брендль В. Структуральная лингвистика. - Звеницкий В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч.П. -М., 1960. -с.40-41.

<sup>1</sup> Ельмслев Л. Понятие управления. - Звеницкий В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч.П. -М., 1960., с. 47.

қандай воқеланишидан қатъи назар, улар ўртасидаги муносабатни ўрганишга даъват этганини баён қилади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, у реал тил бирликлари товуш ёки ҳарф ва маънолар эмас, балки товуш ёки ҳарф ва маънолар ёрдамида гавдаланган *муносабат элементлари*дир, деган хулосага келади. Муҳим нарса товуш ёки ҳарфлардан иборат эмас, балки нутқ занжирида ва грамматикадаги парадигмаларда мавжуд бўлган *муносабатлар*дир. Худди ана шу муносабат тил системасини ташкил этади, ана шу ички система маълум бир тилни бошқа бир тилдан фарқлаб турувчи характерли белги саналади.

Шунинг учун муносабатлар тугунини ўрганиш лингвистиканинг бош мақсади бўлиши кераклигини, бу муносабатлар тугунининг конкрет намоён бўлиши тил учун муҳим эмаслигини баён қилади. Унинг фикрича, маълум бир қиймат турли монета, қоғоз пул, чеклар орқали намоён бўлиши мумкин. Лекин улар қандай гавдаланишидан қатъи назар қиймат ўзгармайди.

### **Функционал лингвистика. Прага структурализи**

Структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида Прага лингвистика мактаби алоҳида ўрин эгаллайди. Бу мактаб негизида 1926 йилда машҳур чех тилшуноси В.Матезиус (1882-1945) ташаббуси билан ташкил этилган Прага лингвистик тўғараги аъзоларининг қарашлари ётади. Прага лингвистик тўғарагининг назарий қарашлари 1929 йилда Прагада бўлиб ўтган славяншуносларнинг II халқаро съездида тавсия этилган “Прага лингвистик тўғараги тезислари”да баён қилинган.

Прага лингвистик мактабининг ўзига хос хусусияти **структурлик** ва **функционаллик**дадир. Бу мактаб вакиллари тилнинг структурлигига таяниш билан бирга, тил ва унинг бирликларининг вазифасига жиддий эътибор берадилар.

Прага мактаби лингвистик концепциясининг икки муҳим жиҳати мавжуд. Уларнинг ҳар иккиси Прага мактабининг лингвистикага олиб кирган янгилigi учун бир хил қимматга эга. Бу муҳим икки жиҳатнинг биринчиси **структураллик**дир. Прага лингвистлари лингвистик муаммолар қаторига структура муаммосини, яъни тилнинг структур характери ва унинг қисмлари ўртасидаги муносабат муаммосини олиб киради.

Иккинчи жихат шундан иборатки, Прага лингвистик мактаби функционалдир. “Функция” атамаси бу ўринда тобелилик (“зависимость”) маъносида эмас, балки вазифа маъносида қўлланилади.

Шундай қилиб, структурлик ва функционаллик Прага лингвистик мактабининг икки муҳим хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Прага лингвистик мактаби функционал лингвистика номи билан юритилади.

“Прага лингвистик тўғараги тезислари”да баён қилинишича, тил инсон фаолиятининг ҳосиласи бўлиши билан бирга, маълум мақсадга йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун лингвистик таҳлилга функционал нуктаи назардан ёндашмоқ лозим. Ана шу жиҳатдан тил муайян мақсадга хизмат қилувчи ифода воситалари системаси ҳисобланади.

Тезисда тилдаги ҳеч бир ҳодиса шу тил мансуб бўлган системани ҳисобга олмасдан туриб тўғри тушунилиши мумкин эмаслиги, шунинг учун тилга функционал система сифатида ёндашиш лозимлиги таъкидланади.

Юқорида кўрсатилганидек, Прага лингвистик мактаби тилни структур тушунишга таянади ва шунга мувофиқ равишда лингвистик тадқиқотнинг структур методларига таянади. Лекин структурализм тушунчасининг ўзи хилма-хил бўлганидек, тилни структур ўрганиш методлари ҳам бир-биридан фарк қилади.

Л.Ельмслев ўз қарашларида Фердинанд де Соссюрнинг тилшуносликка киритган, тўғрироғи, тилшуносликка қайтарган иккита зидланишга доимо мурожаат этади. Бу зидланишларнинг биринчиси тил ва нутқ ўртасидаги зидланиш бўлса, иккинчиси ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги зидланишдир.

В.Скаличка бу зидланишларнинг барча тилшунослар томонидан бир хил эътироф этилишини тан олади. Айни пайтда, бу зидланишларнинг талқинида Соссюрнинг ўзида қатор ноаникликлар, ноизчилик мавжудлигини таассуф билан қайд этади. Бунинг сабабини “Умумий лингвистика курси” китобини Соссюрнинг ўзи нашрга тайёрламаганлигида ва юқоридаги зидланишлар ҳақидаги қарашларнинг кейинги авлодлар томонидан бунчалик кенг таҳлил этилишини олдиндан кўролмаганлигида деб билади.

Ф.Соссюрнинг ғоялари кейинчалик структурализм деб номланувчи йўналишлар томонидан ривожлантирилди. Фонология,

яъни структурал фонетика тезда барча тилшунослар томонидан тан олинган фанга айланди.

Прага тилшунослари ўзларининг янги лингвистик назариясини яратар эканлар, бир томондан, Ф.де Соссюр қарашларига, иккинчи томондан, И.А.Бодуэн де Куртенэ қарашларига таяндилар ва уларни ривожлантирдилар.

Матезиус Прага лингвистларининг функционал ва структурал концепцияси Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр ғояларига асосланганлигини эътироф этади. Прага структуралистлари гарчи Ф.де Соссюр ва И.А.Бодуэн де Куртенэнинг ғояларига асосланган бўлсалар ҳам, лекин улар бу ғояларга ижодий ёндашдилар ва юқоридаги олимларнинг чекланган томонларини бартараф қилишга ҳаракат қилдилар.

Прага тилшунослари Ф.де Соссюрнинг синхрония ва диахрония зидланиши ҳақидаги юқоридаги фикрига эътироз билдирганлари ҳолда, улар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик йўқлигини, ўзаро узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Хусусан, “Тезислар”да Женева мактаби вакиллари баён қилганликлари каби синхрон ва диахрон метод ўртасида катта чегара йўқлигини баён қиладилар. Уларнинг фикрича, синхрон лингвистикада система элементларига функция нуктаи назаридан ёндашилса, тилда бўлган ўзгаришлар диахрон метод орқали ўрганилади. Диахрон ёндашув система ва функцияни рад этмайди, балки бу тушунчаларни эътиборга олмасдан туриб тадқиқот чала бўлишини кўрсатадилар.

Прага тилшунослари системавий, структур таҳлил диахрон ёндашув учун ҳам зарур эканлигини таъкидлайдилар. Шунга қарамасдан, кўпчилик чех тилшунослари тилнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш билан чекландилар.

Н.С.Трубецкой тил ва нутқ дихотомиясини эътироф этгани ҳолда, нутқий жараённинг бу икки аспекти ўртасида катта тафовут мавжудлигини, шунинг учун нутқий жараённинг товуш томонини турли фанлар ўрганиши лозимлигини кўрсатади.

Ана шу асосда Н.С.Трубецкой тил товушлари ва нутқ товушларини ажратади. Унинг фикрича, нутқ товушлари ҳақидаги таълимот конкрет моддий ҳодисалар билан иш кўрганлиги туфайли табиий фанларнинг текшириш методи билан ишлаш лозим бўлса, тил товушлари, аксинча, соф лингвистик метод билан иш юритади. Шунга кўра, нутқ товушлари ҳақидаги таълимотни фонетика, тил

товушлари ҳақидаги таълимотни эса **фонология** деб номланишини таъкидлайди.

Грамматика соҳасида Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомиясини В.Скаличка қўллаб-қувватлади. У грамматика атамаси остида тил доирасига мансуб бўлган барча соҳаларни (фонологиядан ташқари) тушунади. Скаличканинг фикрича, тил ўзининг структур грамматика деб юритилувчи махсус ўрганиш объектига эга. Бу билан структур грамматика нутқ билан иш кўрувчи тавсифий (дескриптив) грамматикадан фарқ қилади.

Прага мактаби вакиллари қарашларининг шаклланишига И.А.Бодуэн де Куртенэнинг тилнинг функционалиги ва уни синхрон таҳлил этишнинг муҳимлиги ҳақидаги ғоялари ҳам катта таъсир қилди. Функция тушунчасини Прага лингвистлари тилни функционал система сифатида талкин этишда ривожлантирдилар.

Бодуэн де Куртенэ ташқи ва ички лингвистикани бир-биридан ажратар экан, тилни тилдан ташқаридаги борлиқдан ажратиб ўрганишга катъий қарши чиқади. Шунинг учун у адабий тил билан халқ шевалари ўртасидаги муносабатни ўрганишга алоҳида аҳамият беради.

Прага лингвистлари Бодуэннинг бу қарашларини ривожлантирдилар. Улар ҳеч қандай тил бўшлиқда яшамаслиги, унинг тил жамоаси ўртасида мавжуд бўлишини, жамоанинг коммуникатив ва экспрессив эҳтиёжини қондириш учун яшашини таъкидлайдилар. Ана шундан келиб чиқиб, Прага тилшунослари нутқий фаолиятни икки асосий функция бажаришини кўрсатади: 1) социал *функция* (индивидлар ўртасидаги муносабат); 2) *экспрессив функция* (ҳаяжон ифодалаш, сўзловчига таъсир этиш).

Нутқий фаолиятнинг социал функцияси, ўз навбатида, яна икки гуруҳга ажратилади: 1) *ахборот функцияси*. Бунда сўзловчининг бутун эътибори маълум ахборотни узатишга қаратилади; 2) *поэтик функция*. Бунда эътибор ахборотни узатиш шаклига қаратилади, яъни нимани ифодалаш билан бирга, қандай ифодалашга асосий эътибор қаратилади.

Тилдан коммуникатив функцияда фойдаланиш жараёнида унга тилга ёндош (экстралингвистик) ҳодисалар ҳам ёрдамга келади. Бундай ҳодисалар қаторига имо-ишоралар, мимика, нутқ вазияти сингари ҳодисалар қиради.

Бундай тилни Прага тилшунослари *амалий тил* деб ҳисоблайдилар ва уни маълум нутқий вазиятдан ҳоли бўлган

системадан иборат *назарий тилга* карама-карши қўядилар. Назарий тил аниқ ва тўлиқ, кўпинча график белгилар ва символлар орқали ифодаланган бўлади. Хусусан, илмий услуб орқали намоён бўлган тил ана шундай хусусиятга эга бўлади.

Прага тилшунослари функцияга алоҳида эътибор берганликлари ҳолда, нутқий фаолиятнинг турли функциялари мавжуд эканлиги, уларнинг ҳар бирига турли функционал тиллар тўғри келиши лозимлигини таъкидлайдилар.

Тил функциялари назарияси ва у билан боғлиқ адабий тилнинг функционал фарқланиши масаласи Прага лингвистик мактаби вакилларининг илмий ва амалий фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди.

Прага тилшунослари тилнинг барча сатҳ бирликларини функционал ўрганишга алоҳида аҳамият бердилар.

### Америка структурализми

Структур тилшуносликнинг учинчи йирик тармоғи дескриптив лингвистика номи билан юритилувчи Америка структурализмидир.

Дескриптив лингвистика Ф.Боас (1808-1942), Э.Сепир (1884-1939) ва Л.Блумфилд (1887-1949)лар номи билан боғлиқдир.

В.А.Звегинцевнинг таъкидлашича, Америка структурализми тўғридан-тўғри Ф.де Соссюр таълимотидан келиб чиққан эмас. У Америка индусларининг тилини ўрганиш жараёнидаги амалий эҳтиёж замирида вужудга келди.

Машҳур лингвист ва антрополог Ф.Боас Америка индуслари тилини ўрганиш билан шуғулланар экан, барча тиллар учун умумий бўлган текшириш тамойилларидан воз кечиш, унинг ўрнига ўрганилаётган конкрет тилнинг ички хусусиятига асосий эътиборни қаратишга, дедукция асосида эмас, балки индуктив усул билан ўрганишга даъват этади.

Америка индуслари тилини ўрганиш чоғидаги ўз тажрибасига суянган ҳолда, Ф.Боас ҳинд-Европа тиллари материаллари асосида майдонга келган тадқиқ методларини бу тилларга қўллаш мутлақо мумкин эмаслигини асослашга ҳаракат қилди.

Америка индуслари тили, биринчидан, ҳинд-европа тилларидан фарқ қилувчи ўзига хос категорияларга эга. Иккинчидан, тарихий тараккиётининг олдинги даврлари ҳақида

гувоҳлик берувчи ёзма манбаларига эга эмас. Учинчидан, уларнинг дунёдаги қайси тиллар билан қариндошлиги ҳали номаълум. Бу факторлар эса, Ф.Боаснинг фикрича, Америка индуслари тилининг ташқи, формал томонига асосланган объектив текшириш методларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғдиради. Ана шундай текшириш методи сифатида дескриптив (тавсифий) метод пайдо бўлди.

Дескриптив методни тарғиб қилувчи тилшуносларнинг фикрига кўра, тилшуносликнинг бош вазифаси тилни тавсифлаш, яъни тил фактларини тушунтириш, изоҳлаш эмас, балки рўйхатга олишдан иборатдир. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, бундай тадқиқот методи дескриптив (“тавсифлаш”) метод номини олди.

Боас аъъанасини Э.Сепир ва Л.Блумфилдлар давом эттирдилар. Сепирнинг эътиборини кўпроқ тилнинг маданият билан муносабати, тил ҳодисалари билан социал жиҳатларнинг ўзаро алоқаси, тилларнинг типологик таснифи сингари масалалар тортди. Унинг қарашлари «Тил» (1921), “Тил” (1933) китоблари, “Лингвистиканинг фан сифатидаги ҳолати” (1929) мақоласи ва бошқа асарларида ўз ифодасини топган.

Э.Сепир тил ва маданият муносабати ҳақида фикр юритар экан, тил қурилиши билан маданиятнинг тўғридан-тўғри мувофиқлигини топиш мумкин эмаслиги, халқ маданияти унинг тилидаги луғат таркиби билан боғлиқ эканлигини баён қилади. Унинг тил ва маданият юзасидан олиб борган кузатишлари кейинчалик тилнинг халқ маданияти, урф-одатлари билан муносабатини ўрганувчи алоҳида лингвистик йўналиш - этнолингвистиканинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Э.Сепирнинг фикрича, инсон маълум даражада ўзи мансуб бўлган тил ҳукмронлигида яшайди, «реал борлиқ» маълум даражада шу жамиятнинг тил меъёрларида ўз тузилишини акс эттиради. Нагижада у тилнинг қайси шаклда эканлиги объектив борликнинг қандай бўлинишига олиб келади, деган ғайриилмий хулосага келади. Худди ана шу ғоя «Сепир-Уорф гипотезаси» номи билан машҳур бўлган гипотезада ҳам ўз ифодасини топди.

Бу гипотезанинг Сепир ва Уорф номи билан юритилишининг сабаби шундаки, Э,Сепир баён қилган юқоридаги ғоя Б.Уорф (1897-1941) томонидан ҳам олға сурилади.

Э.Сепир тилларнинг ўзигача бўлган типологик таснифига танқидий муносабатда бўлди. У тилларни морфологик жиҳатдан



флексив, аглютинатив, ўзакли ва ажралган тилларга бўлинишини рад этган ҳолда, ҳар бир тилнинг морфологик жиҳатдан шаклланган эканлигини таъкидлайди. Шунинг учун у ёки бу тилни қайси шаклий белгининг ривожланишига қараб тасниф этишни маъқул кўради ва тилларни турли типдаги тушунчаларни ифодалаш, грамматикада синтезлаштириш даражасига кўра тасниф этишни тавсия этади. Боас қарашларини бошқа йўналишда Блумфилд давом эттирди.

Л.Блумфилд дескриптив лингвистика системасининг бевосита яратувчиси саналади. Ю.Д.Апресяннинг таъкидлашича, Америка лингвистик мактабининг вужудга келиши Э.Сепир ва Л.Блумфилдлар номи билан боғлиқдир. Уларнинг таълимотлари асосида Америка лингвистикасининг икки тармоғи майдонга келди. Уларнинг бири Соссюр структурализмининг давомчилари бўлиб, Л.Блумфилд қарашлари, иккинчиси эса Э.Сепир қарашлари асосида шаклланди.<sup>1</sup> Л.Блумфилд таълимоти Ф.Соссюр структурализмининг бир кўриниши сифатида майдонга келди. Э.Сепир қарашлари асосида майдонга келган иккинчи тармоқ эса, Ф.Соссюр структурализмидан бирмунча четга чиқади. Чунки бу таълимотда тилнинг структур таҳлили натижалари шу тил эгалари бўлган халқнинг моддий ва маънавий маданияти структур таҳлили натижалари билан солиштирилади.

Ю.Д.Апресяннинг фикрига кўра, Л.Блумфилд маълум маънода Э.Сепирга тамоман қарама-қарши туради. Э.Сепир лингвистикасининг тили ғоят ноаниқдир. Аксинча, Блумфилднинг ундан оддийроқ гипотеза ва ғоялари ўша йилларда лингвистикада илмий аниқликнинг намунасига айланган ҳолда баён қилинди.

Л.Блумфилднинг фикрича, менталистик назария, инсон хулқининг вариативлиги моддий факторлар асосида эмас, балки ҳар бир шахсда мавжуд бўлган рухий факторлар ёрдамида тушунтирилади. Менталистик назарияга кўра, руҳ моддий объектлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун у бутунлай бошқа сабабий алоқаларга бўйсунди.

Л.Блумфилд назариясига кўра эса инсон хулқи вариативлиги, шу жумладан, нутқ вариативлиги, инсон организмнинг мураккаб системалилиги билан боғлиқдир.<sup>2</sup> Л.Блумфилд ўз олдига ягона, конструктив ва изчил қурилган тушунчалар системасини ишлаб

<sup>1</sup> Адресан Ю.Д. Иисы и методы современной структурной лингвистики. -М.,1966.с.37

<sup>2</sup> Блумфилд Л. Язык. -М.,1968.с.47.

чиқишни бош мақсад қилиб қўйди. Гарчи бу системанинг бир қатор жиҳатлари тарихийлик учун қизиқиш уйғотса ҳам, лекин, умуман, у бир бугун ҳолда ҳанузгача ўз қимматини йўқотган эмас.

Бу системанинг бир қатор тамойиллари тилшуносликнинг кейинги ривожини учун муҳим роль ўйнади. Улар қаторига қуйидаги факторларни киритиш мумкин:

1. Л.Блумфилд худди Ф.Соссюр каби “тил” атамаси остида ифодаланадиган мураккаб ҳодиса таркибида соф лингвистика объектини ажратиб олишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, лингвистика объекти бир-бирига боғланмаган алоҳида товуш ва маънолар эмас, балки “маълум товушларнинг муайян маънолар билан боғланиши” бўлиши керак. Товуш тилшуносни фақат маъно фарқлаш нуктаи назаридан қизиқтиради. Товушнинг (фонеманинг) муҳим белгиси унинг маъно фарқлашидир.

Худди шунингдек, грамматика ва лексикологияда ҳам тилшуносни сўз ва шаклнинг конкрет маъноси эмас, балки икки сўз ва шакл маъноси ўртасидаги фарқланиш факти қизиқтирмоғи лозим. Шундай қилиб, Л.Блумфилд тилшуносликка дифференциал маъно тушунчасини киритди. Унинг бу тамойили Л.Ельмслевнинг “коммутация” тамойили билан эквивалентдир.

2. Маълум товушларнинг муайян маъно билан боғланган шакллари Л.Блумфилд тил шакллари ҳисоблайди ва маъно билан боғланмаган фонемаларга қарама-қарши қўяди, фонемаларни тил шакли санамайди.

Барча тил шакллари, биринчидан, *боғлиқ* ва *эркин*, иккинчидан, *мураккаб* ва *содда* шаклларга ажратади. Унинг таъкидлашича, ҳеч қачон алоҳида қўлланилмайдиган (морфема ва сўзнинг бошқа қисмлари) шакл *боғлиқ* шакл, бошқа шакллардан алоҳида қўлланилувчи (сўз, сўз бирикмаси) шакл эса *эркин* шакл ҳисобланади. Шунингдек, бошқа тил шаклларига фонетик-семантик жиҳатдан қисман ўхшаш бўлган шакллар (сўз, сўз бирикмаси, гап) *мураккаб*, бундай ўхшашликка эга бўлмаган шакллар (морфемалар) *содда* шакл саналади. Ана шу икки тасниф асосида у ўзи томонидан ишлаб чиқилган барча лингвистик тушунчаларни аниқлашга ҳаракат қилади. Хусусан, унинг лингвистик таълимоти марказий тушунча бўлган синф ва конструкцияни белгилашга таянч нукта сифатида хизмат қилади.

3. Икки мураккаб шакл учун умумий қисм саналган тил шакли *конституент* ёки шу мураккаб шаклнинг қисми (компоненти)

саналади. Конституентлар *бевосита иштирокчилар* ва *охирги* (терминал) *иштирокчиларга* бўлинади. Охирги иштирокчи морфема саналади. Бевосита иштирокчилар тушунчаси кейинчалик формал синтактик тадқиқотларнинг ривожланишини белгилаб берди ва деярли 30 йиллар ўтгач, машина грамматикаси ва тилнинг математик моделларини ҳосил қилишда кенг қўлланилди.

4. Л.Блумфилд, шунингдек, тилшуносликка *субститут* тушунчасини олиб кирди. Унинг фикрича, маълум синфга мансуб бўлган бир шаклнинг муайян бир шароитда бошқаси билан алмашилиб келиши *субститут* саналади. Субститутлар шаклларнинг синфини ҳосил қилади.

5. Таркибидаги бевосита иштирокчиларнинг ҳеч қайсиси боғлиқ шакл бўлмаган тил шакли *синтактик конструкция* саналади. Л.Блумфилд томонидан ишлаб чиқилган лингвистик тушунчалар системаси асосан ана шулардан иборат.

Бу тушунчаларнинг бир қанчаси, хусусан, *бевосита иштирокчилар*, *субституция*, *экзоцентрик* ва *эндоцентрик конструкциялар* каби тушунчалар структур тилшуносликдан бошқа тилшунослик йўналишларида ҳам эътироф этилди.

Л.Блумфилднинг таъкидлашича, лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти жумлалар орқали ифодаланган нутқ парчасидир. Чунки нутқ парчаси, нутқий акт бихевиористик қаторнинг марказий бўғини саналади ва у нутқий фаолиятнинг *сўзловчи* – *жумла* – *тингловчи* механизмини очиб беради. Ана шу асосда тилга жамият томонидан қўлланилиши мумкин бўлган жумлалар йиғиндиси сифатида қаралади ва натижада тилнинг системавий табиати амалда назардан четда қолади.

Блумфилд таълимотида *жумла* тилшуносликнинг асосий тадқиқот объекти саналганлиги туфайли, унинг лингвистик таҳлил методикасида *морфема* грамматик шаклларнинг асосий ўлчов ва кўшилиш бирлиги сифатида эътироф этилади. Сўз эса тил бирлиги сифатида таҳлилдан четда қолдирилади. Бундай ёндашув нафақат Л.Блумфилд, балки кўпчилик дескриптивчилар учун ҳам характерлидир. Морфеманинг етакчилик роли айниқса жумлани бевосита иштирокчилар методи асосида қисмларга ажратишда аниқ ўз ифодасини топади. Чунки у бутуннинг қурилиши учун асосий элемент ҳисобланади. Гап *маълум қоидалар асосида ташкил топган морфемалар кетма-кетлиги* сифатида талқин қилинади.

Морфемалар эркин ва боғлиқ морфемаларга бўлинади. Унинг фикрича, жумла бўлиб келиш имкониятига эга бўлган шакл эркин, эркин бўлмаган шакл боғлиқ саналади. Сўзнинг қисмини ташкил этган боғлиқ шакл *формант* ҳисобланади. Морфемаларнинг ўзаро қўшилуvidан ташкил топган бутунлик *конструкция* ҳисобланади. Конструкцияларнинг қандай морфемалардан ташкил топишига кўра *морфологик* ва *синтагматик* конструкциялар турлари ва уларни ўрганадиган грамматиканинг морфология ва синтаксис бўлимлари ажратилади.

Л.Блумфилд фикрига кўра, таркибида боғлиқ морфема етакчилик қилган конструкциялар бевосита иштирокчилари эркин морфемалардан ташкил топган конструкциялардан тубдан фарк қилади. Биринчи типдаги конструкция *морфологик конструкция* саналади ва у тилшуносликнинг мустақил бўлими бўлган морфология бўлимида ўрганилади.

Л.Блумфилд тилнинг асосий бирликлари сифатида *фонема*, *морфемаларни* эътироф этади. Унинг фикрича, минимал шакл *морфема*, унинг маъноси эса *семема* саналади.

Унинг баён қилишича, морфология остида бевосита иштирокчилар сифатида боғлиқ морфемалар хизмат қиладиган конструкция тушунилади. Морфология сўз тузилиши ва унинг қисмларини ўрганади. Синтаксис эса сўз бирикмалари конструкциялари билан иш кўради.

Боғлиқ морфемалардан фойдаланиш даражасига кўра тилларни *аналитик* ва *синтетик* тилларга бўлади.

Боғлиқ морфемалар кам қўлланадиган тиллар синтетик тилларга киритилади.

Шунингдек, морфологик нуқтаи назардан тилларнинг тўрт гуруҳга бўлинишида ҳам боғлиқ морфеманинг қўлланилиш даражаси таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши таъкидланади. Масалан, хитой тили каби боғлиқ морфемадан фойдаланмайдиган тиллар *ажралган* тиллар, туркий тиллар каби боғлиқ морфема кетма-кет қўлланадиган тиллар *агглютинатив*, эскимос тили каби мазмуний муҳим қисм, масалан, фёълнинг объект валентлиги боғлиқ морфема орқали ифодаланадиган тиллар *полисинтетик* тиллар, бир неча маъно элементлари бир боғлиқ морфема орқали ифодаланган тиллар *флектив* тиллар саналади.

Бевосита иштирокчиларининг ҳеч қайси бири боғлиқ морфема бўлмаган конструкциялар *синтактик конструкция* саналади.

Л.Блумфилд эркин морфемаларни лексемага тенглаштиради. Унинг таъкидлашича, тилнинг барча морфемалар захираси шу тилнинг лексикони ҳисобланади. *ман* “одам”; *сут* “кесмоқ”, *рун* “югурмоқ”, *ред* “қизил” типдаги битта эркин морфемадан ташкил топган бирликлар *сўз-морфема* ҳисобланади.

Л.Блумфилд синтактик бирликларга ҳам худди морфологик бирликлар каби конструкция сифатида ёндашади ва унинг таркибий қисмларини *бевосита иштирокчиларга* ажратиш йўли билан таҳлил этади. Демак, конструкция таркибини ўрганиш морфологик сатҳда ҳам, синтактик сатҳда ҳам бир хил тамойилга асосланади.

Шуни таъкидлаш керакки, синтактик қурилмаларни талаффуз қилиш жараёнида тил бирликларининг синтагматик муносабатидан ташқари, бу бирликларнинг устига қўйилган устсегмент бирликлар ҳам қўшилади. Яъни матн таркибидаги гаплар бир-биридан оҳанг ва пауза билан ажралиб туради. Гап таркибидаги бўлақлар ҳам ана шундай ажралиш хусусиятига эга. Шунингдек, ҳар бир сўз ҳам ўзининг бош урғуси остида таркибидаги бўғинларни бирлаштиради ва бу бош урғу бошқа шундай бош урғуга эга бўлган сўздан ажратиб туришга хизмат қилади.

Л.Блумфилд синтактик қурилмаларнинг ана шу томонларини ўрганадиган алоҳида йўналиш бўлишини тавсия этади ва бу йўналишни *паратаксис* деб номлайди. Демак, синтаксис бир чизикда ўзаро кетма-кет боғланган сегмент бирликларни ўрганса, паратаксис сегмент бирликлар устига қўйилган ва синтактик бирликларни изохлашга ёрдам берадиган устсегмент бирликларни ўрганишини таъкидлайди.

Шунингдек, тил сатҳлари назарияси ҳам Л.Блумфилд номи билан боғлиқдир. Унинг фикрича, тилни тавсифлашни энг қуйи сатҳ бўлган фонологик сатҳдан бошлаш лозим. Унда фонемалар миқдори аниқланади ва бу фонемаларнинг қўшилиш имкониятлари белгиланади. Фонологик сатҳ тавсифлангандан сўнг юқори сатҳ - семантик сатҳга ўтилди. Бу сатҳ грамматика ва лексикани ўз ичига олади. Н.Хомский эса лингвистик назариянинг марказий масаласи “Лингвистик сатҳ назарияси” эканлигини кўрсатади.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Л.Блумфилд тилни тадқиқ этишнинг изчил системасини ишлаб чиқди. Ю.Д.Апресяннинг эътироф этишича, Л.Блумфилд ишлаб чиққан система лингвистик таҳлил техникасини мукаммаллаштиришда методологик асос ролини бажарди. Ўтган

<sup>1</sup> Хомский Н. Синтаксические структуры.-сб. Новое в лингвистике. П.1966.с.415.

асрнинг 30-йиллари охири, 50-йиллари бошларида шаклланган ва Америка структурализмининг энг обрўли тармоғи саналган дистрибутив лингвистиканинг пайдо бўлиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

### **Дескриптив лингвистиканинг таҳлил методлари. Дистрибутив таҳлил методи**

Дескриптив тилшунослик тил тузилишини ифода ва маънодан ташкил топган бутунлик, деб тушунади ва ифода тузилишини тилнинг бош компоненти, деб ҳисоблайди.<sup>2</sup> Мазмун тузилишини эса иккинчи муҳим компонент сифатида баҳолайди. Лекин мазмуний тузилишга муносабат Америка тилшунослигида бир хил эмас. Шунинг учун лингвистик маъно ва унинг лингвистик тадқиқотлардаги ўрни масаласи Америка тилшунослигининг фундаментал муаммосига айланди.

Лингвистик бирликларнинг ифода ва маъно томонини эътироф этувчилар бу икки томоннинг ўз тузилиш бирликлари мавжуд эканлигини таъкидлайдилар ва асосан ифода тузилиш бирликлари таҳлилига эътиборни қаратадилар.

Дескриптив таҳлил объекти муайян бир тилдаги алоҳида тугал жумла саналади. Жумла эса маълум шахс нутқининг икки пауза орасидаги парчаси ҳисобланади. Лекин жумла билан гапнинг бир-бирига тенг эмаслиги, жумла бир сўздан ҳам, сўз бирикмасидан ҳам, тугалланмаган гапдан ҳам ташкил топиши мумкинлиги таъкидланади.

Дескриптивчиларнинг баён қилишларига кўра, лингвистик тадқиқот маълум бир диалектдаги жумлаларни тўплашдан ва тўпланган материалларни таҳлил қилишдан иборат бўлади.

Тўпланган материал, яъни матн элементларга бўлинади ва бу элементларнинг бир-бирига нисбатан дистрибуцияси аниқланади.

Лингвистик элементлар синфи субституция экспериментал техникаси асосига қурилади. Элементларнинг бирикиш қонунлари эса бевосита иштирокчилар бўйича таҳлил қилиш асосида тикланади.

Дескриптивчиларнинг таъкидлашларича, **сегментация, субституция, дистрибутив таҳлил** тилнинг ҳар қандай аспектини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин. Бевосита иштирокчиларга

<sup>2</sup> Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959. С.33.

ажратиш асосидаги таҳлил эса фақат морфология ва синтаксис доирасида қўлланилади.

Тил тузилишини ифода ва маъно, яъни шакл ва мазмун тузилиши муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этувчи дескриптивчилар кўпроқ шаклий тузилиш бирликларини ўрганишга эътибор қаратадилар.

Г.Глисоннинг баён қилишича, тилнинг мазмуний системасини ўрганиш шаклий системани ўрганишга нисбатан бирмунча секин амалга оширилди ва кам натижага эришилди. Шу кунгача мазмуний тузилишни ўрганиш илмий асосда йўлга қўйилган деб бўлмайди. Дескриптивчиларнинг тилнинг ифода томонини ўрганишдаги хатоси шунда бўладики, мазмуний тузилиш билан шаклий тузилиш ўртасидаги алоқани тушунмади ва шаклий тузилишни ўрганаётганда мазмуний тузилишни эътиборга олмади. Афсуски, мазмуний тузилишга фақат шаклий тузилиш орқали ёндашиш мумкин.

Г.Глисон ифода планини қисмларга ажратар экан, унинг асосий элементлари сифатида *фонема* ва *морфемаларни* ажратади. Унинг фикрича, фонема бир жумлани иккинчисидан фарқлаш учун хизмат қилувчи тил ифода системасининг минимал бирлиги саналади.

Морфема ифода системасининг иккинчи асосий бирлиги саналади ва унинг таърифи анча мураккаб эканлиги таъкидлангани ҳолда, тилнинг мазмуний системаси билан боғлиқ қўлланиладиган тилнинг ифода системаси бирлиги ҳисобланади.

Дистрибутив таҳлилнинг биринчи босқичи жумлани энг кичик қисмларга ажратиш – сегментлаш ва уларни символлар билан ифодалашдан бошланади. Масалан, *китобни ўқимок* бирикмасини эркин равишда қуйидаги сегментларга ажратишимиз мумкин: *китоб-ни ў-қи-моқ*. Тадқиқотчи информантдан (талаффуз қилувчидан) бу бирикманинг талаффузини такрорлашни илтимос қилади ёки шу бирикма бошқа информант орқали талаффуз қилдирилади.

Иккинчи маротаба талаффуз қилинганда, жумла таркибидаги товушлар олдингисидан бир оз фарқлиниши мумкин. Масалан, *о* бирида чўзиқроқ, иккинчисида қисқароқ талаффуз қилиниши мумкин. Лекин информантлар ҳар икки ҳолатда талаффуз қилинган товушларни бир хил деб қабул қилади. Чунки *о* нинг чўзиқ-қисқа талаффуз қилиниши информантлар учун муҳим бўлмайди, маъно фарқламайди.

Сўнгра бу жумладан ажратилган сегментларни бошқа жумла таркибига қўйиб кўрамиз ва информант учун шундай қилиш мумкин эканлигини текшириб кўрамиз.

Ана шу асосда ҳар бир говуш у ёки бу сегментнинг вакили эканлигини аниқлаймиз. Бир говушни турли ўринларда қўллаб, уларнинг куршови белгиланади. Элементнинг куршови юқоридаги йўл билан аниқланган элементлар кўшничилигидир.

“Элементлар кўшничилиги” атамаси остида бир элементнинг бошқа элементга нисбатан эгаллаган позицияси тушунилади. Бир хил куршовда турган сегмент турли информант томонидан турлича талаффуз қилиниб, маънога таъсир этмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда улар бир сегментнинг турли вакиллари саналади. Лекин маъно ўзгаришига олиб келса, бундай сегментларни бир сегментнинг турли вакиллари деб бўлмайди. Масалан, *ток*нинг биринчи сегменти ўрнига *н* сегментини қўйсақ, тамомила янги маъноли *нок* келиб чиқади. Демак, *т* ва *н* сегментлари бошқа-бошқа сегментларнинг вакиллари саналиди.

Жумлаларни сегментлаш натижасида юзлаб кўринишларда талаффуз қилинувчи **фонлар** ажратилади. Бу сегментларнинг нисбатан чекланган микдордаги синфларга бирлаштирилиши натижасида фонемалар аниқланади. Сегментларни ана шундай гуруҳларга - синфларга бирлаштиришда элементлар **дистрибуцияси** (жойлашиш тартиби) хизмат қилади.

Элементлар дистрибуцияси атамаси остида шу элементларнинг барча куршовлари йиғиндиси тушунилади.

Дистрибутив лингвистикада икки говуш ўртасидаги уч хил муносабат ажратилади. Бундай муносабат типлари **дистрибуция моделлари** дейилади.<sup>1</sup> Демак, дистрибуция моделларининг қуйидаги турлари белгиланади:

- а) контраст дистрибуция;
- б) кўшимча дистрибуция;
- в) эркин алмашилиш дистрибуцияси.

Дистрибуция моделларининг бу турлари Н.С.Трубецкойнинг фонема ва унинг вариантларини белгилашнинг уч қондасини эслатади.

Икки элемент бир хил позицияда (куршовда) бири ўрнида иккинчиси келиб, маънони фарқлаш вазифасини бажарса, бу элементлар **контраст дистрибуция** муносабатида бўлган

<sup>1</sup> Березин Ф.М. История лингвистических учений. -М., 1975, с.257.



ҳисобланади. Масалан, *том, ном, жом* сўзларининг биринчи сегментлари *т,н,ж* бир хил позицияда келиб, маъно фарқлаш вазифасини бажариб, ўзаро контраст дистрибуция муносабатидадир.

Ўзаро контраст дистрибуция муносабатида бўлган элементлар икки моҳиятнинг вакиллари ҳисобланади.

Икки элемент бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси кела олмаса, бу элементлар ўзаро *қўшимча дистрибуция* муносабатида бўлган саналади. Масалан, *бил* сўзи таркибидаги *и* ўрнига шу қуршовда *ы* ни қўллаб бўлмайди, ёки қыл сўзи таркибидаги *ы* ўрнига шу қуршовда *и* ни қўллаб бўлмайди. Демак, *и* ва *ы* товушлари ўзаро қўшимча дистрибуция муносабатидадир. Қўшимча дистрибуция муносабатида бўлган икки сегмент бир моҳиятнинг турли вакиллари саналади. Фонологик сатҳда бир фонеманинг икки хил варианты ҳисобланади.

Икки элемент бир хил позицияда маънони ўзгартирмаган ҳолда бири ўрнида иккинчиси эркин ҳолда алмашина олса, бу икки сегмент бир-бири билан эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлади.

Масалан, *ғижда* сўзидаги портловчи *дж* товуши ўрнида сирғалувчи *ж* товушини алмаштириш мумкин, лекин бу алмашиниш сўзнинг маъносини ўзгартирмайди. Ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган икки элемент бир моҳиятнинг икки варианты ҳисобланади.

Лингвистик таҳлилнинг фонологик сатҳдаги ана шундай техникаси Харрис томонидан морфологик сатҳга ҳам олиб ўтилди. Унинг фикрича, тилнинг фонологик бирликларининг позициялари орқали тилда уларнинг қандай комбинациялари морфемани ҳосил қилишини ҳисоблаш мумкин бўлади. Морфологик бирликларни сегментларга ажратиш бошқа шундай бирликларга қиёслаш, солиштириш методи орқали амалга оширилади.

Харрис маънога мурожаат қилишдан қочиш мақсадида морфологияда мазмуний критерияни дистрибуция критерияси билан алмаштиришга ҳаракат қилади.

Морфема дистрибуцияси дейилганда, шу морфема қўлланилиши мумкин бўлган барча контекстлар йиғиндиси тушунилади.

Морфологияда ҳам худди фонологиядаги каби учта дистрибуция модели ажратилади. Икки элемент бир хил қуршовда

бири ўрнида иккинчиси алмашилиб, грамматик маънони ўзгартириб юборса, бу икки элемент ўзаро контраст дистрибуция муносабатида бўлади. Контраст дистрибуция муносабатида бўлган икки бирлик икки морфеманинг икки хил варианты - морфи ёки алломорфи саналади. Масалан, *китоб-им, китоб-инг* сўзларидаги – *им,-инг* шакллари бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси алмашилиб кела олади ва бу алмашилиш маъно ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун улар икки морфеманинг алломорфлари саналади.

Оғзаки сўзлашув нутқида *тоққа, эшикка, далага* сингари сўзлардаги иккинчи маъноли қисмларнинг ҳеч бири шу қуршовда бири ўрнида иккинчиси кела олмайди. Шунингдек, *тоққа, тоғи* сўзларининг биринчи маъноли қисмлари тоқ ва тоғ қуршовда бири ўрнида иккинчиси кела олмайди. Улар қўшимча дистрибуция муносабатидадир, шунинг учун бу шакллар бир морфеманинг турли вариантлари саналади.

*Сингли - сингиси, манбаи - манбаси* сингари сўзлардаги –*и* ва –*си* эркин алмашилиш дистрибуцияси муносабатида бўлади ва шунинг учун улар бир морфеманинг турли вариантлари ҳисобланади.

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса аён бўладики, дистрибуция таҳлили асосан сегментларнинг шаклий қуршовига, дистрибуцияга таянади. Шунингдек, дистрибутив таҳлилда таянч тушунча бўлган дистрибуциянинг ўзи аниқ изоҳини топмайди.

Ф.М.Березиннинг кўрсатишича, агар дистрибуцияни шу элемент учрайдиган барча қуршовлар йиғиндиси деб тушунадиган бўлсак, дистрибуция элемент асосида изоҳланади. Элементнинг ўзи эса дистрибуция асосида изоҳланади. Натижада “сеҳрли ҳалқа” ҳосил бўлади. Шунингдек, элементлар қуршови тушунчаси ҳам аниқ эмас. Агар уни ўрганилаётган элементнинг маълум микдордаги қуршови деб тушунадиган бўлсак, бу тушунчанинг унчалик аниқ эмаслигини сезиш қийин эмас. Унинг фикрича, у ёки бу тилнинг хусусиятини битта дистрибутив таҳлил йўли билан ўрганиш мумкин, деган умумий қараш ҳам унчалик тўғри эмас. Лекин шуни тан олиш керакки, дистрибутив таҳлил лингвистик таҳлилнинг объективлигини аниқлашга шароит яратди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Березин Ф.М. История лингвистических учений. -М.,1975,с.258.

## Бевосита иштирокчилар методи

Дискриптив лингвистика вакиллари жумлани энг кичик маъноли қисмларга ажратишда, яъни сегментларга бўлишда **бевосита иштирокчилар (БИ)** асосидаги таҳлилга ҳам таянадилар.

БИ методига мувофик, таянч нуқта **конструкция** ҳисобланади. **Конструкция** таркибидан **иштирокчилар** ва **бевосита иштирокчилар (БИ)** ажратилади.

*Конструкция* атамаси остида маъноли қисмларнинг кетма-кет муносабатидан ташкил топган бутунлик тушунилади. Иштирокчилар деб каттарок конструкция таркибига кирган сўз ёки конструкция (ёки морфема)га айтилади. Муайян конструкциянинг бевосита шаклланишида иштирок этган бир ёки бир неча иштирокчиларга бевосита иштирокчилар дейилади.

Нутқнинг ҳар бир мустақил парчаси икки қисмдан ташкил топади. Ўз навбатида, ҳар қайси қисм яна ўз ичида ана шундай қисмлардан иборат бўлади. Кўринадики, ҳар бир конструкция бинар тамойилга кўра қисмларга бўлинади ва бу бўлиниш конструкция доирасида градуаллик (даражаланиш) хусусиятига эга бўлади.

БИ таҳлилида, аввало, сўз бирикмалари ажратилади ва улар бир гап ичида бирлаштирилади. Шунинг учун БИ таҳлилини бирлаштириш, ўраш деб ҳам юритилади.

Бирлаштириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1) бир вақтнинг ўзида иккитадан ортик бўлмаган элементлар бирлаштирилади;

2) боғланмайдиган элементларни бирлаштириш мумкин эмас;

3) БИ таҳлилини қўллаш тартиби қатъий белгиланган бўлади.

БИ методига мувофик, тил грамматикаси шаклий тўғри гапларни ҳосил қилувчи (туғдирувчи) кибернетик қурилма ҳисобланади. Ҳар бир тилнинг грамматикаси белгиларнинг ёпиқ (охирги) символлар ва бу символлар занжирининг қайта кодлаштириш қоидаларидан иборат бўлади. Қайта кодлаштириш қоидаи *X-Й* шаклига эга бўлади. Бунда *X-Й* символлар занжирини ифодалайди. Бир гуруҳ символлар сўз ва морфемаларни ифодалаш учун, бошқалари эса синтактик гуруҳ ва гапларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари # шаклидаги алоҳида белги ҳам

ишлатиладики, у гапнинг бошланиши ва охирини ифодалаш учун қўлланилади.

БИ методига асосан гапларни қисмларга бўлиш сўз бирикмаларига ажратишни эслатади ва гап бўлақларига ажратишдан ҳеч қандай фарқ қилмайдигандек кўринади.

Аслида эса БИга ажратиш гапни бўлақларга ажратишдан тубдан фарқ қилади. Ф.М.Березиннинг фикрича, гап бўлақлари бўйича таҳлил аниқ жавоб беролмаган нарсаларга БИ методи йўли билан қилинган таҳлил жавоб бера олиши мумкин.

БИ методи асосан синтаксисда қўлланилади. Синтаксисда обрў-эйтибор қозонган бу метод кейинчалик морфология ва фонологиянинг айрим масалаларини ҳал этишда қисман қўлланила бошланди.

БИ методи асосидаги фонологик таҳлил Ч.Хоккетнинг “Фонология бўйича қўлланма” (1955) асарида аниқ намоён бўлди. Фонологик сатҳда ҳам БИ асосидаги таҳлил учун зарур бўлган поғонали (иерархик) муносабат кўзга ташланади.

Ч.Хоккет фонологик таҳлилнинг асосий нуқтаси деб жумлани бўғинларга ажратишни билади. Ҳар бир бўғин структурасида уч элемент мавжудлиги кўрсатилади: бўғин бошланиши, бўғин чўққиси ва бўғин охири.

Бу элементлар БИ асосида таҳлил этилади. Масалан, ўзбек тилидаги *тол* сўзининг бўғин бошланишидаги товуши биринчи БИ сифатида ажратилади. Қолган бўғиннинг чўққиси ва бўғин охири қисмлари иккинчи БИ сифатида ўзаро бирлаштирилади. Яъни *т-о-л* схемасини олади. Бўлинишнинг иккинчи босқичида бўғиннинг чўққиси ва бўғин охири қисмлари бир-бирдан ажратилади.

Тил элементларининг кетма-кетлиги ва улар ўртасидаги муносабатни ўрганишга қаратилган БИ методи структур тилшуносликнинг дастлабки даврларида анча муваффақиятга эришган ва тилшуносларнинг диққат-эйтиборини ўзига жалб этган бўлса ҳам, лекин кейинчалик лингвистик таҳлилнинг объектив ва аниқ бўлмоғи учун унда бир қатор ожиз томонлар мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолди.

Ҳар қандай киши биринчи гапнинг дарак, иккинчи ва учинчи гапнинг сўроқ гаплар эканлигини яхши билади. Лекин БИ методи бу гапларни фарқлашнинг формал ўлчовларини бермайди. Агар формал ўлчов сифатида сўз тартибини оладиган бўлсак, биринчи ва учинчи гапларни бир гуруҳга киритишимиз керак бўлади. Агар

оҳанг асосида чегаралайдиган бўлсак, иккинчи гапдаги сўрок оҳанги учинчи гапда бошқача.

Шундай қилиб, юқоридаги метод билан зидланувчи дарак ва сўрок гаплар асосида ётган инвариантни белгилаш қийин. Ёки рус тилидаги қуйидаги гаплар ташқи структурасига кўра бир парадигмани ташкил этади.

Ўзбек тилидаги қараткичли конструкцияларда ҳам ана шундай омонимлик хусусияти учраб туради. Масалан, *унинг имтиҳони* бирикмасидан икки маъно ифодаланади; 1) унинг имтиҳон олиши; 2) унинг имтиҳон топшириши. Бу *У имтиҳон олади* ва *У имтиҳон топширади* гапларининг трансформацион ўзгарувидан ташкил топган.<sup>1</sup>

Лекин БИ грамматикаси юқоридаги конструкцияларнинг кўрсатилган мазмуний фарқларини символлар орқали ифодалай олмайди. Бундан ташқари, Ф.М.Березиннинг фикрича, БИ методи актив ва пассив, тасдик ва инкор конструкциялар ўртасидаги алоқани кўрсатиш имкониятига ҳам эга эмас. Шунингдек, бу метод синтактик сатҳда энг кичик (элементар) бирлик нима, деган саволга ҳам жавоб бера олмайди.<sup>2</sup>

### Трансформация методи

Трансформация методи дастлаб дескриптив лингвистика назарийтчиларидан бири З.С.Херрис томонидан тавсия қилинган эди.<sup>1</sup> Унинг фикрига кўра, трансформацион таҳлил (ТТ) БИ методи дуч келган мураккабликларнинг бир қанча қисмини бартараф қилишга ёрдам беради. ТТ кўп жиҳатдан тил тузилиш таҳлилининг алгебраик методини намоён қилади.<sup>2</sup>

З.С.Херрис томонидан тавсия этилган ТМ унинг шогирди Н.Хомский томонидан ривожлантирилди.<sup>3</sup>

Л.С.Бархударов трансформацион лингвистика (ТЛ)ни ҳам ўз ичига олган генератив лингвистикани (ГЛ) структур лингвистикадан фарқлаган ҳолда, уни тилшуносликнинг структур лингвистикадан кейинги босқич деб ҳисоблайди.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Бурунов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари кибсий грамматикаси. - Тошкент, 1973, 42-бет.

<sup>2</sup> Березин Ф.М. О'ша асар, с.261.

<sup>3</sup> Херрис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре. -Новое в лингвистике, II, -М., 1962, с.528.

<sup>4</sup> Херрис З.С. О'ша асар, с. 529.

<sup>5</sup> Хомский Н. Синтаксические структуры. - Новое в лингвистике, II, -М., 1962, с. 412.

Бархударов Л.С. Истоки, принципы и методология порождающей грамматики. (введение). --«Проблемы порождающей грамматики и семантики», тўплами. -М., 1976, с. 5.

У тилшунослик тарихини оламни билишнинг диалектик назарияси белгилаб берган уч боскичнинг қайсисига таяниб иш кўриш белгисига кўра уч боскичга - уч грамматик назарияга бўлади: а)анъанавий, б)структур, в)генератив (туғдирувчи) лингвистика.

Л.С.Бархударов фикрига кўра, юкоридаги уч тилшунослик билишнинг уч боскичига асосланади. Диалектик фалсафа билишнинг бевосита кузатиш, анализ ва синтез боскичларини эътироф этади. Анъанавий тилшунослик билишнинг биринчи боскичига, структур тилшуносликнинг дескриптив йўналиши иккинчи боскичига, структур тилшуносликнинг глоссематика ва ТЛ йўналиши эса синтез боскичига таянади.

XX асрнинг 50-йилларида шаклланиб, ривожланиш боскичига ўтган структур тилшуносликнинг дескриптив мактаби вакиллари анъанавий тилшуносликнинг аниқ лингвистик тадқиқот тамойиллари йўқ эканлигини танқид қилган ҳолда, ўз олдларига тилни ўрганишнинг формаллаштирилган таҳлил тизимини ишлаб чиқишни мақсад қилиб кўйдилар. Ана шундай таҳлил асосида тадқиқотчи объектни ўрганишда ҳар қандай субъективликдан холи бўлган объектив хулосага келиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Лекин структур тилшуносликнинг глоссематика йўналишида субстанцияни шаклдан ажратиш шу даражага етдики, натижада шакл ўзининг субстанциясидан ажралиб қолди. Бу эса структур тилшунослик бағридан янги йўналиш – генератив лингвистиканинг ўсиб чиқишига олиб келди.

Ҳозирги кунда *эмпиризм* номи билан юритилаётган тилшунослик йўналиши Л.Блумфилд номи билан боғланса, унга кутбий зидланишда турувчи *рационализм* йўналишидаги генератив лингвистика Н.Хомский номи билан боғлиқдир. Бу икки йўналиш ўртасидаги муҳим фарқловчи белгилар эмпиризм ва рационализм, ментализм ва антиментализмдир. Л.Блумфилд маънодан холи бўлган шаклни ўрганишни тарғиб қилади. Шунинг учун унинг гоёси антименталистик характерга эга.

ТМга мувофиқ, ҳар қандай тилнинг синтактик системасини *ядро* гаплар номи билан юритилувчи энг кичик (элементар) гаплар типлари йиғиндиси сифатида гавдалантириш мумкин. *Ядро* гаплар деб содда, йиғик, дарак гап тушунилади. Феъл кесимли гап бўлса, кесими аниқ нисбатда туради. Бу энг кичик гаплар ҳар бир тилнинг синтактик системасининг асосини ташкил этади.

Ядро гаплардан турли шаклий ўзгаришлар асосида асосий маънони сақлаган ҳолда иккиламчи синтактик курилмаларнинг ҳосил қилиниши **трансформация** ҳисобланади. Бу метод гапнинг шаклий ва мазмуний тузилишларининг ўзаро муносабати заминида вужудга келади.<sup>1</sup>

ТМ гапнинг ички ва ташқи структураси ва бу структура бирликларининг ўзаро муносабатига таянади. Дескриптив лингвистикада қўлланувчи ички структура гапдан англашилган маъно тузилишини, ташқи структура эса муайян мазмуний тузилишининг шаклий, ифода томонини билдиради.

В.С.Храковский таъкидлаганидек, матн таркибидаги ҳар қандай гап (жумла) нутқий фаолиятнинг якуний ҳосиласи саналиб, мураккаб, кўп киррала хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун уни турли томондан атрофлича ўрганиш мумкин.<sup>2</sup>

Бир йўналиш доирасида нутқий жараёнда гап ҳосил қилишга оид масалалар асосий ўрганиш объекти бўлса, иккинчи йўналиш доирасида гап моделлари рўйхатини, инвентарини белгилаш билан боғлиқ соф лингвистик масалалар ўрганилади. А.В.Исаченконинг фикрига кўра, синтактик моделларнинг якуний моделларини излаш илмий синтаксиснинг бирламчи ва асосий вазифасидир. Лекин тадқиқот мақсади фақат гап моделларининг статистик тавсифи билангина чекланиб қолмаслиги лозим. Системавий синтаксис учун синхрониядаги у ёки бу синтактик моделлар ўртасидаги ўзаро муносабатни ёритиш, статистик тавсифни динамик тавсиф билан тўлдириш зарур бўлади.

Трансформацион таҳлил ана шундай заруриятни қоплаш вазифасини бажаради. ТМ учун ядро гап, **трансформация** қондаси ва ҳосила гап тушунчалари муҳим саналади.

Ядро гап, яъни трансформация учун асос бўлган гап *операнд*, ҳосила гап *трансформ* ёки *трансформанд*, операнддан трансформандни ҳосил қилувчи восита *трансформация оператори* деб юритилади.

З.Херриснинг фикрига кўра, трансформация бир гапнинг иккинчи гап шаклига шундай ўзгаришики, унда асос гап ҳосила гап ўртасида ҳам лексемалар таркиби, ҳам маъноси нуқтаи назардан бир хиллик мавжуд бўлади. Демак, мазмуний мундарижа трансформандлар учун инвариант саналади.

<sup>1</sup> Буронов Ж. Ушга асар, 39-бет.

<sup>2</sup> Храковский В.С. Очерки по общему и арабскому синтаксису. -М., 1970, с. 5.

Операнд билан трансформанд ўртасида трансформация муносабати мавжуд бўлади. Улар иккиси ўзаро трансформация муносабати билан боғланган бўлади.

Шундай қилиб, ўзаро трансформация муносабатида бўлган гаплар бир хил лексик мақомга эга бўлиб, бир хил элементар маънолар комбинациясидан ташкил топган ҳолда, турли хил грамматик (шаклий) мақомга эга бўлади.

Трансформация **махсус трансформация** қоидалари орқали амалга оширилади. Ж.Бўронов таъкидлаганидек, трансформацион қоида асосий ва ҳосилавий моделлар ўртасидаги муносабатларни топиш усули саналади.

Трансформацион қоида *БИга ажратиш қоидасини, трансформацион моделлар яратиш қоидасини* ва *морфофонемик қоидаларни* ўз ичига олади. Трансформацион қоида битта конструкция ёки гапнинг маъносини очишда бир қанча ҳосилавий конструкция ёки гаплардан фойдалана олади.

Демак, трансформацияга асос бўлган конструкция ва трансформандлар бир умумий маъно ва барқарор лексик бирликлар занжири асосида бирлашиб, бир синтактик парадигмани ҳосил қилади ва унда ядро гап парадигманинг бош аъзоси саналади.

Кўринадики, ядро гап модели ва унинг турли ҳосилалари рўйхатининг олиниши у ёки бу тилда муайян ахборотни турлича ифодалаш имкониятларини очиб беради.

Юқорида таъкидланганидек, ядро гапнинг шаклини ўзгартириш билан унинг турли трансформандларини ҳосил қилиш маълум трансформация қоидалари асосида амалга оширилади.

Кўпчилик муаллифлар томонидан трансформациянинг тўртта қоидаси қайд этилади:

1. Ўрин алмаштириш трансформацияси ёки *пермутация* трансформацияси. Бунда ядро гап таркибидаги синтактик бирликларнинг ўрни алмаштирилади. Лекин бу қоида амалга оширилганда, синтактик бирликнинг моҳияти ўзгармаслиги керак.

2. *Субституция*, яъни ядро гап таркибидаги бир элементни ўзаро субституция муносабатида бўлган бошқа элемент билан алмаштириш.

3. *Адюнкция*, яъни ядро гап таркибига бошқа элементларни қўшиш.

4. *Эллисис*, яъни ядро гап таркибидан айрим элементларни соқит қилиш.



Дистрибутив таҳлил ва БИ методлари жумла қандай майда қисмлардан ташкил топади, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилган бўлса, ТМ бу жумла қандай гапнинг трансформацион қайта шаклланишидан ҳосил бўлган, деган саволга жавоб бериши лозим бўлди. Ф.М.Березин тўғри таъкидлаганидек, ТМнинг ожиз томони ана шунда намоён бўлади. Чунки ТТ бевосита лингвистик материалдан келиб чикмайди, балки дастлаб соф эмпирик асосга қурилади, сўнгра тил материали асосида текширилади. Бундан ташқари, ТМнинг қўлланилиш доираси ва турли тиллардаги ядро гаплар типларининг миқдори аниқ белгиланмаган.

Бундан ташқари, синтактик сатҳда трансформация билан деривация ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ очилмайди. Ядро гапнинг моҳиятини ўзгартириб юборадиган шаклий ўзгаришлар ҳам трансформация доирасида ўрганилади. Масалан, трансформация қондаси сифатида алоҳида тур қилиб *номинализация* ажратилади. Бунда ядро гап кесимидаги кесимлик шаклининг йўқотилиши трансформация воситаси ҳисобланади. Масалан, *Дарс бошланди - дарснинг бошланиши*. Бу эса трансформация олдига қўйган талабга жавоб бермайди. Чунки трансформация ядро гапнинг гаплик ҳолатини сақлаб қолиш доирасидаги турли ички грамматик ўзгаришлардир. Юқоридаги ҳолда эса ядро гап гаплик ҳолатини йўқотиб, бирикмага айланыпти.

ТМдаги ана шу чекланган томонни эътиборга олган ҳолда, В.С.Храковский синтактик трансформация билан синтактик деривацияни бир-бирдан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди.<sup>1</sup>

С.Д.Кацнельсон ҳам гаплар ўзаро фақат трансформация муносабатида эмас, балки деривация муносабатида ҳам бўлишини баён қилган эди.<sup>2</sup> Шунинг учун В.С.Храковский синтактик деривация деб ҳосила гапнинг асос гапдан грамматик мақоми ва мазмуни жиҳатидан фарқ қиладиган шаклий ўзгаришни тушунди. У деривациянинг таркибий қисмларини ҳам трансформациянинг таркибий қисмларига анология йўли билан қуйидагича белгилайди:

<sup>1</sup> Храковский В.С. О'ша асар, с. 13.

<sup>2</sup> Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принцип деривации, -сб. «Проблемы языкознания», -М., 1967.

асос гап учун *операнд*, ҳосила гап учун *дериват*, ясовчи восита учун эса *деривация оператори* атамаларини қўллайди.

Юқорида кўриб ўтилган лингвистик таҳлил методлари Америка дескриптив лингвистикасининг тилшунослик назарияси учун берган энг қимматли томонларидир. Бу методлар гарчи тилнинг қандай функционаллашуви ҳақидаги саволга жавоб бера олмаса ҳам, лекин уни тавсифлаш учун катта хизмат қилди. Бу таҳлил методларининг кўп жиҳатлари бугунги тилшуносликнинг таҳлил усули учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish.-Toshkent, 2010.
2. Ирискулов И. Тилшуносликка кириш.-Тошкент, 2009.
3. Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. -Toshkent, 2013.
4. Тилшунослик назарияси ва методологияси. Тузувчи: Х. Дадабоев. -Тошкент, 2004.
5. Xolmanova Z. Tilshunoslikka kirish.-Toshkent, 2007.
6. Абдуазизов А., Шереметова А. Общее языкознание. - Тошкент, 2004.
7. Баскаков Н. А., Содиқов А. С., Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. -Тошкент, 1979.
8. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент: Фан, 2007.
9. Гельб И.Е. Опыт изучения письма (Основы грамматики).- М., 1982.
10. История письма.-М., 1979.
11. Козлова М.С. Философия языка.- М., 1972.
12. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ.-Тошкент, 1993.
13. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. -Тошкент, 2001.
14. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. -Андижон, 2006.
15. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasiva metodlari.-Toshkent, 2010.
16. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари.-Тошкент, 2002.
17. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. - Тошкент, 2007.
18. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. Труды по общему языкознанию. - М., 1977.
19. Филин Ф.П. Очерки по теории языкознания.- М., 1982.
20. Шайкевич А.Я., Абдуазизов А.А., Гурджиева Е.А. Введение в языкознание. -Тошкент: Ўқитувчи, 1989.
21. Цитка Н.Н., Юсупова К.Н. Введение в языкознание. - Тошкент, 2006.
22. Якушин Б.В. Гипотезы о происхождении языка.-М., 1984.
23. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Тошкент, 2002.
24. Баранникова Л.И. Основы сведения о языке. М., 1982.

25. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1979.
26. Бегматов Э, Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985.
27. Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974.
28. Березин Ф.М. История лингвистических учений. М., 1975.
29. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. Тошкент, 2007.
30. Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М., 1990.
31. Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. Тошкент, 2013.
32. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. М., 1982.
33. Звегинцев В.А. Семасиология. М., 1957.
34. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. МГУ, 1973.
35. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. Тошкент, 2007.
36. Калинин А.В. Лексика русского языка. – М., 1971.
37. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990.
38. Литературная норма и вариантность. М., 1981.
39. Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание. М., 1976.
40. Лурия А.Р. Язык и сознание. – М., 1979.
41. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент, 1995.
42. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент, 2000.
43. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. Тошкент, 2005.
44. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент, 1993.
45. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995.
46. Новиков Л.А. Семантика русского языка М., 1982.
47. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. Тошкент, 2012.
48. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент, 1990.

49. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. Андижон, 2007.
50. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Тошкент, 2008.
51. Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1992.
52. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент, 2001.
53. Nurmonov A. Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalaishlari. Toshkent, 2009.
54. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент, 2002.
55. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент, 2001.
56. Расулов Р. Умумий тилшунослик. 1-қисм. Тошкент, 2005.
57. Расулов Р. Умумий тилшунослик. 2-қисм. Тошкент, 2006.
58. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент., 2002.
59. Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлению языка. М., 1983.
60. Современный русский язык. Теоретический курс. Лексикология. М., 1987.
61. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971.
62. Соссюр Ф. Курс общей лингвистике. М., 1977.
63. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М., 1975.
64. Торсуев Г.П. Константность и вариантность в фонетической системе. М. 1977.
65. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. -М., 1960.
66. Uluqov N. Tilshoslik nazariyasi (amaliy va seminar mashg'ulotlari). Toshkent, 2015.
67. Uluqov N. Tilshoslik nazariyasi. Toshkent, 2016.
68. Усмонов С. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1972.
69. Usmonova H., Iskandarova Sh. Gap bo'laklarining pozitsion strukturasi o'rganish masalalari. Namangan, 2017.
70. Филичева Н.И. Синтаксические поля. М., 1977.
71. Xolmanova Z. Tilshunoslikka kirish. Toshkent, 2007.

72. Хомский Н. Синтаксические структуры. –Новое в лингвистике. Вып.2, М., 1962.
73. Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, 2005.
74. Щерба Л. Фонетика французского языка. М. 1963.
75. Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. М., 1974.
76. Щур Г.С. О морфосемантических полях, функционально-инвариантных группах и категориях // Вопросы лингвистики. Томск., 1970.- С.3-10.
77. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981.
78. Ҳақимов М., Зокиров М., Зокирова С., Ғозиева М. Тил назарияси ва амалиёти. Фарғона, 2016.
79. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980.
80. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент, 2002.

#### **Электрон манбалар**

81. Тилшунослик назарияси. ЎУМ. ЎЗМУ, 2011. Ўзбек филологияси факультети кутубхонаси.
82. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
83. [www.genhis.philol.ru](http://www.genhis.philol.ru).
84. <http://en.wikipedia.org/wiki/Structuralism>.
85. <http://www.brocku.ca/english/courses/4F70/struct.html>.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЛ ИЛМИ ТАРИХИНИНГ АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ (XX АСР)</b>	
<b>Фонетика ва фонология</b> .....	<b>4</b>
<b>Ўзбек тили морфемикаси</b> .....	<b>7</b>
<b>Ўзбек тили лексикологияси</b> .....	<b>9</b>
<b>Ўзбек фразеологияси</b> .....	<b>13</b>
<b>Ўзбек лексикографияси</b> .....	<b>15</b>
<b>Ўзбек тили сўз ясалиши</b> .....	<b>16</b>
<b>Ўзбек тили морфологияси</b> .....	<b>20</b>
<b>Ўзбек тили синтаксиси</b> .....	<b>23</b>
<b>Ўзбек диалектологияси</b> .....	<b>30</b>
<b>Тил тарихи ва тарихий грамматика</b> .....	<b>31</b>
<b>Услубшунослик ва нутқ маданияти</b> .....	<b>34</b>
<b>ҚАДИМГИ АСРЛАРДА ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>Тилшуносликнинг майдонга келиши. Қадимги</b>	
<b>хинд тилшунослиги</b> .....	<b>36</b>
<b>Қадимги юнон ва Рим тилшунослиги</b> .....	<b>39</b>
<b>ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ</b>	
<b>Умумий рационал грамматика</b> .....	<b>46</b>
<b>Қиёсий-тарихий тилшунослик</b> .....	<b>49</b>
<b>Вильгельм фон Гумбольдт</b> .....	<b>54</b>
<b>Ёш грамматиклар мактаби</b> .....	<b>61</b>
<b>И.А.Бодуэн де Куртенэ</b> .....	<b>65</b>
<b>Ф. де Соссюр – структур тилшуносликнинг асосчиси</b> .....	<b>71</b>
<b>ТИЛ СТРУКТУРАСИ</b>	
<b>Тилнинг системавий табиати</b> .....	<b>74</b>
<b>Лингвистик белги ҳақида</b> .....	<b>76</b>
<b>Лингвистик белги тузилиши</b> .....	<b>81</b>
<b>Тил ва нутқ</b> .....	<b>83</b>
<b>Тил сатҳлари ва сатҳларга</b>	
<b>ажратиш таъмоийллари</b> .....	<b>92</b>
<b>Лингвистик бирликлар ўртасидаги</b>	
<b>муносабатлар</b> .....	<b>95</b>
<b>Зидланиш ва унинг турлари</b> .....	<b>97</b>
<b>Изоморфизм</b> .....	<b>101</b>
<b>Фонологик сатҳ. Фонология ва унинг бирлиги</b> .....	<b>103</b>
<b>Фонологик назариялар</b> .....	<b>105</b>
<b>Морфемик сатҳ. Морфема ҳақида тушунча</b> .....	<b>112</b>
<b>Морфеманинг турлари</b> .....	<b>114</b>
<b>Сўз ясалиши</b> .....	<b>116</b>
<b>Лексик сатҳ. Лексема ва сўз</b> .....	<b>120</b>

Лексик маъно ва унинг тузилиши.....	121
Лексик-семантик гуруҳ .....	129
Лингвистикада майдон назарияси .....	132
Морфологик сатх.....	137
Сўз ҳақидаги назариялар.....	140
Сўзларни туркумларга ажратиш таъмоийллари.....	141
Синтактик сатх. Гап ва унинг белгилари .....	143
Гап бўлаклари иерархияси .....	147
Гапда шакл ва мазмун.....	148
<b>ТИЛШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ</b>	
Билиш усуллари ва тилшунослик методлари .....	152
Тилни ўрганиш методологияси ва методлари.....	154
Структур метод ва унинг йўналишлари .....	157
Глоссематика .....	159
<b>Функционал лингвистика. Прага</b>	
структуралиزمи.....	161
Америка структуралиزمи .....	165
<b>Дескриптив лингвистиканинг таҳлил методлари</b>	
Дистрибутив таҳлил методи .....	172
Бевосита иштирокчилар методи .....	177
Трансформация методи .....	179
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>185</b>



## СОДЕРЖАНИЕ

<b>ПРЕДИСЛОВИЕ</b> .....	3
<b>ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ ИСТОРИИ ЯЗЫКОЗНАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (XX век)</b>	
Фонетика и фонология.....	4
Морфемика узбекского языка.....	7
Лексикология узбекского языка .....	9
Фразеология узбекского языка .....	13
Узбекская лексикография .....	15
Словообразование узбекского языка.....	16
Морфология узбекского языка.....	20
Синтаксис узбекского языка.....	23
Узбекская диалектология .....	30
История языка и историческая грамматика.....	31
Стилистика и культура речи.....	34
<b>ЯЗЫКОЗНАНИЕ ДРЕВНЕГО МИРА</b>	
История возникновения языкознания.	
Древнеиндийское языкознание.....	36
Древнегреческое и древнеримское языкознание .....	39
<b>ШКОЛЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ</b>	
Общерациональная грамматика.....	46
Сопоставительно- историческое языкознание.....	49
Вильгельм фон Гумбольдт.....	54
Школа молодых грамматиков.....	61
И.А.Бодуэн де Куртенэ .....	65
Фердинанд де Соссюр —основатель структурной лингвистики ...	71
<b>СТРУКТУРА ЯЗЫКА</b>	
Системный характер языка.....	74
О лингвистическом знаке.....	76
Структура лингвистического знака.....	81
Язык и речь.....	83
Языковые уровни и принципы разделения на уровни.....	92
Отношения между языковыми единицами .....	95
Оппозиция и ее виды .....	97
Изоморфизм.....	101
Фонологический уровень. Фонология и ее единица .....	103
Фонологические теории .....	105
Морфемный уровень. Понятие о морфеме .....	112
Виды морфем .....	114
Словообразование.....	116
Лексический уровень. Лексема и слово .....	120
Лексическое значение слова и его структура .....	121
Лексико-семантическая группа .....	129
Теория поля в лингвистике .....	132

Морфологический уровень ..	137
Теории о слове ..	140
Принципы классификации слов по частям речи.....	141
Синтаксический уровень. Предложение и его признаки.....	143
Иерархия членов предложения ..	147
Форма и содержание в предложении ..	148
<b>ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ</b>	
Методы познания и лингвистические методы.....	152
Методология и методы исследования языка ..	154
Структурный метод и его направления ..	157
Глоссематика ..	159
Функциональная лингвистика. Пражский структурализм ..	161
Американский структурализм ..	165
<b>Методы анализа дескриптивной лингвистики</b>	
Метод дистрибутивного анализа ..	172
Метод прямых участников ..	177
Метод трансформации.....	179
<b>СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ.....</b>	<b>185</b>

**Ш.Искандарова, Ш.Наралиева, Ш.Ганиева**

## **УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК**

Техник мухаррир: Р.Ахмедов

Дизайнер: С.Раҳимова

Босишга рухсат этилди: 2023 йил.

Нашриёт босма табағи – 23.

Шартли босма табағи – 11,5. Бичими 84X108 1/8.

«Poligraf Super Servis» МЧЖ

150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,

Авиасозлар кўчаси 2-А уй.